

# TAFAKKUR

ТАФАККУР 3/2023

Нашр күрсаткичи: 869/870  
Баҳоси келишилган нархда



ISSN 2010-6491



TAFAKKUR 2023

# TAFAKKUR



ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,  
МАҲНАВИЙ-МАҲРИФИЙ  
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 3/2023

# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ – Ўзбекистон Президенти



*“Бугун елкамга қандай улуғвор масъулият олаётганимни, Ватанимиз мустақиллиги, 36 миллиондан зиёд азиз халқимнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун шахсан жавобгар эканимни юрак-юрагимдан ҳис этиб турибман”.*



## VAQTDAN O'ZMOQ AZMI

- Вақт, ҳаёт бизни кутиб турмайди. Даернинг ўзи барчамизни тезкор бўлишга, керак бўлса, вақтдан ўзиб ишлашга ундамоқда.
- Биз демократия ва очиқлик сиёсатини изчил давом эттириб, конструктив мухолифат фаолиятини, сўз ва матбуот эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаймиз.
- Конунларни, одамларни менсимайдиган, уларга қўппол муносабатда бўладиган, бюрократия ва коррупция балосига берилган ҳар қандай раҳбар билан – у вазир ёки ҳоким бўладими, бошқа масъул вазифадаги амалдор бўладими... узил-кесил хайрлашамиз.
- Ҳеч шубҳасиз, биз бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт билан бирга аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз.
- Ўзини ўзгартира олган халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни ҳам, ижтимоий мухитни ҳам ўзгартира олади, ўз мурод-мақсадларига албатта етади.

Шавкат МИРЗИЁЕВНИНГ

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросимида сўзлаган нутқидан олинди.



# ТАФАККУР

## Тафаккур

ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАҲНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.



Бош мухаррир  
Эркин АЪЗАМ

*Таҳририят*

Бош мухаррир ўринбосари

Собиржон ЁКУБОВ

Бўлим мухаррилари

Султонмурод ОЛИМ

Нодира ОФОҚ

Шоҳсаман РЎЗИМАТ кизи

Бадиий мухаррир

Ольга ЖОЙДАСОВА

Мухбир-мухаррир

Насрулло ЭРГАШ

Техник мухаррир

Наргиза УСМОНОВА

*Жамоат кенгаши*

Ўзбобой АБДУРАХМОНОВ

Абдулла АЪЗАМ

Олимжон ДАВЛАТОВ

Хуршид ДАВРОН

Минҳожиддин МИРЗО

Шуҳрат РИЗО

Сирохиддин САЙЙИД

Хайриддин СУЛТОН

Абдураҳим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРШИБОЙ

Дилмурод КУРОНОВ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат маркази.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва аҳборот

агентлигига 0219-рекам билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва

маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар

жавобгариди.

Журналдан кўчирниб босилганда манба кайд этилиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 9-бино.

(55) 508-11-45

(55) 508-11-46

@ tafakkurtahririyati@mail.ru

Журнал андазаси таҳририятнинг компютер бўлимида тайёрланди.

“SmartPack Print” босмахонаси. Тошкент шаҳри, Тараккиёт кўчаси, 2-бино.

2023 йил 20 сентябрь куни босмахонага топширилди. Козғоз бичими 70x100 ¼<sub>16</sub> 8 босма табок. 3/110-буюртма. Нашр агади 5230 нусха.

### НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Басират кўзи очилса... Санъатшунос Алексей Улько  
билин сұхбат.....

4



### ЖАМИЯТНИНГ МАҶСАДИ

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ. Янги Ўзбекистон меъмори.....18

### АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Бахтиёр АЛИМЖОНОВ. Ўзанини излаётган ўзлик.....24

### ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Темур ЖҮРАЕВ. Ҳантингтон ҳақ эдими?.....32

### БОҚИЙ САРЧАШМАЛАР

Муртазо ҚАРШИБОЙ. Тилим-тилим тилинган тилим.....38

### КЎНГИЛ САЛТАНАТИ

Абдулла ШЕР. Шудрингга жо дарёлар.....48

# SAHIFALARIDA

## сахифаларидада

### НАСР ЖАВОХИРЛАРИ

- Сакё КОМАЦУ. Япония сотувга қўйилади.  
Ҳикоя.....56

### КУРАШАДИ ИККИ ТЎЛҚИН

- Оллоёр ХЎЖАНДИЙ. Юрак ойнасига боқиб.....72

### МАЪНО ВА МОҲИЯТ

- Бахтиёр МЕНГЛИЕВ. Жаноби Моҳият.....80

Сафарали ҚУРБОН



### БҮЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

- Виктор АЛИМАСОВ. Илмий инқи lob дарфаси.....86

### МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ

- Иброҳим ҲАҚҚУЛ. Ҳаққул ҳақиқатлари.....94




### ЖАВОНДАГИ ЖАВОХИР

- Сафарали ҚУРБОН. Айномами ё афвнома?.....102

### ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

- Гулчехра НАВРЎЗОВА. Ақлнинг икки асоси.....112  
Улугбек ОЧИЛОВ. Ҳам ўзига, ҳам ўзгагағаним.....113  
Нодирабегим ИБРОҲИМОВА. Мағлубият – уруш устидан ғалаба.....115  
Шаҳло НУР. Ҳар ишоратдан огоҳ.....117  
Малик РАВШАНОВ. Туркистонда саноат қандай шаклланди?.....118  
Холбой ҲАСАНОВ. Асрий сирларга шоҳид.....120  
Рухсора ТЎЛАБОЕВА. Замон ва қаҳрамон.....121  
Каромиддин ГАДОЕВ. Жаҳонгашта шоир...123  
Замирахон ИСОҚОВА. Мазҳаб ва мақсад....125  
Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни.....127

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?



## BASIRAT KO‘ZI OCHILSA...

*Санъатшунос  
Алексей УЛЬКО билан сұхбат*

– Сизни күпкірралы ижодкор деб биламиз: тиلىшунос, санъатшунос, ёзувчи, маданиятшунос, мұнаққид. Илмий ва ижодий қизиқышларингиз доираси кенг ва ранг-баранғлиги эътирофга лойиқ. Бир муддат олдин “Ўзбек тили фақат ўзбеклар учунми?” деган мақоланғиз ижтимоиي тармоқларда яхшигина баҳсу мунозара уйғотган әди. Русча сўзласангиз-да, ўзбек тилининг жамиятдаги ўрни ва истиқболи хусусида қуюниб ёзганингиздан сизга ҳурматим ортган әди ўшанда. Мақоланғизда давлат тилининг мақомини ошириш бүйича таклиф, мулоҳазаларни илгари сургансиз. Жумладан, ўзбек тилининг ҳозирги мақом-рутбасини баҳолаш учун лингвистик тадқиқотлар ўтказиш лозимлигини таъкидлагансиз. Сизнингча, бундай тадқиқотлар қай шаклда ўтказилгани маъқул?

– Аввало, камтарона изланишларимга юқори баҳо берганингиздан мамнунлигимни билдирсам. Маълумки, ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг моҳиятига етиш учун биринчи навбатда уни теран тадқиқ қилмоқ талаб этилади. Тилнинг жамиятдаги ролини белгилаш бўйича ҳам турли усувлар мавжуд. Улар тил тараққиётининг қонуниятлари ва тенденцияларини аниқлашга хизмат қиласди. Илмий маълумотлар тил бобида муҳим қарорлар қабул этишда ҳам асқатади.

Мамлакатимиз мисолида оладиган бўлсак, аҳолининг турли қатламлари орасида кенг тарқалган ўзбек, рус, тоҷик, қорақалпоқ ва бошқа тилларга доир саволларга ойдинлик киритиш лозим. Одамлар қай вазиятда қай тилдан фойдаланади? Ўзга тиллар қанчалик пухта ўзлаштирилган? Бу борада ким фаолроқ: маҳаллий халқми ёки хорижликлар? Шу тариқа тил воситалари ва нутқи услубларини танлашга таъсир этувчи турфа омилларни (ёш, жинс, маълумот, касб, минтақа ва ҳоказо) ўрганиш мумкин.

Хозир ёшларимиз ижтимоий тармоқларда фаол. Хўш, улар орасида қайси алифбо кўпроқ урфда: лотинми ё кирилл? Улар имлони текшириш учун сўзлашув ва диалектал шаклларга мурожаат қиласдими ёинки электрон луғатга? Бугун анчагина эскираёзган SMS давридаги каби ҳарф ва тимсолларни (пиктограммалар) ишлатишга эҳтиёж борми?

Кунларнинг бирида телефонимга Waxlowa исмли қиздан хабар келди. Аввалига “Хат муаллифи Польшаданмикан?” деб ўйлаб қолдим. Унинг исми нима экан: Вакслова... Василя... Маълум бўлдики, айрим ёшлар ёзма нутқда лотин алифбосидаги “sh” ҳарфини инглизча “w”га алмаштиаркан. Номаълум қизнинг исми Шаҳло бўлиб, рус тилидаги “-ша” кичрайтириш қўшимча қўшилиши на-тижасида “Shahlosha” деган антиқа ном ясалибди. Алҳол, *ch*ни 4, о’ни 6 рақами билан ифодалаш SMS орқали кўп мулоқот қилган авлоднинг ёзма нутқига хос бўлса, бугун яна аломат қисқартмалар ўйлаб топилмоқда. Ўзбекистон аҳолисининг салмоқли қисмини ўсмирлар ва ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, жиллақурса, улар ўзаро мулоқот учун тилнинг қайси шаклини истифода этишини билиш лозим. Замон ўзгаришлари Абдулла Қаҳҳор такомилга етказган тил меъёрларига мувофиқ келмаслигини айтиб, қуруқ зорланишдан эса наф ўйқ.

Ички ва ташки омиллар таъсирида тилнинг луғат бойлиги, грамматика ва фонетикасидаги тарихий ўзгаришлар динамика-

сини кузатиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. “Тарихий” деганда мен сўнгги ўйнилликларни назарда тутяпман. Истиқлол йиллари ўзбек тили қай даражада ўзгарди? Турли ҳудудлар, ёш гуруҳлари ва ижтимоий қатламлар бир-бирини қанчалик тушунмоқда? Дейлик, чимбойлик фермер пойтахтнинг М-1 мавзесида яшовчи ўсмир билан bemalol гурунглаша оладими? Сирасини айтганда, тил сиёсатини ишлаб чиқишида унинг турғун ҳодиса эмаслиги, балки ижтимоий жараёнлар таъсирида мудом ўзгариб туришини англаш лозим бўлади.

Тил сиёсати нима? Бу – муайян жамият ёки давлатда лисоний хилма-хилликни тартибга солиш ва бошқаришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. Агар сиз бу борада баркамол сиёсат юритмоқни истасангиз, тилларни этник мансублик, миллат, дин, синф, жинс, ёш, даромад ва таълим даражаси, оила таркиби ва бошқа ижтимоий омилларга боғлиқ ҳолда ва энг муҳими, социолингвистик асосда ўрганишингиз керак. Шу йўл билангина мамлакатдаги турли гуруҳларнинг ҳақиқий эҳтиёж ва манфаатларидан воқиф бўлиш, тил сиёсатининг оқибатларини башорат қилиш мумкин.

Ҳар қандай мамлакат учун лисоний сиёсатнинг устувор мезони – давлат тили масаласидир. Канадада иккита, Швейцарияда тўртта, Жанубий Африка Республикасида ўн битта тил расмий мақомга эга. Аммо Буюк Британия ва АҚШда қонунан белгиланган давлат тили йўқ. Ваҳоланки, инглиз забони бу юртларда нечоғли муҳим ўрин тутиши кундек равшан. Мен доимо Ўзбекистонда ягона давлат тили – ўзбек тили бўлиши керак деб ҳисобланман. Боиси рус, тожик, қорақалпок, ҳатто инглиз тилида сўзлашувчиларга уни истифода этиш, қолаверса, таълим олиш учун зарур шарт-шароит яратилган.

Тўғри, бу умумий манзара, жамиятда эса гоҳ ошкора, гоҳ яширин зиддиятлар бўлиши табиий. Ёдингизда бўлса, 1990-йиллари Ўзбекистонда рус тилини ўқитиши ва қўллашни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунга қарамай, бу тилга бўлган эҳтиёж анча юқори бўлиб қолаётир. Бояги ислоҳотдан эса этник руслар ва шаҳарнинг қўштилли зиёлилар элитаси эмас, аҳолининг камбағал ва оми қатлами жабр кўрди. Айнан шу гуруҳга мансуб юртдошларимиз Россияда кези келганда оғир ва нобоп шароитларда меҳнат қилиб даромад топаётгани сир эмас. Мусоғир юртда “иккинчи сорт” дея камситилишнинг асосий сабабларидан бири тил билмасликдир.

Танганинг иккинчи томони ҳам бор. Бугун мамлакатимизда рус тилидаги телекўрсатув, веб-сайт ва ижтимоий тармоқ каналлари ҳамма учун бирдек очиқ, лекин, афсуски, айрим ахборот каналлари аудитория онгу шуурини заҳарлайдиган, тажовузкорлик ва ёлғонга йўғрилган “ёввойи тарғибот” билан шуғулланмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистонда рус тили қамровига дахл қилмаслик эҳтимолий зиддиятларнинг олдини олиб, худудларда ушбу тил мавқеининг мустаҳкамланишига хизмат қилди. Аммо рус тилидаги миллий медиаконтентни тайёрлашга эътиборсизлик қилганимиз (бир неча газета ва интернет сайти етарли эмас), боз устига, Шимолдан келган пропаганда оқовасининг йўли тўсилмагани яна бир карра мустамлака асоратларини юзага чиқарди. Бунинг ноxуш оқибатлари билан узоқ вақт курашмасак эди...

– *Илмий изланишларингиз асосан постколониал давр санъатига бағишиланган. Суҳбатлардан бирида “Санъат ва барча маданият соҳалари мураккаб колониал, постколониал ва деколониал учбурчак ичida яшайди”, деган эдингиз. Чиндан ҳам, ҳар қандай санъат турини шу формулага солиши мумкин. Постколониал тафаккурдан холос бўлиш, яъни мустабид замон қолипларини синдириб, эркин фикр-қарашларни илгари суриш адабиёту санъатни ҳар жиҳатдан юксалтиради. Бироқ инкор этилмас ҳақиқат шуки, турфа чеклов ва тазиикларга қарамай, тобелик замонида ҳам дурдона асарлар яратилган-ку! Бу сирада ўзбек театр ва кино санъатининг совет давридаги ютуқларини эътироф этмаслик инсофдан эмас. Гарчи мустақилликка эришганимиздан кейин ижодий эркинлик кенг қулоч ёзган эса-да, аввалги фильм ва спектакллар ҳамон эталон бўлиб қолаётганини инкор этамизми? Икки тузум ўртасидаги мураккаб зиддиятларни тадқиқ этиувчи, улуғ адаб Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, “жунгжанглар ва манқуртлар муносабатларини ўрганувчи илмий йўналиш” – постколониал назария бу ҳолни қандай изоҳлайди?*

– Совет ва постсовет даврлари санъатини бир-бирига муқояса этиб, сифат борасида хулоса чиқариш, менимча, баҳсталаб масала. Чунки сиёсий ва маданий жараёнлар ҳар доим ҳам замонга мутаносиб келавермайди. Дунё тан олган Кандинский, Малевич,

Эль Лисицкий, Родченко каби авангард рассомлар, Эйзенштейн, Мейерхольд, Немирович-Данченко сингари театр ҳамда кино ижодкорлари ва яна талай шоир-ёзувчи, файласуфлар илк совет даврида таълим олди ва ижодий баркамолликка эришди. Большевиклар ҳокимият тепасига келиб, ўз маданий ислоҳотларини амалга оширди, албатта. Аммо санъат соҳасидаги қудратли ислоҳотчилик ҳаракати шўро тузуми ўрнатилишидан анча муқаддам бошланган эди. Илму ижоддаги инқилобий ислоҳотлар эса кейинроқ совет режими томонидан барбод этилди.

Марказий Осиёдаги маърифатпарварлик ҳаракати намояндалари – жадидлар бошига ҳам шундай мусибат ёғилади. 1920-йилларга келиб, аксар жадидлар ислоҳотнинг ўзига хос вариантини таклиф қилган совет ҳукумати билан муросага боргандек эди. Уларнинг айримлари ҳатто қисқа муддатда қўзга қўринган сиёсий арбобга айланади. Бироқ жадидлар, баайни рус модернист рассомлари каби, тезда совет ҳукумати назаридан қолади. Алалоқибат қаттол тузум уларни жисман маҳв этади.

Собиқ империя харобаларида униб чиққан модернистик санъатнинг баравж ривожини большевиклар ҳукуматининг хизмати деб баҳолаш қанчалик тўғри? Бошқа томондан, совет ҳокимиятини яккаш чоризмнинг мустамлака сиёсатидан-да шафқатсизроқ усулларни қўллаган тузум ўлароқ қабул қилиш нечоғли ҳақиқатга мос? Эҳтимол, унинг мусбату манфий кутблари бўлганига эътибор қаратиш керакdir?

Совет Иттифоқи наинки мустамлакачи империя, балки социалистик лойиха ҳам эди. Бинобарин, бу давлат илк босқичда янги шахс ва янги жамиятни яратишга астойдил ҳаракат қилди. Иттифоқ даврида санъат давлат цензураси ва тарғиботига бўйсунгани маълум, аммо шу билан бирга санъаткорларни тарбиялаш ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун дуруст шарт-шароит ҳозирланган эди.

Дарҳақиқат, мустамлака йиллари дурдона асарлар яратилди, бироқ бу тузум темир қолипу пўлат андазаларни-да “ижод” этди.

Мураккаблик ва мубҳамликларга қарамай, Марказий Осиёда совет давлати ҳукмронлиги мустамлакачилик парадигмасига тўлиқ мос келади деб ҳисоблайман. Қолаверса, колониаллик асоратлари бошқарув усули ва муносабатлар тизими сифатида қизил империя парчаланганидан сўнг ҳам минтақадан буткул йўқолмади. Сираси, мустамлакачилик асли мураккаб тушунча

бўлиб, совет даврининг сийқа қарашлари асосида унга содда тўн кийгизилган, холос.

Замонавий дунёда колониализм ҳақида сўз борар экан, унинг турли кўринишларини ҳисобга олиш керак. Хонаси келганда Ҳонгконг ўлкаси ҳақида икки оғиз тўхтальсан. Буюк Британия империяси 1841 йилда Ҳонгконгни босиб олади. Инглизлар Хитой билан битимга мувофиқ 1997 йилгача бу диёрда ўз ҳукмфармалигини сақлаб қолади. Британия бошқаруви даврида Ҳонгконг Осиёнинг энг гуллаб-яшнаган ва эркин минтақаларидан бирига, дунёнинг йирик савдо-молия марказига айланади. Ҳонгконгликлар Хитой аҳолисига қараганда кўпроқ ҳуқуқ ва эркинликларга эга эди. Шу билан бирга, ўлка маданий-лисоний ўзига хослигини ҳам сақлаб қолади.

1997 йилда Ҳонгконг “Ягона давлат – икки тизим” тамоили остида, 2047 йилга қадар муҳторият шарти билан Хитойга қайтарилади. Бироқ Чин ўлкаси ўшандан буён ғирром ўйин қилиб келмоқда. Ҳонгконгда демократия, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигига дахл этувчи чоралар қўллаяпти, мафкура ва қадриятларни зўрлик йўли билан сингдиришга уриняпти...

Мустамлакачиликнинг бир шаклидан бошқасига ўтиш Ҳонгконг аҳли ҳаёт тарзига қандай таъсир кўрсатди? Ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлар масаласини қўйтуринг, ўлканинг икки даврдаги иқтисодиётини таққослаб кўрайлик. 1997 йилда Ҳонгконгнинг ялпи ички маҳсулоти аҳоли жон бошига тақсимлаганда 28.103 долларни ташкил этган эди. Бу Хитойдан (3.617 доллар) бир неча баравар, ҳатто Буюк Британиядан (24.331 доллар) юқори кўрсаткич. 2019 йилда эса ЯИМ 48.517 долларга етди. Бу Хитойнинг қолган қисмидан юқори (16.804 доллар), Буюк Британиядан эса (49.725 доллар) пастроқ натижага.

Демак, ҳонгконгликлар инглиз мустамлакачилигидан кўра социалистик тузум истибодидан кўпроқ азият чекяпти. Қолаверса, ўлка аҳолиси эркинлиги, маданияти, ўзлиги ва ҳуқуқларини ҳам йўқотиш хавфига рўбарў келган. Бу мисол мустамлакачилик вақт ўтиши билан ўзгарадиган ва турфа омиллар билан боғлиқ мураккаб ҳодиса эканини тасдиқлади.

Совет давридаги ўзбек санъати масаласига қайтсак.

Замонавий фалсафанинг спекулятив реализм ўйналиши асосиларидан бири Грэм Ҳарман “Имматериализм. Объектлар ва ижтимоий назария” деган китобида дурдона асарлар асосан му-

айян давр ибтидосида яратилишининг сабабларини қўйидагича изоҳлайди: “Ҳар бир даврнинг муқаддимасида биз янги ва ўзгача воқеликка дуч келамиз. Янги объектлар ёки усуллар мавжуд ҳаёт шакллари ёки низом-тартиботга мувофиқ келмайди ва шу боис зиддиятлар келиб чиқади. Бу жараёнда бўй кўрсатган ижодий салоҳиятни санъат, фан ёки сиёsat дурданалари шаклида рўёбга чиқариш мумкин. Бироқ вақт ўтиши билан янги объектлар эски ҳодисаларга айланиб, жамиятга сингиб-қўшилиб кетади, пировардида шиддати ва оҳорини йўқотади. Сўнг яратувчилик фаолияти ва ижодий қувват сусаяди. Шу боис даврлар интиҳосида аксар ҳоллар такрор ва турғунлик кайфияти хукм суради”.

Олим ўз фикрини далиллаш учун тарихнинг турли даврларидан мисоллар келтиради. Ҳусусан, қадимги юонон театрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, Уйғониш давридаги насронийлик ва мажусийлик, Маърифатпарварлик замонидаги миллий давлатлар ва мустамлакалар, XIX – XX асрларда капитализм ва ишчилар синфи ўртасидаги кескин зиддиятларни таҳлил қиласи.

Бу қонуният ўзбек кинематографиясининг 1920 – 1960-йиллардаги шаклланиш босқичига ҳам тааллуқлидир. Совет мафкураси бамисоли киноижодкорларнинг эстетик, ижтимоий ва концептуал изланишларини “қадоқловчи” усқуна вазифасини ўтади. Ўзбек киносида изланишлар давом этса-да, келажакда бу санъат қандай кўриниш касб этиши мавҳум эди. Натижа эса маълум: миллий кинематографиямизнинг чўққиси деб баҳоланувчи “ўзбек поэтик киноси” вужудга келди. Минглаб кинохлосмандлар ҳанузгача “Нафосат” ва “Севишганлар” фильмларини ширин соғинч ила томоша қиласи. Ҳолбуки, итальян киноси таъсирида яратилган бу фильmlар, биринчидан, рус маданияти негизида шаклланган совет шаҳар маданиятининг ғалабасини кўрсатди; иккинчидан, давр хотимасига келиб, кинодаги изланишлар турғун тус олганини намоён этди.

Фикримча, ўшандан буён ўзбек киноси қолипларни синдира олмай ҳалак: ҳинд киносининг ҳажв ва мелодрамаси нафаси уфуриб турган, сунъий идеалларга тўла фильмлар, Ҳолливуднинг рус ва қозоқ нусхаларига тақлидан олинган картиналар; буюк тарихий сиймоларга қўлбола либос кийдирилган полотнолар... Таассуфки, кино санъатининг янги ифода тилини излаш, жанр уфқларини кенгайтириш, стереотипларни парчалашга интилиш кўринмаётir. Бильякс, кино мактаби турғун мезонлар, даққи қо-

липлардан халос бўла олмаётир. Шундай экан, бир марта кўрибоқ унутиладиган, икки томчи сувдек ўхшаш кинояратиқлар қўпайиб кетганидан ажабланмасак ҳам бўлади.

– *Суҳбатимиз ўзани кино мавзусига бурилди. Оммабоп ва қудратли санъат тури бўлмиш кинематография қизил империя таназзулидан сўнг Марказий Осиё мамлакатлари учун маданий муҳитга янги нафас олиб кирувчи, ҳам мағкуравий, ҳам тижорий сиёсатни амалга оширувчи асосий воситага айлангани сир эмас. Собиқ тузум даврида Марказдан идора этилган экран санъати ёш мустақил давлатларда алоҳида саноатга айланба борди. Ўзбекистонда ҳам давлат киностудияларидан ташқари хусусий ширкатларга кенг йўл очилди. Натижада, фильм деганлари шу қадар бодраб кетдики, таниқли актёрлардан бири ҳиндларнинг кунда-кунора фильм ишлаб чиқарувчи Болливудига қиёсан “Тошкент Осиёвудга айланди” деган эди киноя билан. Гап айланниб сизнинг замонавий Ўзбекистон киносида постколониаллик муаммоси, эзотерик ва экспериментал фильмларга оид тадқиқотларингизга бориб тақалмоқда...*

– Киносанъатимиз мустамлака асоратларидан бутунлай халос бўлган демоққа андак иккilonади одам. Гап ҳануз совет мероси миллий фильм услубига таъсир этаётгани ёинки режиссёrlаримиз рус киносини танқидий баҳолашга жазм қилолмаётганида эмас. Тўғри, бизда тижорий йўналиш фавқулодда оммалашди, бироқ кинематографиямиз тараққиёти ва ранг-баранглигига монелик қилувчи муаммолар ҳамон кун тартибида. Улар мамлакатнинг таъсир кўлами, жамиятнинг ўйин-кулги, кўнгил ёзиш эҳтиёжи ва қай йўсинда бўлмасин халқаро муҳитга мослашиш истаги билан боғлиқ. Мавзуга чуқурроқ кирсак, ижтимоий буюртма, турли чекловлар, экзотизм сингари бошқа жиддий хавфлар ҳам қилич яланғочлаб турганига амин бўламиз.

Ижтимоий буюртма деганлари мафкура қуюшқонида фильмлар яратиш, чуқур фалсафий ва муаммоли мавзулардан имкон қадар қочиш, бадиий экспериментни очиқчасига рад этиш заруратидек бўлиб туюлади. Бу ҳол “ширпотреб” деб аталган фильмларнинг урчишига олиб келади. Кейинги йилларда суратга олинган кинокартиналарни кўриб, миллий кинода ҳавасаки мелодрама ва комедиялар ҳукмронлиги бошландими, деган хаёлга бора-

сиз. Уларнинг аксарида жамиятда аёлларнинг роли, ижтимоий тенгисизликнинг сабаб-оқибатлари борасида алмисоқдан қолган қарашлар тарғиб қилинаётгани-чи!..

Давлат органларининг ижодий эркинликни чеклашга уриниши ҳар доим ҳам жиддий муаммо бўлиб келган. Гоҳида мансабдорлар “жамоат тартиби учун номақбул ёки хавфли” деб ҳисоблайдиган саҳна ёки диалог ҳам тақиққа учраши мумкин. Таниқли режиссёр Али Ҳамроев “Самарқандда қовун таровати” бадиий фильмни юзасидан билдирилган таклиф, тузатишларнинг бирёзламалиги-дан хуноб бўлиб юрди. Ёки яқинда ўтказилган болалар анимация фестивалида фильмларнинг қай бирини намойиш этиш борасида маслаҳатгўйлар пайдо бўлиб қолди денг. Ижод аҳли ўз лавозимини сунистъемол қилишга мойил мансабдорлар билан талашиб-тортишишига ҳам тӯғри келаркан-да!

Совет ҳокимиияти йиллар давомида санъат аҳли бошида тегирмон тоши юргизиб келгани маълум. Айрим киноасарлар цензурага учраган, тақиқланган. Шўро замонида чаласавод ёки тамагир бир амалдор санъаткорнинг тақдири борасида хукм чиқариши, уни мукофотлаши ёки жазолаши мумкин эди. Мустабид тузум амалиёти ҳозир йўқолганми? Таниқли кинорежиссёр Зулфиқор Мусоқов бир интервьюсида бундай шароитда режиссёр ва кинодраматурглар ўз-ўзини цензура қилиш йўлига ўтиши, кўркув ва эҳтиёткорлик кучайиши ҳақида куюниб гапирган эди.

Қизиқ-да, нега айрим режиссёrlар мураккаб, баҳсли мавзуларга қўл урмай, ҳамон эски қолипларда фильм олмоқда? Нега ёш киноижодкорлар дадил тажрибага қўл уришдан чўчиб турибди? Илк қадамданоқ тижорий кинонинг якранг сюжетларига эргашиш сабаби нима? Куйидаги эпизод ва кадрларни топилма деб бўладими: Регистон устидан самолёт учиб ўтмоқда; Иchanқалъада ранго-ранг либосдаги қизлар рақс тушаётир; қадоқ қўллар дарз кетган тандирга олов ёқади; пойтхатлик ёшлар “Тальго” тезюарар поездиде Самарқандга саёҳатга отланади; бадқовоқ она қизини қишлоқлик йигитга турмушга бермоқчи эмас; қиз қадимий шаҳар харобаларига қараб, ота-боболари ҳақида хаёл суради; ошпаз буғи чиқиб турган қозондан иссиққина ош сузади... Буларнинг бари ўз-ўзини экзотик ўлка деб тақдим этишдан бошқа нарса эмас. Аксар киноижодкорлар хорижлик меҳмонлар иззати дея, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни шундай зўраки усулда кўрсатишдан хижолат чекмаётир.

Назаримда, нафақат кинода, жамиятнинг бошқа жабҳаларида ҳам мустамлакачилик стереотиплари онгга чукур сингиб кетгани сезилади. Анъаналарнинг муқаддаслаштирилиши – алоҳида катта мавзу...

Мустамлакачилик биринчи навбатда қадриятлар, қарашлар ва эътиқодда акс этишини унутмаслик лозим. Демак, шўроча ўроқ-болғани Ҳумо қушига, “пролетар таълимоти”ни маънавият ғоясига алмаштириш билангина мурод ҳосил бўлмайди.

– Жамият, ижтимоий онг ва санъат бир жойда тўхтаб турмайди. Муайян анъаналар пойдор бўлган маконда янги қарашлар, модернистик тафаккур юзага келиши аён. Айниқса, бугун одамзоднинг дунёқараши қун сайин ўзгариб бораёттир. Замонавий санъат шаклу шамойили, услугуб ва ифода воситаларида ҳам муттасил янгиланиш! Узоқча бориши шарт эмас, сўнгги ийлларда қўшни мамлакатлар санъатида эврилишлар юз берадётгани, новаторликка интилиш қучайганини кузатиш мумкин. Икки йил бурун пойтахтимиз МДХ, Болтиқбўйи ва Грузия мамлакатларининг театр форумига мезbonлик қилди. Тадбирнинг илк қуни қозоқ бовурларимиз намойиш этган “Кулагер” номли спектакль қўпчиликни ҳайратга солди. Сюжет афсонага асосланган, лекин режиссернинг талқини мутлақо ўзгacha, актёрлар маҳорати, органикасига ҳам қойил қоласиз. Камина биргина спектаклдан мисол келтиридим, холос. Сиз Самарқандда муқум яшасангиз-да, кўп дунё кеzasiz, қўшни давлатларда ўтган анжуманларда ҳам маъруза қилгансиз. Наинки Ўзбекистон, балки Марказий Осиё маданий дунёси, замонавий концептуал санъати билан яхши танишсиз. Минтаقا санъатидаги янгиланишларни қандай баҳолайсиз? Анъанавийлик ва модернизм ўртасида зиддият мавжудми? Эҳтимол, некбин хулоса қилишга шошаётгандирман...

– Марказий Осиё санъатида қизиқарли ва зиддиятли ҳолатни кўриш мумкин. Қирғизистонлик меъмор дўстим Улан Жапаров қайд этганидек, “Марказий Осиёда сиёсий бирлик йўқдир, лекин барқарор ижодий ҳамжамият мавжуд”. Ижодий ҳамжамиятлар борлигига қарамай, санъат бобида минтақалараро алоқалар у қадар мустаҳкам эмас. Бишкек ва Олмаота ўртасида маданий робиталар сақланиб қолган бўлса, Тошкент ижодий муҳити

алоҳида ривожланмоқда. Душанбеда бир неча ўн йилликлардан сўнг яна турғунлик. Ашхобод ҳақида эса, афсуски, маълумот кўп эмас.

Эътибор беринг, мен “Қирғизистон” ёки “Туркманистон” эмас, “Бишкек”, “Ашхобод” деб гапиряпман. Нега? Боиси, санъат бўйича хукумат даражасида ишлаб чиқилган дастурлар худудларнинг ўзида амалиётга жорий қилинади, яъни минтақамизда марказлашув кучли. Ҳозир Қозогистонда Олмаота шахри “маданий марказ” мақомини янги пойтахт Остонадан олиб қўйишга интилмоқда. Кейинги йилларда бизда ҳам Самарқанд, Наманган сингари йирик вилоятларга алоҳида эътибор қаратилди, аммо уларнинг ривожланиши ҳам марказлашган ҳолда кечмоқда. Юртимизда маданият ва санъат янада равнақ топиши учун маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш зарур. Бу борада кўп йиллардан буён Чимкентда ўтказиб келинаётган “Қизил трактор” лойиҳаси ёки Конибодом шахри театрини ривожлантириш лойиҳасини ёдга олиш мумкин.

Назаримда, бугун Марказий Осиё мамлакатларида ижод аҳли қадриятлар, миллий ўзликка ҳаддан зиёд боғланиб қолишдан чўчиб турибди. Сабаби, миллийликнинг мўртлиги уларни хавотирга солмоқда. Шу боис анъаналарни замонавий услубда талқин қилиш, қадриятлар ва глобаллашув феноменини бақамти ривожлантиришга эътибор кучайган. Сиз боя эслаган “Кулагер” спектакли 1938 йилда қатағонга учраган шоир Илёс Жансуғуров пъесаси асосида саҳналаштирилган бўлиб, қозоқ халқи қаҳрамони Ақан Серининг жасорати ҳақида ҳикоя қилади. Эътироғингизга мен ҳам қўшиламан, бу спектакль замонавий техник воситалар, товуш, ҳаракат ва сўз уйғунлигига мусиқий-пластик томоша, яхлит бадиий образ яратишнинг гўзал намунасиdir.

Қозогистон замонавий санъат катта “экспорт” салоҳиятига эга экани, уни назорат қилиш эмас, балки қўллаб-қувватлаш зарурлигини эрта англаб етди. Албатта, бу мамлакатда ҳам ўзига хос шаклда цензура мавжуд, лекин унинг “чироғи” асосан ижодкорлар давлат ҳокимииятига тўғридан-тўғри эътиroz билдирганида ёнади. Аксар ҳолларда хукумат ижод аҳли хоҳиши-иродасини синдирмасликка ҳаракат қилади, уларга ғамхўрлик қўрсатиб, излаишлар олиб боришга имкон яратади.

Олмаота мэрияси кўп йиллардан боғ, вокзал, пиёдалар худуди ва бошқа жамоат масканларида “ArtBatFest” номли фестиваль

ўтказиб келади. Бу шаҳарда, шунингдек, хусусий тижорат ва замонавий санъат ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. “Аспан”, “Есентай” сингари галереялар фаолиятини бизнес ва замонавий санъатнинг вобасталиги ифодаси деб аташ мумкин.

Бишкекдаги аҳвол Тошкент ва Олмаотадан фарқ қиласди. Қирғизистон даромади камроқ мамлакат, аммо либераллик ма-саласида анча илдам. Давлат, ўз ғазнасида катта маблағ йўқлиги сабабикан, замонавий санъаткорлар фаолиятига деярли ара-лашмайди. Бишкекда камтарона харажат билан ҳам қизиқарли лойиҳаларни амалга ошираётган ижодкорлар топилади. Йигирма йилдан бўён 1 апрель санасида ўтказиб келинаётган рассомлар танлови бунга ёрқин мисол бўла олади. Қолаверса, замонавий санъат бўйича йирик форматдаги лойиҳалар ҳам талайгина, уларга маърифатпарвар тожирлар ҳомийлик қиласди. Бундан ташқари, Бишкекда кўплаб расмий ва норасмий ижодий гурухлар, уюшма-лар мавжуд. Умуман олганда, тез-тез юз берувчи ички низоларга қарамай, ижодкорларнинг бирдамлиги ва эркин муҳитда ижод қилиши эътиборга молик.

Анъанавийлик ва модернизм ўртасида ихтилоф қачон тўхтабди дейсиз! Умуман, анъанавийлик аждодлар меросига ҳурмат, ав-лоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятлар ва меъёrlарни асраб-авайлашни англатади. Модернизм эса эскирган ғоя ва шаклларни рад этиш, воқеликни ифодалаш ва билишнинг янги усулларини излаш, анъанавий қараш ва дормаларга нисбатан танқидий ёнда-шувни ўз ичига олади. Бу жиҳатдан, анъанавийлик ва модернизмни қарама-қарши йўналишлар деб қабул қилиш мумкин. Аммо бундай ёндашув жуда содда бўлиб, иккита хусусиятни назардан четда қолдиради.

Биринчидан, маданият ва санъатдаги анъана ҳам, модернизм ҳам нисбатан янги тушунчалар ҳисобланади. Иккинчидан, XX асрнинг бошларида вужудга келган модернизм руҳидаги кўп-лаб оқимлар нафақат янгиликни ифодалайди, балки санъатда инқилоб қилиб, бутун тизимни ислоҳ этишни ёқлади. Яъни бу ҳаракат шаклни ўзгартиришнингина эмас, балки тараққиётга ғов бўлаётган ўтмишни йўқ қилиш, анъаналарнинг турғун таъсирига барҳам беришни бош мақсад деб билади. Демак, футуризм, кубизм, абстракционизм сингари оқимлар ва турли ижтимоий-инқило-бий ҳаракатлар фақат маданият ва санъат эмас, бутун жамиятга бирдек дахлдордир. Аммо гувоҳи бўляпмизки, инсоният жамия-

тини адолат тамойили асосида ислоҳ этиш, зулм ва тенгсизлик иллатини йўқ қилиш кутилганидан анча мураккаб юмуш экан...

Пировардида модернистик санъат умумий тарихий контекстда муносиб ўрин топди. Винсент Ван Гог, Казимир Малевич ва Жексон Поллокнинг гўзал картиналари ўз даврида қанчалик ҳайрат уйғотган бўлмасин, энди улар аллақачон тарих маҳсулли, XIX – XX аср классикаси ўлароқ мозийга муҳрланган. Хулоса шуки, ҳар қандай анъана аслида бекарор бўлиб чиқади; бошқа томондан, ҳар бир инқилобий замонавийлик эртами-кечми тарихга айланади.

– *Буюк файласуф Ҳегель таъбири билан айтганда, “Санъатсиз ҳаёт – ваҳшийликдир”. Дарҳақиқат, дунёни бани одамнинг руҳияти, онгу шуурига таъсир этувчи, қалбида эзгулик, гўзаллик ҳисларини уйғотувчи санъат асарларисиз тасаввур қилиб бўлмас. Бироқ бугун чинакам санъатни қадрловчилар тобора камайиб бораёттир; эстетик эҳтиёж, музей ё театрга бормоқ мoddият, тирикчилик, кундалик турмуш ташвишлари ила андармон авомнинг хаёлига ҳам келмайди. Омма санъат деб қабул қилаётган хашаки томошалар, пичратқи эҳтиросу шаҳроний майларни қўзғовчи ҳар турфа шоулар эса шусиз ҳам ғарib маънавиятни янада қашшоқлаштиряпти. Агар аҳвол шу тахлит давом этса, файласуф огоҳ этган “ваҳшийлик” билан юзлашиб қолмаймизми? Санъатнинг истиқболини қандай тасаввур қиласиз ўзи: у фақат хослар мулки бўлиб қоладими ё кун келиб омманинг ҳам басират кўзи очилармикан?*

– Кўпчилик санъат фақат музей ва театрларда яшайди, унинг жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахли йўқ деб ўйлайди. Замонавий санъат бундай янгилиш нуқтаи назар билан асло муроса қилмайди.

Аслида, санъат ва ҳунармандчилик ўртасидаги баҳс-мунозара неча асрлардан буён давом этмоқда. Ўрта асрларда Оврупо черкови бугун биз юксак чолғу деб биладиган органни “шайтон матоҳи” деб атаган, диний ҳис-туйғуни фақат хор қўшиқчилиги ифодалашга қодир деб ҳисоблаган.

Совет даврида халқ амалий санъати нафис ижод мактабларида ўқитиладиган мумтоз санъатдан ажратилгани ҳам дуруст иш бўлмади. Фикримни бир мисол билан асосласам. Буюк мусаввир

Пабло Пикассо Африкадаги маросим ҳайкалларидан фавқулодда илҳомланган. Яъни халқ амалий санъати унинг ижоди ва кубизм тараққиётига кучли таъсир кўрсатган.

1970 йилда британиялик Тим Райс ва Эндрю Ллойд Веббер “Исо Масиҳ – суперюлдуз” (“Jesus Christ Superstar”) деган рок-опера ёзди. Диний гурухлар бунга кескин эътиroz билдиради. 1999 йилга келибгина Ватикан операни расман тан олади ва Римда Исо Масиҳ таваллудининг 2000 йиллигига бағишиланган маросимда ижро этилишига рухсат беради. Аввалбошда тақиқ ва таъқибга учраган асар вақтлар ўтиб мусиқа тарихидаги энг машҳур опера-лардан бирига айланди, инсонларнинг динга бўлган муҳаббатини юксалтиришга хизмат қилди.

Бизнинг давримизда санъатдаги чегаралар янада кенгайиб бормоқда. Юз йил муқаддам фарғоналик рассом Александр Волковнинг чопон ва саллали эркакларни кубистик тарзда тасвиirlагани фавқулодда янгилик деб баҳоланган эди. Ҳайрат ҳисси тобора қаҳатлашаётган ҳозирги замонда у расмлар бамисоли девордаги декоратив доғдек қабул қилинса ҳам ҳеч ажабланмайман.

“Санъатни ўлдиради” дея, бадиият оламида пайдо бўлувчи янги шакл, технология ва ёндашувлардан ихоталаниш тўғри эмас. Инсоният неча асрки бу хавфдан қўрқиб келади. Фотография ихтиро қилинганида тасвирий санъатнинг умри тугади деган овоза тарқалди. Граммофон пластиинкаси – жонли мусиқанинг, кўчма видеокамера кинотеатрларнинг бозорини касод қиласди деган хавотир ўртага чиқди. Бугун эса адибу мусаввирлар вақти келиб ижод соҳаси сунъий интеллект измига ўтиб кетишидан ташвишда. Қўркув ҳисси тасаввур маҳдудлигидан келиб чиқади деб биламан. Бирон бир янгилик мукаммал бўлиши мумкин эмас. Санъатдаги янги йўналишлар ҳам такомил касб этмоғи учун неча-неча синов ва тажрибалар чиғириғидан ўтмоғи лозим.

Бугунги вазиятда давлат турли экспериментлар учун ижодий муҳит яратиши, ижодкорларнинг эркин ташабbusларини кўллаб-қувватлаши ва уларни муносаб рағбатлантириш чораларини кўриши керак. Мамлакатимизда эркин ижодий муҳит шаклланар экан, санъатимиз ҳам мустабид тузум кўланкасидан халос бўла боради.

**Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ  
сұхбатлашды.**

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ



2023 йил Ўзбекистон янги тарихида муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга боййил сифатида ёдда қолди. Конституция янги таҳрирининг референдумда маъқулланиши, унга мувофиқ равишда 9 июль куни бўлиб ўтган умумхалқ сайловида Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши тарихга муҳрланди. Электоратнинг 87 фоиздан зиёд қисми мамлакатни янада ривожлан-

тиришига ишонч билдирган ҳолда Шавкат Мирзиёевга овоз берди. Сайлов натижасини давлат раҳбари ўтган етти йил мобайнида амалга оширган ислоҳотларга халқнинг ўзига хос баҳоси дейиш мумкин.

Ислоҳотчи сиёсий лидерлар тарихий ўзгариш ва эврилишларга зарурат туғилган даврларда майдонга чиқиши ҳаққи рост. Лекин ҳар қандай давлат бошлиғига ҳам сиёсий етакчи даражасига эришиш насиб

этавермайди. Халқнинг кўпчилик қисмини ўз ортидан эргаштира оладиган, давлатни оқилона идора этиб, кенг оммани улуғвор мақсадлар йўлида, ягона байроқ остида бирлаштириш салоҳиятига эга бўлган шахсларгина ана шундай мақом-мартабага кўтарилиди. Қолаверса, сиёсий лидер хулқ-атворида миллий ва умуминсоний қадриятлар, маънавий-ахлоқий фазилатлар, хусусан, донишмандлик, стратеглик хислати мужассам бўлмоғи даркор.

Шавкат Мирзиёев ёшлигидәёқ турмуш ва ҳаёт мashaққатларини мардона енгиб ўтган, тенгдошлари орасида интилувчалиги, билимга чанқоқлиги, ростгўйлиги, адолатпарварлиги, жамоат ишларида фаоллиги, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни тे-ран нигоҳ-ла кузатиши, дўстларига ғамхўрлиги билан ажralиб турган. Мирзо Улуғбек тумани, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ҳокими лавозимларида фаолият юритган кезларда унинг хулқида сиёсий лидерлик сифатлари шаклана бошлаган эди. Ҳар икки вилоятни пешқадам минтақаларга айлантириш йўлида жонбозлик кўрсатган Шавкат Мирзиёев бош вазир лавозимига лойик кўрилди. Шу тариқа, у давлат ҳокимияти иерархиясининг барча поғоналарини босиб ўтди, бошқарувнинг турли усул ва сирларини ўзлаштириди. Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши эса унинг шахси, етакчилик фазилатлари тақозо этган табиий-тадрижий ҳодисалар натижаси эди.

Шавкат Мирзиёев бош вазирлик лавозимида етакчига хос бўлган инсоний ва сиёсий қадриятларни қалбига, тийнатига сингдириб бўлган эди. Ўша кезлар ОАВ маълум сабабларга кўра ҳукumat раҳбари фаолияти ҳақида у қадар кенг ахборот бермаса-да, кўпчилик зиёлилар унинг мамлакат бошқарувидаги ўрнини яхши биларди.



Бош вазирлик даврида мамлакатни ислоҳ этиш концепцияси ўз рӯёбини топмаган бўлса-да, унинг онгу шуурида улуғвор ғоялар шаклланиб бўлган эди.

Шавкат Мирзиёев илк бор 2016 йилда – мамлакатда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий турғунлик ҳукм сурган, инқироз аломатлари бўй кўрсатган даврда президент этиб сайланди. Унинг Ўзбекистон Президенти вазифасини бажаришга киришгани республикада янги тарихий жараён бошлангани, таъбир жоиз бўлса, мамлакатга тоза ҳаво кириб келганидан дарак берар эди.

Сиёсий етакчи президентлик фаолиятининг дастлабли кунлариданоқ ҳалқ билан давлат ўртасидаги робиталарни қайта боғлашга киришди. Олдинги даврда давлат ҳокимияти органлари аҳоли билан алоқаларни оқилона йўлга қўя олмаган, ҳалқдан бегоналашиб, йироқлашиб рўй берган эди. Сираси, ижроия ҳокимияти ва унинг кўйи органларида аҳоли мурожаатлари, шикоятлари билан ишлаш бўйича замонавий тажриба шаклланмаган эди. Мурожаатлар жавобсиз қолгани сабабли аҳолининг давлат идораларидан ҳафсаласи пир бўлаёзган эди.

Ана шундай шароитда Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари

халқимизга хизмат қилиши керак” деган ва кейинчалик устувор принципга айланган фоя эълон қилинди. Ҳудудларда Ўзбекистон Президентининг халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси ташкил этилди. Таҳлилларга кўра, 2023 йилнинг ўртасига қадар келиб тушган 8 миллион 228 минг 294 та мурожаатдан 8 миллион 143 минг 689 таси кўриб чиқилди.

Президент фармони билан 2017 йилдан аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими шакллантирилди. Ҳар бир шаҳар ва туманда ташкил этилган марказларнинг асосий вазифаси аҳолига давлат хизматларини кўрсатишнинг мақбул, қулаги ва очиқ услубларини жорий қилиш, тизимда бюрократия ва коррупцияни бартараф этишдан иборат эди. Дастлабки кезлар ушбу марказлар томонидан факат тадбиркорлик субъектларига 37 турдаги давлат хизмати кўрсатилган бўлса, ҳозирга келиб фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун 280 дан зиёд хизмат йўлга қўйилди.

Давлат раҳбари мулқдорлар қатламини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Чунки давлат бюджетининг асосий қисмини тадбиркорлардан тушган маблағлар ташкил этар, ялпи ички маҳсулотда ҳам, аҳоли бандлигида ҳам уларнинг улуши катта эди. Қолаверса, ишбилармонлар қатлами ҳамиша ўрта синф сифатида мамлакат иқтисодиёті драйвери бўлиб келган.

Ўтган даврда тадбиркорлик соҳаси бир жойда депсиниб қолган эди. Ишбилармонлар турли текширувлар, буюртмалар, ҳоқимлик ва ҳуқукни ҳимоя қилиш органлари аралашувларидан безор бўлган эди. Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда айтган қўйидаги сўзлар яқин ўтмишдаги вазият ҳақида аниқ тасаввур ўйғотади: “Битта нарсани юрагимдан айт-

мокчиман, тадбиркорларга шароит яратиш бўйича армонларим бор эди. Мен ҳам вилоятларда ҳоким бўлганман. Бош вазир бўлганимда ҳам ҳаракатлар натижасиз эди. Қоғозда бор, амалда эса ҳеч нарса ийқ эди”.

Демак, ҳаётнинг ўзи соҳада кескин ўзгаришларни талаб этар эди. Президентнинг 2016 йил 5 октябрдаги фармонига мувофиқ давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг иқтисодиётга, тадбиркорлар, фермерлар фаолиятига аралашуви чекланди. Фермерларга пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари бўйича давлат буюртмаси беришдек ўтмишдан қолган усулга барҳам берилди. Қисқа давр ичida давлат ва фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий таянчи бўлган мулқдорлар синфи шакллантирилди.

Агар етти йил илгари тадбиркорлар 209538 нафарни ташкил этган бўлса, 2022 йил охирида мазкур кўрсаткич 509720 нафарга (фермер ва дехқон ҳўжаликпари бу саноққа кирмайди) етди. Бу орада тадбиркорларга нисбатан жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга З йиллик мораторий эълон қилинди.

Сўнгги етти йилда таълим тизими ҳам наинки ривожланди, балки тубдан ўзгарди. Таълимга эътибор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, умуман, янги тамаддун даврига ўтишнинг асосий кафолатларидан бири дея эътироф этилди.

Мамлакатда таълимни ривожлантириш учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдаги дастлабки қадам деб эълон қилингани бежиз эмас. Таълим сиёсатида давлат раҳбарининг “Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қурдатли, миллатни буюк қиласидиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир” деган ғояси асос қилиб олинди.

Соҳани тараққий эттириш стратегияси эса қўйидаги устувор мақсадга таянди: “Жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар аввало таълим тизимидан, боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўрамиз. Чунки мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу – мактаб. Мактабни мактаб қиласидиган куч эса ўқитувчилардир”.

Сўнгги йилларда соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида давлат бюджетидан ажратиладиган харажатлар бир неча баробар оширилди. Мактабгача тарбия таълим соҳасининг алоҳида, мустақил йўналиши деб белгиланди. Мактабгача таълим муассасалари сони 5211 тадан 19316 тага ўсди. 11 йиллик мактаб таълими қайтадан тикланди, ўқитувчиларни мажбурий меҳнатга сафарбар этишга барҳам берилди. Соҳа вакилларининг ойлик маоши қарийб 4 бараварга оширилди. Олий таълим муассасалари сони 70 тадан 191 тага етказилди, олий таълимдан кейинги таълимнинг бир погонали тизими бекор қилиниб, таянч докторантурा (PhD) ва докторантурা (Doctor of Science) тизими шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилингани ҳам муҳим ҳодисалар сирасига киради. Мазкур ҳужжатда олий таълим қамров даражасини кўпайтириш, таълим сифатини ошириш, соҳада рақамли технологиялар ва платформаларни жорий этиш, илғор халқаро стандартларни эгаллаш каби йўналишлар белгиланди. Иқтисодий ва интеллектуал тараққиёт омили бўлган миллый таълимда-

ги ислоҳотлар аллақачон ўз мевасини бермоқда. Бу ўринда биргина рақам – ёшларни олий таълимга қамраш даражаси 9 фоиздан 38 фоизга етганини қайд этиш кифоя.

Мустақилликнинг дастлабки чорагида пахта номенклатурасига муносабат бир оз ижобий томонга ўзгарган бўлса-да, бу муаммо тўлиқ ҳал этилмай қолиб кетди. Хусусан, талаба ва ўқувчиларни собиқ Иттифоқ давридагидек пахта теримига сафарбар этиш давом этди. 2007 йили Ўзбекистонда пахта йиғим-теримида болалар меҳнатидан фойдаланилаётгани сабаб АҚШ ва Farb давлатлари мамлакатимизни пахта толаси ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари хариди борасида “қора рўйхат”га киритди.

Ўтмиш тузумдан мерос бу иллат шахсан Президент Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракати билан барҳам топди. Талаба ва ўқувчиларни пахта кампаниясига жалб қилиш ман этилди. Қатъий сиёсий ирода ва кескин чоралар натижаси ўлароқ АҚШ Меҳнат департаменти 2019 йил 25 марта куни Ўзбекистон пахтасини мажбурий меҳнат воситасида етиштирилган маҳсулотлар “қора рўйхати”дан чиқарди.

Мамлакатда фуқаролик жамияти ва хукукий давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам шоён диққатга сазовор. Мазкур йўналишда давлат бошқарув функцияларининг катта қисмини марказдан худудларга ўтказиш, ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси лавозимини жорий этиш, маҳалланинг алоҳида жамғармасини шакллантириш, марказий давлат идоралари трансформацияси, ихчам ва самарали бошқарув тизимини яратиш каби вазифалар илгари сурилди. Фуқаролик жамиятининг муҳим институти – ОАВ ва журналистлар ижтимо-

ий-сиёсий ҳаёт ҳақида холис материаллар бера бошлади, коррупция ва раҳбар ходимларнинг мансабини суистеъмол қилишига оид суриштирувлар эълон қилди. Ижтимоий тармоқлар баҳс-мунозара, қизғин тортишувлар майдонига айланди, эркин фикрли блогерлар гурухи шаклланди. Мамлакатда сўз эркинлиги ҳаётий вожеликка айлана бошлагани ҳалқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилди.

Ўзбекистон Президентининг саъй-ҳаракати билан давлат бошқарув органларининг авторитар ва қўрқитиш воситасида амалга ошириб келинган маъмурӣ-буйруқбозлик усулига барҳам берилди, маҳаллий бошқарув тизими масъулиятли ижтимоий институтга айланди. Мансабдорлар фаолияти худуд аҳолиси фикри асосида баҳоланиши, уларнинг фуқаролар олдида ҳисобдорлиги меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилди.

Ижроия ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимият ҳузурида масъуллиги ва парламент назорати механизми шакллантирилди. Жумладан, мутараққий давлатлар тажрибаси асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Хукумат соати” институти йўлга қўйилди, ҳар ойда ҳукумат аъзоларининг ҳисоботларини эшлишиш қоидаси ўрнатилди. Сенатда эса ҳокимлар ва вазирларнинг фаолиятига оид ҳисоботларни эшлишиш амалиёти пайдо бўлди. Мухтасар айтганда, ҳокимиятларнинг бир-бирини тийиб туриш механизми рӯёби йўлида дадил қадам ташланди.

Қисқа даврда мамлакатда ҳуқуқий-ижтимоий давлатга хос бўлган хусусиятлар – бошқарув органларининг фуқаролар билан алоқалари тизими тикланди. Бу эса фуқароларнинг қонуний талаблар қўя олиши, шу асосда сиёсий қарорлар қабул қилиниши механизмини вужудга келтирди.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан эҳтиёжманд оиласларни аниқлаш ва кучли ижтимоий сиёсатга асосланган ҳомийлик тизими йўлга қўйилди.

Маънавият ва маърифат йўналишидаги салмоқли ўзгаришлар ҳам алоҳида тадқиқотга мавзу бўла олади. Энг асосий маънавий қадрият – инсон эрки, мустақил фикр билдириш ҳуқуқи амалда намоён бўла бошлади. Бу борада “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепцияси эълон қилинди. Президент маънавиятнинг мақомини қуидагича белгилади: “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – маънавиятдир”. Демак, маънавият нафақат жамиятнинг асосий қадриятига, балки давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда маънавий-маърифий ишларнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётгани эътиборга олиниб, Президентнинг “Маънавият ва ижодни қўллаб-кувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Жамғармага давлат маблағлари ажратилиб, “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” асосида фаолият юритишнинг молиявий асослари шакллантирилди.

“Бугун одамлар уйғонмоқда, жамият уйғонмоқда. Маънавий уйғоқ жамият бу, ҳеч шубҳасиз, қурдатли кучдир”, дея маънавиятнинг жамиятдаги ўрнига юксак баҳо берди Президент.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш концепциясининг маънавий қадрияtlар билан уйғунлиги ҳалқаро миқёсда эътироф этилди. Президент томонидан БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси лойиҳаси ҳалқаро жамоатчилик томонидан

кенг қўллаб-кувватланди. Эътиборга молик жиҳати, мазкур халқаро ҳужжатда инсоннинг маънавий дунёси ва уни муҳофаза этишда давлатнинг роли белгиланган.

Ўзбекистон ташки сиёсатида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Испоҳотлар натижаси ва талаби ўлароқ илғор давлатларга хос ташки сиёсат стратегияси ва концепцияси шаклланди. Ташки сиёсат миллий манфатлар, тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик каби қадриятлар асосида юритилаётir.

Илгариги ўз қобиғига ўралиб яшаш ўрнини геоиқтисодий ва геосиёсий фаоллик эгаллади. Қайд этиш жоизки, ташки сиёсатнинг устувор йўналиши Марказий Осиё давлатларига қаратилди. Янги тарихий шароитда минтақадаги халқларнинг бир неча минг йиллик қўшничилик муносабатлари, дини, тили, маданияти, анъаналари муштарак экани бирламчи аҳамият касб эта бошлади, таъбир жоиз бўлса, “Марказий Осиё руҳи” юзага келди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўтган 25 йил ичida тўпланиб қолган жуда катта муз мавжуд” деган фикрида жон бор, албатта. Минтақа давлатларининг илгариги ва ҳозирги муносабатлари ер билан осмонча фарқ қиласди. Олдинги даврда ҳукм сурган ихтилофларга барҳам берилиб, Марказий Осиё интеграциялашаётган ҳудудга айлантирилди. Ҳозирда ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар мисли кўрилмаган даражада кенгайди. 2022 йил якунига келиб Ўзбекистоннинг минтақавий ташки савдо айланмаси ҳажми 2016 йилга нисбатан 3 баробарга ошли ва 7,5 миллиард долларни ташкил этди.

Италиялик таҳлилчи Фабио Индео “Марказий Осиё робиталарида янги тенденциялар” (“New Trends in Central Asian

Connectivity”) номли тадқиқотида Ўзбекистоннинг геоиқтисодий жойлашуви, барча Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Афғонистон билан чегара дошлигига эътибор бериб, бу омил минтақа равнақи, хавфсизлиги ва барқарорлигига кучли таъсир кўрсатишини таъкидлайди. Унинг фикрича, кўп векторли ташки сиёсат йўлини танланган Ўзбекистон Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига Марказий Осиё минтақавий дипломати вазифасини бажармоқда. Шунингдек, Фабио Индео Ўзбекистоннинг ташки сиёсати минтақада узоқ йиллар ҳукм сурган ишончсизлик ва рақобатга чек қўйгани, чинакам интеграция эшикларини очганини қайд этади.

Сўнгги етти йилда испоҳотлар натижаси ўлароқ жамиятнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар юз берди. Уларнинг ҳаммасини бир мақолада ифодалаш имконсиз, албатта. Асосийси, мамлакат ичиди ҳам, хорижда ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган испоҳотлар Президент Шавкат Мирзиёев номи билан боғланмоқда. Бу ўринда биргина факт: 2017 йилда донгдор “Forbes” нашрининг Шавкат Мирзиёевни Хитойнинг испоҳотчи раҳбари Дэн Сяопингга менззагани ва бу муқоясани атрофлича асослаганини эслаш кифоя деб ўйлаймиз.

Испоҳотлар меъмори Шавкат Мирзиёев юксак бошқарув қобилияти, мансабдорлар ва давлат хизматчиларини Ватан равнақи йўлида сафарбар эта олиши, барча тоифадаги инсонлар билан осон тил топа билиши, самимиyllиги, бошлаган ишини охирiga етказиши, турли фикр ва қарашларга нисбатан тоқатли экани, бағрикенглиги туфайли эл-юрт ишончини қозонди. Халқ унга ўз иродаси асосида давлатни бошқариш ваколатларини топширгани ана шу ишончу эътимоднинг ёрқин ифодасидир.

Бахтиёр АЛИМЖОНОВ

# O'ZANINI IZLAYOTGAN

## O'ZLIK



Ҳозирги кунда бутун Евроосиёда бўлгани каби Марказий Осиёда ҳам ўзликлар (identity) кураши ва рақобати кечмоқда. Миллат, миллатчилик, ўзлик тушунчалари тафаккур ахлини ўйлантирмоқда, бу борадаги кураш умумжаҳоний миқёс касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳам миллий ўзлик муаммоларига оид мунозаралар қарийб қирқ йилдан бери давом этётir. Замонавий Ўзбекистонда қизиқ бир ҳолатни кузатишмиз мумкин: локал ва глобал, дунёвий ва диний ўзликлар қарама-қаршилиги кучаймоқда.

Ўзлик таълимоти борасида жамиятимиз якуний тўхтамга келмагани сабаб мазкур истилоҳга аниқ таъриф беришдан ўзимизни тиймоқдамиз. Мақолада баён

этажак мулоҳазаларимиз ҳукм эмас, балки шахсий нуқтаи назар эканини эслатган ҳолда, олимлар, тадқиқотчиларни баҳсга чорлаб қоламиз.

Совет Иттифоқи парчаланиши арафасида Марказий Осиёда миллат, миллатчилик, демократия, диний ва дунёвий давлат, фуқаролик жамияти каби тушунчалар борасида жанги жадал бошланиб кетди. Охирги йилларда мазкур масалаларнинг аксарига муайян ечим топилди. Лекин ўзлик таълимотига оид долзарб саволлар ҳамон жавобсиз қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири – жамиятимизда мустақиллик ва эркинлик атамаларининг фақат давлат ва хуқуқий маданиятга нисбатан ишлатилганидир. Бизнингча, бу икки муҳим қадрият мантиқий нуқтаи на-

зардан аралаштирилиб юборилди, таъ-  
бир жоиз бўлса, жонсиз тушунчаларга ай-  
лантирилди. Ўзлик масаласига ҳам сиё-  
сий-мафкуравий тус берилди, ижтимоий  
категория сифатидаги талқини чекланди,  
пировардида, у асл мазмун-моҳиятини  
йўқотиб, мавҳум ва мубҳам истилоҳга  
айланди.

Ўзлик миллий, маданий, сиёсий ва  
диний шаклларга эга. Марказий Осиёда  
мазкур шакллар қоришиқ ҳолда намоён  
бўлмоқда. Минтақанинг бугунги кишиси  
ташқи суратига кўра европалик, сирратига  
кўра эса диний ёки миллий қадриятларга  
эътиномод кўйгандир. Ўзликнинг омихта шак-  
ли постколониал (мустамлакадан кейинги)  
давр натижаси дейиш мумкин.

Бир илмий ҳақиқатни англашимиз за-  
рур: ўзлик сиёсий иродага эмас, балки  
ҳар бир фуқаронинг иродавий ҳаракатига  
боғлиқ. Иродавий ҳаракатнинг асосини эса  
англанган истак-ҳоҳиш ташкил этади. Ай-  
ниқса, XXI асрда ўзлик масаласи янада но-  
зик тус олиб, шахсий англанган танловга  
айланди-кўйди. Бу, албатта, бутун курраи  
арзда инсон ҳуқуқлари ҳаракатининг жа-  
даллашгани билан изоҳланади.

Нима учун ўзлик таълимотини шакллан-  
тиришда ҳозирги кун моҳиятига эътибор  
қаратилмаяпти? Нима учун мавжуд сиё-  
сий, иқтисодий ва маданий шарт-шароит  
инобатга олинмаётир? Умуман, жамияти-  
мизда нега замонавий ўзлик масалалари  
теграсида қизғин баҳс-мунозара кузатил-  
маяпти? Балки, “нормал ўтмиш” ва “нормал  
келажак” ўзлигимиз масаласини узил-ке-  
сил ҳал этар? Бу каби саволларга аниқ-ти-  
ниқ жавоб топиш вақти аллақачон келган.

Акс ҳолда,  
ўзлигимиз  
мавҳумли-  
гича қолаве-  
ради. Яхлит  
миллат бў-  
либ шаклла-  
ниш ҳам кўп  
жиҳатдан  
шунга боғлиқ.



### Ўзлигимиз тамали нима?

Бизнинг энг катта муаммолар – ўзликни  
сиёсий, маданий ёки диний асосга “боғлаб”  
кўйганимиздадир. Юртдошларимизга асо-  
сан сиёсий манфаатларга бўйсундирилган  
ўзлик шакли тақдим этиб келинди. У ҳа-  
ли-ҳамон ўзбек фанида мустақил тушунча  
сифатида тўлиқ акс этмаган.

Ўзлик кўп қатламли таълимот ўлароқ  
сиёсий, маданий, этник, диний ва фуқа-  
ровий унсурлардан ташкил топади. Таъ-  
кидлаш жоизки, унинг бирон элементи  
устунлик қилмаслиги керак. Агар бирон  
бир унсур устунлик қилса, унинг ўзани ўз-  
гариб, “ўзга”нинг манфаатига хизмат қила  
бошлади.

Ўзлик каби “ўзга”ни ҳам ҳозирча фақат  
тарихий мезонга кўра тавсифлаш мумкин.  
У турли вазиятларда давлат, ҳокимиёт,  
куч, илм-фан, маданият, дин тарзида на-  
моён бўлади.

Постколониал босқичдаги Ўзбекистон-  
да ўзликнинг мустақил категория сифатида  
шаклланмагани сабабларидан яна бири –  
“ўзга” билан муносабатда мувозанат йўқ-  
лигидир. Бу ҳол ўзликнинг барча шаклла-  
рига салбий таъсир ўтказяпти. Тафриқага

қарши курашиш ва унга чек қўйиш учун эса интеллектуал тарих соҳаси равнақ топиши зарур.

Ўзликнинг функционал асосини тарихий тажриба ва келажак режалар ташкил этади. Соддороқ айтганда, ўзликни жамият маҳсули дея талқин қўлса ҳам бўллади. Машхур француз психоаналитиги Жак Лакан айтганидек, “Ўзлик ўзга ҳозир бўлганда англанади”. Демак, ўзлик ўз-ўзини англай олмайди, балки “ўзга”ни тақозо этади. Бизда фаранг олимдининг формуласи бошқача шаклда бўй кўрсатмоқда: ўзлик “ўзга” билан қизғин курашда ўз қобиғига ўралиб, моҳиятини йўқотмоқда. “Ўзга” мудом ўзликни бўйсундирмоқни кўзлайди. Кучлар баробар бўлмаган курашда, табиийки, ўзлик чекинади. Моҳиятан ўзлик доимо ўзини кашф қиласди, “ўзга” эса бу жараённи измига солмоқни истайди. Агар ўзлик мустаҳкам ва пойдор бўлса, у ташки омил таъсирида заифлашмайди, балки оловда тобланган темирдек пишиб-етилади.

Ўзликни сиёсий институтларга боғлик деб биладиган зиёлиларимиз унинг мустақиллигини тан олгиси келмайди. Яна айримлар уни давлат шакллантириб бериши керак деб ҳисоблайди. Бундай вазиятда давлат “катта ўзга”га (Ж.Лакан истилоҳи) айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Мутараққий дунёда аксинча – ўзлик ҳар бир шахснинг танлов ва иродасига вобаста кўрилади. Илмий лаҳжада айтганда, ўзлик моҳиятан вертикал эмас, балки горизонтал англанмаган истаклардан иборатдир. Яъни истакларнинг шаклланиши сиёсий институтларга боғлик бўлмаслиги лозим. Хоҳиш-истаклар сиёсий

институтлар назоратида бўлган муҳитда ўзлик таълимоти вертикал тарзда идрок этилади, жамиятда ҳатто тенгсизлик рисоладаги ҳол дея қабул қилинади. Бу жиҳатдан француз файласуфи Жиль Делёзнинг “кўпилдизлиик” (фр. rhizome – ризома) назарияси масала моҳиятини теран англашга ёрдам беради.

Мамлакатимиз илм ва ижод аҳли ҳам ўзликнинг негизини қидириб келади. Аммо бизнинг хатомиз шундаки, нафақат ўзликни, балки барча ижтимоий категория ва тушунчаларни вертикал тасаввур қиласиз, кўпинча ҳаёт-мамот масалаларида “катталар нима деса шу” деган ақидадан четга чиқа олмаймиз. Бу эса ғоявий жабҳада мувозанат бузилишига олиб келади.

Қизиқ ҳолат шуки, аксар зиёлиларимиз “ўзлик асосида истак-ҳоҳиш ётади” деган фикрни жиллакурса муқобил вариант ўлароқ қабул қиласиди. Улар наздида, истак-ҳоҳиш – салбий категория. Одамзодни ҳайонот оламидан истак-ҳоҳиш ажратиб туришини унутиб кўйганмиз гўё. Аслида, истак-ҳоҳишларнинг намоён бўлиши ўзликка кучли таъсир кўрсатади. “Ўзга”нинг мурод-мақсади ҳам ўзликнинг истак-ҳоҳишига таъсир ўтказишдан иборатдир.

Яна айрим зиёлиларимиз негадир “ўзга”нинг ўзликка “босим”ини табиий деб билади. Соддороқ айтганда, сиёсий институтларнинг барча чора-тадбирлари истиносиз қўллаб-қувватланади. Бу ҳам постколониал жамият асорати бўлса ажаб эмас. Чунки давлатчиликни бундай талқин этиш совет даврига хосдир.

Ўзликнинг функционал шакл-шамоили ижтимоий ҳаётда акс этади. Унинг

мавжудлиги, яшамоги учун қайноқ ижтимоий ҳаёт зарур, албатта. Ўзлик ижтимоий категория экан, у бевосита шу маконнинг тарихий тажрибасига таяниши керак. Жамиятимизда эса ҳалигача “европалашиш”, “туркийлашиш”, “миллийлашиш”, “исломлашиш” күтблари ўзаро ихтилофда. Демак, муаммо аниқ, энди унга оқилона ечим топмоқ лозим. Бизнингча, ечим – ўзликнинг горизонтал тасавуруни яратиб, “ўзга”нинг устунлигини камайтиришда. Сираси, уни сиёсий манфаатларга эмас, балки инсон манфаатларига бўйсундирмоқ даркор.

### Тарихий онг ва ўзлик

“Ўзлигимизнинг асосини тарихий онг ташкил этади” дея оламизми? Бизнингча, ўйқ. Чунки бизда тарихий онг палапартиш ҳолатда ва мафкуралаштирилган шаклда. Парадокс шундаки, у ҳали тўлиқ идрок этилмаган. Идрок этилмаган тарихий онг эса ўзликка эмас, балки “ўзга”га хизмат қиласди. Тарихий онг гоҳида репрессив ғоя тўнини кийиб, мафкуравий вазифаларни бажаради.

Тарихий онг шаклан Фанлар академиясида мавжудdir, лекин жамият унинг мазмун-моҳиятидан тўлиқ хабардор дея олмаймиз. Аниқроқ айтганда, бу борада фақат тор илмий доираларда гапирилмоқда, кенг жамоатчилик эса ундан воқиф эмас.

Аслида, тарихий онг асосида тарихий хотира ётади. Лекин бизда тарихий онг негизида “ҳаққоний тарих” манаман деб бўй кўрсатиб турибди. “Ҳаққоний тарих”ни мамлакат аҳли изламоқда, лекин у постко-

лониал жамиятнинг хаёлоти, холос. Ҳатто зиёлиларимиз ҳам у асотир эканини англаётгани йўқ. Хаёл маҳсули ортидан чопиш эса асосий муддаодан чалғитмоқда.

Бизнингча, тарих ўзликнинг функционал асоси бўла олмайди. Боз устига, айрим сиёсий гурухлар манфаатига хизмат қилувчи тарих миллатчиликка ҳам етаклаши мумкин. У ҳолда қани ўша “ҳаққоний тарих”? Ким, қачон тиклайди уни? “Ҳаққоний тарих” тикланса, ўзлигимиз шаклланиши итмолига етадими? Умуман, ўзлик масаласи фақат шу омилга боғланиб қолганми? Шу каби саволлар теграсида баҳс-мунозара йўқлиги гуманитар фанларда илмий савия тушиб кетганидан далолат беради.

Тарих фани ва фалсафасидан боҳабар олим “ҳаққоний тарих”ни қидириб вақт йўқотмайди, чунки тарих “мафкурадан холи макон”лигини (француз олими Пьер Бурдье таърифи) яхши билади. Дарҳақиқат, тарих фани мустақил маконга эга. Аммо биз кўпинча тарих, социология, фалсафани сиёсий маконга бўйсундириб, англаб-англамаган ҳолда “катта ўзга”нинг тегирмонига сув қўймоқдамиз. Буларнинг бари асотирларга тўла, пировардида ресентимент (субъектнинг ўз омадсизликлари сабабини “ўзга”да кўриши, айборлик ҳисисидан қутулиш илинжида душман тимсолини яратиш) ҳолатига етаклайдиган “ҳаққоний тарих”га эҳтиёж туғдиради.

Тарихий онг замирида англанган замонавийлик ётади. Ўзлик “ўзга”га қарши курашда ҳам тарихий онгга таянади. Жамиятимизда эса бунинг акси кузатилаётгандек. Тарих маконини замонавий истак-

хоҳишлилар эгаллаши ҳам дуруст эмас. Бинобарин, ўтмиш бугуннинг муаммоларига универсал ечим бўла олмайди.

### Бизга нима халал бермоқда?

Ўйлашимизча, шонли ўтмиш ва буюк келажак ғоялари ўзлик таълимотини шакллантиришимизга халал бермоқда. Сираси, бизнинг ўтмишимиз замонавий шаклда намоён, мазмуни эса келажакда жамлангандир. Шу боис ҳам ҳозирги кунимиз тўлиқ замонавийликка айланаётгани йўқ – мамлакат аҳолисининг аксари уни ўтмишнинг, зиёлиларимиз эса келажакнинг бир қисми деб билади. Олмон социологи Юрген Ҳабермас Европада “модерн (замонавийлик) – тугамаган дастур” деб ёзган эди. Олимнинг бу фикрини ҳаётимизга татбиқ қилсан, “ўзлик – тугамаган дастур” ўлароқ инъикос этади.

Тарихий онг тугал шаклланмагани ёки советча онгнинг ҳалигача устунлиги сабаб ўзлигимиз постколониал ва модерн (сталинча вариантда) категорияларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Оқибатда, жамиятда маданий тараққиёт паст-баланд тарзда кечмоқда, зиёлилар орасида илмдан йирок баҳслар кўпаймоқда, дунёвийлик ва диний тафаккур турли жабҳаларда тўқнаш келмоқда. Интеллектуал “айирмачилик” ва бошбошдоқлик, миллий ўзликнинг тарихий асослари бўшлиги шундай нораво ҳолни пайдо қиласди. Бу вазиятдан бизни фақат очиқ мунозара, эркин тафаккур ва чинакам ўзлик таълимоти қутқара олади. Яна Ж.Лакан назариясини ёдга олсан, ўзлигимизни англашимиз учун “ўзга” керак. Ҳозирча жамиятимизда ҳақиқий ўзликка тенг “ўзга”

йўқ, илло баҳслашаётган гуруҳлар мавжуд. Сиёсат, маданият ва дин инсон манфаатларига хизмат қиласа, жамиятда муносиб “ўзга” вужудга келади. Ғоявий плюрализм эса рисоладагидек ўзлик таълимоти шаклланишига кўмак беради.

Яна бир бор таъкидлаймизки, ўзлигимизга ўтмишнинг таъсири катта ва кўп ҳолларда у салбий таъсир қўрсатаётир. Асосий сабаблардан бири – биз ўтмишимиздан норозимиз. “Ҳаққоний тарих”ни излаш билан овора эканимиз боиси ҳам шу. Норизолик ҳам ўзлик, ҳам тарихий хотира шаклланишига тўсиқ бўлади. Бу кайфиyatни енгиг ўтиш учун жамият тарих билан “хотиравий муроса”га келмоғи лозим. Зиёлиларимиз ва сиёсатчиларимиз тарих кечаги кун эканини тан олишлари зарур. Тарихий хотира қарор топмоғи учун мозийга муносабат ҳам ўзгариши керак. Замондошларимиз тасаввурида ўтмиш – ўтмиш эмас, балки ҳозирги кунгача давом этаётган узлуксиз воқеалар алмашинуви. Жамиятда кечаетган муноқашаларнинг сабаби ҳам шундадир. Ўзлик ва тарихий хотира пойдор бўлмагани боис баҳслар алжираш ва шахсий манфаатлар тўқнашувига айланниб қолмоқда ёки сиёсийлаштирилмоқда. Алалоқибат, ўзлик бир четда қолиб, бошқа сиёсий ғоялар марказий ўринга чиқяпти.

### Буюк ўтмиш ва ўзлигимиз

Буюк ўтмиш ғояси “ҳаққоний тарих” тушунчасини пайдо қилди. “Буюк ўтмиш” шундай феноменки, у гоҳида тўқима-хаёлий ҳодисаларни талаб этади. Шонли ўтмиш, улуғ аждодлар ғояси ўзлигимиз шаклланишига соя солаётгандек. Ман-

тиқан баҳоласак, “буюк ўтмиш” концепцияси интеллектуал нотенгликни яратади. Чунки у кези келганда тарихни идеаллаштиришга мажбурлайди. Идеаллаштирилган тарихни ўқиган замонавий инсон бугун ва ўтмиш ўртасида нисбат қидиради, излаганини топа олмагач, тарихдан кўнгли совиди. Шу тариқа ўзликнинг функционал қуроли – тарихий онг шаклланмай қолади. Алалоқибат, замондошимиз ўзлигининг илдизини бошқа миллатлардан қидиради, яқин-йироқдаги мамлакатларга ҳавас-ла боқади, психологик жиҳатдан ўзини ноқис сеза бошлади.

Шонли ўтмиш гоясининг яна бир жиҳати ўзлик тушунчасининг сиёсийлашгани ва мафкуралашгани билан боғлиқ. Бу вазиятда у давлатчилик гоясига чамбарчас боғланади, яъни давлатчилик “ўзга” вазифасини бажаради. Бизда ҳам охирги ўйнилликларда ўзлигимиз мазмунини давлатчилик мафкураси белгилагани сир эмас. Тарихимиз талқинида давлатчилик бирламчи аҳамият касб этгани сабабли у ўзлик масаласидан ҳам устун мавқени эгаллади. Ўзлик ҳатто давлатчиликнинг бир унсурига айланди. Аслида, аксинча бўлиши керак эди. Соғлом тафаккурга қулоқ тутиб, барини ўз ўрнига қайтариш вақти келди, назаримизда.

Мақола аввалида ўзлик бобида соғилмий мунозара кечмоғи учун интеллектуал тарих йўналишини ривожлантириш зарурлиги ҳақида гапирган эдик. Интеллектуал тарих тушунчалар такомили ва тадрижини ўрганади. Академик тарихимизда ушбу йўналиш равнақ топса, ўзлик асосларини англаш ҳам осонлашади.

## Интеллектуал тарих зарурати

Нормал ўтмиш ва нормал келажак ҳақидаги тасаввурларни айнан интеллектуал тарих шакллантиради. Ушбу илмий йўналиш ўтмишдаги ғояларни реконструкция қилиб, тушунчалар моҳияти ва мазмуни орасидаги фарқларни тадқиқ этади. Масалан, “Бобурнома”да Ҳирот аслзодаларининг ҳаёт тарзи нега қора бўёқда тасвирланган? Жадидлар нега айрим анъаналарни тараққиёт йўлидаги асосий ғов деб билган? Бобур Мирзо Ҳирот аркони давлатининг айш-ишратга берилгани Шайбонийхоннинг осон ғалабасига замин ҳозирлади деб ҳисоблайди. Жадид маърифатпарварлари эса қолоқ одатлар, тўйлардаги исрофгарчилик ва таълимга эътиборсизлик сабаб илғор ўлкалардан ортда қолиб кетдик деб куюнади.

Интеллектуал тарихчи учун ўтмишдаги воқеа-ҳодисаларни замондошлар қандай қабул қилиши, улар бугунги кун жамиятида қандай акс садо бериши ўта аҳамиятлиdir. Ҳамма тарихчilarимиз ҳам матн замирида баҳсли фикр, муаллифнинг шахсий истак-манфаатлари ётишини тўғри тадқиқ қилавермайди. Айрим олимлар тарихий матнни замонавий мафкура кўзойнагини таққан ҳолда ўқиди. Яъни тарихий матнни идрок этишда ғоявий эврилишлар эътиборга олинмайди. Оқибатда, тарихий матннинг моҳияти бузилиб, мазмуни таҳрирга учрайди. Бу ҳолат ўзлик шаклланши ва мавжудлигига ҳавф туғдиради.

Ўзлик таълимоти ҳам интеллектуал тарихнинг асосий тадқиқот мавзуси ҳисобланади. Мулоҳазали саволларимизни давом эттирсак: Бобур ва жадидлар ўзлиги ўр-

тасида муштарак жиҳатлар борми? Бобур ҳам, жадидлар ҳам замонасининг ашаддий танқидчилари ҳисобланади. Хўш, турли даврларда яшаган тарихий сиймоларнинг ўзлиги жавҳари нима эди? Умуман, аждодларимиз ўзлиги “эволюцияси” мавжудми?

Афсуски, ўзлик тадрижи борасида равшан тасаввурга эга эмасмиз. Чунки уни сиёсий категория деб қабул қилганимиз. Аслида, ўзлик ижтимоий категория ва ҳамиша замонавийликка алоқадордир. Мазкур тушунча ижтимоийлашуви учун унинг тарихи ёзилиши шарт. Бу яна бир карра интеллектуал тарихни ривожлантириш лозимлигини тасдиқлади.

### Ренессанс ва ўзлик

Ўзлик таълимоти хусусида сўз борар экан, “ренессанс” (уйғониш) тарихий-мафкуравий концептини четлаб ўтиб бўлмайди. Минтақамиз халқлари икки катта Ренессанс даврини бошдан кечирган. Биринчи давр IX – XII асрларни, иккинчиси XIV – XV асрларни ўз ичига олади.

XX асрнинг 20-йилларида Базель университети профессори Адам Мец Мусулмон ренессанси ҳақида батафсил ёзган эди. Шу даврдан эътиборан ренессанс нафақат Farb, балки Шарқ маданиятига ҳам тегишли экани исботланди. 1960-йилларида академик Виктор Жирмунскийнинг Шарқ ренессансида Алишер Навоий ролига доир мақоласи Темурийлар ренессансига илмий асос бўлиб хизмат қилди. Шу даврда академик Николай Конрад Темурийлар ва Farb ренессанси ўзаро боғлиқлигини асослади. Н. Конрад Навоий ўз асрларида умуминсоний гояларни олға сургани билан

бошқа Шарқ алломаларидан ажralиб туришини таъкидлаган эди. Совет Иттифоқи парчалангандан сўнг илм-фанда ренесансга муносабат кескин ўзгарди. Уйғониш ғояси гоҳ миллийлаштирилди, гоҳ диний-лаштирилди.

Рус олими Леонид Баткин фикрича, “Ренессанс XX аср тарихий онгининг энг долзарб муаммоси ҳисобланади”. Аммо зиёлиларимиз бу илмий ҳақиқатни англамаётгандек. Чунки мазкур мавзуда на академик доираларда, на кенг жамоатчилик орасида очиқ мунозара кузатилмаяпти. Тарихий онг ва ренессанс даврларидан илҳом оляпмиз, зўр таъриф-тавсиф ёзяпмиз, лекин масалани теран тафаккур қилиш, ижодий ёндашиш бобида ҳамон ортдамиз. Ренессанс тарихий онгимизнинг бир қисми экан, унга доир ғояларни тарихий хотира даражасига кўтармоқ лозим. Бу вазифа уddyаланмас экан, Уйғониш даври тарихий фактдан нарига ўтмайди.

Учинчи Ренессанснинг мақсади аён: ўтмиш ҳодисаларини тафаккур чиғириғидан ўтказиб, тарихий хотирани мустаҳкамлаш ва тарихий онгни шакллантириш. Бунинг уddyасидан чиқсан, ўзлик бевосита ва билвосита тарихий онг билан вобаста бўлиб, соғлом миллий тафаккур вужудга келади. Демак, ренессансларимизнинг янги талқини зарур. Уларни ўрганиш билан чекланмай, Учинчи ренессанснинг илмий асосини яратиш лозим.

### Орзудаги келажак

Кейинги вақтларда зиёлиларимиз матбуот ва ижтимоий тармоқларда “нормал ўтмиш” ва “нормал келажак” ҳақида му-

лоҳаза билдира бошлади. Бу ўринда тарих ва келажакни буюклик дъявосидан халос этиб, инсон манфаатини илгари суриш на- зарда тутилмоқда. Боя қайд этганимиздек, ўзлик ғояси ўтмиш ва келажак босимидан халос бўла олмаяпти. Шонли ўтмиш, буюк келажак каби ғоялар эса “ўзга”нинг қуроли экани сир эмас.

Ўзлик доимо замонавий бўлиб, давр руҳини акс эттиради. “Ўзга” эса ўтмиш ва келажак категорияларига таяниб, мудом ўзлик “ҳудуд”ига даҳл этиш пайида. Жамиятимизда ўтмиш ва келажак босими кучли бўлгани сабаб ҳам ўзлик ўзанини топа олмаётир. Замонавийлик (модерн) орқали ўтмиш ва келажакни англаш бобида ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Оқибатда, “ўзга” буюклик дъявоси орқали замонавийликка таҳдид соляпти. Ўзлик билан “ўзга” орасида мувозанат бузилиши иккинчи томон фойдасига хизмат қиляпти.

### Тарихий тажриба ва хулоса

Ўзлик такомили жаҳонда катта империялар (инглиз, француз, рус) барпо бўлиши даврига тўғри келади. Фарбий Европа ва Японияда ўзлик миллат кўринишида намоён бўлди. Европада замонавий таърифга мос миллатлар 1789 йилги Буюк француз инқилобидан сўнг вужудга келди. “Америкалик” эса классик Европа миллатларидан фарқли равишда турли элатлар қоришуви натижасида ҳосил бўлган. Америкалик – “ёввойи” Фарбни ўзлаштириш жараёнида тобланган ва шаклланган халқидир. Японияда XIX – XX аср бўсағасида ўзлик муросасиз миллатчилик тарзида майдонга чиқди. Иккинчи жаҳон урушидан


сўнг эса Кунчиқар ўлкада вестернизация (ғарблашув) кучайди. Бу жараён ҳозирга қадар давом этяпти.

Ўзбекистон аҳолиси ўзликни шакллантириш учун бир неча моделни ташлаш имконига эга. Бизга мос келувчи моделлардан бири – қадимги сўғдийлар десак бўлади. Ҳозирги давр геосиёсий жиҳатдан III – VI асрларни эслатади. Ўша кезлар сўғдийларни шарқдан – Ханъ (ҳозирги Хитой), жанубдан – сосонийлар (Эрон), ғарбдан – Византия империялари, шимолдан эса Турк хоқонлиги қуршаб олган эди. Шимолий Евроосиёда қабилаларнинг Farbga буюк кўчиши кечётган эди. Ана шундай мураккаб вазиятда сўғдийлар турли давлат, элат ва қабилалар билан келишиб савдо-сотик қилган, Буюк Ипак йўлида азим шаҳарларни барпо этган эди. Сўғд савдогарлари орқали бутун Евроосиёга маданият ва динлар тарқалган, улар Шарқу Farb халқлари ўртасида кўприк вазифасини бажариб, кўплаб урушларнинг олдини олган эди. Сўғд тили халқаро тижоратда кенг истифода этиларди. Насроний, моний ёки буддавийликка эътиқод қилган сўғдликлар дин ва маданият бобида бағрикенг бўлган.

“Ўзбекистонлик” атамаси мазмун-мехнатини сўғдийларнинг турмуш тарзи, қадриятлари ва дунёкараши билан бойитиш мумкин. Ўзбекистон бугун ҳам сўғдликлар каби сиёсий, иқтисодий ва маданий масалаларда медиатор (воситачи) бўлиши лозим. Ана шунда биз аждодларимизнинг тарихий мақом-мавқеини қайтариб олган бўламиз. Ўзлик таълимоти борасида ҳам аниқ хуласалар шаклланади.



Темур ЖҮРАЕВ



## HANTINGTON НАQ EDIMI?

Бундан ўттис үйлч ааввал америкалиқ сиёсатшунос Сэмюэль Ҳантингтон “Цивилизациялар бир куни шубҳасиз тұқнашади ва бу, инсоният тарихида охиргиси үлароқ, Ғарб цивилизациясининг ҳал қилувчи ғалабаси билан яқун топади” деган фикри билан жаһонга машхур бўлган эди. Хулоса асосли ёки асоссиз эканидан қатын назар, ўшанда мен бу шов-шувли башоратта ишонмаган эдим. Яшириб нима қилдим, марксизм-ленинизм, тарихий материализм руҳида тарбия топган кўпчилик одамлар сингари пировардида Ғарб цивилизацияси эмас, коммунизм тўлиқ қарор топишига имоним комил эди.

Ииллар ўтди, аср алмашди. Инсоният тараққиётининг “ўқи”, “қутб”лари ҳам ўзгарди. Ўша дамларда ўз “зафарли юриши”га қатъий ишонган айрим куч марказларида бугун саросима, парокандалик ҳукм сурмокда. Улар йўқотилган мавқени қайта тиклаш илинжида ҳозирча узил-кесил бир тўхтамга келмаган халқлар онгу тафаккурини ўзига оғдиришдан дурустроқ йўл тополмай қолди. Йўлини кескин ўзгартирган тарихга халал беришга қодир куч энди деярли йўқ.

Кенг миқёсли ижтимоий эврилиш, бир босқичдан иккинчисига ўтиш паллалари-

да муайян цивилизацияни рўкач қилиш, унинг номидан йўл тутиш усули ҳаракатга келар экан. Муаммо шундаки, цивилизациялар бир неча ёки ундан кўпроқ социум ва халқларнинг ҳамжиҳат бўлиб яшаш истаги ўлароқ бир-бирига қарама-қарши қўйилмокда. Зиддиятдан манфаатдор сиёсий-мафкуравий кучлар эса воқеа-ҳодисалар маромини бамайлихотир орқаворатдан кузатаётир. Авваллари уларнинг манфаатларию амбицияси учун ижтимоий синфлар қурбон этилган бўлса, бу гал бутунбошли цивилизациялар барҳам топадиганга ўхшайди. Ҳантингтон башариятни бунга даъват қилмаган, ундан огоҳлантирган эди, холос. Аммо инсоният бугун “гибрид уруш” тимсолида цивилизациялар тўқнашувига гувоҳ бўлаётгани – аччиқ ҳақиқат.

Цивилизациялар мухорабаси объектив равишда, бирорнинг хоҳиш-иродасиз келиб чиқяптими ёки уни ҳаракатга келтираётган субъектив туртки борми? Дангалини айтганда, ихтилоф чиқаришга ўрганиб қолган субъектлар керагидан-да кўп. Хўш, улар нима сабабдан ҳар доим шу йўлни танлайди, асл мақсад-муддао нима ўзи? Бу саволга жавобни бугун ёки кечадан эмас, балки тарих қатламларидан – халқларнинг хоҳиш-иродасини синдириш, уларни ўз измига бўйсундириб, бирхиллаштириш мафкурасининг илдиз отиш паллаларидан изламоқ лозим. Нима бўлганда ҳам, Ер куррасининг турли минтақаларида рўй берадиган катта-кичик тўқнашувлар вақт-соатини кутиб, ҳаёт-матом жангига отланган империявий зеҳниятнинг хусусий кўринишидан бошқа нарса эмаслиги аниқ.

Сиртдан турли-туман, аммо моҳияттан бирбутун бу феномен одамларга жозибали туюлиши, ҳатто манипуляторлик (чалғитиш) кучи орқали ўзига ром этиши мумкин. Алқисса, бу ўринда ҳам индивидуумга хос маълум вақт кесимини саёз диахроник идрок этиш, ҳар бир давр вертикал ва горизонтал ўлчамга эга қатламлардан иборат эканини билмаслик хасталиги яна юзага чиқмоқда. Ваҳоланки, зукко мутафаккирлар ижтимоий-сиёсий жараёнлар маромида сезиларли ўзгаришлар бошланётгани, мафкуравий жабҳада чукур эврилиш билан боғлиқ янги даврга ўтилаётганини айтганига ярим асрча бўлди. Кимдир-биров уни идрок этишдан буткул ийроқ, кимдир “бу ҳол соат милларининг шунчаки навбатдаги силжиши ўлароқ ҳеч нарсани ўзгартирмайди” деб билади. Вақт маромини қатъий чизиқли деб ҳисобловчи бошқа бир тоифа жараённи шунчаки эскининг ўрнини янги эгаллашига ўхшатади. Уларнинг тасаввурида тарих ғилдираги мутлақ мавхумлик томон ҳаракатланмайди, балки олдиндан ҳисоб-китоб қилинган манзилда тўхтаб, макон ва замон ўзгариши эфектини беради, вассалом.

Бизнингча, ҳар бир янги давр буткул янги мезон-ўлчамлар, янги ижтимоий-маънавий уфқ сари элтувчи тенденцияларни вужудга келтиради. У, ўз навбатида, ижтимоийлик, ҳамжиҳатликнинг турли варианtlарини шакллантиради. Шундай экан, барча умумжаҳоний бурилишларни кўпвариантлилик контекстида идрок этмоқ лозим. Бу – объектив реаллик. Ҳаётий фолиятни “беш босқичли тўғри чизиқ”, яъни формацион талқин қилиш, халқлар, миллатларни мифологик “прокруст ўриндиғи”-

га зўрма-зўраки ўтқазиш усули эса умумбашарий табиийликка соя солади.

Тарихнинг ҳар бир янги одими тараққиётнинг сон-саноқсиз йўлларига бошлиши, улардан бирига устуворлик беришда ҳар бир халқ эркин, суверен эканини инобатга олиш лозимлиги аллақачон аксиомага айланган. Бундан бехабарлик ёки уни мэнсимаслик қандай оқибатларга олиб келишига постколониал жамиятлар кечмиши гуваҳлик берәтирир (*Л.Бондаренко. Историко-культурные аспекты формирования наций в постколониальных государствах Африки // Вестник Российской АН. 2022, №1. Т. 92. Стр. 86 – 96*).

Кейинги изланишларда дунё бир марказли эмас, аксинча, кўп марказли экани асосланди. Натижада, “XXI аср бошларидаёқ инсоният жаҳон тарихини ўрганиш ва талқин қилишда ижтимоий-гуманитар фанларда радикал бурилиш томон, уни глобал бирбутунлик сифатида идрок этиш сари юз бурди. Дунё динамикаси марказларининг ҳар бири янги даврда маконини ўзгартириши – ночизиқ кўп марказли яхлитлик деб эътироф этиладиган бўлди” (*Ю.Гранин. Бесконечная имперскость России, цивилизационная измерение // Вопросы философии. 2022, №9. Стр. 78*).

Европанинг ғарбий нуқтаси (Буюк Британия, Франция ва Гремания) бир неча юз йил мобайнинда умумжаҳоний динамиканинг маркази бўлгани сир эмас. Бугунга келиб “Евроатлантика” дея жугофий қамрови кенгайтирилган макон ҳамон глобалистик даъводан воз кеча олмаяпти. У хаёлан 100 – 150 йил аввалги машҳур Виктория даврида яшаётгандек. Бизнингча эса, жаҳон сиёсати ва иқтисодиёти куч

маркази у ерни тарк этиб, Шарқ сари ихтиёр қилди. Ушбу умумсайёравий тектоник силжишнинг замирида жумлаи жаҳоннинг бир неча асрлик тажрибаси ётади. Бу тажриба асрлар давомида ҳамжиҳатлиқда яшашнинг ибтидоий шаклидан инсон зотига ярашили юқори мақомга муттасил интилиш натижаси ўлароқ таркиб топган цивилизацияларо табиий соғлом рақобат, маърифий мулоқот ҳамда бир-бирини яқиндан билиш истагида намоён бўлади. Уларни табиий маромидан мосуво этиб тўқнаштираётган таълимотлар, мафкуралар, стратегиялар ҳам мавжуд.

Цивилизациялар, географик қамровидан қатъи назар, фозил ижтимоий гурухларнинг илоҳий ва дунёвий кўрсатмалар асосида таркиб топган мураккаб структуралари носиёсий, тарихий-маданий бирикмасидир. У – одамзоднинг мэррага етмоқ учун минг йилликлар мобайнида бехатар кўнимгоҳ излаши натижасидир (*В.Федотова. Меняющаяся современность: всемирность и социальность // Вопросы философии. 2020, №11. Стр. 5 – 14*). Афусуки, моҳиятан ижтимоий-руҳий туртки ҳосиласи бўлмиш цивилизацияни айрим кучлар охир-оқибат сиёсийлаштириди, оқибатда табиий ривожланиш маромига дарз кетди. С.Хантингтонни хавотирга солган эҳтимолий хатар бугун деярли воқеиликка айланди. Нацизм, шовинизм, милитаризм, ирқчилик каби аксилинсоний оқимлар ва зиятдан уддабуронлик билан фойдаланди. Охир-оқибат энг кўп зарар кўрган субъект-цивилизациянинг ўзи бўлиб чиқди.

Ер куррасининг қайси нуқтасини қамраб олишидан қатъи назар, илфор тамаддуналар башариятга ҳамжиҳат яшаш модели-

ни тавсия этиши маълум. Минг йиллар бурун Хитойда ўрнатилган ноёб Яо ва Шунь комил инсон бошқаруви (меритократия), қадимги ҳинд заминида пайдо бўлган Артхашастра, Шарқу Farb туташган маконда илдиз отиб, умумбашарий кучга эга бўлган эллинизм кабилар ҳамон инсоният хотирасида. Турли элатларнинг ҳамнафасликда яшашига озми-кўпми шароит яратган мозий ижтимоий тартибот моделлари ҳозирги авлод қалбида ҳам умид ва ишонч нурини сочаётир. Демак, бугун тарихий ижтимоий-сиёсий тартибот, ижтимоийликнинг тамомила янги услублари саҳнага чиқаётгани объектив қонуният экан. Янги мезон-андазалар эса тарихий тараққиётни янада юқори босқичга олиб чиқса ажаб эмас.

Цивилизация моҳиятан маданий-маънавий феномен. Бироқ унинг ижтимоий-маънавий кучи рӯёбга чиқмоғи учун қувват маркази – ядро зарур. Бу залварли юкни ўша тамаддун мансуб ижтимоий-сиёсий бирлашмаларнинг яққол етакчиси, яъни тўлақонли суверен давлатлардан бири ўз зиммасига олиши мумкин. Илфор сиёсий кучлар ўз вақтида майдонга чиқади, албатта. Бироқ тасаввуримиздаги қувват маркази эндилиқда ўтмишдагиларга ўхшамаслиги тайин.

Ҳозирги даврда дунё аҳолисининг катта қисми ўз эътиборини Хитойдаги чукур ижтимоий-сиёсий трансформацияга қаратаетир. Бу борада сўнгги хulosани айтмоққа ҳали вақт бор. Бироқ турли жабҳада юксалаётган замонавий Хитойнинг идеалларию қадриятлари, хусусан, "Буюк ҳамжихатлик" таълимоти, аксинча, Евроатлантика цивилизациясининг қадриятлардан

йироқлашуви Чин ўлкаси жаҳон тамаддунини тубдан ўзгаририши ҳақидаги фаразларни туғдирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, дунё қўпқутблилик томон юзланаётган экан, социумлардан бирининг етакчи-авангارد мақомга эришиши бошқа давлатлар руҳиятига таъсир қўлмаслиги лозим. Пойгода барча иштирокчилар сўнгги чизиқни бирваракай кесиб ўтиши имконсиз. Бундай шароитда етакчи жамият ёки давлатнинг мақоми ўзгача бўлиши табиий. Ахир, у – янгича ҳамжихат яшаш тимсоли, янги цивилизацион тартибот ташувчиси! Кучдан қолган цивилизация бундай залварли миссияга қодир эмас. Инсониятнинг истиқболи хусусида гап борар экан, муқобил тамаддун глобал "вестернлаштириш"дан асрлар мобайнида азият чеккан минтақалардан бирида вужудга келади, деган тахмин хаёлга келади.

Қаламга олинган глобал омил, яъни ижтимоий тартибот ташувчи жамиятга қайтсак, у пешқадам ижтимоий-иқтисодий ва маънавий марказ, аксар соҳаларда карvonбоши бўлмоғи лозим. Шундагина у дастлаб ўз минтақаси, сўнгра бошқа социомаконлар учун улги бўла олади. Жаҳон ҳамжамиятининг боши берк кўчадан чиқиб, янги тартиботга ўтишида мақбул йўл бу!..

Дунё ҳамжамияти сон-саноқсиз имкониятлар макони эканини унумаслик керак. Улардан энг самаралисини танлаш эса элатлар, социумларнинг вазифасигина эмас, масъулияти ҳамдир. Бугунги ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ҳолат ўзгача: инсоният истиқболи хусусида масъул шахслар чуқурроқ ўйлашига тўғри келяпти. Ўзимбўлайчилик, ўйламай-нетмай

андак жозибали туюлган йўлни ихтиёр қилиш, жавобгар институтларнинг масъуллиятни соқит этиши, “барчанинг барча билан уруши” ҳолати бора-бора цивилизациялар тўқнашувига олиб келиши тайин. Инсон интеллекти ва унинг имконизлники имкониятга айлантиришдек буюк кучи эса тараққиётнинг илғор йўлини топиши шубҳасиз.

Боя жаҳон ҳамжамияти ўзига ярашикли ўзанга тушишида етакчи куч зарурлигига ургу бердик. Аммо илғор ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида ўтишда йўллар шу қадар қўпки, улардан мақбулу манзурини танлаш осон эмас. Бу борада жаҳон ҳамжамияти бир неча маънавий юксак давлатлар атрофида бирлашиш ва шу асосда дунёни ўзgartiriш йўлини танлаши ҳам мумкин.

Воқеалар мароми шуни кўрсатмоқдаки, Ер куррасининг турли миңтақаларида зарур ижтимоий-тарихий муҳит, қийинчиллик билан бўлса-да, шаклланмоқда. Бу ўринда халқаро сиёsat майдонида вужудга келган қитъалараро ва тамаддуналараро бирлашма – BRICS фаолияти тўғрисида мухтасар маълумот бериб ўтмоқчимиз. Суверенитетни байроқ қилган ушбу иттифоқни тузган давлатлар – евросиё, конфуцийчиллик, ҳиндувийлик, афросиё ҳамда иberoафрика тамаддуналари вакиллари. Расмий ҳужжатларига эътибор қаратилса, BRICS эндигина илдиз отаётган янги цивилизациялараро ижтимоий тартиботга йўналтирилгани ойдинлашади.

Беш цивилизациянинг беш мамлакатини (Бразилия, Россия, Хиндистон, Хитой, Жанубий Африка) бирлаштирган бу сиёсий иттифоқ очиқлик, бўйсунмаслик, этник

ва лисоний бағрикенглик, тенглараро тенглик каби қадриятларга таянади. Эҳтимол шу боисдир, тузилма қўплаб давлатларда қизиқиш уйғотмоқда. Аргентина, Туркия, Эрон, Миср, Жазоир каби ўнлаб давлатлар BRICS сафига қўшилиш ниятида.

Бошқа томондан, тараққиётнинг “ЕвроАтлантика модели” бугун синовли дамларни бошдан кечирмоқда. Бунинг сабабини эса давлатлар ўзидан излаши керак. Ўтган асрнинг биринчи чорагида олмон файласуфи ва социологи Макс Шелер мазкур цивилизация ҳақида “уларнинг онгу тафаккури, руҳиятида ўзини шунчаки оддий миллат эмас, балки умумсайёравий империя эгаси деб ҳисоблаш устувор бўлиб келган” деган эдики, мазкур хулоса XXI асрга келиб яна бир карра исботини топди.

Инсоният қай бир цивилизацияни танлайди – айтиш мушкул. Тамаддун лойиҳасини олдиндан лабораторияда яратиш ва амалиётга зўрма-зўраки татбиқ этиш инқилоб, фуқаролик уруши ва бошқа фожиаларга сабаб бўлиши мумкин. Башарият янгича муносабатлар тизимини оммавий мажбурлов орқали ўрнатилишини энди кўтара олмайдиган кўринади. Кенг қамровли глобал ижтимоий-сиёсий эврилишни амалга оширишнинг дуруст йўли – инсоният онгу тафаккури ҳамда режаларининг эзгулик томон тадрижий силжишидир. Бу борада илмий тафаккур, янги ижтимоий-гуманитар изланишлару тадқиқотлар турткни бўлиши тайин.

Дарҳақиқат, мозий – ҳикматлар хазинаси, идеаллар кони, у муҳим кечмишлардан воқиф этиб, келажак тилсимини очишига кўмак беради. Нимага кўл уриш ва нимага кўл урмасликни ҳам уқтиради у. Шундан

келиб чиқсак, бугунги ижтимоий тартибот келажақда қандай метаморфозани бошидан кечиради, у қандай шаклу шамойил касб этади? Тарихнинг бир босқичдан иккинчисига ўтиш қонуниятига таяниб айтсак, бўлажак гуманистик ҳамжамиятда миллиардлаб инсонларнинг ҳамнафас яшаш маданияти самарали хўжалик юритиш ва илмий-техник тараққиёт учун зарур шароит яратишга боғлиқ ҳолда кечади.

Янги даврда ахлоқий-ҳуқуқий кодекслар, маънавий муҳит ислоҳ этилиши, ҳалқаро ва ички институциявий ўзгаришлар рўй бериши аниқ. Буларнинг бари тамаддунлар тўқнашувига ўрин қолдирмайди.

Тафаккуру тасаввурда гавдаланаётган идеал жамият ёки тартиботга чизгиларни Ер куррасининг турли ўлкаларида яшаб ўтган буюк мутафаккирлар илмий меросидан топиш мумкин. Сирасини айтганда, умумсайёравий маърифий тартиботга доир утопия Ҳомер, Яо ва Шунь, Зардўштдан то бугунгача мутафаккирлар ижодида яшаб келаётган метатарихий феноменdir. Аксар таълимотларнинг утопиялигича қолгани, тарих қаърига унсиз шўнғигани рост. Аммо баъзилари ҳаётийлиги боис нафақат тафаккурда макон тутди, амалиётга изчил татбиқ ҳам этилди.

Дунёдаги жараёнлар, эзгу ният-мақсадларнинг якуни хусусида сўз борар экан, инсоният учун қайси йўл яхши ва қай бири ёмон деган жумбоқли савол кўндаланг бўлаверади. Таассуфки, ҳатто оламда нималар рўй бераётганидан бо-

хабар кишилар даврасида ҳам анъанавий “илфор мамлакатлар” моделига мойиллик кайфияти сақланиб қолмоқда. Кўхна дунё тараққиётнинг беҳисоб шакл ва усуслари хазинаси эканини фаромуш этмаган маъкул. Йўл-йўналишлардан қай бири яхши ёки ёмонлигини аниқлашда эса умумэтироф этилган мезон мавжуд: таклиф этилаётган тамаддун инсоннинг, сизу бизнинг осойишта ва фаровон ҳаётимишин таъмин этмоғи лозим. Аччиқ бўлса-да, тан олайлик, анъанавий “изм”лардан бирортаси ижтимоий-сиёсий уйғунлик орзусини рўёбга чиқара олмади. Савол кетидан савол туғилади: афсонавий Шамбаладек саодатли гўшани қаердан қидирмоқ керак?

Постноклассик фалсафага кўра, уни бир вақтнинг ўзида бугун ва келажакдан ахтармоқ нораводир. Бинобарин, инсон зоти неча асрлардан бўён излаётган ўзаро ҳамжиҳат яшаш модели бир неча минтақада эмас, балки бугунги воқеликнинг ўзида мавжуд.

Нечоғли мураккаб ва зиддиятли бўлмасин, бугун дунё яхлит гипертезимга айланди. Оддий нигоҳдан панадаги чуқур қатламларда азалий ва абадий кураш кечаётир. Ҳаётдек бетакрор неъматни асрasha жаҳон аҳлиниң ҳаммаслак, ҳамфир эканини ҳисобга олсак, глобаллашув ва минтақалашувнинг кўламию шиддати ойдин бўлади-кўяди. Алқисса, оламнинг равиш-рафтори, кайфияти унинг ботиний қатламларидаги бетиним ҳаракат, силжишларга боғлиқдир.



# *Tilim-tilim tilingan tilim*

## **Кошғарийдан қолган тил садолари**

Атоқли шоир Абдулла Ориповнинг ушбу машхур сатри шеърият мухлислари га таниш. Муаллиф “қалам дәхқони” деб таърифлаган заҳматкаш устоз – Миртемир домлага бағишиланган шеърдан олинган бу мисра кишини чуқур ўйга толдиради.

Собиқ совет давридаги ҳукмрон мағкура, ғирром тил сиёсати туфайли тилимиз кўплаб ноёб хусусиятларидан маҳрум бўлди. Кўхна туркий оҳангларни она тилимизда жонлантиришга уринган не-не шоир ва адилларимиз, тилшунос ва адабиётшунос олимларимиз “пантуркизм” – туркпарастлик ва миллатчиликда айбланиб, омма-

вий қатағон қурбони бўлгани ҳам маълум. “Пантуркизм”га қарши кураш кампанияси доирасида алифбомиз бир неча бор ўзгартирилди; тилимиз, айниқса, унинг товушлар тизими таниб бўлмайдиган даражага келиб қолди.

Шўроча иккюзламачи сиёсат туфайли ўзбек тили номига туркий тиллар гурухига мансуб деб ҳисобланса-да, ундаги барча туркий унсурлар йўқлилкка маҳкум этилди. Жумладан, ўзбек адабий тилини унга азалдан хос бўлган сингармонизмдан жудо этиб, бошқа туркий тиллардан ажратиб қўйиш мақсад қилинган эди. Ушбу ли-

соний хусус оғзаки нутқ ва шеваларимизда сақланиб қолганига қарамасдан, илмий манбаларда ўзбек адабий тили сингармонизмдан холи экани қайд этилди.

Хукмрон мағкуранинг тазийқ ва тақиқларига қарамасдан, миллатнинг тили ва тақдири ҳақида чин дилдан қайғурадиган фидойи тилшунос олимлар, оз бўлса-да, бор эди. Ана шундай устозлардан бири кўп ийллар Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг умумий тилшунослик кафедраси мудири бўлиб ишлаган профессор, филология фанлари доктори Худойберди Дониёровдир. Раҳматли домламиз мураккаб замонларда ҳам илмий мақолалари, замонавий ўзбек адабий тилига доир дарслик ва ўқув қўлланмаларида она тилимизнинг ноёб имкониятларига алоҳида урғу берарди.

Бутун илмий фаолиятини қипчоқ шеваларининг бой лингвистик хусусиятларини ўрганишга бағишилаган Худойберди Дониёров ўзбек тилининг сингармонизм билан боғлиқ ноёб жиҳатлари халқимизнинг сўз бойлиги, нутқ жараённида нозик маъноларни ифода этиш, айниқса, мумтоз шеъриятимизда халқчиллик, оҳангдорлик ва бадиий-эстетик гўзалликни таъминлашга асрлар мобайнида хизмат қилиб келганини таъкидлар эди. “Тилимиздаги унлилар 6 та эмас, 9 та!” деб уқтиришдан чарчамасди устоз. Барча туркий тилларда бўлгани каби ўзбек тилида ҳам “и”, “у” ва “ў” унлилари йўғон ва ингичка муқобилларига эга экани, лекин кирилл ёзувидағи алифбомизда улар бир ҳарф билан ифодаланиб қолганини афсус ва надомат билан айтарди.



Албатта, домламизнинг бу фикрлари теран илмий ва тарихий асосга эга бўлиб, ўтган асрнинг 20-йилларида жадид боболаримиз бошлаб берган маърифатчилик қарашларининг давоми эди. Буюк аллома Абдурауф Фитратнинг 1923 – 1930-йилларда ўзбек мактабларида ўқитилган “Сарф” (ўзбек тилининг биринчи грамматикаси) дарслигидаги фикрларни эслайлик: “Бизнинг тилимиз ялпи турк тилининг кенг бир тармоғидир. Турк тилида бўлған асосий ҳолларнинг бизнинг тилда бўлиши табиийдир. ...иккинчи рақам билан кўрсатилган тўққуз ҳарф эса унли товишлардир” (Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. IV жилд. Тошкент, “Маънавият”, 2006. 142-бет).

Китобнинг “Фонетика” бобида ўзбек тилида кучли сингармонизм борлиги таъкидланиб, ингичка – “kelmak” ва йўғон – “ bargmaq ” тарзида ёзилиши, шу сабабдан “kelmoq” деб ёзиш хато экани уқтирилади (Ўзбек тилига бор бойлиги ва гўзаллигини қайтарайлик. “XXI asr” газетаси, 2021 йил 1 апрель, №13).

*Афсуски, сиёсий-ижтимоий ҳаётимиздаги туб бурилишларга қарамасдан, тилишунос олимларимизнинг сингармонизмга муносабати ўзгармай қолаверди. Ҳатто илмий манбаларда ҳам ушбу ноёб ҳодисанинг ўзбек тилига дахлдорлиги хусусида эҳтиёткорлик билан сўз юритилди.*

Сингармонизм талаби бўйича “келмак” шакли тўғри эканини асрлар давомида “ўтмоқ” – “ўтмак”, “кулмоқ” – “кулмак”, “билмоқ” – “билмак” тарзида айтиб келингани ҳам тасдиқлайди. Алишер Навоий айнан шу мезонга амал қилади:

Ўқуб ўтмак, ўқуб ўтмак шиори,

Қолиб ёдида сафҳа-сафҳа бори (таъкидлар бизники – М.Қ.)

(Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Тошкент, Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. 50-бет).

Фитрат бобомиз таъкидлаган йўғон – “бармақ”қа мисол сифатида эса мана бу иборани келтириш мумкин: “Илк сен барғил (олдин сен бор)” (Махмуд Кошгари. Девону лугати-т-турк. Тошкент, Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. 31-бет).

Профессор Х.Дониёров сингармонизм туркий тилларда тўлиқ сақланиб қолгани, шеваларда амал қилиши, нутқда, айниқса, шеъриятда оҳангни, полифонияни кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга эканини

аплоҳида таъкидлаб, Эркин Воҳидовнинг мана бу сатрларини кўп тақрорлар эди:

Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон,  
Ул ширин ёлғонга лекин алданиб колғон ёмон,  
Умримиз алдоқ жаҳонда алданиб ўтгай вали  
Сўнгги кийналғон ёмондур, сўнгги кийналғон ёмон.

Озодлик нафаси эсиб, XX аср бошлиридаги адабий меросимиз тўлиқ тиклана бошлагач, аён бўлдики, жадидларда сингармонизм тўлиқ сақланиб қолган экан. Буни Чўлпоннинг “Кишан кийма, бўйин эгма Ки, сен ҳам ҳур туғилғонсен” деган сатрлари ҳам, илк ўзбек романининг “Ўтган кунлар” эмас, балки “Ўткан кунлар” шаклида бўлгани ҳам тасдиқлайди.

Афсуски, сиёсий-ижтимоий ҳаётимиздаги туб бурилишларга қарамасдан, тилишунос олимларимизнинг сингармонизмга муносабати ўзгармай қолаверди. Ҳатто илмий манбаларда ҳам ушбу ноёб ҳодисанинг ўзбек тилига дахлдорлиги хусусида эҳтиёткорлик билан сўз юритилди. Мана, бир мисол: “**СИНГАРМОНИЗМ** (юн. **syn** – бирга ва **harmonia** – оҳангдошлик, уйғунлик), унлилар гармонияси (оҳангдошлиги) – асосан, туркий тилларда, қисман мўғул, тунгус-манжур, фин-угор, палеосиё тилларида учрайдиган фонетик ҳодиса; бунда муайян сўз шаклининг (ҳам асос, ҳам аффиксларнинг) барча унлилари талаффуз (артикуляция) жиҳатдан бир турли: олд ё орқа қаторга мансуб (танглай гармонияси) ёки лабланган ё лабланмаган (лаб гармонияси) бўлади... Умуман, ҳозирги ўзбек адабий тили С. қоидаларига бўй-

сунмайди. Эски ўзбек адабий тилида эса С. қонуни анча изчил ва айрим ҳолларда тўлигича амал қилган” (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд. Тошкент, 2004. 628-бет). Бу гаплар эълон қилинганига ҳам 20 йилча бўлиб қолди, орада қанча сувлар оқиб кетди...

Бугунги кунда туркий олам бирлиги, унинг умумий қадриятларини тиклаш масаласига нафақат зиёлилар, балки давлат раҳбарлари даражасида ҳам катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз Туркий давлатлар ташкилоти ҳамда Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙга аъзо бўлди. Ушбу ташкилотнинг нуфузли анжуманлари, маданий тадбирлари юртимиизда ҳам кенг миқёсда ўтказилмоқда. Бизда тил сиёсати бутунлай ўзгарди. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини ошириш бўйича тарихий фармон ва қарорлар қабул қилинди. 21 октябрь ҳар йили Ўзбек тили куни сифатида кенг байрам қилинади. ОАВда, интернетда ўзбек тилининг нуфузини ошириш, лотин графикасидаги жорий имломизни такомиллаштириш юзасидан турли фикрлар, таклифлар эълон қилинмоқда. Бу жараёнда сингармонизм масаласида ҳам баҳс-мунозаралар бўлиб туриди. Баъзи филолог олимларимизнинг ушбу масалага ҳануз эскича ва юзаки ёндашиб, агар нутқ жараёнида сингармонизм қоидасига амал қиласидан бўлсак, тилимиз “қозоқча” бўлиб қолади, деган мазмундаги енгил-елпи нуқтаи назари кишида хавотир уйғотади. Бундан чиқди, Навоий бобомиз ва бошқа мумтоз шоирларимиз нуқул “қозоқча” ёзиб келган экан-да!

Албатта, назарий жиҳатдан олганда, бугунги ўзбек тили сингармонизм қоидаларидан анча узоқлашиб кетган. Лекин бунга табиий, яъни объектив жараёнлар эмас, балки субъектив – четдан зўравонларча аралашув ҳолатлари сабаб бўлган. Оқибатда тилимизнинг бир учгинаси ғоят устомонлик билан билинар-билинмас кесиб ташланди, унлиларимиз ўз “эгизак”ларидан жудо этилди; улар билан бирга нутқда товушларни ажиб бир уйғунликда талаффуз этиш имконини берадиган сингармонизм ҳодисаси ҳам барҳам топди – унинг-да боши кесилди. Беихтиёр Саъдулла Ҳаким шеъри билан айтиладиган қўшиқ сўзлари қалбимизда акс садо бергандек бўлади: “*Тилим-тилим ва яна тилим, Она тилим, жон она тилим!*”

Амалий жиҳатдан олганда эса, истеъоддли шоир ва адилларимизнинг маҳорати туфайли сингармонизм ана шундай тилим-тилим қилиб кесилган, кемтик ва бемор тизим ичида ҳам яшаб келмоқда. Кўхна туркий оҳанглардан рух олиб ижод қилаётган шоир-адилларимиз асарларида, баҳшиларимиз куйлаётган қўшиқ ва достонларда бу нутқий ҳодиса бамисоли узоқлардан чарчаб-ҳориб келаётган ўтмиш элчисидек бўй кўрсатиб қолади.

Демак, сингармонизм биздан бутунлай узоқлашиб кетгани йўқ, у садоқатли дўстдек ёнимизда туриб, ўз вазифасини сиддикилдан бажариб келмоқда.

### Рубобим тори иккидур...

Ўзбек адабий тилини сингармонизм амал қилган XX аср бошларидаги ҳолатга тўлиқ қайтариб бўлмаслигини барчамиз

яхши тушунамиз. Қанча уринманг, мактаб күрган ҳеч бир мардум шахсий маълумотлар варагини “түғилғон йилим” деб тўлдирмайди. Айни чоқда, сингармонизмни “эскилик сарқити” деб менсимайдиган бўлсақ, у билан бирга, миллий ўзлигимизнинг бир парчаси қулаб, йўқлик уммонаига ғарқ бўлиши ҳеч гап эмас. Дейлик, ушбу лисоний ҳодисадан хабардор бўлмасдан, Навоий, Бобур, Машраб каби улуғ шоирларимиз ғазалларидағи инжаликларни, Қодирийдек беназир адиб романларидағи нозик сирларни тўлиқ англаш имконсизdir. Лоақал “Қутадғу билик”, “Ўткан кунлар” каби мумтоз асарлар, “Аввалгиларға ўхшамас”, “Яхшилиғ” радифли машхур ғазаллар ҳозирги адабий тилимиз меъёrlаридағи фарқли равишда нима учун айнан шундай номланганини билиш учун ҳам сингармонизм ҳақида озгина тушунчага, товушларни фарқлаш кўнникмасига эга бўлиш лозим.

Миллий ўзликни англаш борасида анча илгарилаб кетган мутараққий миллатлар бизнинг ўрнимизда бўлса, “Ҳамонки миллатимиз фахри бўлган буюк адиб ва шоирларимиз “ўтган”ни “ўткан” тарзида ёзиб келган экан, келинг, уларнинг ҳақи-хурмати “етган”ни – “еткан”, “кетган”ни – “кеткан”, “нетгай”ни – “неткай” шаклида адабий меъёрга мослаб қўяйлик” деган тўхтамга келган ва адабий тилида икки хил мезон бўлишига йўл бермаган бўлар эди. Афсуски, бу даражага етиш учун бизга анча қовун пишиғи бордек...

Албатта, “қозоқча” дейилганда, биринчи навбатда қипчоқ шевасига хос ҳолатлар, хусусан, таркибида йўғон унлилар

бўлган ўзакка шунга мос қўшимча қўшиш назарда тутилмоқда. Ҳолбуки, тилимизда ингичка унлилари бор бўлган ўзакка шунга мос қўшимчалар қўшиш ҳолатлари ҳам кўп. Масалан, Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон – Ватаним маним”идаги “маним” сўзини эсланг. Ёки Навоий бобомиз ишлатган “йибардим”, “юдим”, “дедимки”, “дедики”, “истангиз”, “келмади” каби юмшоқ ўзак, негиз ва қўшимчаларни ўзида мужассам этган сўзларни олинг.

Буюк шоиримизнинг машхур **“Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуマンд этмас”, “Истаганлар, бизни сахроий балода истангиз”** каби сатрларида “истамак” сўзидаги унлилар ингичка талаффуз этилгани учун “-гон” ёки “-фон” эмас, “-ган” қўшимчасини олган. Яна бир мумтоз мисра – **“Тилармен бир йўли бузмоқ бузулғон рўзгоримни”** сатрида эса аксинча – “бузмоқ” сўзидаги унлилар йўғон бўлгани учун унга “-фон” қўшимчаси қўшилган.

Ҳамонки, шундай экан, бир ҳақиқатни аниқ тушуниб олишимиз лозим: сознинг иккита – йўғон ва ингичка пардаси бўлганидек, туркий тилларда ҳам шунга ўхшаш та-мойил амал қиласи; сингармонизм фақат “йўғон парда”лардан иборат эмас, унинг “ингичка парда”лари ҳам бор. Хоразмликлар ўғизча оҳангда севиб куйлайдиган мана бу сатрларга эътибор беринг:

*Ишқ риштаси билан белин боғлаган,  
Ҳасрат ўти билан бағрин доғлаган.  
Неча йилки, ўйлға қараб ўйлаган,  
Санга кангул барсам анда ёр йиғлар.*

Сингармонизмга қарши қилич қайраётганлар бу шеърий сатрларни озарча ёки туркманчага ўхшаб қоляпти десалар

ажаб эмас. Ўзбек тили туркй тиллар гурухига мансуб бўлгач, ундаги нутқ оҳанги қардош тилларга ўхшамай, хитой тилига ўхшасинми?!

### “Ўлдирмак”ни ким ўлдирди?

Тарихда товушларни фарқлаш, ҳис этиш бўйича нозик кўникманинг йўқлиги, она тилимиз тўлақонли адабий тил мақомига эга бўлмагани, мактаб-мадрасаларда ягона илмий-адабий мезонлар асосида ўқитилмагани туфайли хаттотлар бошқа сўзлар қатори “ўлдирмак”ни ҳам ғалат шаклда – “ўлтирмоқ” тарзида ёзиб келган бўлсалар ажаб эмас. Қадимий қўлёзмалар ва уларнинг жорий имлодаги нашрлари дикқат билан кўздан кечирилса, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Алқисса, Алишер Навоий асарларининг бир ва тўрт жилдли луғатларида “ўлдирмак” сўзининг ўзи ҳам, изоҳи ҳам йўқ!

Маълумки, Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиларидан бири. Лекин шундай улуғ ижодкорнинг адабий-бадиий месросида “ўлдирмак”нинг йўқлиги, тўғрироғи, бизга тақдим этилаётган нашрларда шундай ҳолга йўл қўйилгани, назаримизда, жиддий муаммо. “Нега йўқ бўларкан, ўша сиз айтиётган “ўлтирмоқ” “ўлдирмак” маъносини беради-ку!” деган эътиroz бўлиши мумкин. Унда яна ҳақли савол туғилади: “ўлтирмоқ” сўзи “ўлдирмак” маъносини англатса, нима учун луғатларимизда, илмий-методик адабиётларимизда шу ҳолатни асослаб, адабий меъёрга айлантириб қўймаймиз? Ўша машхур “Девону луғати-т-турк”да “ўлдирмак” ва “ўлтирмоқ” феъллари алоҳида-алоҳида сўзлар сифа-

*Сингармонизмга қарши қилич қайраётганлар биз келтирган шеърий сатрларни озарча ёки туркманчага ўхшаб қоляпти десалар ажаб эмас. Ўзбек тили туркй тиллар гурухига мансуб бўлгач, ундаги нутқ оҳанги қардош тилларга ўхшамай, хитой тилига ўхшасинми?!*

тида изоҳлангани-чи – бунга нима дейсиз? (Қаранг: Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Тошкент,Faafur Fулом номидаги нашириёт-матбаа ижодий уйи, 2017. 99-бет.)

Ушбу масалага профессор Худойберди Дониёровнинг китобидан жавоб топган-дек бўламиз: “...агар Алишер Навоий тил олди “ў” билан тил орқа “ў”ларнинг фарқини билмаганида эди, “Улки, онсиҳ хаста кўнглимнинг юз оҳувойи бор, / Ҳажридин юз минг менингдек ўлса, не парвойи бор” каби шеърий мисраларида тил олди “ў”-нинг иштирокида талаффуз этиладиган, “ўлмоқ” маъносида келган “ўлғай” феълларининг ҳар бирини ўз ўрнида бунчалик катта санъат билан қўллай олмаган бўлур эди. Лекин масаланинг афсусланарли бир жиҳати шундаки, Алишер Навоий томонидан бундан 500 йил олдин яхши фарқланган бу товушларни ҳозирги баъзи бир санъаткор ва маданият ходимлари тўғри фарқлаб, тўғри талаффуз қилолмайдилар. Улар ҳар иккала “ў”ни тил олдида бир хил

талаффуз этадилар” (Дониёров Х. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили. Тошкент, Faafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашириёти, 1972. 25 – 26-бетлар). Устознинг бу фикри эълон қилинганидан бўён нақ 50 йил ўтди! Лекин бу муаммо тилшунос, навоийшунос олимларимиз, илмий жамоатчилигимиз томонидан ҳалига-ча ижобий ҳал этилмаган. Мана, яна бир мисол:

Гул эмастур оташин, булбулларин куйдургали  
Ким, либос этмиш қизил ушиоқини ўлтургали  
(Алишер Навоий. Қаро кўзим. Тошкент,  
Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1988. 717-бет).

Поэтика илми, шеърий санъатлар тарихидан озгина хабардор бўлган одам яхши биладики, “куйдургали” сўзига қофия сифатида “ўлтургали”дан кўра “ўлтургали” кўпроқ мос келади. Афсуски, буюк шоиризиз асарларини нашр этишдаги ноқисликлар оқибатида муаллиф нафақат маъни, балки шакл, яъни қофия масаласида ҳам эътиборсизликка йўл қўйган бўлиб чиқмоқда. Лекин “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Атоийнинг гўзал байтига “қофиясида айбинаси бор” деб ўта нозик ёндашган Навоийнинг “куйдургали” сўзига “ўлтургали”ни қофия қилиб, хатога йўл қўйишига ишониш қийин.

Шоир муҳлисларига энг ишончли манба сифатида тақдим этилган “Алишер Навоий қомусий луғати”ни варақлаймиз. Ажабки, бу манбада ҳам шу ҳолатга дуч келамиз:

Лаълинг закоти май тутуб, тиргузмасанг,  
эй муғбача,  
Дайр ичра мен дилхастани ранжу хумор  
ўлтургуси

(“Алишер Навоий қомусий луғати”. 2-жилд.  
Тошкент, “Шарқ”, 2016. 267-бет).

Матншунослиқдаги бундай камчиликлар улуғ мутафаккир асарларидан олинган сатрларни шарҳлаш, изоҳлашда қўшимча саволлар туғилишига сабаб бўлади.

Бобур Мирзо шеърияти ҳалқичил рух, туркона сингармонизм оҳанги, муддайилар, яъни даъвогарлар айтмоқчи, “қозоқча” лафзларга тўла:

Жамолинг вәсфини, эй ой, неча элдин  
эшиштгаймен,  
Не кун бўлғай, висолингга мене\* дилхаста  
етгаймен.

Ўзбек типида “каби” кўмакчиси бор. Мумтоз адабиётимизда, айниқса, Бобур шеъриятида у кўпинча “киби” тарзида ишлатилган. “А” товуши ўрнига кетма-кет тилолди “и” унлисининг қўлланиши “киби” сўзи талаффузига янада нағислик бағишилайди:

Ложарам бўлғай паришону ҳавои мен киби,  
Зарра янелиғ кимки ул хуршид саргардонидур  
(Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Назм дурдо-  
налари. Тошкент, “Шарқ”, 1996. 61-бет).

## Товушларни ҳис этиб

Навоий ғазалларида жаннатда ўсадиган гўзл дараҳт номи – “тўбий” сўзи учрайди. Мазкур сўздаги “ў” унлиси тил олдида бўлиб, юмшоқ талаффуз этилади. Лекин уни

\* Кирил ёзувдаги нашрларда, хусусан, “Шоҳ ва шоир” туркумида 1996 йил “Шарқ” нашириёти чон этган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Назм дурдо-налари” тўпламида ушибу сўз “мени” тарзида нотўғри ёзилган (47-бет) – бунда лирик қаҳрамон субъект эмас, обьектга айланб қолади. Ҳалқимиз ҳам раҳми келган одамига “Сене, бечора, кўн қўйналдинг-оа!” дега ҳамдард бўлади, “бөре”, “йўге” деб бирон нарсадан ҳайратини ифода этади. Юқоридаги сатрда ҳам ўзига ачиниш, куюнни, гамзадалик бор. Алишер Навоий бобомиз ҳам “Мене дардоноқ” дега чексиз алам ва ситалмаларга ошино эканидан фарёд этади. Ҳулас, “е” унлиси – “ё”и ваҳдат” (ёки “ё”и накира) маънини кучайтириб, ошикнинг ун тортиши, оҳ уриши, хасталик ва бечораликда ҳам қиёси йўқ, танҳо эканини билдиради.

тилорқа “ү” ёки “у” билан адаштириб, “тўп” сўзига яқинлаштириб, “тўбий” деб ўқиш ёки ундан ҳам ёмони “тубий” (куйи тарафи) тарзида тушуниб, қўпол хатога йўл қўйиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Қуйидаги байтга эътибор беринг:

Кўюнг борида қилман жаннатқа гузар ҳаргиз,  
Қадинг қошида солман тубийға назар ҳаргиз  
(Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маоний. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2016. 30-бет).

Бу ғалат мисралардан “Сенга олиб борадиган йўл турганда жаннатга бориб нима қиласман, қаддингни кўрсам, тубига қарамайман” деган кулгили маъно чиқиб қолмоқда. Аслида, бу сатрда “тўбий” деб ёзилиши керак; шунда “Гўзал қаддинг турганда, тўбий – жаннатдаги дарахтга ҳам қарамайман” деган латиф маъно англашилади.

Эътибор берсак, глобаллашув таъсирида ва бошқа сабаблар туфайли миллатдошларимиз орасида ингичка ва йўғон товушларни айтишга қийналадиган, бу борада зарур кўникмага эга бўлмаган, “кўмита”ни – “кўмита”, “боғча”ни – “богча” (ёки ундан ҳам ёмони – “садик”), “хўж”ни – “ходжа”, “ҳаж”ни – “хадж” дейдиганлар шундоқ ҳам қўпайиб бормоқда. Агар сингармонизмни инкор қилиб юраверсак, зиёлиларимиз орасида “қи”лаб, “ғи”лаб, “жи”лаб, “нг”лаб гапирадиган; “ни” билан “нинг”нинг фарқига борадиган одамнинг ўзи қолмайди.

Халқ-ку минг йил олдин қандай гапирган бўлса, бундан буён ҳам шундай гапираверади – сингармонизмга қарши бўлганлар ҳарчанд уринмасин, уни оғзаки нутқдан бутунлай йўқ қилиб бўлмайди. Фақат оғзаки ва ёзма нутқ ўртасида тафовут ку-

*Халқ оғзаки ижоди намуна-  
ларини нашр этишида ҳам  
сингармонизмни билиш лозим.  
Ана шундай кўникма йўқлиги  
сабабли асрлар давомида баҳ-  
шиларимиз томонидан сингар-  
монизм хусусиятлари сақланган  
ҳолда куйланиб келаётган халқ  
достонлари, қўшиқ ва ўланлар  
ҳозирги “адабий меъёр”га соли-  
ниб, китоб ҳолида чоп этилиши  
билин аввалги кўрку таровати-  
дан жудо бўлмоқда.*

чайиб бораверади. Чунки мавжуд адабий тил меъёрлари унинг жонли тилдан тўлиқ озиқланишига йўл қўймайди.

Ёзма меросимизнинг катта қисми араб хатида битилган. Қачондир мазкур буюк маънавий бойликни тўлиқ ўрганиб, ҳозирги ёзувимизга ўтказишимиз керак-ку! Ана шу қадимий қўллэзмаларни тўғри ўқиш ва табдил этишда ҳам сингармонизм илмини билиш foят муҳим. Чунки араб хатидаги қўллэзма матнларда унли товушлар тўлиқ акс эттирилмайди. Бинобарин, қайси ўринда йўғон ёки қисқа унли товушни қўйиб ўқишда қаттиқ ва йўғон ундошлар белгиги-кўрсаткич вазифасини бажаради. Яъни чўзиқ ва қисқа, йўғон ва ингичка товушларнинг фарқига бориш, сингармонизм кўникмасига эга бўлиш бу масалада жуда зарур.

Халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиш ва нашр этишида ҳам сингармонизму билиш лозим. Ана шундай кўникма йўқ-

лиги сабабли асрлар давомида баҳши ва санъаткорларимиз томонидан сингармонизм хусусиятлари сақланган ҳолда куйланниб келаётган ҳалқ достонлари, қўшиқ ва ўланлар ҳозирги “адабий меъёр”га солиниб, китоб ҳолида чоп этилиши билан аввалги кўрку тароватидан жудо бўлмоқда. Масалан, Ўзбекистон ҳалқ артисти Насиба Абдуллаеванинг ижро дастуридан тушмай келаётган мана бу сатрлар барчамизга ёд бўлиб кетган:

*Гўрдим ики пари галар,  
Галар соллана-соллана.  
Ошигинин кўнглин олиб  
Галар нозлана-нозлана.*

Энди шу сатрларнинг китобдаги ахволига эътибор беринг:

*Кўрдим икки пари келар,  
Келар соллана-соллана.  
Ошигининг кўнглин олар,  
Олар соллана-соллана*

(Хоразм достонлари. Ошиқнома, 4-китоб. Урганч, “Хоразм” нашриёти, 2009, 19-бет).

Яна бир мисол. Биз болалиқдан эшишиб келадиган қўшиқ варианти:

*Бир ёр савдосина, ёр-а, душдим-да галдим.*

Нақадар гўзал!

Китоб варианти:

*Бир ёр савдосига тушдим-да келдим (ўша манба, 25-бет).*

Нақадар ғариб!

Наҳотки бундан минг йиллар олдин – Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам замонларида аҳли Хоразм шундай оҳангда гапирган бўлса?!

Агар иш шу тарзда кетадиган бўлса, “Ҳамса”, “Бобурнома” каби шоҳ асарлар

ҳам келгусида амалдаги адабий “меъёр”га солиниб, асл руҳи ва жозибасидан жудо этилиши ҳеч гап эмас.

Бежиз эмасдирки, атоқли олим, она тилимизнинг зукко билимдони, академик Алибек Рустамов Навоий бобомизнинг истеъоддли шогирдларидан бири бўлган Атоуллоҳ Ҳусайний қаламига мансуб “Бадойиъ ус-санойиъ” асарини форсчадан ўзбек тилига XV аср адабий меъёрларига мослаб, сингармонизм талабларига амал қилган ҳолда ўғирган. Мана, биргина мисол: **“Билмак керакким, мазкур сўзлардаги ҳо ҳарфи талаффуз этилмас, балки олдидағи ҳарфнинг фатҳасин билдирур ва вазнда эътиборға олинмас”** (Атоуллоҳ Ҳусайний. *Бадойиъ ус-санойиъ. Тошкент, Fa�ур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 йил. 10-бет).*

Шундай улуғ устозлар тажрибаси бизга мактаб бўлиши керак эмасми?

## Сўнгсўз

Азиз, журналхон, мен тилшунос эмасман. “Филолог” – “сўз севармани” деган эътироф муҳрланган дорилғунун васиқасидан бўлак бу соҳага дахлдорлигимни кўрсатадиган ҳеч вақом йўқ. Лекин муқаддас инсоний туйғу ва фазилатлардан маҳрум бўлмаган жамийки одам фарзандлари қатори мен ҳам она тилим соғлом, мукаммал ва синовларга бардошли бўлса дейман.

Ушбу мақоланинг ёзилиши қирқ йил бурун – талабалик давримда бўлиб ўтган воқеалар билан боғлиқ. Самарқанд давлат университети ўзбек ва тоҷик филологияси факультетида ўқиб юрган кезларим устоз Худойберди Дониёров билан ота-боладек

яқин, дўсту сирдош бўлиб кетган эдик. Бир гал “Мұхим бир иш бор,— деб ёнига чорлади. – Ленинград давлат университети Шарқшунослик факультетидан таклиф келди. Шогирдларингиздан бирини юборинг, талабалар илмий конференциясида ўзбек тилида унлилар ва сингармонизм мавзусида маъруза билан қатнашсин, деб илтимос қилишяпти. Мана, тезисларни тайёрлаб жўнатдик, уларга маъқул”. Домла икки варақ матнни узатди. Кейин давом этди: “Буни сендан бошқаси эплолмайди”. “Мен адабий танқид кафедрасидаман-ку, домлаларимга нима дейман?” дедим сал ўнғайсизланиб. “Уларга ўзим тушунтираман, – деди устоз, – гап тилимизнинг тақдирни ҳақида кетяпти. Биласан, зўр шарқшунослар ўша ерда. Зора марказдағи олимлар дардимизни тушуниб, ёзувилиздаги муаммоларни ҳал этишда қўллаб юборса!” Жуда содда эди раҳматли...

Дарслар тигизлиги, зиммамда жамоат ишлари билан боғлиқ кўп ташвишлар борлигига қарамай рози бўлдим. Устоз-шогирд рус тилида маъруза матнини тайёрладик. Умрида Самарқанд сарҳадидан нари қадам босмаган одам қандай қилиб “шимолий пойтахт” – Нева дарёси бўйида пайдо бўлдим, қадимий бинода жойлашган Шарқшунослик факультетига қандай бориб қолдим – ҳануз тасаввур қилолмайман. Бир жиҳати аниқ: Яратганинг ўзи қўллаб, яхшиларни йўлимга тизиб қўйди!

– Тонгги соат тўртга такси чақириб қўйдим, тағин ухлаб қолма! – деди Са-

марқанддаги ижара уй эгаси – яхудий Рафаэль бобо.

– Яшка, ты молодец, едешь защищать свой язык! – деди унинг кампири Сара момо ишнинг моҳиятини тўғри англаб.

Хозирги кунда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети профессори, факультетимизда уч йил таълим олгач, ўқишини Москва давлат университети Журналистика факультетига кўчириб кетган Акбар Нурматов Талабалар шаҳарчасидан жой топишига ёрдамлашиб, эртаси куни “Инқилоб бешиги”га кузатиб юборди.

Маърузага муносабат қандай бўлди, дерсиз. Биласиз, у юртнинг одамлари сал дангалроқ келади.

– Ну масала барча туркий халқларда ҳал этилган-ку! Сизлар нега ухлаб ўтириб-сизлар? Биз фақат омад тилаймиз! – деди анжуман раиси.

Қадрли ўқувчи!

Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилган ушбу мақоланинг хамиртуруши ўша пайтдаёқ хотира супрасининг бир чеккасига ташлаб қўйилган эди. Барча фикрлар устозим Худойберди Доњиёровники (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!), камина фақат у кишининг васиятини бажариб, сиз – “Тафаккур” муҳлисларига мақола тарзида ҳавола этдим, холос. Хато ва ўхшамаган ўринлари бўлса, узр сўрайман. Бола исмим арабий, бобо исмим (фамилиям) “қозоқча” – чин ўзбакий эканидан бехижолат имзо чекдим:

**Муртазо ҚАРШИБОЙ**  
1985 – 2023-йиллар

Абдулла ШЕР

# *Shudringga jo daryolar*

## *Рубоийлар*



Рубоий мумтоз деб рубоий ёздим,  
Хайёмни устоз деб рубоий ёздим.  
Виждон дарахтидан ясаб қаламни,  
Замонни қозог деб рубоий ёздим.

\* \* \*

Изладим – топмадим: қайдың ҳақиқатам,  
Лабдами ва ёки наидың ҳақиқат?!  
Күръонни құлымга олдиму билдим:  
Каттақон замон ҳам – майдың ҳақиқатам.

\* \* \*

Файласуғ ёлғонни деса ҳақиқатам,  
Шоурлар маддоғлик құлсалар фаяқатам,  
Билгилки, келинлар айбдор әмас  
Муноғиқ құлларға бұлса иккүйіким.

\* \* \*

Машраб ёниб ўтди топмай ҳаловат,  
Дод бўлиб яшади гурбатда Фурқат.  
Нечун, айт, кўрсатмас замона сира  
Ерга тушиб юрган малакка шафқат?

### Хайёмана

Тўлдириб қадаҳни гулгун май билан,  
Бир суҳбат қурайлик тўлин ой билан.  
Сўнг эса куйлайлик бу муҳаббатни  
Багри илма-тешик ошиқ най билан.



\* \* \*

Коқилдим йўлларда, йўлимда эмас,  
Дардларим илдизда, гулимда эмас.  
Соатни билакка боғлаб аввал шод,  
Сўнг билдим: вақт менинг қўлумда эмас.

\* \* \*

Атрофинг лолазор, атрофинг баҳор,  
Ғамларни унутиб, май узат, дилдор.  
Қарагил, ҳаттоки ҳабристон яшинар,  
Бир тўп майсаман дер ҳаттоки мозор.

\* \* \*

Умримни сарф этдим – пул қилди замон,  
Гулханлар ёқдим мен – кул қилди замон.  
Мен баҳтни мадҳ этиб ёзган шеъримни  
Қоғоздан ясалган гул қилди замон.

\* \* \*

Баланд биноларда паст-паст одамлар:  
Ёлғон қасамлару сохта рақамлар.  
Не тонг, бу ўйинбоз дунёда атай  
Майдонга ҳуштаксиз тушибмиш ҳакамлар.

\* \* \*

Бүнчалар ўхшашилиз, эй чархи фалак:  
Мен ҳам одам шаклин олган гилдирак.  
Не қиласай, мен – битта, дунё иккидир,  
Икки дунё аро чопаман ҳалак.

\* \* \*

Яна бир айланди гүмбази даввор,  
Ерга ҳам, сочга ҳам яна ёгди қор.  
Лекин тақијлатиб күкрак қафасин,  
Түполон қиласади бехабар баҳор.

\* \* \*

Гоҳида ўхшийман омадсиз касга:  
Чинорга суюнсам – айланар хасга.  
Эрк истаб оламга бургутдек қўнсам,  
Канотим сигмагай бу тор қафасга.

\* \* \*

Илму тажрибага кон эрур дунё,  
Бироқ мени қийнар битта муаммо:  
Одамсимон маймун дуч келмади ҳеч,  
Маймунсимон одам кўп экан аммо.

\* \* \*

Илмий иш ёзибсан, ўқиган ҳайрон,  
Илм бўлганига илм пушаймон:  
Томни тескари деб қилибсан эълон  
Нарвонни тескари қўйволиб, нодон!

\* \* \*

Шошима эй, чинорлик даъво қилган чўп,  
Бүнчалар мақтанима, шишима бунча кўп.  
Боқ, майдон ичида жонли бир мисол:  
Тинимсиз тепки ер шишганидан тўп.

\* \* \*

Форобий, Синони мен ўқиган дам,  
Ёки Навоийга бўлганда ҳамдам,  
Кўрдимки, нақадар юксалур одам  
Қанотга айланса агар патқалам.

### **Маъруф Жалил**

Сен фақат сўз ииғдинг, мол-мулк ииғмадинг,  
Сўз узра бош эгдинг, гоҳо ииғладинг,  
Бу дунё тор экан, лекин, дўстгинам:  
Сўзларинг сиди-ю, ўзинг сиғмадинг.

\* \* \*

Ўқни ясаганлар оддий “фалончи”,  
“Қаҳрамон” аталар лекин камончи.  
Ўзинг-ку ҳақпарвар... бироқ, айт, Тангрим,  
Нечун бу дунёйнг бунча ёлгончи?

\* \* \*

Зўрман деб майдонсиз урушганлар бор,  
Нафс учун им бўлиб ҳуришганлар бор.  
Раҳмонни Ҳажда ҳам алдайман дея,  
Йўлда шайтон билан кўришганлар бор.

\* \* \*

Чорлайман: ёш исмим қайларда қолди?  
Ёшлигим сас етмас жойларда қолди.  
Жарангдор йилларим куйга айланиб,  
Оловли нафасим найларда қолди.

\* \* \*

Күши каби дарахтда яшагим келар  
Мевалар оралаб, барглар оралаб.  
Ва лекин бу умр устимдан кулар  
Тонгдан то шомгача қогоз қоралаб.

\* \* \*

Қайлардадир ўсар қоратол  
Айланай деб рангдор бешикка,  
Тобут бўлиб лекин у беҳол  
Сигмай қолар баъзан эшикка.

### **Байрон**

Ҳар сўзи тарихни янгратган бир бонг –  
Шундай үлкан эди шоир қисмати!  
Бу қадар улугвор Мангалик, не тонг,  
Замон деб аталган Вақтга сигмади.

### **Шоир**

Ёниб-ёниб, чўж бўлди қуёш,  
Кулранг оқиом бўгар самони.  
Оқ қогозга эгилган бир бош  
Оқартирмоқ истар дунёни.

\* \* \*

Кузнинг илк шамоли буралган илон  
Сингари шохларни бир-бир яларди.  
Эвоҳ, шохлардаги эртанги хазон  
Кисматдан бехабар чапак чаларди.

### **Улузбек**

Томирида бир пайт чопган қон  
Ханжар тутуб юргач, ҳайҳот!  
Юлдузларни болам деб султон  
Учиди кетди кўкка беканот.

\* \* \*

Манфаат! Нафси эркалаб, қашлаб,  
Дунёни бошқариб яшайсан ҳар кун:  
Тоғдек одамларни майдалаб ташлаб,  
Қайроқтош ясайсан пичоқлар учун!

\* \* \*

Гўзал шоур эди Муҳаммад Раҳмон,  
Гўзал инсон эди Муҳаммад Раҳмон.  
Осмонлар қўймасдан олиб кетдилар,  
Гўзал осмон эди Муҳаммад Раҳмон.

### **Туюқлар**

Фаҳм дарёсида, дўстим, сен бир оқ:  
Англайсан, бу дунё бир – қора, бир – оқ.  
Кўплар шу рангларни кўриб турса ҳам,  
Оқни оқ деёлмай ўтади, бироқ.

\* \* \*

Мени мафтун этмас дорбознинг дори,  
Мени ўйлатади Машрабнинг дори.  
Бу қандай дунёки, илоннинг заҳри  
Ким учун оғудир, ким учун – дори!

\* \* \*

Тоши айланса-ю, чиқмаса уни,  
Тегирмон деб атар, айтинг, ким уни?!  
Булбулни жаҳонга машҳур қуш қилган  
Қанотмас, жуссамас, сеҳрли уни.

\* \* \*

Қалбим бепарво, шод; вужудим – тандир,  
Неки гуноҳ бўлса, танимга тандир.  
Рӯҳим юлдузлардан юлдузга учар,  
Ерда судрагувчи шу шўрлик тандир.

\* \* \*

Ўртада кичкина тугун ёзилди,  
Тугундан дилдаги тугун ёзилди;  
Май, майса, лолалар, шўх кулги, бўса –  
Муҳаббат достони шундай ёзилди.

\* \* \*

Эслайман, ўшанда, жавзода – майды  
Сен дединг: “Камта бўл, бу дунё майды:  
Унинг бор қувончи, ташвиши, дардлари  
Жо бўлмиши мана шу бир қадаҳ майды!”

\* \* \*

Мен аввал фалакка кўзимни тикдим,  
Умримга сабрдан либослар тикдим.  
Сўнг билсам, ёру май, бир жому бир тун,  
Арзирли гардкам шу: ўзимни тикдим.

\* \* \*

Қай кунки, қилдию гўзал гул ханда,  
Ўзимни кўрдим мен гўзал гулханда.  
Шу-шу мен шўрликни ёндириб яшар  
Хаёлдаги ўша гўзал, гул, ханда.

\* \* \*

Сен дединг: “Мен кўрай, ишқимда бир ён!”  
Менинг ёнишмдан сен бўлдинг бирён.  
Шу-шу, биз дунёдан баланд яшаймиз:  
Бу дунё бир ён-у, иккимиз – бир ён.

\* \* \*

Бу дунё мунофиқ: гоҳ бўри, гоҳ қўй,  
Кел, жоним, кетайлик, тунд шаҳарни қўй!  
Лолагун май ишиб, лолазор ичра  
Чайқалган лоладек елкамга бош қўй.

### **Фардлар**

Замон – тош йўл, замон – темир йўл:  
Бошим тош бўл, таним – темир бўл!

\* \* \*

Канчалик мақтама гурзи деб қилни,  
Йиқитиб бўлмайди у билан филни.

\* \* \*

Эвоҳ, ялтиратса сир билан кулол,  
Чинниман деб ўйлар ўзини сопол!

\* \* \*

Нурни чопган билан, билки, эй жоҳил,  
Бир нурдан икки нур қиласан ҳосил!

\* \* \*

Ҳаммага суюкдир севги чамани,  
Булбулдек сайратмас бироқ ҳаммани.

\* \* \*

Яшаб турибмиз-ку, ёмонмас замон,  
Кўнгил тўлмаса ҳам, тўла-ку ҳамён.

\* \* \*

Байроқман дегандек рангдор латталар,  
Худоман деб ўйлар баъзи катталар.

\* \* \*

Биз жуда яқинмиз, жуда яқинмиз:  
Бир булат остида икки чақинмиз!

\* \* \*

Савол сўрсам илдииздан,  
Жавоб келар юлдуздан.

**Журналинизнинг ушбу шеърий туркум ўрин олган сони босма-хонага топширилаётганда хушхабар келди: муаллиф Абдулла Шер “Ўзбекистон халқ шоюри” юксак унвонига муносиб кўрилибди. Холис баҳо, ҳаққоний эътироф! Заҳматкаш ижодкоримиз яна кўп йиллар сўз хизматида камарбаста бўлиб юрсин деймиз.**

Х  
и  
к  
о  
я

Сакё КОМАЦУ



*Япония  
сотувга  
qoyiladi*

1

Сиз тижорат иши билан йўлга чиқдингизми ёки саёҳат қилиб ўйнаб келганими? Балки олимми-тадқиқотчиидирсиз?.. Нима, адашдимми? Ҳай майли... шунчаки гап орасида сўрадим-қўйдим-да. Қарасам, сер солиб денгизни кузатиб кетяпсиз, шунга – тадқиқотчи олим эмасмикан бу одам, деб ўйладим.

Ўрганаман десангиз бу ерларда бир дунё сир-синоат бор; шу жойда бир воқеа юз берган...

Кечқурунлатиб Владивостокка етамиз, у ёғи кейин Сибирь... Биласизми, биз ҳозир айнан – бир замонлар Япон денгизи бошланган кенгликка кирдик. Ҳа... энди эса ҳаммаёқ ёппасига Тинч океан...

Бугун бу ерларда тўлқинлар мавжурниб ётиди. Ўттиз йиллар бурун худди шу жойда денгиз устига эгилган ёйдек бўлиб Япония қад кериб турарди. Афтидан, биз ҳозир унинг марказий қасабалари ёки шунга яқин жойларни кечиб ўтъяпмиз... Уни ким сотиб юборганини биласизми? Камина, мен! Энди яширгандан нима фойда? Шахсан ўзим, мана шу қўлларим билан пуллаганман...

Э, кўриб турибман, сиз ҳам менга ишонмаяпсиз. Шу кунгача неча марта-лаб унақасига ҳам, бунақасига ҳам гапим рост эканини исботладим, лекин кўксимга ҳарқанча муштламайин, бирор кимса ишонмади... Тўғри, кўп ёлғон гапираман, фирибгар, фосиқ кимсаман-ку-я, бироқ учига чиққан аглаҳ ҳам бир кун келиб қилган ишидан афсус чекади, хўп деяверинг. Мана, мен ҳам пушаймонман – чиндан, ич-ичимдан. Алдаб нима? Ахир, мен ўзим японман-ку! Ва мен ўз ватанимни пулга чақдим,

тасаввур қил-  
я п с и з м и ? !  
Сотишга сот-  
дим-у, лекин  
нималар бўла-  
ётганини ту-  
зук-қуруқ анг-  
ламадим... Эй,  
сиз менга қа-  
расангиз-чи!

Кўз ёши ми ни  
кўряпсизми? Ўша бир вақтлар Япо-  
ния бўлган жойга кўзим тушиши би-  
лан шашқатор бўлиб оқади лаънати.  
Энди ишонгандирсиз? Майли, ишонма-  
ган тақдирда ҳам, истиғформига қулоқ  
солишдан бош тортмассиз? Японияни  
қандай сотиб юборганимни айтиб бе-  
рай сизга... Ортиқ ичга ютолмайман.  
Ахир, ичимдагини тўкиб солмасам ёри-  
либ кетаман!.. Яна-тағин ҳикояси учун  
пул-мул тاما қиляпти деб ўйламанг. Гап  
пулда эмас...



*Ватан ҳақидаги “киндиқ қони тўқилган тупроқ” сингари ибораларимиз эскирди, назаримда. Бугунги инсонга Ватанни улкан корпорацияга қиёсан тушунтирган маъқулдек: ширкат қанча кўп даромад топса, ҳар биримизнинг турмушимиз яхшиланиб боради; аксинча, инқизозга юз тутса, хонавайрон бўламиз. Шундай талқин қилинса, жамиятдаги муносабатлар очиқ-равшан, “ўйин қоидалари” ҳаммага тушунарли бўлармиди? Аммо иккиланиб ҳам қоламан баъзан, ташмачилик, талончилик майнасига уриб кетган оломонга “Ватан бу – корпорация!” десак, очофат иштаҳаларни қитиқлаб, ўмар-ўмарга маънавий ҳуқуқ бериб қўймаймизми? Ахир, айримлар учун ишхонасидан ҳечкурса бир пой пайтоқ ўтиплаб чиқиши “миллий мафкура” даражасига кўтарилиган-да!*

*Устоз Маҳмуд Саъдий билан ана шунаقا чигал масалаларда кўп гаплашардик, баҳслашардик. Ҳар бир одам Ватанни сотиши мумкин: мансабида қараб, ким кўпроқ, кимдир камроқ порцияларда (атайин таом ўлчовини ишлатдим). Домла сұхбатларимизда япон фантаст ёзуёчиси Сакё Комацу-*

2

Сиз Япония аталмиш мамлакат кунларнинг бирида дафъетан Ер юзидан ғойиб бўлиб қолгани ҳақида эшитгансиз, тўғрими? Худди тушдек – бу ўлка бир куннинг ўзида кўздан зим йўқолган... Ҳана, сиз буни эшитгансиз! Лекин у айнан биз ҳозир сузуб ўтаётган ерларда макон тутганидан асло хабарингиз йўқ, шундайми... Ҳай яшанг, ўттиз йил аввал, икки минг километрларга чўзилган икки мингга яқин орол шаҳру қишлоқлари ва бор аҳолиси билан бир кунда тутун мисоли йўқликка сингиб кетган. Эҳ, ўшанда шунақанги қиёмат қўпган эдики! Барча одатий тушунчаларнинг оёғи осмондан келган. Бутун дунё олимлари бу ҳодисага нисбатан тайин муносабат билдира олмай, аламдан ўзини бир ёқли қилиб қўйишига сал қолган. Кейин, тўғри, ҳовурдан тушилди. Айтишларича, Япония номаълум сабабларга кўра, ғайб оламига ўтиб кетганмиш. “Ғайб олами” – роса

кўл келди-да шу тушунча. Ҳозир ақлимиз етмаган ҳар қандай масала ўша “тушунча”га тўнкалади, тамом-вассалом. Орол ёхуд бус-бутун бир мамлакат ер юзидан ғойиб бўлибдими? Аҳсан! Ғайб олами сабабчи!

Шубҳасиз, Япониянинг бошига ғаройиб савдо тушган, нима сабабдан бўлса экан-а? Ҳе йўқ, бе йўқ, бу ўлка шунчаки ер юзидан йўқолиб қолмайди-ку... Аслида ҳаммаси анча жўн: Япония сотиб юборилган!

Бундан ўттиз икки-ўттиз уч йиллар аввал мен тумшуғига Панама байроғи илинган бетайинроқ бир кемада денгизчи эдим. Биз ҳеч нимадан тап тортмай денгизда бўзчининг мокисидек у ёқдан-бу ёққа зув қатнар эдик... Нима дейсиз? Ҳа-да, мен олдин ўқиганман, талаба бўлганман, эсимда, мени доно, полиглот дейишарди. Дарҳақиқат, ҳали талаба эканимдаёқ тўрт-беш тилда бемалол чулдирар эдим. Э, лекин булар бари сафсата.

нинг (1931–2011) “Япония сотувга қўйилади” ҳикоясини бот-бот эсларди. Кунчиқар ўлка адабиётида алоҳида ўрин эгаллаган адабининг “Алвидо, Юпитер”, “Аждарҳо ҳалокати”, “Вирус” каби романлари тилга тушган. Асарлари асосида суратга олинган фильмлар муаллифнинг шуҳратига шуҳрат қўшган. Тириклигидаёқ, 1993 йили янги кашф этилган астериоидга Комацу номи берилган.

“Япония сотувга қўйилади” ҳикоясида, қарангки, бир майда фирибгар бутунбошли мамлакатни пуллаворади. Кейин осмондан тушган тўр Японияни балиқ каби илдиради-да, фазога олиб чиқиб кетади. Устоз ҳар гал шу жойини айттаётганда қўл ҳаракатлари билан кўрсатарди. Менинг хаёлимда эса бекатлар, дараҳту устунларга ёпишишириб ташланган “продаётся...” қоғозчалари чаппар урар, эълонларда уйлар эмас, турли давлатлар номи ёзилгани кўз ўнгимга келар эди.

“Дўкон сотилади”, “Ховли сотилади”, “Ер сотилади” – олақуроқ чорловлар орасида “Ватан сотилади” дегани ҳам бўлса-я!.. Бултурмиди, онлайн

Агарки мен даҳо бўлсам – фақатгина фириб ва ёлғончилик бобида даҳо эдим, бу борада олдимга тушадигани йўқ эди. Хуллас, университетни тугатар-тугатмас шахсий бизнесимни йўлга қўйдим, идора очдим. Табиийки, бари хўжакўрсинга – алдам-қалдам ишларимни ниқоблаш учун. Идора ходими кўп эмас – мену телефондан иборат эди, холос. Экспорт ёки импорт баҳонасида мижозлардан бўнак ундирап, воситачилик ҳақини олар, сохта қарз ҳужжати ёзиб берар, дейлик, фотоаппарат ўрнига дуч келган эски-тускини чет элга учирма қиласр эдим. Қисқаси, бошида ишим роса ўнгидан келди. Бироқ бу фаолиятим узоқ чўзилмади. Тез орада дўйонни ёпиб жуфтакни ростлашга тўғри келди. Қочиб Кобз шаҳрининг соҳилбўйи қасабасига бордим ва ўша ерда даллоллик билан шуғуллана бошладим. Лекин бу ишим ҳам тез орада касодга учради. Яна қочиб, бир хорижий кемага денгизчиликка ёлландим.

Кейин Оврупо ва Жанубий Американинг порт шаҳарларида тентиб юрдим, учта кема алмаштиридим. Шу йиллар мобайнида асосий ҳунарим – майда қаллоблик бўйича маҳоратим ошгандан ошди. Асосан, қўноқ одамга ёрдам қўлини чўзишга доим тайёр қишлоқи денгизчилар, иши юришмаган сайдёху ҳар турли лақмалар домимга илинарди. Аммо унча-мунча инсофим бор эди, бунинг устига, ўта эҳтиёткорлигу усталик билан иш тутардимки, зарар кўрган одам ҳар доим ҳам ўзининг аҳмоқ бўлиб қолганини пайқайвермасди. Шунга қарамай, қандай қилиб-ку, билмадим, баъзи ишларимнинг миси чиқиб қолди. Денгизчи ошналарим менга "Қаллоб Кома" деб лақаб қўйиб олишган эди. (Ахир, менинг ҳам эл қатори ростакам исм-насабим бор эди-да: Комаки.) Биласизми, одамзод бир ажиб яратиқ экан: Кома қаллоб деб атай бошлашлари билан мен дабдурустдан касалланиб қол-

платформада Тошкенти азим сотувга қўйилиши ҳақида эълон тарқалди. Дарров Маҳмуд Саъдий ёдимга тушди. Агар ҳаёт бўлганида, албатта, "хушхабар"ни етказардим. Эҳтимол, ҳузурига борардим. Телефондан кўрсатганимга қаноат қилмай, қофозга чиқарип келишимни тайинларди. Сўнг қалтироқ бармоқларида қалам тутганча матнни таҳрирлашга киришарди – "касб касаллиги". Имлодаги илк ҳатоларни тузатамётуб, ҳушёр тортар ва ниятидан қайтар эди. Эълонни ҳижжалаб ўқиб чиққач, одатига кўра оғзини кафти билан бекитиб, лекин хандон отиб куларди. "Адабиётнинг ҳаётга кўчгани шу-да!" дея Комацу ҳикоясини тилга оларди. Бозиргон йигитча жаримага тортилганини эшишиб, ия, бу фақат эълон берибди-ку, ҳаётда шу ишни қилиб юрганларни жазоламайсанми олдин, дея жигибийрон бўлиши ҳам аниқ эди.

Домла ватанфурушларга аёвсиз эди. Айниқса, ўша кезлар анча-мунча зиёлилар ҳам муккасидан кетган ўқишига киритиш "бизнес"и билан келишолмасди: "Бу миллатга хиёнатдир! Бир аҳмоқни бошингга чиқарип ола-

дим, боз устига, бутун баданим қичима бўлди! Эй, шу майда қаллоблик роса жонимга тегиб кетди, ётаману туш кўраман: нима эмиш – халқаро миқёсдаги фирибгарга айланганишман, менинг мисли йўқ найрангларимни кўриб бутун дунё ҳайратда эмиш!..

Хуллас, ўша кезлар шунаقا бир кайфиятда юрган эдим-да. Бир куни Марселда "Попо" деган расво бир қовоқхонада денгизчилару уларнинг югурдаги бўлмиш ўсмирчалар арzon арағу шаробга бўкиб ўтирган эдик. Энди, майхўрликда нима бўлиши ўзингизга аён: оғзимиздан боди кириб-шоди чиққан, ким ким билан талашиб-тортишган... Кейин эса, пиёнисталарга хос касални биласиз: бир-бирилизга гал бермай оғиз кўпиртиришга тушдик – ҳамма ўз юртини кўкка кўтариб мақтади: норвегнинг Норвегия, данияликнинг Дания, олмон эса "Дойчланд, Дойчланд, юбер аллес..." деб эси кетди. Фаранг ва итальян ҳақида-ку

гапирмай қўяқолай – гўзал ватанларини мадҳ этганларида ҳатто кўз қора-чиқларининг ранги ҳам ўзгариб кетарди. Шовқин-сурон, қий-чув, ҳар ким билганидан қолмай вайсаб ётибди. Лекин менга тенглашишга йўл бўлсин! Булар ўзи исм-шарифини ҳам тўғри ёза олмайдиган чаласавод бир матросваччалар бўлса! Мен-чи, ҳарҳолда фирибгар номим бор, яна-тағин олий маълумотли фирибгар! Шу десангиз, Япония – мўжазгина, аммо оламдаги энг ажойиб ўлка шарафига қасида ўқий кетдим-ку! Сўз дегани қувурдан оққан сув каби қуилгандан қўйилиб келаверди, келаверди. Қовоқхона пашша учса эшитилгудек тинчиди-қолди – ҳамманинг қулоги менда. Мен бўлсам гапирган сайин жўшиб боряпман – қойилмақом уddeлалаяпман-эй. Бир вақт ортимда кимдир энтикиб сўзларимга тан берди ва пицирлаб:

– Оҳ, қандайин юрт экан-а!.. Япония, беқиёс Япония!.. – деса бўладими!

сан! Шусиз ҳам урчиб ётган бошлиқларни яна кўплайтирасан". "Мен қилмаганим билан, бошқа "ҳожатбарор" топилади. Ундан кўра соққасини олганим яхши-ку". "Бугун сен ҳаром йўлдан қайтсанг, эртага яна кимдир ортингдан эргашади. Миллат ана шундай битта-биттадан тозариб бориши керак!"

Яқинда эсладим ўша сухбатни. Ижтимоий тармоқ фаоллари билан гурунгда "халқнинг куни кимларга қолгани"дан ёзғирдик. Тарихчи акамиз фалончи амалдор чаласавод экани, шахсан ўзи уни университетга киритиб қўйганидан гап очди. Аргумент тагида даҳшатли аргумент бор эди. Аммо юз-кўз иссиқ – индамадим. Орадан ўн кун ўтдими-йўқми, ўша раҳбарнинг ноқонуний қилмиши овозаси оламни тутди. Менинг ўрнимда Маҳмуд Саъдий бўлса эди, бояги олимга халқнинг қарғишларидан сен ҳам бенасиб қолмайсан, ўша волламатнинг жиноятларидан сенинг амал дафтарингга ҳам гуноҳ ёзилиб туради, дейиши тайин эди. Тома-тома кўл бўлур, дея кулармиди охрида.

Ўгирилиб қарасам, қўшни столда аллақандай нусха ўтирибди – озода-си-по, жиккаккина одамча. Эгнида пўрим костюм-шим, бичими зўр – лондонлик энг қўлигул чеварлар тикадиган костюм-шимдан фарқ қилмайди. Биз ўтирган арzonгаров майшатхонага бундайин олифта энгил-бош ҳечам ярашмайди-да. Боз устига, манавининг эгнида ҳалпиллаб турибди, худди қоп кийгандек... Фараз қилинг, маймунми ёки қандайдир жин, ёхуд сувдан чиққан бир алвасти эгнига пўрим либос илиб олган! Афт-ангорини-ку мен сизга айтмай! Япалоқ, худди локлаб қўйилгандек ялтирайди, кўзи тугмачадек юм-юмалоқ, қулоқлари учли-учли, диккайиб турибди. Умрингизда ҳеч шундай турқи совуқ маймунни кўрганимисиз? Хуллас, ўғил отага қанчалик ўхшаса, у ҳам маймунга шунчалик ўхшар эди. Лекин ўшанда қип-қизил маст эдим ва балки шу учун у менга унчалик бадбашара кўринмаган.

– Жаноб, – дедим мен баттар завқим тошиб, – демак, Япония сизга маъқул, шундайми? Биргина таъриф-тавсифдан кейин-а?

– Ҳа, жуда маъқул! – деди у фарангчалаб, бироқ алланечук ғализ талаффузда.– Сиз ўзингиз японияликмисиз?

У гапирганда оғзи ғалати очилиб-ёпиларкан.

– Худди шундай! Топдингиз! – дедим мен шанғиллаб, кўкрак керганча.– Шарқнинг сир-синоатга бой ўлкаси! Самурайлар юрти! Фудзияма, гейшалар юрти!

– Менга Япония ёқди, – деди у ўрнидан қўзғалгудек, ўта нозик, гўёки суяксиз бармоқларини ўйнатиб. – Сизда гапим бор. Айттолмайсизми, япон оролини қандай сотиб олсан бўлади?

– Оролни?!

– Ҳа, мен биронта орол сотиб олсан девдим, иложи борича каттароғидан. Аҳолиси кўп бўлса ҳам фарқи йўқ, мен уларни мутлақо безовта қилмайман.

**Саъдий домла билан бир гурунгда, эҳтимол, юзинчи мартадан сўнг, на-  
мунча кўп эслайсиз шу Комацуни, дея густоҳлик қилганим ҳам ёдимда. Ҳали  
кўп эслаймиз, деган эди устоз тагдор оҳангда...**

Раҳматли “Япония сотувга қўйилади” ҳикоясини ўзбекчага ўғирмоқчи бўлиб юрадди. Бу ишни биргаликда қилишга ҳам келишган эдик. 2009 йили таглама маржима тайёрлашга уннаб кўрдим, ярмидан ошиди-ю, чала қолди. Бир тарафи, устоздан ўтган ялқовлик, бошқа томондан, асар миллий муҳитда қайта яратилмаса, таъсирли чиқмайдигандек туюлди. Кейинчалик ўзим шу мавзуда бир нима қораладим. Нашр этадиган мард топилмай, ғаладонга банди этилди...

Махмуд Саъдийнинг билан армонини ушалтириши мутаржим Шоҳсанам Рўзимат қизига насиб қилган экан. “Тафаккур”да босилаётган ҳикоя маржимасининг ана шундай тарихи бор. Устозининг эса ҳали амалга ошмаган өасият-режалари кўп. Уларни бирма-бир рўёбга чиқаришининг уддасидан чиқар шогирдлар. Эҳтимол, ўшанда япон адабини эслашига ҳожат ҳам қолмас...

**Фарруҳ ЖАББОРОВ**

Шундагина мен унга разм солиб қарадим. Эй, ёмонам боди-башанг экан бу! Энгил-бошини-ку ҳали айтдим – ҳамма нарсаси асл, қимматбаҳо. Бармоғида ҳар бири ўн қиротли олмос кўзли қўша узук. Бўйинбоғида дур ва зангори ёқут тошли тилла тўғноғич. Соатбанди ҳам тилладан, жевак ўрнида зумрад тош. Порт шаҳарнинг хилват жинкўчаларида шунча бебаҳо жавоҳирот қандай омон қолдию унинг ўзи қандай соғ юрибди – ақлга сиғмасди! Аммо бу ҳашамат унга эшакка шойи тўқим ёпгандек сира ярашмас эди. Тортиниброқ туришидан аён: қишлоқи! Бунинг устига денг, дурагай экан – бет-боши яшилтоб, қорамағиз. Йигитларимиз менга бежиз Кома деб лақаб тақмаган. Билмасангиз, "кома" дегани япончасига – пилдироқ дегани. Миям яшин тезлигига ишлаб, фикрлар ғужғон ўйнаб кетди-ку! Хўш, дедим ўзимга ўзим, шундай соққали иш оёқ остидан чиқиб турибди! Қишлоқи бойвачча орол сотиб олмоқчилар! Бунақа омад келса – минг йилда бир келади!

– Ҳай майли, – дедим мен, – сизга ёрдам қилсан бўлади. Бироқ бу ер нозик гуфтигўларга унчалик тўғри келмайди. Юринг, бошқа бир қўнимгоҳга ўтайлик.

Уни эргаштириб кетдим. Худди сичқонни қўлдан чиқариб юбормаслик пайида бўлган мушукдек! Бу атроф-жавонибда хийла тузук дегулик бир ресторан топдим, оқ мусаллас ва устрица ҳам тортилар экан.

– Эй, менга қаранг, майдалашиб ўтирасизми! – деб гап бошладим дастурхонга ўрнашишимиз ҳамоно. – Орол нима

бўларди, кўтарасига Японияни олинг-қўйинг-да! – дедим "Табаско" қайласига бўқтирилган қисқичбаҳа бўлагини оғзимга соларканман.

– А-а-а! – Унинг кўзи бўқоқ касали бор одамникidek қинидан чиққудай олайиб кетди. – Бунинг имкони борми?

– Мен ўртада туриб беришим мумкин, – дедим мағрур иржайиб. – Ҳа, айтганча, Япония бир дунё оролдан иборат эканини биласиз-а? Яъни – архипелаг.

– Зўр... зўр-ку! – деди у, афтидан, ўзини еттинчи осмонда сезиб. – Оламан, бўлди, оламан! Ҳозироқ!

– Соққадан-чи борми, етармикан? – дедим мен устаси фаранг ишбилармонга айланиб. – Япония ҳазилакам пул турмайди!

– Э, пул дегани ачиб ётиби бизда. Лекин... ростдан ҳам Японияни сотиб олса бўлармикан?

– Пул бор экан, бу оламда ҳамма нарсани сотиб олса бўлади! – дедим мен комил ишонч билан.

– Тушунарли. У ҳолда... мана, марҳамат... – деди у киссасидан семизгина ҳамён чиқариб, столга беш минг фунт кўяркан. Сўнг менга аллақандай ҳужжат узатди. – Бу ваколатли шахс, яъни сиз билан тузилган шартнома. Буниси эса закалат – ҳамир учидан патир. Энди мана бу ерга имзо чекиб юборсангиз.

Анграйиб қолдим. Мен ҳавои бир қишлоқи деб менсимаган одам бурнум тагига ҳатто даллоллик ҳақи миқдори ҳам аниқ қўрсатилган қофозни тиқиширяпти. Ичимда ҳавотирга ўхшаган нимадир ғимирлаб турган бўлса-да, шартта имзони босдим-юбордим.

– Бўпти, – дедим мен пулни маҳкам чангллаганча ўрнимдан туриб, – иш пишди! Меҳмонхонага бориб лаш-лувшимни йиғай энди.

– Йўқ! – деди у мийиғида қулиб ва ўликники каби муздек ёпишқоқ бармоқлари билан шартта билагимдан тутди. – Шу дақиқадан эътиборан сиз менинг маҳсус вакилимсиз. Мен нима иш айтсан шуни қиласиз. Кийим-бошни сизга ўзим олиб бераман, нарсаларингиз қолаверсин. Биз ҳозироқ Японияга отланамиз.

Марслдан Боннга жўнадик – унинг идораси ўша ерда экан. Кейин “Люфханза” учоғида Японияга учдик... Саккиз моторли реактив лайнер осмони фалакка қўтариլганда ўзимни худди ёмон туш қўраётгандек ҳис этдим. Мендек бир қаллоб – хўп ана, майда бўлса ҳамда, дабдурустдан ҳам маймун, ҳам қурбақага ўхшаган манави қишлоқига тизгинимни тутқазиб ўтирибман-а! Унинг айтишича, Лихтенштейн фуқаросимиш. Альп тизмаларида ерлашган жимитдек бир мамлакат, нариги дунёга отланган миллиардер борки, ўша манзилни мақон тутади.

– Лекин ўзим олис-олис бир ёқларда дунёга келганман, – деди сирли илжайиб бу жирканч маҳлуқ.

Токиога келасолиб идора очдик. Шаҳар марказидаги осойишта-сокин торкучалардан бирига жойлашдик. Иш қизигандан қизиб кетди: биз Японияни нархлай, менинг назаримда эса сота бошлидик... Эҳ, сигаретим ўчиб қолди. Сув сачрайвериб намиқиб кетди-да. Яна битта олсан майлими?..

Бошда мен ўзимча турли режалар туздим: Япония ўз уйим – ҳамма нарсаси қўлимда; у ёқ-бу ёқни кўраман, мўлжал қиласман-да, кейин мўмайигина пулни ўмарни бу ерлардан сурвораман. Ерга тегишли маблағ бус-бутунича менинг ихтиёrimda эди. Ҳаётим тараллабедод! Баъзан Токиодаги бизнес шаҳарчанинг қоқ марказида жойлашган жиҳозлари ҳашамдор иш бўлмамда ў-ўтираман. Лабга қимматбаҳо сигара қистириб, оёқни ёзув столи устига чўзганча, мулк сотаётган заминдорга осмондан туриб назар ташлайман. Бироннинг сарватига кеккайиб, уларни писандга илмай роса мазах-эрмак ҳам қилганман-эй. Товламачи ҳаётининг завқи-нашъаси ҳам шунда-да! Воситачилик эвазига келадиган улушнинг ўзига маза қилиб яшасам бўларди-ю, ўрганган кўнгил – ора-сирада ул-бул нарсани чўнтакка уриб ҳам турардим. Акс ҳолда, фирибгар эканим эсимдан чиқиб кетади-ку!

Мен аввалига Япониядаги сотувга қўйилган барча ерни харид қилдим. Шахсан ўзим эмас, табиийки, кўчмас мулк савдоси билан шуғулланадиган ширкатлар орқали. Бир қарич жойни бўлсин кўздан қочирмадим – қадамим етмаган Хоккайдонинг гадойтопмас пучмоқларию Кисодаги чакалакзорлар ҳам бизнинг ихтиёrimизга ўтди. Ўша кезлар ер савдоси роса авжига чиққан, рекламага ҳам зўр берилган эди.

Эсимда, бир куни хўжайн аталмиши миз телевизордан тижорий қўрсатув томоша қилиб ўтирганида кўзлари олайиб, нақд қинидан чиқиб кетаёзди.

– Қаранг-қаранг, қанча рақибимиз бор экан! Бирон нимани қўлдан бой бериб қўйманг тағин.

Бу ишларни у эътиборни тортмай, ими-жимида қилишни буюрган. Шу учун бошда васиқани кўчмас мулк олди-сотдиси билан шуғулланадиган ширкат соҳиблари номига расмийлаштириб юрдик. Бу ишга аралашмаган ширкат эгаси қолмагач оддий ходимлар номига ҳужжатлаштирадиган бўлдик, улар ерни кейин бизга гаров хати билан ёки ҳадя тариқасида ўтказиб берарди.

Биз тахминий фойда ҳисобидан (гарчи сариқ чақалик фойда кўрмасак-да) сотиб олинган ер номига расмийлаштирилган сохта хўжайн учун ҳам, кўчмас мулк учун ҳам давлатга солиқ тўлар эдик. Хуллас, чиқимимиз бошдан ошарди. Бундан ташқари, вақтингчалик ер соҳиби арзимаган ижара тўлови эвазига ердан ўзи хоҳлаганча фойдаланиши мумкин эди. Охир-оқибат, нима учун ер оляпмиз ўзи, мақсадимиз нима – ҳеч ақлим етмай қолди.

Боя айтганимдек, бундай қамровдор ишга мисли кўрилмаган даражада катта сармоя керак бўлади. Хўжайн ўзи билан анча-мунча маблағ олиб келган экан, бироқ унинг ҳам таги кўриниб қолди. Катта миқдорда валюта олиб юриш хатарли – бу албатта эътиборни жалб этган бўларди. Хўжайн вазиятдан чиқишнинг бир йўлини топди, аммо менга қолса бу фирт тентаклик эди.

Даставвал сон-саноқсиз сохта ширкатчалар туздик. Хўжайнининг бутун дунё бўйлаб тарқалган ваколатхоналаридан шу майдада ширкатларга қиммат-

баҳо, лекин ҳажми ихчам молларга буюртмалар келарди. Бизнинг ширкатлар эса уларга ҳар турли бўлмағур нарса – тошқолу бошқа чиқитлар жўнатарди. Мен учун бу одатдаги юмуш эди: кимни-дир чув тушириш борасида каминанинг олдига тушадигани ҳали туғилмаган. Ўша эски-тускилар эвазига биз хўжайнининг ваколатхоналаридан нақд пул олардик. Ширкатларимизнинг экспорт моллари рўйхатида электростанция асбоб-ускуналаридан тортиб яримўтказичли портатив мосламаларгача кўрсатилар эди. Англаб турганингиздек, рўйхат ҳам қалбаки эди. Рости, жуда ғалати бўлдим: илгарилари товламачилик қила-туриб мен биргина мақсадни кўзлардим: гўл мижозни алдаб-авраш! Энди бўлса хўжайнин ўз шахсий пулини ўзи ола билиши учун биз шунаقا ҳийла-найрангларга қўл уряпмиз. Япон иқтисоди асосан экспортга таянار эди, шу учун ҳукумат четдан валюта оқиб келишини фақат олқишлиарди. Мабодо валюта оқими сусайиб қолгудек бўлса, ҳамма хавотирга тушиши муқаррар эди. Афтидан, ўша вақтлар ташқи савдо вазирлиги экспорт-импорт мувозанатини назорат қилишга фурсат топмаган. Текширганида эди – табиийки, том ҳайратда қоларди. Ажиб ҳол: чет элдан хомашё кириб келиши кескин камайганига қарамай экспорт ўсиб бормоқда эди! Ўлай агар, бизнинг бу алдам-қалдам ишларимиз шу қадар кенг қулоч ёйдики, мамлакат иқтисодиётiga, шу билан бирга, ташқи савдо вазирлигининг статистик кўрсаткичларига ҳам жиддий таъсир кўрсата бошлади. 197... йили Японияда чет эл

валютаси кескин суръатда ўсгани эсин-  
гиздадир? Шу – бизнинг ишимиз!

Мен хўжайиннинг мол-дунёси қан-  
ча эканини ҳатто тахмин қилолмасдим.  
Шуни аниқ билардимки: у мульти милли-  
ардер. Ҳархолда, дунёning ҳар кунжида  
унга тегишли шохобчалар бўлиб, тури  
давлатлардан бизга пул оқиб келмоқда  
эди.

– Қандай қилиб шунча соқقا қила-  
сиз? – деб сўрадим мен ундан бир куни.

У мийиғида кулди:

- Олмос, тилла, оқ тилла ва яна ул-  
бул ишлар бор... Имкониятим чекланма-  
ган менинг...
- Нима-а? Тилла ишлаб чиқарасизми?
- Йўқ, ишлаб чиқармайман, ўзи ке-  
либ қолади...

Мен бу ерда қандайдир қинғирлик  
борлигини пайқадим, бироқ унча бош  
қотириб ўтирамдим. Пулни қаердан ола-  
ди, қай йўл билан – менга нима? Муҳи-  
ми, борми – бор!

#### 4

Бундай кенг кўламли савдо амали-  
ётлари натижасида, табиийки, ер нар-  
хи тез суръатда ўди. Бироқ, билсангиз,  
ернинг бир хусусияти бор – ҳеч қандай  
шов-шув кўтарилимаса ҳам унинг нархи  
мунтазам ошиб туради. Шундай экан,  
ширкатимизнинг бу жараёнга таъсири  
унчалик сезилиб қолмади. Кейин эса ер  
нархи туша бошлади. Гап шундаки, ме-  
нинг вакилларим ер майдонларини сув-  
текинга ижарага бермоқда эди.

Реклама ва тарғиботнинг ҳам фой-  
даси бўлди, албатта. Қисқа фурсат мо-  
байнинг бозори олгандан

кўра, уни ижара тутган афзалроқ экани-  
га ишонтирдик. Ҳатто бир умр заминдор  
бўлишни орзу қилган тадбиркорлар ҳам  
сармоясини ижара ер олишга тика бош-  
лади. Иш шу даражага бориб етди, баъзан  
ерга кўчмас мулк ўлароқ тўла-  
надиган солиқ ер нархидан ҳам қиммат  
бўлиб кетарди. Бошқа томондан, сотувга  
қўйиладиган ер майдонлари камая, нарх  
эса оша борди. Ер олибсотарлиги ҳам  
бирмунча сусайди.

Биз шаҳарлардаги квадрат метрининг  
нархи бир неча миллион иенга тент ер-  
ларга эга ишбилармонларни ҳам ўз из-  
мимизга солишни уддаладик. Шунчаки  
бозор нархидан ташқари, уч йил мобай-  
нида ер нархи қанча ошса, шу маблағ-  
нинг учдан бир ҳиссасини уларга тўлаб  
беришдек мажбуриятни зиммамизга  
олдик. Мабодо уларни мўлроқ фойда  
кўриш қизиқтирса, сармояни ердаги кўч-  
мас мулкка тикишни таклиф қилдик ва  
айни замонда, ер майдонларини уларга  
ўта манфаатли шартларда ижарага бер-  
дик. Бундай сердаромад таклифдан қай-  
си аҳмоқ бош тортади дейсиз! Табиийки,  
ўзимиз энди банқдан айланма маблағ  
ола бошладик – сотиб олган ерларимиз-  
ни гаровга қўйиш эвазига банклар насия  
берарди. Шунга қарамай, нафас ростлаб  
улгурмасдан балансимиздаги ортиқ-  
ча сарф-харажат бир неча миллиардни  
ташкил этса денг! Рост, солиқ қўмитаси  
бизни безовта қилмади – мен вақтида  
чора кўриб қўйган эдим. Бундай вази-  
ятда бирорвга фириб бериш хаёлимга  
ҳам келмасди. Фирибга бало боми! Мен  
хўжайинга содиқ хизматкорга айланиб,  
худди ақлдан озгандек тинимсиз ер со-

тиб олардим. Ишонинг, японнинг шунча ери унга нимага керак экан, деган ўй ми-ямда минг марталар айланган. Маблағни беҳуда елга совуриш-ку бу, эсиз шунча пул! Одам дегани меъёрни билиши керак-да, ҳар ишнинг чек-чегараси бор ахир!

Қолаверса, пул сарфлаш – нозик масала. Баъзи одамлар бир нарсага ёпишиб олса – тамом, қанча маблағ таклиф қилинмасин, ўлақолса кўнмайди. Кимдир эса, аксинча, арзимас нимадир ёкиб қолса – дейлик, почта маркаси – шуни қўлга киритиш учун борини сарфлашдан ҳам тоймайди. Баъзан ана шу яғир босган қадимий маркага бир дунё пул тўланади. Ўлай агар, шу ишларга каллам етса!..

Алҳосил, биз аста-секинлик билан сотиб олиш мумкин бўлган ер борки, барини ўзимизники қилдик. Ўжарлик билан мулкидан ажралишни хоҳламаган одамлардагина ер қолди, холос. Бу ҳақда хўжайинга айтиб, боши берк кўчага кириб қолдик, деганимни биламан, у тутикашиб кетди:

– Эй, каллаварам! Сотмайман деган бўлса, кутамиз, токи сотишга қарор қилгунича кутамиз! Сиз японларда, адашмасам, шундай мақол бор: “Булбул сайрамаяптими, демак, сайрагуничча кутамиз!” Тезроқ ерини сотсин десангиз, уларга туртки бериб юбориш, бирор йўл-йўриқ ўйлаб топиш керак.

У менга яна битта аҳмоқона вазифа юклиди – заминдорлар орасида шундай бир ғирром васиқа шартномаси тарқатармишманки, унга кўра, ер эгалари қачондир бир кун ерини сотишга қарор қилгудек бўлса, бизга ва фақат бизга со-

тиш мажбуриятини бўйнига олиши кепрак. Менга қолса, буниси энди ўтакетган бемаънилик. Агар ўша одам ер сотишни ҳеч қачон хаёлига келтирмаса-чи?! Амлоқдорлар-ку заرار-парап кўрмасди: шартнома учун биз уларга пул тўляяпмиз-да. Ҳаммаси индамай имзо чекди, нима бало, ақлдан озганми булар? Мен энди ўзимни қаллоб эмас, байни саховатпеша – филантропдек ҳис қилмоқда эдим. Эҳ, ёқимсиз ҳис экан бу! Назаримда, шу хайриячиларнинг бари савдои бўлса керак, калласи жойида эмас-ов. Гап шундаки, яқин кишига бўлган меҳр-оқибат деган гаплар бу ерда мутлақо аҳамиятсиз. Хайриячидан кўра товламачининг одамгарчилиги бор, мен сизга айтсан.

Шартномага ҳамма имзо чекди, дея далолат қилдим хўжайнинг. Аслида-ку, деярли ҳамма десам тўғрироқ бўларди. Кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчи баъзи йирик ширкат ва монополист савдогарлар орасида ҳам баъзи тентакнамо – ўр-қайсарлар бор эди.

– Мана буни олинг, камзулингизнинг кўкрак чўнтағига солинг-да, боринг ўша ўжарларнинг ёнига! – деди хўжайнин мўъжаз радиоприёмникка ўхшаган аллақандай япалоқ қутичани менга узатиб. – Бу ширкатларимнинг бирида маҳфий тарзда ясалган мия тўлқинлари узаткичи. Ҳамма-ҳаммасига учранг – биронтаси қолиб кетмасин! Кўрасиз, угиналар гап нимадалигини дарров фаҳмлайдио мулла мингани эшакдек итоатли бўлади-қолади.

Ё тавбангдан кетай! Ҳазилми ахир – одамни сизга бўйсунишга мажбур этадиган ускуна! Ким билсин, балки хўжайнин – манави бадбашара ҳам чўнтағида шунаقا

матоҳ олиб юргандир, шу сабаб мен унга итдек итоат этаётгандирман... Биласизми, ростдан ҳам ғалати ҳис бу – сиз гүё қўғирчоққа айланиб қолгандайсиз.

Хўш, нима бўлди дейсизми? Қурилма панд бермади! Ҳамма рози бўлди – истисносиз, ҳатто йирик корхоналар бошқарув кенгаши аъзолари ва акциядорлар ҳам. Ҳай майли, сиз қўл қўй десангиз – қўямиз-да, биздан нима кетди, дейишиди... Рости, мен ўзимни сипо тутдим, сурлик қилиб туриб олмадим, таклифими ни айтдим, холос. Зудлик билан сотиш ҳақида-ку гап ҳам бўлмади, шунчаки ўзларига таниш шартномани имзолашни таклиф қилдим, қачон хоҳласангиз шунда сотасиз, ҳатто юз йилдан кейин сотинг – бизга фарқи йўқ, дедим. Бунинг устига, ижара ҳуқуқи, ер ости бойликларини қазиб олиш ҳуқуқи уларда қолди, биз фақат мулкка әгалик ҳуқуқини сўрадик. Розилик бермай бўладими! Ижара ҳуқуқи нима эканини биласизми? Бу ҳазилакам гап эмас – шундай ҳуқуққа эга одам қайта сотувда баб-баравар шерик ўлароқ иштирок эта олади. Ўша чоқ бу уддабурон корчалонларнинг хаёлидан нима ўтгани менга беш қўлдек аён: шундайин шартлар асосида ер сотиб олаётган анойининг башарасини бир кўрсак эди! Учига чиққан устомонлари осонгина ижара ҳуқуқини сота бошлади. Тез орада бу биржা чайқовида энг харидоргир олди-сотдига айланди-қолди – илгарилари кўчмас мулкнинг бозори ана шундай чаққон бўларди.

Нима бўлганини фаҳмлаяпсизми? Хўжайним, бошида менга содда-гўл қишлоқи бўлиб кўринган ўша ғаройиб кимса,

ерга әгалик қилишни бемаънигарчиликка айлантирди. Ер-мулк деган нарсани йўққа чиқарди. Менинг каллам мутлақо ишламай қолди. Унинг қанча пули бор, қаердан олади, қанча харжлади... ҳаммаси миямда қоришиб-чалкашиб кетди. У нафақат мансабдорларни, ҳукуматни ҳам чув туширди. Қандай қилиб дейсизми – ақл бовар қилмайди... Мен ҳатто қўғирчоқ эмас, автоматга айландим: ҳар куни гўё алоқ-чалоқ туш кўраётган каби аллақандай одамлар билан учрашаман, гумашталаримизга кўрсатма бераман, хўжайнинг буйруқларини бажараман...

Шу тариқа, бошлиғим тўғридан-тўғри ёки билвосита япон ерларининг барига эга чиқди. Ҳали унинг мулкига айланманган ерлар вақти келиб унга ўтиши керак эди. Табиийки, васиқа соҳта номга расмийлаштирилади. Бироқ биз тоза ишлардик. Бирор кимса жилов аслида кимнинг қўлида эканидан шубҳаланмасди ҳам. Мен-ку, хўжайин ким эканини биламан. Қасам ичиб айтаманки, у Япониянинг ҳақиқий эгасига айланди – ҳа-ҳа, шундай бўлди! У ўргимчак тўридек еримизни буткул – катта-кичик мулклари, майдону майдончалари билан қамраб олди. Бу вақтга келиб "муддатсиз васиқа шартнома"си ҳам иш бера бошлади. Ер ҳам бошқа мол-мулк сингари мудом фойдаланилади-ку: худонинг берган куни кимдир қаердадир нимадир сотади. Ер майдонлардан биттаси сотуга қўйилиши ҳамоно хўжайнинг чангалига тушади.

Ниҳоят шундай кун келдики, энди бу ерда қиладиган ишим қолмади, деган қарорга келдим.

– Йўқ! – деди хўжайин. – Ҳали давлатга тегишли ерлар бор ахир!

– Кечирасиз-у, ўзингиз айтиб турибисиз – давлат ери деб, демак, у давлатга тегишли... Мулкка эгалик...

– Мулкка эгалик? Нима, мулк сотилмайдими ёки сотиб олинмайдими? Сиз эмасмидингиз, пул бўлса бу дунёда ҳамма нарсани сотиб олса бўлади деган? Ҳамма-ҳамма нарсани сотиб олиш мумкин: аёл қалбини, ғояларни, профессионал бейсболчилар командасини, одам боласини ва ҳатто унинг эркини ҳам! Бас, демак, эгалик ҳуқуқини ҳам сотиб олиш мумкин. У давлатга тегишли эканнинг эса мутлақо аҳамияти йўқ.

“Иш”имизнинг кейинги босқичига ўтдик. Давлат ерлари бошқармаси ва давлат ерларини жисмоний шахсларга сотиш қўмитасигача чиқишига тўғри келди. Давлатга тегишли жуда кўп ер майдонлари сотувга қўйилган эди, лекин мен сал-пал чўчиб турардим. Ҳай, дедим, анча-мунча тер тўкаман чоғи: шишиниб кетган тўралару парламент депутатларини қўндиришнинг ўзи бўладими! Эй, тасаввур қиляпсизми, шу қадар тез – ҳамирдан қил суғургандек осон битдики бу ишлар! Давлат ерларини сотиб олиш билан шуғулланадиган барча корхона ва жисмоний шахсларга бирма-бир учраб, олган ерини қайта сотишига қарор қилгудек бўлса, бизга мурожаат этишига қўндиридим. (Ахир, ҳайрон қоладиган жойи йўқ – ҳалиги мўъжизакор ускуначани киссамдан қўймай олиб юрибман-да!) Буниси ҳолва! Биз ҳатто парламент орқали зўр бир қонун лойиҳасини ўтказишга ҳам муваффақ бўлдик. Жиддий сабаб

ҳам топила қолди: ер нархи ошишига қарши кураш ва ернинг ижтимоий фойдали қиймати учун! Бу қонунга мувофиқ, давлатга қарашли ерлар келгусида фақат “Табиат бойликларини муҳофаза қилиш сайёҳлик жамияти” ва “Ердан умумфойдаланиш иттифоқи”га сотилиши мумкин эди, холос. Бу жамиятларга қўйилган сармоя давлат билан бизга тегишли эди. Лекин одатдагича улуш тенг тақсимланмаган – бизнинг сармоя давлатницидан кўпроқ эди. Шу тариқа, ер-мулкка эгалик масаласи кўтарилиши билан: ер кимники ва қандай ер экани – бу давлатга қарашли ботқоқлик ёки тоғ чўққиси бўладими – мутлақо аҳамияти йўқ, мулк тўғридан-тўғри бизнинг ташкилотга ўтар эди.

Мулк ҳуқуқига эгалик бу ҳуқуқни бошқа шахсга хоҳлаган шаклда ўтказиш имконини берарди. Шундай қилиб, фақат ҳеч кимга тегишли бўлмаган нарса, дейлик, ҳаво ёки қуёшнигина сотиб олиш имконисиз. Фудзи тоғининг чўққиси, аллақандай фойдасиз дашти биёбон ёхуд одам қадами етмаган орол дейсизми, кимга (бирор шахс ёки давлатга) тегишли эканидан қатъи назар – сотилиши, шунингдек, нимадир сабаб билан сотиб олиниши мумкин.

Хуллас, Японияга қарашли ҳамма ер, умум фойдаланадиган йўллар ва давлат ўй-жой кооперативлари эгаллаган ҳудудлардан ташқари, хўжайнимизнинг мулкига айланди. У тоғлару дарёлар, кўллару оролларнинг барига соҳиб бўлди. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи аҳолининг ўзида қолди, бу ҳуқуқка биз мутлақо дахл қилмадик. Бир қараща, Япония

ўша-ўша ғала-ғовур мамлакатдек кўринарди. Бироқ аслини олганда, японлар энди ўз ерига эга эмас. Бунга икки кишининг яширин ҳийла-найранглари сабаб эди. Мен бўлса нохуш туйғулардан ҳеч халос бўлолмасдим: гўё сароб – ҳақиқатда бўлмаган, қўл теккизсангиз йўқолиб қоладиган хаёлий мамлакат гирдобига тушиб кетгандек эдим.

– Раҳмат! Япония энди меники! – деди анави қурбақа менга мўмай пул ёзилган чек узатиб. – Мен сизни барча вазифаларингиздан озод этаман.

Шубҳасиз, бошим осмонга етди. Пулимни олдим, энди яна бирор даҳмаза чиқиб қолмасдан дов-дастагимни кўтариб жуфтакни ростлашим керак, деб ўйладим. Оёғим шундоқ ҳам қичиб туриби – тезроқ қочсам-кетсам дейман. Бироқ беихтиёр унга савол қотдим:

– Хўш, Японияни нима қиласиз энди?

– Нима қиламан? Табиийки, ватанинга олиб кетаман! – деди қурбақа пинагини бузмай. – Сиз ўшанда Японияни мақтаганда ҳақ экансиз. Бекиёс ўлка! Кўркам, ғайриоддий. Табиатини айтмайсизми! Мафтункор! Манзаралар нақадар ранг-баранг – баланд тоғлар, ороллар, кўрфазлар! Иқлими-чи, ҳар таъбга мос: қор-қирорвли, субтропик ва унча-мунча иссиқ. Тарих, кўхна маданият ва замонавий юксак тамаддун омихта бу ерда. Оламшумил илм-фан ютуқлари билан бақамти ибтидоий тарзда турмуш кечираётган яримёввойи қавм! Бу ерда хилма-хил элат ва қабилаларни учратиш мумкин – бутун дунёдан оқиб келган сайдёхлар. Жаҳон саноати намуналари, турли мамлакатларнинг озиқ-овқат маҳ-

сулотлари намуналари – ҳаммаси бор бунда. Бу ер Шарқ билан Фарб туташган чорраҳа. Қисқа қилиб айтганда, Япония – Ер сайёрасининг кичик бир нусхаси: ҳамма нарсадан бор – озгино созгина. Гўзал митти боғ!.. Ҳа, Япония ердаги тамаддуннинг энг муваффақиятли тимсолидир.

– Сизнинг ватанингиз қаерда?

– Ҳув анави ёқда! – деди у тунги осмон қўйнида милтиллаб турган юлдузларга ишора қилиб. – Олис-олисларда.

– Ҳой, нима, эсдан адашганмисиз? – деб қичқириб юбордим мен. – Ҳўп, мен қаллоб, товламачи, уччига чиқсан ярамасдирман, аммо ким бўлишимдан қатъи назар, ватанинни шундай олислага олиб кетишингизга жимгина қараб туради деб ўйлайсизми?!

– Лекин Япония деб аталмиш макон энди бутунича менга тегишли. У меники, – деди қурбақа илжайиб. – Мен айтдим-ку, ахир, аҳолига ҳеч қандай ўнғайсизлик туғдирмайман. Япон халқи – хизматчилар, дехқонлар, балиқчилар, зиёлилар, талабалар, сиёсий арбоблар, ишбилармонлар, ёзувчилар – барча-барчаси шу кунгача қандай яшаган бўлса, бундан кейин ҳам худди шундай умр кечираверади. Ер юзидаги ҳаёт айнан давом этаверади. Зотан бу ерни бутунича олиб кетаман.

– Марҳамат қилиб охирги саволимга жавоб берсангиз, – дедим мен бу телба, эҳтимол, чиндан ҳам бошқа сайёралик жонзот қаршисида қўрқувдан дағ-дағ титраб. – Модомики, Японияни самонинг аллақайси пучмоғига кўчириб кетишидек зўр қудратга эга экансиз, ер сотиб олишдек майнавозчиликнинг нима

кераги бор эди сизга? Шартта олиб кетаверсангиз бўларди-ку!

– Бизнинг сайёра – тижорат сайёраси. Биз савдо-сотиқ қонуниятларини хурмат қиласмиш. Ҳаммаси ҳалол бўлсин дедим, холос! – У хохолаб юборди. – Ахир, мен деярли қонуний йўл тутдим! Мен Япониянинг, шунингдек, бошқа мамлакатларнинг ҳам бойишига ҳисса қўшдим. Шу вақт мобайнида сизларда – Ерда олтин, оқ тилла, қимматбаҳо тошлилар қанчалик қўпайганини биласизми? Бироқ, нега шу арзимас темир-терсагу тош-пошни деб ўзингизни нақд томдан ташлайсиз, ҳеч ақлимга сиғмайди.

Кўркувдан оёқ-қўлим музлаб ура қочдим. Ортимдан унинг ёқимсиз қаҳқаҳаси узоқ вақт янграб турди. Нима қилдим мен, нима қилиб қўйдим?! Ана-мана дегунча ватаним бошига ўнглаб бўлмас кулфат тушади ва бу ёруғ оламда бирор тирик зот бунга моне бўлолмайди. Юрагим аччиқ алам ва уятдан зирқираб кетди.

Нафасим бўғзимга тиқилиб кемалар тўхтайдиган жойгача югуриб бордим ва ўқдек отилиб кема нарвонидан яхта бортига тушдим. Мабодо Япониядан қочиб кетишга тўғри келиб қолса деб аллақачон шу кемани шайлаб қўйган эдим. Ҳозир имкон қадар тез бу ҳалокатга маҳкум мамлакат қирғоқларидан узоқлашсам дердим. Очиқ денгизга чиқиб олгачгина ортга ўгирилдим. Айнан шу вақт содир бўлди ўша ҳодиса. Неон ва электр чироқларидан чароғон Япония осмонида юзлаб баҳайбат учар ликопчалар муаллақ турарди. (Табиийки, буни ёлғиз мен кўрмадим, бошқа одамлар бу ҳақда нега

ҳанузгача лом-мим деб оғиз очмайди, ҳайронман.) Учар ликопчалардан мовий тусли нурми, пардасимон алланималар ажралиб, Японияни буткул қамраб олди. Мен бу манзарадан кўз узолмай турганимда Япон ороли денгиз билан бирга худди шаффоф халтадаги балиқдек се-кин-аста ҳавога кўтарилди! Бундайин даҳшатли томошадан донг қотиб қолдим, овозим чиқмай, деярли ҳушимдан айрилдим. Учар ликопчаларга боғланган Япония эса борган сари баландлаб бораверди ва ниҳоят, аллақайси бир нуқтада – афтидан, анави жирканч қурбақанинг, ўша газанданинг она сайёраси жойлашган манзил бўлса керак – кўздан ғойиб бўлди. Шу он фавқулодда тўфон бошланди – мисли кўрилмаган тошқин қўпиб, кемамни сувга ғарқ қилди. У билан бирга менинг бор бойлигим сув қаърига чўқди...

## 5

Шу, айнан мана шу қўлларим билан Японияни сотганман, ватанимни самодан келган бир келгиндига пуллаб юборганман. Ўшанда нимани ҳис этганимни сизга қандай ифодалаб берай? Эҳтимол, бундай виждан азобини бу дунёда ҳали бирон тирик жон бошдан кечирмагандир. Пировардида жиннихонага тушиб қолдим, даволандим, тўғри, у ерда кўп ётмадим. Кейин яна денгизчиликка ёлландим. Энди эса шу кенгликларга сузиб келишимиз ҳамоно кўзёшларимни тия олмайман. Ўкиниб-ўксиниб йиғлайман.

Япония... бу мамлакат чиндан ҳам гўзал эди... Нега шунаقا, а? Одам дунёдан ўтгачгина унинг қадри билинади. Япо-

ния ҳам ер юзидан ғойиб бўлгачгина мен уни чинакамига севишмни англайдим. Ифлос, аянчли, одамлар чумоли уясидек ғужғон ўйнаган, қинғир-қийшиқ торкӯчалару зич жойлашган харобазорлардан иборат шаҳарлари ахлатга ботиб бораётган ва айни чоқда... нафис, чароғон, куч-қувватга тўлиб-тошган навқирон Япония... Япон аёлларининг табассуми, Фудзи тоғи... Қадрдон зумрад тоғлар, ороллару денгизлар... Кўркам митти боқقا ўхшаган мамлакат... қадимий ибодатхоналардаги сокинлик... бу оламда билмаган нарсаси йўқ донишманлару зиёлилар... аломуту ғаройиб кўнгил очиш масканларидағи неон чироқлар ёғдуси... бари-бариси йўқ бўлди... Из-пизи ҳам қолмади! Йиғламай бўладими ахир?! Мен, ёлғиз мен айборман! Кунларнинг бирида мен – уччиға чиққан овсар, каллаварам, ўзига бино қўйган майда товламачи масталааст ҳолда ўша нусхага "Японияни сотиб олинг!" деб лақиллаганим учунгина бугун ватаним бу дунёдан изсиз йўқолди. Мен... мана шу иркит қўлларим билан бебаҳо жавоҳир мисол гўзал Япониямни пуллаб юбордим. Ўз ватанимни сотдим!..

Гарчи... ўйлаб қаралса, кимдир нимадир сотмоқ ниятида бўлса, харидор мудом топилади... Қанийди, офтобу ҳаво янглиғ ер ҳам ҳеч кимга тегишли бўлмаса! Эгаси йўқ нарсанинг харидори ҳам бўлмайди-да! Шунда ернинг нархи ҳам яшин тезлигида ошиб бормас, дуч келган очофат ўзига керак бўлса-бўлмаса, ерга чанг солавермас эди. Шунда "Тижорат сайёраси"дан келган анави жирканч

қурбақага ўхшаганлар ҳам икки қўлини бурнига тиқиб қолаверарди...

Ҳикоям интиҳосида сизга бир гапни айтиб қўйишим керак... Кечирасиз, ватанингиз қаер эканини билмайман, лекин айни чоқда анави қурбақа айнан ўша ерларда изгиб юрган бўлса, эҳтимол. Балки ҳали ҳеч ким ҳеч нимани пайқамаётгандир, ҳаёт одатича давом этаётгандир, бироқ яхшилаб қаралса – мудҳиш манзара намоён бўлиши мумкин: мамлакат аллақачон бус-бутун ғойиб бўлгандир! Аллақандай муттаҳам ёт-бегонага пуллаб юборилгандир. Завод, фабрикалар қад кўтариб турган, бир замонлар кимлардир ётқизган ва қайта-қайта ётқизилган темирийуллар чўзилган мана шу замин энди олис сайёралик келгиндилар қўлига ўтгандир. Демак, одамлар ҳам бор лаш-луши билан ўша нусхаларнинг мулкига айланган. Аммо ўзларининг ҳеч гапдан хабари йўқ... Ахир, Япония ҳам шундоқлигича – бутунича сотиб юборилган эди. Мана, мана шу ерда – ҳозир кемамиз сузиб ўтаётган жойда эди у бир замонлар. Шу учун ҳам айтяпман-да: ҳазир бўлинг! Нима, кулгилими? Куладиган жойи йўқ – ўта аянчли тарих... Мен, масалан, куладиган аҳволда эмасман. Яна илжайяпсиз... масхаралаяпсиз чоғи... Эй, қанақадир ғалати қўриняпсиз кўзимга. Ҳа-ҳа, қулоқларингиз диккайган, кўзларингиз худди тугмачадек... Ҳой сиз, менга қаранг, бирор бир мамлакатни сотиб олиш пайида эмасмисиз ишқилиб?..

**Рус тилидан  
Шоҳсанам РЎЗИМАТ қизи  
таржимаси**

Оллоёр ҲҰЖАНДИЙ



## *YURAK OYNASIGA BOQIB*

### **Бахт мезони борми, Аломат?**

Жаҳон халқарининг бахтиёрлик күрсаткичи тадқиқ қилинганида, ривожланган давлатлар эмас, қашшоқ давлатлар ахолиси ўзини бахтлироқ ҳис этиши маълум бўлди. Ойда бир миллион пул топадиганнинг ҳам, юз доллар даромад қиладиганнинг ҳам бахтни ҳис қилиш даражаси деярли бир хил, ҳатто қашшоқларники устунроқ экан. Бир миллион топадиган мардум оз, камбағаллар эса юзлаб баробар кўп. Демак, бир миллион топган юзта одамдан кўра юз минг камбағални бахтли қилиш осонроқ экан-да! Камбағалнинг бир тўйгани – чала бойиганидир.

Балки ўзини саодатманд деб юрган “бахтиёр гадолар” (Карло Гоцци) ўз бахтсизлигидан бехабардир? “Балки биз бахтиёр бўла олардик, / Эҳтимол, бахтлимиз, хабаримиз йўқ...” (Рамиз Равшан)

Ўзини бахтли деб юрганларга аслида бахтсиз эканини қандай англатиш мумкин? Тарғибот орқалими?..

Раҳматли Шарофф Бошбековнинг “Темир хотин” трагикомедиясидаги Аломатхон – со-вуқён тарғиботчиларнинг типик вакили. У “бахтсизлик коди” билан дастурланган. Механизатор Қўчқорвойга “Сиз бахтсиз одамсиз, фақат буни ўзингиз билмайсиз! Шуям яшашми, Қўчқорвой ака!” деявериб, охири Биринчи май байрами намойишида қизил байроқча кўтариб ўтишу яширинча “юзта-юзта” отишни бахт деб биладиган одамни хўнг-хўнг йиғлашга мажбур қиласди. Астойдил йиғласанг сўқир кўздан ҳам ёш чикур...

Инсонни бахтсиз эканига ишонтирдингиз ҳам дейлик, эвазига нима берасиз? Бахтсиз эканини билиб қолган одам ўзига таскин, тасаллини нимадан, қаердан топиши керак?..

## Гуноҳ ва хато

Эҳтимол, илгари ҳам бу ҳол бўлган-дир, аммо ҳозир одамларнинг бир-бируни гуноҳкорликда айблаши урчид кетгандек. Ёшлик кезларимиз гуноҳ нималигини билмасдан яшаган эканмиз. Бугун эса катталар тугул муштдек болалар ҳам бир-бируни маъсиятда айбламоқда: “Сен олчани данаги билан ютиб гуноҳ қиляпсан!” Кўйиб берсангиз, ҳамма гуноҳкор, ҳамма ёқда қизил чироқ!

Шу билан бирга, гуноҳ оддий хато, айб иш даражасига тушириб кўйилмоқда. Бири бошқасига дакки бермоқда: “Навоийнинг байтини хато ёзиш гуноҳи азим!” Йўғ-эй! “Одам сўзини инсон деб катта гуноҳга кўл урдингиз!” Ростданми?! Одамдан инсоннинг нима фарқи бор? Иккаласиям кўш бўғинли бўлса! Одамни ҳайвон дегани йўқку! Бу “ҳарфхўрлик”нинг айни ўзи. Мўъжиза рўй бериб, ҳазрат Навоий тирилиб келса, ўша ҳарфхўрнинг танобини тортиб қўйган бўларди.

Айбни, хатони гуноҳга тенглаштиrmайлик, ализлар. Гуноҳ оддий хатолардан анча оғир келади. Ҳа-я, гуноҳ тарозиси қа-чондан бери ўзи хатокор бандалар қўлига ўтиб қолди?!

## Етти мўъжиза

Бир гурӯҳ америкалик мактаб ўқувчи-ларига дунёнинг етти мўъжизаси рўйхатини тузиш топширилди. Ҳар бир бола вараққа мўъжиза деб билгланларини ёзди. Жавоблар йигилгач, энг кўп зикр этилганлардан еттитаси ажратиб олинди: 1) Миср эҳромлари; 2) Тоҷмаҳал; 3) АҚШдаги Катта каньон; 4) Панама канали; 5) Эмпайр стейт билдинг осмонўпар биноси; 6) Авлиё

Пётр ибодатхонаси; 7) Буюк Хитой девори.

Бир ўқувчи қиз жавобини энг охирида ийманиб-гина топшириди. Рўйхат бундай экан:

- 1 ) к ў р и ш ;
- 2) эшитиш;
- 3) идрок этиш;
- 4) ҳис қилиш;
- 5) ўй суриш;
- 6) кулиш;
- 7) севиш.

Бир қарашда бари оддий, одатий. Аслида эса, улар Оллоҳ фақат инсонгагина тўқис-тугал тортиқ этган мўъжизалардир!

## Шоирлар – шоирлар учун

Бугун шеъру қўшиқ ҳам худди тиббиёт соҳаси каби майдо тармоқларга бўлиниб кетди. Илгари икки йўлда шеър ёзиларди: ё аруз, ё бармоқда. Ҳозир мўл-кўлчилик: модернизм, постмодернизм, абстракционизм, авангардизм, реализм, сюрреализм...

Боз устига, айрим шоирлар фақат шоирлар учун ёзадиган бўлиб қолди. Дейлик, бир шоирнинг беш қаламкаш таниши бор. Бари фақат бир-бирови учун ёзади: кўз олдида улфатлари туради. Қораламаларини бошқалар ўқимайдиям-да!

Худди шундай анъана бундан юз йиллар бурун Франция ва Россияда юз берган эди. “Санъат – санъат учун” шиорини байроқ қилганлар авом диди билан қизиқмасди: “Биз омма даражасига тушмаймиз, аксинча, омманинг дидини ўз даражамизга етказамиз, хоҳламасалар – зўрлаш бефойда!” Футуристларнинг дарғаси бўлмиш Владимир Маяковский бир тўпламига “Жамият дидига



тарсаки” дея ном қўйган эди. Бу тоифа Навоий, Пушкинни замон кемасидан ирғитиб ташлаш фурсати келди, деб ҳисобларди. Ҳозир футуристларни бирор эсламайди, Навоий ва Пушкин номи эса барҳаёт!

Ўтган асрда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева омма эътиборини шеъриятга қаратса олди: шу томонда бир гап бор-ов! Чиндан ҳам “бир гап” бор эди. Агар мақсад фақат одамлар эътиборини қаратиш бўлса, карнаю ногора чалиб ҳам буни уддаласа бўлади. Аммо бундай усулнинг умри қисқа. Матбуот, телевидение, машваратлардаги мақтовлар боис бир муддат отнинг қашқаси бўлиб туриш мумкин. Аммо асар мағзи пуч бўлса, муаллиф ўлик отни қамчилаб бораётган чавандозга ўхшаб қолади. Шоир Евгений Евтушенко бундай деган эди: “Шеърларим ўзимдан кейин яшаб қолишига унчалар кўзим етмайди. Уларнинг аллақанчаси ҳаётлигимда жон бериб бўлди. Аравага кўшилган отларим ўлиб бўлган, мен эса уларни тезроқ юришга қичаётган аравакашга ўхшайман”.

Евтушенко шундай деб тургандан кейин қолганлар нима десин?!

### Ниқоб устаси

Хитой киноижодкорларининг “Оскар” мукофотини олган “Ниқоб устаси” деган фильмни бор. Унинг қаҳрамони Мао Цзедун даврида шаҳарма-шаҳар юриб, кўхна санъат – ниқоб алмаштириш хунарини намо-ишиш қолади. Шамолдек тез ҳаракат қилиб, юзидаги ипак қофоздан ясалган ранг-баранг ниқобларни усталик билан алмаштиради. Бир қарасангиз чол, бир қарасангиз йигит, бир қарасангиз аёл, бир қарасангиз аждар...

Ижтимоий тармоқда на исм-фамилияси, на сурати тайин муштариylар учрайди. Албатта, ҳаммани бир текисда қайчилаш фикридан йироқман, аммо битта тиррақи бузоқ бутун подани булғаши рост. Тармоқда ўз суратини яшириб, бошқа қиёфада чиқадиганлар ўша ниқоб устасини эслатади. Бир ҳафта Робин Гуд, бир ҳафта Султон Сулаймон, бир ҳафта қарчиғай, бир ҳафта сиртлон...

Ниқоб бандасининг икки қизиқиши бир-бирини рад этади: у машҳур бўлишни истайди, аммо “разведкачи”, “жосус”лик стихиясини жиловлай олмайди... Ҳудди энди-энди шеър ёзиш касалига чалинган каби: илк машқларини бирорга кўрсатишга тортинади, аммо шоирлик даъвосидан воз кечолмайди...

### “Ўлмайдиган” мардум

Қартабозлил қилганлар яхши билади: “туз кўзир”га тенг келадигани йўқ, ўзидан кичик ҳамма қарталарни босиб ташлайди. Ҳаётда ҳам ана шундай “туз кўзирлар” бор: бола учун ота, аёл учун эр, ходим учун раҳбар...

Одамзод табиатан ўлимдан қўрқади. Ажал бевақт келиб ҳамма орзу-ҳавас, ниyat-мўлжалларни бекор қилиб ташлайди-да. Айбланувчи суддан, маҳбус қамоқдан, қарздор қарзидан, муаммолар исканжасида қолган одам ғамлардан, бир-бирининг жонига тегиб кетган эр-хотин баҳтсиз турмушдан, мамлакат мустабиддан кутулади.

Одамлар бир-бири билан даъволашганда ҳам ўлимни “туз қарта” каби ишлатади: “Ўлмайман деб ўйлайсанми?!“

Ўлимга чап берган одамни кўрмадик. Тармоқларда ҳам бир-бирига гўрни, кафан-

ланган майитни, совуқ қабрни юборишлар тез-тез учрайди – туз қарта ишга солинади-да (гўё даъвогарнинг ўзи ўлмайдигандек!)

Аслида, ўлим у қадар кўрқинчли нарса эмас, бари ундан кейин бошланади. Мирзо Бедил битмишки:

*Мурда ҳам маҳшар учун овора,  
Ором олмоқ нақадар душвордир.*

### Уят ҳакида

Бизлар ғирт “үятсиз” даврларда яшаган эканмиз-да! Одамларда андиша, бирордан уялиш дегани йўқ бўлган экан. Уйларимиз ночор, таъминалаблигидан уялмасдик. Бир сидрагина кийимимиз борлигидан сира хижолат тортмасдик. Бетимиз қаттиқ бўлган эканми... Ҳозир бир кўйлакни икки марта кийишдан уяладиганлар бор.

Дастурхонларни айтинг, дастурхонларни! Мехмон олдига суви қочган нонни қўйиш “аят”лигини билмаганмиз. Истиҳола қилмай чегаланган, одми оқ пиёлада чой узатиб юрган эканмиз. Мехмонлар ҳам аяганми, юзимизга солмаган. Ҳозир шундай пиёлада чой узатинг-чи, меҳмон нега келгани ҳам эсидан чиқиб, инглизлардек хайр-маъзурни насия қилиб кетиб қолади.

Қизлар ота-онаси олиб берган ўғил болалар туфлисини кийганча мактабга қатнашдан уялмаган. Пайпоқни ямаш ёки икки оёққа турли рангисини кийиш ҳам айб эмасди. Пайпоқ учидаги йиртиқдан бошмалдоқ чиқиб туриши оддий ҳол эди.

Қандай замонларда яшадиг-а, ёронлар!..

### Бойлик – бепарволик

Бир дўстимиз бой давлатларга камбағал давлатларнинг кучи етмайди, дея фикр билдирибди. Бобо тарих эса бу фикр

ҳамиша тўғри бўлмаганини уқтиради. Кўхна Римни вайронага айлантирганлар маданиятсиз ва қашшоқ варварлар бўлса, Бағдод халифалигининг кучини қирқсанлар ҳам эзилган халқлардан иборат исёнчилар эди.

Одатда, бойлик жамиятда бепарволикини келтириб чиқарди.

Ҳанс Кристиан Андерсенning “Ақл бовар қилмас иш” эртагида қирол “Кимки ақл бовар қилмас мўъжиза яратса, ўшанга қизимни бераман!” дея жар солдиради. Ҳамма ажабтовур ҳунарлар кўрсата бошлиайди. Аммо улар орасида энг ақл бовар қилмайдигани маҳобатли саройнинг кичрайтирилган макети бўлиб чиқади. Унда ҳамма нарса муҳаёё, ҳатто қиролу қиролича, хизматкорлар худди жонли каби ҳаракат қиласади. Чироклар чарофон, боғда булбуллар шодон! “Мана, ақл бовар қилмас мўъжиза! Бундан зўрини ўйлаб топиш душвор”, дея тан беради қирол.

Шу маҳал талабгорлар ичидан бақалоқ йигит чиқиб келиб, “Бундан ҳам зўр мўъжиза кўрсатаман!” дейди. Ҳамма ҳайрон: “Наҳотки?!” Қирол амр қиласади: “Қани, кўрсат ҳунарингни!”

Бақалоқ стол устидаги сарой макетини мушти билан бир уриб ерпарчин қиласади, пайраҳалар ҳар томон сочилади. Издиҳомнинг дами ичига тушиб кетади. Ҳатто қирол ҳам бир неча сония ўзига келолмайди ва ниҳоят тан олади: “Тўғри айтдинг, бу ишинг ҳаммасидан ошиб тушди!”

Шу тарзда муштумзўр бақалоқ хукмдорга куёв бўлади.

Даниялик адид ҳам Қуръони каримдан хабардор бўлганми дейман. Шундай ажойиб оламни яратган Холиқ Эгам вақти-со-

ати келганда бир ишора билан уни кунфайкун қиласи – Қиёмат содир бўлади.

Сиз эса қудрат бойлиқда дейсиз...

### Ўтробу жаҳонгаштани танламас...

Мода, аслида, ожизларнинг иши. Ўртамиёна киши оммавий мода кетидан чопади. Диidi нозик бойваччалар эса ҳеч кимда йўқ нодир либос кийсан дейди. Баъзилар ўзи учун ейди, бошқалар учун кийинади. Уйида қирқамоқ жандада, кўча-кўйга чиққанда пасон!

Модага эргашув мажбурикдан, танлаш имконияти йўқлигидан ҳам юз беради. Илгари дўконларга янги газлама келганида ҳамма бир хил матодан кўйлак тикириб кияр эди. Масалан, бир вақтлар ҳаммаёқни маҳбусларники каби йўл-йўл хитойча эркаклар кўйлаги босди. Қишлоқдан шаҳарга қиз узатиб келган автобусдан аввал аёллар тушади: ўн етти яшаридан етмиш яшаригача – ҳаммасининг эгнида “Салом, баҳор” деб аталган, сариқ фонда қора баргли қизғалдоқлар тасвири туширилган матодан тикилган кўйлак. Эркакларни кўриб шаҳарликларнинг оғзи очилиб қолади – барининг эгнида маҳбусларникига ўхшаган йўл-йўл кўйлак!

Кейинчалик танлов имконияти пайдо бўлгач, аёллар олдинга чиқиб кетди. Энди улар тўйга боришдан аввал бир-биридан қанақа кўйлак кийишини суриштирадиган бўлди. Илгари дугоналар бир хил кийинамиз, эгизаклардек кўринамиз деган бўлса, энди бир-биридан ажralиб туришни хоҳлаб қолди.

Сираси, мода ожизларни бошқарадиган даврда яшамоқдамиз. Телевизор, газета, интернет жар солади: “Кузда яшил ранг

урфга киради. Ғафлатда қолманг!”, “Яшил тусли либослар, пойабзаллар, сумкаларда тенги йўқ ҳурилиқога айланасиз!”

Бу ёқда автомашина, музлаткич, телевизор, телефон, идиш-товоқ, гиламлар кўз-кўз қилинади. Бадавлат, аммо руҳи-яти заиф кишилар бисоти мўл-кўл бўлса-да, янги урфга кирган маҳсулотларни ҳарислик билан сотиб олади – эскиларини қариндошларга пешкаш қиласи ё кўчага чиқариб кўяди.

Мода инсон тафаккурига ҳам ўз ҳукмини ўтказаётир. Ўтган йил урф бўлган фикр бу йил эскиради. Урфдаги фикрлар ҳафтасига ўзгариб кетмоқда! Тренддаги “ноёб” хорижий фикр қулогига чалиниб қолганлар бу гаплардан бехабар банди ғофиллар устидан кулади: “Хе-э, садқаи маҳалла кетинг-эй!”

Ўлим кекса-ёшни танлаб ўтирганидек, урфдаги фикрга бандилик ҳам ўтробу жаҳонгаштани танламайди. Кўр ушлаганини, кар эшитганини кўймайди деганлари шумикан?..

### Юрак гардларин арт

Адиблар оламини кўрмоқ, кашф этмоқ осон юмуш эмас. Бу оламнинг атрофини ўраган деворда тирқиши ҳам, дераза ҳам бор. Уларнинг қай биридан қарашга кўра бу сирли олам ҳақида тасаввур пайдо бўлади. Жимитдек тирқищдан қараганга у тангутор бўлиб кўринади, кенг деразадан қараган эса улкан манзараларга шоҳид бўлади.

Ташки оламдан олинадиган таассуротлар кўрадиган кўзнинг қанчалар тийраклигига ҳам боғлиқ. Кўзига шапоқ тушган одамга ёруғ дунё намозгар ғира-ширасидан иборат бўлиб туюлиши мумкин. Дера-

заси хира тортиб кетган аёл қўшни беканинг дорга осган кирларини кўриб, “Бунчалар ношуд экан, чойшабидаги доғлар манаман деб турибди. Уларни кўзкўзлашдан уялса бўларди!” деган экан.

Юрак ойнасидаги кир доғлар билан оламга боқадиган кишининг дили ҳузур кўрмайди. То ўз кўнглингда интизом жорий қилмас экансан, ташки олам лўтининг тўрвасига ўхшаб туюлаверади. Ахир, “Иллат излаганга иллатдир дунё!” (Садриддин Салим Бухорий).

Яна Мирзо Бедил пандига кулоқ солсак:

*Юракдан гардларинг арт, то тириксан  
интизом баҳси эт,  
Ахир, файзи бўлак тартибга солмоқнинг  
дўйонларни.*

## Газета тилини ким ўйлаб топган?

Каминанинг шеърлари расмий газеталарга тўғри келмайди. Уларни ўзгартириш, “рамка”га солиш сўралади ёки умуман рад этилади. “Сиз Доғларжанинг шеърларин газетлардан тополмагайсиз!”

Сабаб нимада? Сабаб – газета тилида!

Газета тили қандай пайдо бўлди ўзи?

Ўзбекистонда XX аср бошларида газеталар чоп этила бошлади. Жадид маърифатпарварлари эркин, ширави тилда ёзгани маълум. Кейин шўро тузуми майдонга чиқди – расмий газеталар кўпайди. Муаллифлар эса аксар эски жадидлар бўлиб, улар халқ тилида ёзмоқни канда қилмади.

Кейин цензура ва цензорлар пайдо бўлди. Цензорлар ё “катта оға”лардан, ё чорифини судраб юрган маҳаллий йўқсиллардан эди. Улар газеталардаги жонли халқ тилини тушунмасди: “Шу сўзлар ўзбекчами? У ҳолда нега мен билмайман?”

Мен ҳам ўзбек ота-онадан туғилганман, ахир! Шевада ёзиш ман этилсин! Ягона тилга ўтилсин! Муқобил тил, халқ оғзаки ижоди бекор қилинсин!”

Бош муҳаррирлар саводсиз цензорлар билан олишавериб, энасини учқўрғондан кўради. Муҳим материалларни бош муҳаррирнинг ўзи терлаб-пишганча цензорга тушунарли тилга ўгиради, ходимлар, муаллифлардан ҳам шуни талаб қиласди. Одамзод сабрининг ҳам чеки бор. Тезда жадидлар ҳам “шамол тегирмони” билан жанг қилишни тўхтатди, кўплари қамалиб, отилиб кетди...

Унунтилган тилнинг жозибаси ҳамон кучли. Аммо расмий лисонни ёқлаганлар ҳам бўш келмаётир. Халқ тилини оммавий ахборот воситаларига яқинлаштиргиси йўқ уларнинг. Чунки танглай газета тили билан кўтарилган.

Халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев сурхон шевасида гапирган ёш ҳамюрти Бахтиёр Олломуродни “Желаган тилларингга асал!” деб алқаган экан.

Шоир оғам Матназар Абдулҳаким умрининг охирида ўғуз лаҳжасида шеърлар битди. Тўғри, ўкувчидан ютқазди, аммо муҳаббат қурбонлик талаб қилиши маълум...

Лаҳжалар яшаб қолиши керак! Улар бугун пайдо бўлмаган, эҳ-эй, қанча сарҳадлар ошиб, неча мозорлар босиб келган!

Тилингдан ўпай, Ўзбегим!

## Алвидо, курол!

Икки киши айтишиб қолди. Ҳар иккиси жаҳл билан ёнидан телефонини чиқариб, ўзаро жанжални тасвирга ола бошлади.

– Ташла қуролингни! – деб ўдағайлади бири.

– Аввал ўзинг ташла! – деди бошқаси.  
Кейин икковлон атрофдаги томошаталаб мардумларга бақирди:  
– Ҳамма қуролини ташласин!

кўрган ҳайдовчининг кўнгли жойига тушди – ўнлаб амалдорнинг бирининг оғзидан, бошқасининг шими чўнтагидан оку қўк тиянинг бир қарич думи ҳилпираб кўринарди. Туяютган биргина унинг хўжайини эмас экан...

### Оқ тиянинг думи

Тияни ютса думини кўрсатмайдиган дўйстим бир гал хатога йўл қўйди...

Мажлисга шошганча хизмат машинасига ўтирган раҳбаридан ҳайдовчиси ҳайрон бўлиб сўради:

– Оқ тия ютдингизми?!

– Нима деб алжираяпсан, бола! Оқ тияниям, қўк тияниям кўрганим йўқ!

– Эҳтиётсизликдан ютворганга ўхшайсиз ё ўзи оғзингизга кириб кетгандир?

– Жумбоқ қилмай гапир!

– Оғзингизнинг бир четидан оқ тиянинг думи осилиб турибди, хўжайн! Ҳарҳолда, каттаконнинг олдига боряпсиз, сал у ёқ-бу ёғингизни эпақага келтириб олинг. Ёмон назар тушмасин дейман-да.

Раҳбар ойнага қараса, оғзи четидан тия думи осилиб турибди! Икки кўллаб ичкаритикаса ҳам яна чиқиб келяпти. “Тўйибманми, нима бало?”

– Пичноқни узатвор, Мамарайим!

Ҳайдовчи узатган пичноқ билан оғзига сиғмаган бир қарич думни шартта кесган амалдор машинадан улоқтироқчи бўлди-ю, шуям рўзгорда аскатар, дея шими чўнтагига солиб қўйди.

Қозондек қоринга сиғмаган дум кичик чўнтакка сиғармиди! Мажлис бўлаётган бинога етган заҳоти ичкарига юргурган раҳбарининг ортидан қараб қолган ҳайдовчи пешонасига муштлади: бояги думнинг шоқилали уни чўнтақдан чиқиб шамолда ўйноқлаб борарди. Аммо бошқа манзарани

### Шиорларга ўраниб...

Уста Салим колхоз дурадори эди. Шу сабаб симёғочу пештоқларга осиладиган шиорларни эскирганидан кейин ечиб олиш ҳам унга тан. Ранги ўчган алвоnlарни йиртилиб кетмасин дея чорчўпдан эҳтиётланча сидириб оларди. Чорчўпларни эса аямасди: қанча синса, уйига олиб кетади. Бутунларига янги шиор қопланади. Авайлаб сидирилган эски шиорларни тугиб хотинига олиб боради. Бу ёқда етти тирмизаги бор, уларга иштон-пиштон тикиб бериш керак. Қизил иштонлилар оиласи десангиз ҳақингиз кетмайди. Гарчи ранги ўчмаган астар тарафи ташқарига тикилса ҳам, шиорлар билиниб туради. Бир боласининг иштони орқасида “КПСС” деган сўз тескари жой олган. “Леонид Ильич Бреж...” – давоми бошқа тирмизакнинг иштонида. Биз эса шиору битикларни тескари ҳолида ҳам ўқиб, аслига тиклаб оламиз...

### Дезинформация балоси

Дезинформация – ёлғон маълумот билан мамлакатлар, компаниялар, машҳур шахсларнинг обрусини тўкиш, акциялар қадрини тушириш, ҳатто уруш бошлаш мумкин. Шундай товламачилик намунаси ёзувчи Александр Дюманинг “Граф Монте-Кристо” романида келтирилган.

Эдмон Дантеz рақибидан ўч олиш учун аббат Фария образида Атлантика океани орқали ўтган телеграф кабелидаги маълу-

мотларни Парижга юборувчи алоқачи ходим олдига боради. Унга катта пул бериб, “АҚШдан келаётган фалон кема ҳалокатга учради, банкирлар чўкиб кетди, фалон тонна олтин ҳам уммонга ғарқ бўлди” мазмунида телеграмма жўнаттиради. Мўмай пулни қўлга киритган алоқачи жуфтакни ростлайди.

Нохуш хабар етиб борган заҳоти бадавлат ширкат акциялари баҳоси тушиб кетади, Граф Монте-Кристо эса уларни сувтекинга сотиб олади.

Бир ҳафтадан кейин “чўкиб кетган” кема Францияга етиб келади. Компания акциялари нархи яна кўтарилади. Уддабурон граф эса энди уларни сотиб, маблағини юз баробарига кўпайтириб олади.

Бу кўхна усул ҳозир унунтилган деб ўйлайсизми?..

### Арзанда адолат

Адолат мезонини адабиёт, журналистика, суд хуҷжатлари, ҳаётдан топишга уринамиз. Аслида, унинг мутлақ собит мезонлари йўқ. Адолатни топдим, тутдим деганингизда ҳам, у бармоқларингиз орасидан симобдек чиқиб кетади. Воқеликнинг олдидан қарасангиз – адолат, ортидан қарасангиз – адолатсизлик. Ракурсни ўзгартирсангиз, унинг бошқа ёқимли-ёқимсиз тарафлари намоён бўлаверади.

Қўшхотинлиқда одил бўлиш мумкин дейишади. Одам гоҳида кўз очиб кўрган рафиқасининг ҳақига тўлиқ риоя этолмайди-ку!.. Кези келганда яккаю ёлғиз фарзандга нисбатан ҳам адолатли муносабатда бўлиш амримаҳол.

Адолатни на метрлаб, на килолаб, на литрлаб ўлчаб бўлади. Жон бошига тақ-

симлаганда ҳаммага teng – бир қаричдан, бир кафтдан, бир муштдан тегди дейлик, аммо ўшанда ҳам бундан кимдир хурсанд, кимдир хафа бўлиши аниқ: “миннат билан тарқатди, норози бўлиб берди, лаҳм эмас, чандир жойи тегди” қабилидаги минғир-минғирлар чиқаверади.

### Ҳаётнинг астари

Бир ёш шоирнинг гапидан роса ҳайрон бўлдим: “Мен ҳақимда бўлмағур гаплар қулогингизга чалинса аҳамият берманг, бари душманларимнинг иши!”

Қанчалар “камтарлик”! Ёш бошига душманлари ҳам бор экан!..

Шу ёшга кириб, “Душманларим бўлиши ҳам мумкин” деган фикр миямга келмаган экан. Мен ҳақимда миш-миш, ғийбатлар борлигини кўп ҳам ўйламаганман. Тўғри, рафиқам кўча-кўйдан гап топиб келарди: “Сизни фалон-писмадон дейишяпти! Кўзингизга қараб юринг, обрўни ўйланг!”

Одам патгиламга ўхшайди, тез-тез чангини қоқиб туриш керак. Худойимнинг савоқ чўпи ўша ғийбату синовлардир. Сиз ҳақингизда ёмон гап тарқатганлар душман эмас. Одамнинг энг катта душмани – унинг ўзи, кибру ҳавоси!

Менга панд бериб кетганлар ҳақида фақат илиқ гап айтаман: улар сабабли ҳаётнинг астарига кўз ташладим, тажриба орттирдим.Faқат дўстларим ва омад кафтида юрганимда нимани ҳам билардим!

Шахсиятимга доир гапларга унчалар қизиқмайман, ўзимдан ошириб бирор нарса дейишлари қийин. Дангалини айтганда, бирорвларнинг паст-баланд фикридан, ҳақоратидан титроққа тушадиган даражада ожиз эмасман...

Бахтиёр МЕНГЛИЕВ



## ЈАНОВІ МОНІУАТ

Инсон ихтиёrsиз равишда теварак-атрофида учрайдиган турли ҳодисаларнинг сабабларини излайди, ўзи дуч келган муаммоли вазиятларни, оқибатларни таҳлил қилади, баҳолайди ва шунга таяниб тўғри қарор қабул қилишга интилади. Моҳиятни билиш муаммоларни ҳал қилиш калити саналади. Зотан, инсон ҳаётининг мазмуну – муаммоларни ечишга интилмоқдир.

Ҳа, нарса-ҳодисаларнинг моҳиятини билиш оддий одам учун-да ҳаётининг кўп жабҳаларида фойдали. Муаммонинг асосини билиш самарали ечимларни то-

пишда қўл келади. Масалан, агар киши ўз автомобилининг қандай ишлаши ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлса, техник ҳолати билан боғлиқ баъзи муаммоларни мустақил равишда ҳал қила олади. Мавзу ёки муаммони чукур тушуниш – унинг моҳиятини билиш демакдир, бу эса турли вариантларни оқилона баҳолаш ва улардан энг мосини танлаш имконини беради. Ҳатто ўзимиз кўпинча эътиборсиз қарайдиган овқатланишни олайлик. Озиқ-овқатнинг моҳиятини билиш нимани, қачон ва қандай ейишга ўргатади. Дейлик, кўпчилик тарвуз асосан сувдан

иборат (80 фоиз), у семиртирмайди деб ўйлайди. Аммо унинг моҳияти сувда эмас, балки таркибидаги глюкозада. Тарвузнинг гликемик индекси – 72, қовунники эса – 62. Демак, углевод микдори тарвузда кўпроқ. Кўринадики, тўлишишга мойил кишилар учун тарвуз қовунга нисбатан хавфлироқ.

Моҳиятни билмоқ танқидий фикр ўсиши омили ҳамdir. Нарса-ҳодисаларнинг моҳияти ҳақида билимга эга бўлган одам маълумотни таҳлил қила олади, савол беради, шубҳаланади ва қўшимча манбаларни қидиради. Бу мустақил фикрлаш ва онгли қарор қабул қилиш кўникмасини ривожлантиради.

Афсуски, ҳаётимизда учрайдиган жуда кўп муаммоларнинг сабабларини моҳиятдан эмас, юза сатҳдан излаймиз. Аслида эса биз ижтимоий ҳаётда дуч келадиган аксар муаммоларнинг илдизи қайси ижтимоий-иктисодий тузумда (формация) эканимизда, унинг механизмларида. Мoҳиятни англамай туриб эса муаммоларни ечиб бўлмайди.

Сираси, моҳиятни билиш одамзода атроффдаги дунёни яхшироқ тушуниш, онгли қарор қабул қилиш ва ҳаётий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Бу эса шахснинг ривожланиши, ўз-ўзини англаши ва шахсий сатҳда ҳам, ижтимоий сатҳда ҳам тақдирини ўзи белгилашини таъминлайди.

### Арастудан Навоийга қадар

Арасту фалсафасида моҳият (essence) нарса-ҳодисанинг ички ва ўзгармас табииати – зотини белгилайди ва бошқа нарса-

лардан ажратиб туради (*Аристотель. Сочинения. В 4 т. Т. 2. Москва, 1978. Стр. 6*). Мoҳияти ўзгарса, нарса ҳам ўзгаради.

Фома Аквинский фалсафасида эса моҳият Яратувчи билан у яратган борлиқнинг ўзаро муносабати сифатида қаралади (*Федчук Д. “Сущность” и “существование” у Фомы Аквинского: Авт.дисс. ...канд. философ. наук. СП(б), 2003. Стр. 13*).

Моҳият – кўринмас (ботиний), у ҳодисани белгилайди; ҳодиса эса кўринувчидир – у моҳият томонидан белгиланади. Ҳазрат Навоий моҳиятни “зот” деб тасифлайди: “Зотидин демайдурур худ кимса сўз, / Ким эрур кўр онда ҳар бинанда (кўрадиган) кўз” (*Алишер Навоий. Лисонут-тайр. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 29-бет*).

Моҳият ва ҳодиса илмий ўрганишда шартли равишда фарқланади. Аслида, улар бир-бирига шу даражада яқинки, бамисоли бир варакнинг икки бети кабидир. Навоий қушларнинг (ҳодиса) Симурғдан (моҳият) ажралмас эканини бундай тасвирлайди: “Сиз тушуб ул шоҳдин беҳад баид / Ул ёқинроқ сизга “мин ҳаблул варид”. Демак, “Лисонут-тайр”да қушлар Симурғга интилгани сингари афкор инсоният ҳам бир умр моҳиятга интилади, уни топишнинг машақатли йўлида заҳмат чекади, деган мазмун бор.



## Фанда моҳият

Ҳар қандай фаннинг мақсад-вазифалари ўрганилаётган нарсанинг фаолияти ва тараққиётига хос қонуниятларни очишдан иборат. Қонуниятлар ва улардан фойдаланиш нуқтаи назаридан фанлар назарий ва амалий турга ажралади. Бу билиш жараёнининг назарий ёки амалий босқичлари билан боғлиқ. Фан қўйидаги икки вазифадан, ҳеч бўлмаса, бирини бажариши лозим: ўрганилаётган нарса-ҳодисани такомиллаштириш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Нарса-ҳодисани такомиллаштириш унинг моҳиятини очиш асосида унга таъсир қилишни ҳам ўз ичига олади. Масалан, кимёвий унсурларнинг тузилиши ва атом оғирликлари уларнинг моҳиятини ташкил қиласди. Кимёвий даврий тизим кимёвий унсурларни, хусусиятлари ва кимёвий тузилишига қараб, бир системага солиш ҳамда таснифлаш мақсадида яратилган эди. Маълумки, даврий система – 1869 йилда Дмитрий Менделеев томонидан ишлаб чиқилган ва кимё соҳасидаги улкан ютуқлардан бири, муҳим кимёвий қонуниятнинг кашф қилиниши деб эътироф этилган. Даврий жадвалнинг мақсади кўплаб элементларни тушуниш ва тартибга солишни осонлаштириш билан бирга кела-жақда кашф этилиши мумкин бўлган янги унсурларнинг хусусиятларини башорат қилиш эди. Даврий система кимёвий элементларнинг атом массаси, электрон тузилиши, кимёвий фаоллиги ва бошқа хусусиятлари замиридаги қонуниятларни кўриш имконини беради. Ушбу тизим турли соҳа, жумладан, кимё саноати, фармацевти-

ка, материалшунослик кабиларда амалий аҳамиятга эга. У олим ва муҳандисларга элементларнинг хосса ва ҳаракатларини тушуниш ва башорат қилиш, янги материаллар, дори ва технологияларни ишлаб чиқиша кўмаклашмоқда.

Чексиз нутқ ҳодисалари замиридаги қонуниятларни очиш тилни лингвистик, математик ва дастурий моделлаштириш учун замин бўлаётир. Бу эса бугунги кунда сунъий интеллект яратиш, инсон мия фаолияти қонуниятларини тил асосида текшириш ва баҳолашга йўл очади. Нарса-ҳодиса замиридаги қонуниятларни очиш улардаги умумий ва барқарор жиҳатларни хусусий ва ўткинчи жиҳатлардан фарқлашдан бошланади. Бунда фалсафада барқарор деб қараладиган “моҳият” ва ўткинчи деб баҳоланувчи “ҳодиса” категорияларидан асос сифатида фойдаланилади.

Ҳозирда мазкур категорияларга таяниш фанда урфдан қолгандек. Бироқ илм кишиси ўз олдига нарса-ҳодисанинг моҳиятига дахлдор қонуниятларни ўрганиш мақсадини қўйиши, моҳиятни очиш ҳар қандай назарий фаннинг асосини ташкил қилиши лозим. Моҳиятга интилиш мodomики ҳар қандай фаннинг асоси экан, “моҳият” ва “ҳодиса” тушунчалари ҳамиша яшовчандир. Таълимда ҳам бу икки тушунчани фарқлаш такомиллаштирилиши шарт. Бу, айниқса, жамият қурилиши ва уни бошқариш билан боғлиқ ижтимоий фанларда катта аҳамиятга эга. Кўпчиликни қийнаётган ижтимоий муаммоларга моҳиятни англамай ёндашув сабаб улар ҳал бўлмайди.

## Санъатда моҳият

Санъатда “моҳият” тушунчаси асар мазмуни, ғояси ёки ҳиссий жиҳатини англатади. Асл моҳият асарнинг ўзига хос, теран мазмунли ва бетакрор бўлишида на-моён бўлади (*бу мавзуда кўплаб асарлар маёждуд: Michael Frid, "Art and Objecthood" (1967), Alain de Botton, John Armstrong, "Art as Therapy" (2013), John Dewey, "Art and Social Consciousness" (2002), Николай Бердяев, "Кризис искусства" (1994), Yonatan H. Mishal, "Art and Transformation" (2009)*). Масалан, рангтасвирда асар моҳияти унинг композицияси, ранг комбинацияси, рассомнинг техникаси ва услуби (ҳодиса) орқали воқеланади. Бунда моҳият санъаткорнинг томошабинга қандай мазмунни етказмоқчи ёки унда қандай таассурот ўйғотмоқчи экани билан характерлана-ди. Мусиқада эса моҳият қўшиқнинг оҳангги, гармонияси, ритми, матни воситасида рўёбга чиқади; тингловчидаги ҳиссий таъсири билан белгиланади.

Санъатдаги моҳият асарнинг мазмунан бойлиги ва ғоявий чуқурлиги, ҳиссий ва ақлий таъсирини тушунишга кўмаклашади, асар жавҳарини кўриш ва ҳис қилиш имко-нини беради, унга такрорланмас хусусият ва қиммат бахш этади. Умуман, санъатнинг моҳияти чуқур ботиний экани боис уни идрок этиш, тўлиқ қабул қилиш учун ҳам одамда жибиллий сезим бўлмоғи лозим.

## Адабиётда моҳият

Моҳият сўз санъати намуналарининг мазмундор, бетакрор ва таъсирчан чиқишини белгилайди. Адабий асарларга “моҳият” кўзгусида қараш тизимли талқин-

ларга йўл очади. Тахлилларда барқарор ва ўткинчи, асосий ва иккиламчи, ўзига хос ва умумий жиҳатларни фарқлашда ил-мий-методологик қиммат касб этади.

Бадиий адабиётдаги моҳият муаллиф ўз қаҳрамонлари, сюжет ва ёзиш услуби орқали етказмоқчи бўлган мазмун-гояни англатади. У чуқур инсоний туйғу, ахлоқий муаммо, ижтимоий-сиёсий қарашларни ёки шунчаки гўзаллик, эстетик идрокни акс эттириши мумкин. Моҳият асарнинг теранлик даражаси, ўқувчига ҳиссий-ақлий таъсирини тушуниш ва қадрлашга хизмат қиласди.

Адабий асарлар “оммабоп” ва “хослар учун” каби турларга ажратиб келинган. Бинобарин, бадиий адабиётда ҳам зоҳирий (оммабоп), ҳам ботиний (хослар учун) моҳият бўлиши мумкин. Зоҳирий моҳият асарнинг сюжет, персонаж, воқеа каби бир қарашда ҳамма учун аниқ-равшан томонларида намоён бўлади. Ҳазми енгилроқ асарларда зоҳирий моҳият устуворлик қиласди. Ботиний моҳият эса матнга сингдириб юборилган янада яширин ва чуқурроқ ҳикмат ёки фикрларда зуҳур этади. Оммабоп моҳият ҳиссий ҳолатлар, рамз, метафора кабиларда берилади. Ботиний моҳият интертекст, поэтик синтаксис ёки мураккаб ҳикоя тузилмалари каби ниҳоятда нозик элементлар орқали очилади. Аммо шунда ҳам у тугал равшанлашади деб бўлмайди. Масалан, “Лисонут-тайр” достонидаги том моҳият қушларнинг охирги манзилда Симурғни тополмай, ўзлари унга айланганида деган нуқтаи назар устувор. Зотан, “Ҳақ ўзингда” тезиси кўплаб тагмазмунларга эга. Тополмаслик – қиди-

рилаётган объектнинг мавжуд эмаслиги ни ҳам билдиради. Масалага ёндашувда кимлардир “Спиноза тангриси” тушунчаси асосида муносабатда бўлиши ҳам мумкин. Яъни файласуф “Тангри борлиқдан ташқарида эмас, балки унинг ўзида” деган ғояни илгари суради.

Таъкидлаш керакки, зоҳирий ва ботиний моҳият боғлиқ ва бир-бiri билан ўзаро таъсирга эга. Биринчиси ғоя ва ҳис-туйғуларни тушуниш учун кириш нуқтаси ўла-роқ хизмат қилади, иккинчиси эса асарнинг туб аҳамиятидан хабар беради.

Бадиий асар моҳияти, энг аввало, ижодкор шахс назарда тутган моҳиятни англатса-да, уни талқин қилиш ва тушуниш, одатда, индивидуал характерда, ҳар бир ўқувчи ёки таҳлилчининг идрок даражаси, тасаввур салоҳияти, тажрибасига ҳам боғлиқдир. Обрўли адабиётшуноснинг фикри баъзан ўқувчилар дикқатини асл моҳиятдан узоқлаштириб юбориши-да мумкин. Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”ини айрилиқ достони деб баҳолаш, Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” асарида ижтимоий-сиёсий эврилишни кўриш, Абдулла Ориповнинг “Тилла балиқча” шеърига сиёсий мазмун бериш адабиётшуносликдаги худди шундай ҳодисалардандир. Бу каби мисолларда муайян таҳлилчи илгари сурган индивидуал моҳият адабиётшунослиқда ҳам, ўқувчилар онгода ҳам барқарорлашган. Албатта, адабий матн – ўқувчи ва таҳлилчининг фикрлаш-билим даражасига қараб унда турли моҳиятларни кўриш имконини берадиган кўпқатламли ҳодиса. Адабиётни кўп қиррали ва қизиқарли санъат турига айлантирган омил ҳам шу.

## Ҳикмат устунми ёки поэтик гўзаллик?

Асл ва юксак адабиётнинг ботиний мазмун-моҳиятини бетакрор ҳикматга йўғрилган ғоя ташкил қиласиди. Зоро, сўз санъаткорининг асосий мақсади ҳам теран ва бетакрор фикр-ғоя ва фалсафий тушунчани кашф этиш ҳамда уни ҳаётий-қизиқарли кечмишу кечинмалар воситасида ўқувчига етказишидир. Пурхикмат ва бетакрор ғоя севги, ўлим, адолат, ҳаёт мазмуни, ахлоқий эврилиш ва шу каби турли азалий-абадий тушунчалар билан боғлиқ бўлади. Улар ўқувчининг фикрлаши, илҳомланиши, ўзи ва атрофидаги оламни теранроқ тушунишига ёрдам беради.

Юксак санъат намунаси бўлган бадиий асар ҳаётга янги ва ўзига хос қарашни тухфа этади, китобхонда саволлар уйғотади. Ғоялар умуминсоний, умуммаконий, умумзамоний бўлиши мумкин. Ўлмас асарларнинг моҳияти ана шунда.

Пурхикмат ва бетакрор ғоя бадиий асарнинг мағзини ташкил қиласиди, лекин бадиий асарни юксак санъат намунасига айлантирадиган ягона омил эмас. Санъат асарида шакл – ифода ҳам моҳият билан тенг қимматга эга. Ҳикматсиз бадиият ҳам, бадииятсиз ҳикмат ҳам асар қимматини туширади.

Бадиий адабиёт шундай сирли ҳодисаки, баъзан оригинал мажоз ёхуд кутилмаган сўз ўйини ҳам ўқувчини фавқулодда таъсирантириши мумкин. Айрим асарларда теран ҳикмат ва бетакрор ғоя учрамаси-да, улар руҳий ҳолат ёки кечинмалар ифодаси билан қиммат касб этади. Бундай асарлар китобхон учун умумий ва тушу-

нарли ҳис-туйғуни ифодалайды, кайфиятга таъсир қилиб, унга завқ ва мароқ беради. Зотан, кимгадир одамлар, кимгадир воқеалар, кимгадир эса ғоялар (ҳикмат) таъсир қиласы. Улар ўқувчидә ҳамдардлик, ҳамфикрлилік үйғотады, ҳис-туйғулар үсишига ёрдам беради. Демак, баъзи асарлар күпроқ ҳиссий таъсир яратады, бошқалари эса янги ғояларни таклиф қилиш, фикр юритиш ва тафаккурни ўзgartаришга олиб келади.

Ҳикматли, бетакрор ғоя ўқувчининг интеллектуал үсишига ҳисса құшади. Бадиий-эстетик үзига хослик, ўз навбатида, услугуб, ноодатий адабий воситалар, айрича сюжет ва композиция, асарни тақоропланмас ва эсда қоларлы қиладиган бошқа жиҳатларда ҳам намоён бўлади. Бироқ бу – ўқувчининг ҳис-туйғуларига таъсир этган асар қадр-қимматсиз дегани ҳам эмас. Зотан, “Сарғу гулу лола ҳаридори бор, / Лек ўтуннинг доги бозори бор” (Навоий).

Ҳиссий таъсир бадиий адабиётнинг кучли ва муҳим жиҳати бўлиши мумкин. У ҳамдардлик үйғотиб, инсоний ҳис-туйғу ва тажрибаларни теранроқ тушунишда асқатади. Бу ҳол шеъриятда яққолроқ намоён бўлади.

Бизнингча, бадиий адабиётнинг таъсир кучи ўқувчи асардан нимани излаётганига ҳам боғлиқдир. Баъзилар ноёб ҳикмат, ғоя ва бадиий үзига хосликни қадрласа, бошқалар кучли ҳис-туйғу үйғотувчи асарларни хуш кўради. Аммо бу ҳол ижодкор кўзда тутган асл моҳиятни инкор қилмайди. Бу фикрни бедилхонларнинг бир байтдан тўқсон тўққиз маънени топгани, асл (ижодкор назарда тутган) моҳият эса

муаллиф тафаккурида қолгани ҳақидаги ривоят билан далилласак, тушунарлироқ бўлади.

## Алқисса

Виссарион Белинский бадиий асарнинг етуклиги унинг ўзида “гўзаллик, ҳикмат ва эзгулик”ни қай даражада мужассамлантирганида деб билган. Унга кўра, чинакам санъат нафақат эстетик қимматга эга бўлиши, балки теран фикр ва ғояларни ифодалаган ҳолда инсонни маънавий юксалтиришга хизмат ҳам қилиши керак (Морозов П. Белинский, Виссарион Григорьевич // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрана: в 86 т. Том V. СПб, 1891. Стр. 191 – 194). Адабиётшунос санъатнинг ижтимоий ва ахлоқий ролига катта аҳамият берган: у жамиятни маърифатли қилиш ва тарбиялаш воситаси ҳам бўлиши керак. Олим санъатда воқелик ва ижтимоий муаммоларни акс эттириш, илғор ғоялар ва қадрияtlарни тарғиб этиш тарафдори бўлган.

Алқисса, бадиий асар шакл (гўзаллик), мазмун (ҳикмат) ва вазифанинг (эзгулик) диалектик яхлитлигидан иборат. Қайси жиҳат устуворлик қилса, шу жиҳат асарнинг моҳиятини ташкил этади. Бу жиҳатдан бадиий асарни учбурчакка қиёслаш мумкин. Маълумки, учбурчак бурчакларининг йиғиндиси 180 даражага teng, бирининг кенгайиши бошқаларининг торайиши ҳисобига содир бўлади. Сўз санъатида ҳам шундай. Тенг бурчакли учбурчак нисбатан мукаммал бўлгани каби, уч жиҳати ҳам мутаносиб адабий асаргина моҳиятан мукаммал аталмоққа муносибdir.



## ILMIY INQILOB DARG'ASI

Файласуфлар орасида Николай Коперникни файласуф деб ҳисобламайдиганлар ҳам бор. Буни Фрэнсис Бэкон бошлаб берган. Тарихий меросга радикал-танқидий ёндашуви билан маълуму машҳур бўлган инглиз олими бундай ёзади: “Унинг (яъни Коперникнинг) астрономияси, бизнинг фикримизча, мутлақ нотўғридир” (Бэкон Ф. Сочинения в двух томах. Том 1. Москва, “Наука”, 1971. Стр. 222).

Европа фалсафасини икки йирик босқичга (Сукрот, Платон ва Аристотелга бориб тақалувчи қадимги юон фалсафаси ҳамда Бэкон, Декарт, Гоббс, Спиноза, Локк, Лейбниц, Юм, Руссо ва Вольтерга

бориб тақалувчи Янги давр фалсафаси) ажратган Энтони Готтлиб ҳам ўз тадқиқотида Коперникни тилга олмайди. “Википедия” электрон қомусида ҳам у астроном, механик, математик, гидроиншоотчи, иқтисадчи, илоҳиётчи, врач бўлгани таъкидланади-ю, файласуф ҳам экани қайд этилмайди. Файласуфлар плеядасида поляк олимини тилга олмаслик ёки унинг гелиоцентрик ғоясини айтиб ўтиш билан чекланиш ҳайрат уйғотади.

Бизнингча, фанлар фалсафасида Коперникнинг ўрни бекиёс. У гелиоцентризм таълимоти билан 1500 йил ҳукмронлик қилиб келган, диний-фалсафий дормага

айланган геоцентризмни рад этди, Аристотель-Птолемей схоластикасига қарши илмий танқидий ёндашувни ёқлаб чиқди. У илк турткы, яъни борлиқни Худо яратгани ҳақидаги фалсафий-диний қарашга муқобил равишда барча планеталар доиравий ҳаракатлари билан ўзини ва Қуёш тизимини мувозанатда ушлаб туради деган фикрни илгари сурди. Тўғри, олим соф фалсафий ёки гноселогияга оид асар ёзгани маълум эмас. Шундай бўлса-да, фан фалсафасига илмий-танқидий ёндашувни олиб киргани, инсоният тафаккурини даққи қарашлардан халос қилгани, схоластикага қарши чиққани уни файласуф ўлароқ таномлоқни тақозо этади.

\* \* \*

Космология энг қадимги дунёқарашлардан биридир. Академик Алексей Лосев уни ўрганиб, дунёнинг шаклланиши ва коинотнинг ҳаракатлари қадимги кишилар ўй-хаёlinи банд этган, бу меросдан Платон, Евдокс, Аристарх ва Птолемей ҳам фойдаланган, деб ёзди. Мазкур файласуфларнинг қарашларида Ер дунё, борлиқ, космос маркази сифатида талқин этилган, ҳаёт Ой ости ва Ой устига ажратилган. Птолемей (100 – 170 йиллар) ушбу қарашларни жамлаб, астрономияга оид трактат ёзган. Унинг фикрича, Ер – борлиқ маркази; Қуёш, Ой, Меркурий, Венера, Марс, Юпитер ва Сатурн (Уран ва Сатурн кейин кўшилган) Ер атрофида кунлик, йиллик ва ўзига хослиқда ҳаракатланади. Космос ҳаракатсиз юлдузлар билан чегараланади. Птолемейнинг бу қарashi илм-фанда “геоцентризм” деб аталади.

Ўз даврининг иирик олимлари-дан саналган Птолемей астроно-мия, математика, механика, астро-логия, оптика, мусиқа назарияси, география фан-ларини пухта



эгаллаган, қадимги Юонон ва Бобилдаги илмий, фалсафий қарашлардан яхши хабардор бўлган. Унинг илмий рисолалари, жумладан, “Альмагест” асаридаги астрономик-космологик қарашлар ҳануз қизиқиш уйғотиб келади. А.Лосев тъбирича, “Птолемей геоцентризми хато бўлса-да, унинг мероси бебаҳодир”. Энг муҳими, ушбу бойлик Коперник ва у орқали Жордано Бруно, Галилео Галилей, Иоҳанн Кеплер, Исаак Ньютон каби ақл дарғаларини уйғотди, уларни танқидий-рационал ва объектив фикрлашга ундади.

\* \* \*

Николай Коперник (Nicolaus Copernicus) 1473 йили Висла дарёси бўйидаги Торунь шаҳарчасида (Польша) ўзига тўқ оиласда туғилган (буғун Торунь ЮНЕСКО-нинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида). Тақдирни кўрингки, Европа бўйлаб тарқалган вабо уни бирин-кетин отаонасидан жудо қиласди. Черков епископи бўлган тоға етим қолган тўрт жиянини ўз ҳимоясига олади. Ака-ука Аджей ва Николайни руҳонийликка тайёрлашга аҳд қилган тоға уларни 1491 йили Краков университетига жўнатади. Коперник тар-

жимаи ҳолини ўрганган тадқиқотчилар фикрича, Krakov университетида Птолемей таълимотидан воқиф, ҳатто унга танқидий ёндашишга мойил астрономлар Войцех Брудзевский ва Ян Глоговчик дарс берган. Коперник астрономия, жумладан, геоцентризм назарияси билан айнан Krakовдаги таҳсил кезлари танишган. Бир муддатдан кейин ака-ука ўқишни Болонья университетида (Италия) давом эттиради.

Коперник 1497 йили итальян астрономи Доменико Новара билан илк астрономик кузатув ўтказади. Ўшанда унда Птолемей қарашларининг тўғрилигига шубҳа уйғонган. Эҳтимол, бунга Аристарх, Гераклид, Экфант ва Гикетларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам сабаб бўлгандир (олим ўз асарида уларнинг номини алоҳида тилга олган). Қайд этиш жоизки, Коперник Птолемейнинг геоцентризми илмий экспериментлар эмас, балки кундалик кузатишлар, астрологик фаразлар, ҳатто космологик дормалар маҳсули эканини билар эди. У ўзининг 40 йиллик илмий астрономик изланишлари маҳсули бўлган “Осмон сфераларининг айланиши ҳақида” асарида Евклид, Региомонтан, Ал-Баттоний, Птолемей қарашларини баён қиласди.

Трактат олти қисмдан иборат бўлиб, биринчи бобда Ер ва борлиқ шарсимон экани асосланади. Кейинчалик Фернан Магелланнинг денгиз оша саёҳати бу фикрни илмий-эмпирик тасдиқлайди. Астрономик ускуналар ва тажриба тараққий этмаган даврда Ернинг текис эмас, шарсимон эканини айтмоқ учун катта салоҳият ва журъат керак эди.

Китобнинг иккинчи қисми юлдуз ва пленеталарнинг ҳолатини ўрганиш ва аниқлаш ҳақидадир. Коперникка қадар улар ҳаракати ҳақида аниқ фикр айтиш мушкул эди. Бундан ташқари, космологик қарашлар содда фараз ёки теологик доктриналар асосига қурилган эди. Ернинг ҳаракатланувчи сайёра экани ҳақидаги фикрлар Беруний, Ибн ал-Ҳайсам, Николай Орем, Николай Кузанский, Челио Кальканьини ва бошқа олимлар асарларида учрайди. Улар Птолемей ва дорматик қарашларга қарши чиқмаган.

Учинчи қисмда кунлар таҳсими, экваторнинг эклиптик кесими билан туташуви очиб берилади. Бу борада Коперник тригонометрия ва математиканинг моделлаштириш имкониятларидан фойдаланган. У ўз кузатувларига асосланиб, йил узунлигини 365 кун, 5 соат, 49 минут, 16 секунд деб белгилайди. Кейинчалик бу янги календарь тузиш, байрам кунларини белгилаш ва умумий вақтни ўрнатишга асос бўлади.

Муаллиф китобининг тўртинчи қисмини Ойга бағишилаган. Бу борада у ўзидан аввалги космологик қарашларга таянган, баъзи ҳолларда қадимги юнонларга аён фикрларни такрорлаган. Аммо у Ой Қуёш атрофида айланувчи планета деб ҳисоблаган. Аслида, Қуёшнинг оддий планета эканини итальян олими Ж.Бруно асослаган. Гелиоцентризмда Птолемей эпиперикли камайтирилган тарзда сақлаб қолинган. Ернинг орбитадаги ўрни, мақоми ўзгарган бўлса ҳам, қолган планеталар орбитаси Қуёшга эмас, Ер орбитасига мослаштирилган. Натижада Птолемей

эквантитек бекор қилинади-ю, Ер орбитаси таъсири сақланиб қолади.

Асар бешинчи қисми бошқа сайёralарга бағишенгандык. Қуёш тизимига киругчы 8 планетанинг (Плутон ва Церера жажожиши планеталар ҳисобланади) ўзига хос хусусиятлари ва ҳаракат тартиби мавжуд. Коперник барча планеталар Қуёш ва ўз ўки атрофида айланишини аниқлаган, аммо баъзи планета (аслида йўлдошлар, яъни спутниклар) ўнгдан чапга эмас, балки, аксинча чандан ўнгга ёки чайқалиб, тўлқинсимон айланиши ҳақида фикр билдирамаган. XX асрга келиб планеташунослар “ретгряд объектлар”, яъни астероидлар, кометалар ёки планеталар йўлдошлари бўлишини аниқлаган. Масалан, Сатурн – Феба, Нептун – Тритон деб аталган йўлдошларига эга бўлиб, уларнинг Қуёш тизимидағи ҳаракати тескари. Олимларнинг фаразича, бу йўлдошлар турли газлардан пайдо бўлиш жараёнида яқин планеталарнинг таъсирида ўз ҳаракатини ўзгартириб юборган. Улар Қуёш тизимидағи барча сайёralар ҳаракат тизимига мослашадими ёки тескари ҳаракатида давом этадими – айтиш мушкул.

“Осмон сфераларининг айланиши ҳақида” асари охирги қисмida планеталар кенглиги, уларнинг Қуёш ҳамда ўз ўки атрофида айланиши, Ер ҳаракатининг кунлик, ойлик, йиллик цикллари очиб берилган. Олим планеталар ҳаракати механизмларини илгаридағидек қолдирган; чамаси, унга эмпирик манбалар етишмаган.

Асар нашри ҳақида турли фикрлар мавжуд. Коперник унинг тригонометрия қисмини чоп этиш (1542) билан чегара-

ланмоқчи бўлган, бироқ издошлари Георг Ретик ва Тидеман Гизе асарни тўлиқ ҳолда нашр этишга кўндиради. Китоб 1543 йили Нюрнбергда чоп қилинади. Гелиоцентризм таълимоти Коперникни машҳур қилади.

Муаллиф китобини кўргани ҳақида аниқ далил йўқ. Айрим тадқиқотчилар Коперник китобни кўлида ушлаган деса, баъзи автографлар трактат чоп этилган йили муаллиф ўлим тўшагида эди, дея эътиroz билдиради. Китобнинг титул вараги ҳам йўқ, унга номни ношири берган бўлса ажаб эмас.

Асар ўша давр анъанасига мувофиқ папа Павел III га бағишенгандык. Шунга қарамай, китоб инквизицияни дарғазаб этади. Фромборк шахри инквизицияси 70 яшар Николай Коперникни гулханда ёкиш ҳақида ҳукм чиқаради, аммо ўлим фариштаси олимни бу ваҳшийликдан қутқариб қолади. Коперникнинг қарашларини инквизицияга етказган, шу тариқа уни жазоламоқчи бўлган шахс етим қолганида ўз қанотига олган, ўқитган, епископликка кўтарган тоғаси деган таҳмин мавжуд.

Ўша кезлар эътиқод софлигини сақлашшиори остида ҳурфикср эгаларини мутадассиб маҳкамага топшириш, уларнинг гулханда азобланишини томоша қилиш одатга айланган эди. Шу тариқа 1543 йили инквизиция китобга тақиқ қўяди, 1616 йили эса католик черкови гелиоцентризмни даҳриёна қараш деб эълон қилади.

Аслида, инквизициянинг илдизи антик давр суд тизимига бориб тақалади. Бу истилоҳ лотин тилидаги *inquisitio* сўзидан олинган бўлиб, таъқиб, сўроқ деган маъ-

ноларни англатади. Католицизм ўз догматасини эътиқодга айлантиришда маҳсус маҳкама – инквизициядан фойдаланади. XIII асрдаёқ инквизиция ўзга динга эътиқод құлувчиларни жазолашга киришади. Манбаларнинг гувохлик беришича, 1215 йилги Лютеран соборида инквизицияга католицизмдан бошқа диндагиларни излаб тошиш, сўроқ қилиш, айбдор бўлса гулханда кўйдиришга рухсат берилади. Ўша даврда биргина Англияда 25-30 мингга яқин аёл жодугар сифатида гулханга ташланади. Италияда оловда кўйдирилганлар сони 30 минг кишидан зиёд. 1481 – 1498 йилларда испан инквизицияси 10 мингдан ошик кишини гулханда ёқкан, 6,5 минг кишини қатл этган, 100 минг кишининг мол-мулкини тортиб олиб, ўзини бадарға қилган. Баъзи манбаларда инквизиция Нидерландиянинг 3 миллион аҳолисини ёппасига гулханда кўйдириш ҳақида қарор қабул қилгани қайд этилган.

1542 йили Рим папаси Павел III инквизициянинг марказий маҳкамасини тузиб, унга чексиз ваколат беради. Маҳкама Европа бўйлаб илм-фан тарафдорлари, маърифатли ва ҳур фикрли кишиларни ҳам жазолашга тушади. Чех испоҳотчиси Ян Гус (1415), француз ватанпарвари Жанна д'Арк (1431), итальян олими Жордано Бруно (1600) тириклай гулханда ёндирилади. Етмиш яшар Галилео Галилей эса насронийлик ақидасига шубҳа уйғотгани ва Коперник гелиоцентризми тарафдори бўлгани учун Рим марказий майдонида сазойи қилинади, фикридан қайтгани ҳисобга олиниб, умрбод уй қамоғига маҳкум этилади.

Таҳликали даврда Коперникнинг гулханда ёндирилмагани унга тақдирнинг тухфаси эди. Эҳтимол, айнан инквизиция даҳшати боис у китобини чоп этишни ортга сургандир? Ҳарқалай, олимни шу сабаб журъатсизликда айблашга ҳақимиз йўқ... Дарвоқе, орадан салкам уч аср ўтиб, Маърифатчилик ҳаракати таъсирида Коперникнинг китобига қўйилган тақиқ бекор қилинган.

\* \* \*

Коперникни ижодхонага бекиниб, фақат ўзини қизиқтирган муаммолар устида бош қотиришни севадиган, зоҳидона яшашга мойил олимлар сирасига киритиб бўлмайди. У ватани тақдир, юртдошлари фаровон яшashi ҳақида ҳам бош қотирган. Олимнинг ташкилотчилик қобилиятидан хабардор Польша қироли уни Ольштин ва Пененжно округи раҳбари этиб тайинлайди. Ўша кезлар Тевтон ордени округни қайтариб олиш учун бостириб келади. Йирик мулқдорлар, бадавлат ва эътиборли кишилар округни ташлаб кетганида Коперник мудофаага тайёргарлик кўради, ҳарбий бўлинмалар тузади, уларни қурол-аслаҳа, озиқ-овқат билан таъминлашни йўлга қўяди. Кучли қаршиликка дуч келган душман Польша қироли шартларига кўниб сулҳ тузади. Коперникка Польша ва Литва ерлари харитасини тузгани катта ёрдам беради, жуғрофий билимлар ҳарб майдонида асқатади.

Коперник округ раҳбари сифатида аҳолини сув билан таъминлаш лойиҳасини ишлаб чиқади. Гидравлик машина ихтиро қиласиди, унинг ёрдамида кемаларга энер-



Ян Матейко. “Астроном Коперник. Ҳудо билан сұхбат”

гия, омборхоналарга сув етказиш ва бүгінде яңчиш ускуналарини яратади. Сувнинг текин құвватини фойдалы үзанга йұналтириш механикадаги йирик лойиха зеңді.

Иқтисодий-молиявий муаммоларни ҳал этишга бел боғлаган олим пул, танға зарб этишни марказлаштириш ташаббуси билан чиқади. Гап шундаки, үрта асрларда ҳар бир ўлка, вилоят ўз пулини зарб этганды, бу эса фириғарлардың турли жинояттарни келтириб чиқарған. Олимнинг “Ёмон пул яхши пулни истеъмолдан сиқиб чиқаради”, “Давлат кучли пулни күчсиз пулға алмаштириш тартибини ўрнатса, кучли пулни сандықда йиғиши авж олади” каби фикрлари ҳануз аҳамиятини йүқтөмегендегі.

Дархақиқат, ақоли кучли пулни “ёстиқ остида” йиғиши оқибатида у кам истифо-

да этилади, заиф валюта эса кундалик истеъмол воситасига айланади. Бу иқтисодий-молиявий қонун Аристофан давридан маълум, бирок уни илмий асослашни Коперник бошлаб берган.

\* \* \*

Николай Коперник құлы енгил врач ҳам бўлган. У прусс қироли оила аъзоларини даволаган. Ўзи тайёрлаган дори-дармонларни йўқсилларга бепул тарқатган. Қизиқарли факт шундаки, у буюк заминдошимиз Абу Али ибн Сино тиббий мероси ва даволаш усулларидан хабардор бўлган, кези келганда улардан фойдаланган.

Черков рухонийиси мақоми олимга даромад топиш, құшни мамлакатларга бориб билим орттириш имконини берган. Ферра-

ра университети илохиётшунослик доктори илмий унвони эса тинч-осуда изланишлар кафолати бўлган.

Ҳам черковга, ҳам илмга хизмат қилиш Коперникнинг қисмати эди. Шу боис у динга, теологик қарашларга қарши чиқолмасди. Нега у барҳаёт ҷоғида гелиоцентрик қарашлари мужассам китобини чоп этмаган? Бунга нима тўсқинлик қилган: хизмат бурчими ёки мутаассиблик ваҳшатими? Назаримда, бу саволга поляк рассоми Ян Матейко “Астроном Коперник. Худо билан сұхбат” рангтасвир асарида жавоб бергандек.

Олим қўлидаги циркуль, қалам, тригонометрик чизмаларни унутиб, илоҳий нуқтага бор вужуди, ўй-хаёли билан талпинган кўйи ўтирибди. Илоҳий нуқта – у излаган сир; балки олим ҳам, мусаввир ҳам ҳали англаб етмаган саволга жавоб бериши мумкин бўлган абадиятдир. Бадиий-эстетик рангтасвир фикр уйғотади, лекин реал ҳаёт, ақлу идрок билан космик кенглик ўртасидаги муроқаба ундан-да кенг, сирли, маҳобатли. Қани эди, абадий саволларга инсон идроки, изланишлар-ла жавоб топа олса...

Илмий-фалсафий қарашлар тарихини ўрганган Э.Готтлиб бундай ёзади: “Агар Декарт фламанд бошқотирмасини ечишда ёрдам сўрамаган ва тушига “ҳайратли илм” кирмаганида нима бўларди? Агар Лейбниц профессор унвонига кўниб, ўз ғояларига маҳлиё тарзда бутун Европа бўйлаб ҳукмдорларга лойиҳаларини тавсия этмаганида нима бўларди? Агар Юм каръерага эришган, Оксфорд университети Локка тиббиёт фанлари доктори

илмий даражасини беришни рад қилган, Гоббс Коперник, Галилей, Евклид на зарияларига маҳлиё бўлмаганида нима бўларди? Агар Спиноза ўз ибодатхонасидан чиқмаганида-чи? Чамаси, биз яшаётган дунё эҳтимолий дунёларнинг аълоси эмас, аммо номи зикр этилган новаторлар уни интеллектуал завқли, (француз олими) Жан Д'Аламбер айтганидек, эслироқ қилгани рост” (*Готтлиб Э. Мечта о Прощении. Рассвет философии Нового времени. Москва, “Альпина нон-фикшн”, 2020. Стр. 340*).

“Николай Коперник Биринчи илмий инқиlobнинг бошловчиси, Уйғониш даврининг буюк вакили эди. Аммо унинг таълимоти XVII асрга келиб Кеплер ва Галилей томонидан ўзлаштирилгандан ва такомиллаштирилгандан сўнг кенг ёйилди” деб ёзади атоқли файласуф Берtran Рассел. Ҳўш, заҳматкаш олимнинг илмдаги инқиlobий хизмати нимада намоён бўлади?

Биринчидан, у онгда, дунёқараш ва диний-фалсафий таълимотларда дормага айланган фикрни шубҳа остига қўяди. “Илк туртки йўқ, планеталар Қуёш тизими ва ўз ўқи атрофида айланиб, бир-бирини маълум бир масофада тутиб туриш тартибини шакллантирган” деган нуқтаи назарни илгари суради.

Иккинчидан, Аристотель, Птолемей қарашларини танқидий ўрганиш асосида фан фалсафасига оламнинг чексизлиги, сайдера ва юлдузларнинг мудом ҳаракатда экани ҳақидаги фикрни олиб кирди. Бу эса ақлу идрокни дорматика ва схоластикадан халос қилишга йўл очди.

Учинчидан, олим “Ер – ҳаракатдаги планеталардан бири. У Қуёш атрофида айланади” деган фикрда сабит бўлди. Бу – гелиоцентризм таълимотининг илмий мағзидир.

Тўртингидан, космосни муқаддаслаштиришга қарши бўлган Коперник уни десакраллаштиришни бошлаб берди. Унинг фикрича, борлиқ, космос “ўзи ўзи учун” мавжуд, у кимнингдир меҳнати ёки сеҳрли ишораси маҳсул эмас; космос чексиз, аммо оламнинг чегараси муқим юлдузлардадир.

Бешинчидан, у инсон Ер ва космос оралиғидаги мавжудот, антропоцентрик ва теоцентрик қарашлар нотўғри деган фикрни илгари сурди.

Олтингидан, олим асарларидан келиб чиқадиган яна бир хулоса: Ер ва Қуёш сайдерлар ичида алоҳида мақомга эга эмас.

Еттингидан, Коперник биринчи бўлиб Ернинг Қуёш ва ўз ўқи атрофида айланшини айтган. Бу эса сайдерларнинг борлиқдаги ўринини объектив баҳолаш,

билишга ёрдам берди. Қуёш тизими ҳақидаги фикрлар кузатув ва ғайриилмий фарзларга эмас, балки экспериментал изланишларга таянадиган бўлди.

Бугунги астрономик ва космологик изланишлар Ернинг Қуёш тизимида учинчи, диаметри ва массаси бўйича бешинчи ўринда туришини, у 4,54 миллиард йил аввал пайдо бўлганини тасдиқлади. Ерда ҳаёт 4,25 миллиард йил аввал юзага келган. Курраи арзнинг 70,8 фоизи сув ва океанлардан иборат, қолган қисмининг 40 фоизига яқинига экин экилади. Ер чанг ва газлардан иборат катта булатлардан пайдо бўлган, бу булат асосан водород ва гелийдан иборат. Ернинг ҳозирги шаклига келиши учун 10 – 20 миллион йиллар кетган. Одамзоднинг пайдо бўлиши эса нафақат Ердаги, балки Қуёш тизими, умуман, борлиқдаги бетакорро воқеадир. Ушбу фактларни аниқлашга, билишга Николай Коперник гелиоцентризми, илмий-астрономик ва фалсафий-космологик қарашлари турткни берганини унтиб бўлмайди.



Иброҳим ҲАҚҚУЛ



## Haqqul haqiqatlari

Фаҳму фаросати ўткир ижодкорнинг биринчи “душмани” – ўзи! Бошқалар унга меҳр-шафқат кўрсатиб, асарини ҳар қанча кўкка кўтармасин, у барibir ўзига ўзи биринчи “ганим” бўлиб қолаверади.



Улуг одам беомон руҳий заҳмат, тушкунлик ва некбинлик ма-шаққатлари ичидан ёлғизлик маррасига кўтарилади. Ҳамма нарса пул билан ўлчанадиган, мансаб, виждан ва эътиқод манфаату обрўга сотиладиган, муомала-муносабат самимияти емирилган жамият кишилари даврасида вижданни уйгоқ ижодкор янада ёлғиздир.

Атокли адабиётшунос Иброҳим Ҳакқул журнализминг салкам ўттиз йиллик фаолияти мобайнида ҳамиша унга маслакдош бўлган фаол ва инобатли муаллифларимиздан эди; талай йил таҳrir ҳайъатининг аъзоси сифатида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келди. Олимнинг навоийшуносликка, мумтоз ҳамда замонавий ўзбек адабиёти ва жаҳон адабиёти масалаларига оид кўпдан-кўп мақолалари, шунингдек, ижтимоий-фалсафий мавзудаги долзарб публицистикаси журнал саҳифаларини безаганини марҳум сафдошимизнинг унутилмас хотираси ҳаққи, миннатдорлик ула қайд этишини фарз деб биламиз.



Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир каби санъаткорларга эга адабиёт – буюк адабиёт. Уларнинг ижодида ўлмас ва парчаланмас Туркистон руҳи ҳукмрон. Сўнгги нафасига қадар “Гўзал Туркистон, сенга не бўлди...” дея юрт дардига дармон ахтарган улар.



Истаймизми-йўқми, ҳақиқий ёзувчи шахсияти очиқликни хуш кўради. Шунинг учун у ҳар қандай ёпиқ жамият билан чиқиша олмайди, ҳамма жабҳада очиқлик бўлишини хоҳдайди. Бундай ижодкор, ҳатто ортидан болта кўтариб югурсалар ҳам, ўз сўзи ва журъатига содик қолади.



Менга қолса, шоирларни икки тоифага ажратган бўлардим. Биринчиси – ватан ҳақида қанча кўпирли сатр тизмасин, сийрати барибир бўм-бўш қофиябозлар. Иккинчи тоифа эса, ватанини топган ёки уни англашга интилаётган, юрагида ватани яшайдиган шоирлар. Булар, шубҳасиз, шеъриятни қисмат билган, қалб ва виждан амри билангина қалам тебратадиган юксак истеъдодлардир.



Ҳақиқий шоир овози – фавқулодда уйғотувчан овоз.

*Ўзбек адабиётшунослигида Иброҳим Ҳаққулчалик сермаҳсул ва кўп китоб яратган ижодкор саноқлидир. Садоқатли издошлари олимнинг ана шу улкан илмий-ижодий бисотидан асл ибратли фикрларни саралаб, “Иброҳим Ҳаққул ҳақиқати” деган ном билан тўплам нашр эттиридилар. Биз бу ҳимматга офарин айтиб, зиёлиман деганга ҳар томонлама манфаатли ушбу китобни жамоатчиликка танишиштирсанмиз, журналишимизда ундан чашна ёритмоқни лозим топдик.*

З.А.



Эътиқод ва унга садоқат инсон фарзандини азал-азалдан курашга ундағандағы келгандың феъл-автори ҳамма замонларда айтарлы бир хил. У ҳеч вақт эхтиёт күрпесига бурканиб яшамаган. Доимо унинг муросаси – муросасизлик, қудрати – лиқилдоқ ҳақиқатларга суюнмаслиқдир. Асосий шиори – қаршиликни қаршилик кучи билан енгиси.



Дунёдаги энг кечирилмас қабоқат – шеърини ёлғонга күндириш.



...Ўзни топиш – ғаму аламлар салмоғини аниқ ҳис қилиш ҳамдир. Жаҳонда ғам кўп. Кулфат исталгандан зиёда. Армон сўнгсиз. Аммо уларни бағрига сиғдиришга қодир юрак кам.



Чинакам озодлик бу – инсон сийратининг ташқи таъсирлардан озод бўлиб, ўз кўнглида мутлақ хўжайинга айланмоғидир.



Бизнинг танқидчи, адабиётшунос ва ижодкорлар орасида ғалати бир қитмирлик мавжуд: ўзи тушунмаган асарлардан ё айб ахтаради, ёки бефаросатларча инкор этади.



Исён руҳидан маҳрум оломонни хоҳлаганча эзиш, истаган йўсинда таҳқирлаш мумкин. У чидайверади. Чидам – эркисизлик-нинг иккинчи номи.



Тарихимиздаги барҳаёт сиймоларнинг деярли барчаси энг оғир, энг мураккаб шарт-шароитларда ҳам ақлни кишанлардан озод айлаш, фикр ҳурилигига етишиш, виждан эркинлигига йўл очиш учун курашган.



Яқинда мен бир йигитчани ўзимча рағбатлантирган бўлиб, “Одам ёшлиқда кўп нарсани ўқишишга, билишга уринмоғи керак”,

десам, у “Йўқ, домла, одам фақат нақд фойда чиқадиган нарсага вақт сарфлаши лозим”, деди. Мен бу гапни эшитиб жимиб қолдим. Демак, китоб ўқишдан ҳеч фойда йўқ, китобсиз ҳам яхши яшаш мумкин, деб ўйлайдиган ва шунга қатъиян ишонадиган авлод шакланаётир!..



Инига чўп суқилса, ари ҳам одамга ёпишади, талайди. Юрт босиб олинса, вайрон этилса, элнинг қони тўкилса, ҳокимият зўравонликка, қарамликка асосланса, одам фарзанди ари қадар қаршилик кўрсатмасинми, аричалик ҳам қаҳри йўқми унинг?!



Ватан авомлик балосидан фориг бўлганда қудратли юртга айланади. Ватанда... ҳеч ким оломондан таянч ахтармаса – бу ўлканинг ҳар гўшаси маърифат ва маънавият, тафаккур ва ҳақиқат пойтахтига айлангуси. Зеро, миллатнинг улуғ саодати ва ҳуррияти ҳам шудир.



Ҳаётда бош ҳақиқатлар бор: Ватан, Тарих, Тил, Халқ, Эрк, Ишқ... Буларнинг ҳар бири қисматни ҳал этадиган тушунчалар. Шундай тушунчаларга умрини тиккандагина инсон курашчига айланади. Шундагина ҳаётда нима муҳим, нима номуҳим – хатосиз фарқланади.



“Ватандош бўлмаса, ватан бўлмайди”, дейди Ибн Арабий. Демак, ҳар қандай ватаннинг тарихи, бугуни ва келажаги ватандошлик туйгусининг қандай шакллангани, нечогли куч-қудратга эга эканига боғлиқ. Ҳақиқий ватандошлиқдан мудом маслакдошлик туғилади. Маслакдошлик эса ўзни англаш ва ўзига ишонишга, ҳеч нарсадан чўчимай, қўрқмай яшашга руҳлантиради.



Ғаддор дунё энг курашчан шахсларни-да чарчатади. Кўпинча шулар ҳам яхшию ёмон, ёлғону рост, арзирли ва арзимас –

ҳамма-ҳаммасига этак силкигиси келади. Аммо ҳар қанақа ҳолатда улар кўнглида ҳаёт севгиси, юрт меҳри, инсон муҳаббати чақнаб-чарақлаб туради.



Адабиёт тарихига бир назар ташланг, талантсиз қалам-кашларда шижоат ва курашчанлик тўйғуси бўлганми? Бўлмаган. Шунинг учун ўзидағи маънавий куч ва имкониятга эмас, балки бошқаларнинг шафқат ва мурувватига суюниб, ич-ичдан ялтоқланиб яшаган. Истеъдоднинг табиати эса бошқа. Унинг куч-қуввати – ўзига, энг оғир вазиятларда ҳам ўз ҳақлигига ишончда.



Адабиёт – диёнатли юрак иши.



Адабиёт тақдири юрт ва миллат тақдири билан узвий боғлиқ. Миллат руҳи бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан аввало адабиётда акс этмоғи лозим. Миллатнинг қалб дардларига ҳам дастлаб сўз санъати малҳам топади.



Ёзувчи ҳам инсон: қўрқади, фикр-қарашини ўзгартиради, адашади. Аммо адабиёт қўрқоқликни кўтармайди. У туб моҳиятда адашмайди, ҳаракатдан тўхтамайди, ҳар қандай қаршилик ё тўсиқни енгиги янгиланаверади.



Адабиётнинг улкан вазифаси бор: у ҳар қандай шароитда ҳам, ўзини ҳимоя этолмайдиган, маънавий ҳуқуқлари топталган кишилар учун курашмоғи шарт. Адабиётнинг ўз озодлик муҳити, дунёдаги жамики ёлғонларга нафрати... бор.



Агар бир-бирини мақтаб кўкларга кўтаришдан адабиётга манфаат етганида эди, ҳозир ўзбек адабиётидан кўра тараққий топган адабиёт бўлмасди.



Истеъдодсизларнинг олдинга чиқишига лоқайд бўлмаслик керак.



Яшаш учун фикрлаш бошқа-ю, фикрлаш учун яшаш бошқа нарса.



Машҳур турк шоири Меҳмед Акиф Эрсой “Биз асарларимизни номусли оилаларда ўқилишини кўзлаб ёзурмиз. Зотан, ижтиҳодимизга кўра, адабсизлик бошланган нуқтада адабиёт тугайди”, деган эди. Ахлоқ-одоб бухрони адабиётни таназзулга маҳкум айлаши шубҳасиз. Аммо адабиётни емирадиган, ўлдира-диган асосий фалокат имонсизлик ва эътиқодсизликдир.



Миллат онги ва ахлоқини иллатлардан поклаш учун, энг аввало, адабиёт тиљёғламалик ва ёлғондан тозаланмоги керак.



Адабиёт ҳеч қачон ҳеч бир халқ қорнини тўйдириб, уст-бошини бут қиласаган, қилолмайди ҳам. Адабиётсиз яшаш мумкин, бадиий китоб ўқимаса ҳам кун ўтаверади. Аммо бу – кун эмас, зулмат бўлади! Руҳ ва кўнгил зулмати, ақл ва тафаккур қоронгилиги! Бошқа номлари ҳам бор унинг: ғафлат, жаҳолат, авомлик! Дид, савия ва идрокни адабиёт тарбияламаса, нима тарбиялайди?!



Ахир, ҳар қандай миллат буюк адабиёт соҳиби бўлгандаги на курашчан, жасур, маънавият ва тафаккури юксалган миллат мавқеини эгаллайди. Чунки миллатнинг бутун маданий ва руҳоний ютуқлари, яратувчанлик салоҳияти унинг адабиётида муҷассамланиб, боқийлик касб этади.



Адабиётсиз яшашни кўзлаш – миллат қисмати, маърифат, маънавият, руҳоният борасидаги фикрларнинг бари омонат ва

кераксиз деганидир... Ҳолбуки, адабиётта ишонч ўта мустаҳкам диний-илоҳий ишонч қадар безаволдир.



Адабиёт қачон руҳий қашшоқлик, сохта чечанлик оғату балоларидан ўзини қутқазади? Қачонки, ҳақиқатни ҳақиқат, ёлғонни ёлғон сувратида, қайғуни қайғу, шодликни шодлик рангида кўрсата олса; қачонки, нурни, ёргулукни шарафлаб, зулмату қоронғилиқдан кўз юммаса, баҳтни баҳтсизликдан ажратиб, курсандикни мусибатга тобе кўрмаса!



Адабиётнинг ҳозирги аҳволи... Ким нимани хоҳласа, шуни ёзаётир. Ким эпласа, ўша китоб чиқараётир. Яроқлиси қайси, қай бирлари яроқсиз – бу хусусда бош қотиравчи ҳам, гапиравчи ҳам топилмайди. Бу ҳолат яна маълум муддат давом топса, адабий танқид ва адабиётшунослик номини эслатишга ҳам ҳожат қолмас.



Ҳақиқий адабиёт – маданий-маънавий тамали бақувват салтанатнинг ўзига хос муҳташам кўзгуси бўлгани сингари, эрк, адолат, инсонпарварликка таянган салтанат ҳам қону жонида ҳақиқат ҳиссиёти жўш урган адабиётнинг одил ғамхўри ҳисобланади. Илм-фан, маданият, санъат, айниқса, адабиётнинг жамиятдаги умумий аҳволига қараб, ҳар қандай давлат ёхуд ҳокимиётнинг ички дунёси, ижтимоий-сиёсий бошқарувдан кўзланган туб мақсадини бемалол англаса бўлади.



...Шарқнинг буюк фарзандлари имон ва эътиқоддан чекинишдан кўра ўлим томон дадил бормоқни афзал ва устун кўрган.



Тарихга назар ташлаш – юракка игна санчишдай бир гап, дешишиди. Агар кўзни каттароқ очиб, халқимиз ўтмишига қаралса, юракка найза санчилади. Чунки ғам, алам, кулфат ва тенгсизлик шу қадар кўп!..



Инсоннинг фикрлашига қарши ишлайдиган энг аёвсиз ва даҳшатли “қурилма” бу – бюрократия. У ҳур фикр ва демократиянинг жаллоди эрур.



Ўзбек зиёлиларига хос бир хусусият бор: ҳақ сўз учун жазо берилмаслигига аниқ ишонч ҳосил қилмагунча, аксари ҳақиқатдан сўз очмайди.



Қўрқувнинг занжирлари кўп. Ҳақсизлик ва зулмдан қўрқув, амал ва амалдордан қўрқув, жаллод ва жосусдан қўрқув, ҳокимият ва ўлимдан қўрқув – шунга ўхшаш юзлаб қўрқув кишанларидан озод бўлмаган халқнинг қисмати аянчилидир. Бундай халққа “Кўрқманг!” дейиш қўрқувга ундаш билан баробар.




Фикрда, ишда, яшашда ҳурликка эришмоқ – комилликнинг тамали ана шу. Баландпарвозроқ эшитилса ҳам айтиш керакки, эркинлик йўли – маъно ва маънавият, ҳақиқат ва руҳоният йўли.



Ўлимни билмоқ – ундан қўрқиш ёки дунё завқи, ҳаёт гўзалликларидан кўз юмиб, қабрга юз бурмоқ дегани эмас. Аксинча, тириклик ва гўзаликни севиш, вақтни ғанимат билиб, эзгу ишни кечикирмай бажариш, фоний умрни юксак ҳақиқатларга багишлишадир. Ўлимни Ҳақ ҳадяси сифатида қабул қилишга тайёрланмаган киши Маърифат сирларини ўзлаштирмоқча ҳам рағбат этмайди.



Инсон умри – руҳоний оламдан борлиқ оламига, ундан яна охират дунёсига муборак бир сафардир. Шу сабабдан ҳам унинг ҳаёти ва тақдир йўли бир ҳижрат, бир сафар, бир хотира мазмунига эга...




# АУВНОМАМІ Ю АФВНОМА?

*Adabiyotshunos Safarali QURBON  
mutolaa qiladi*

## ЁРТИБОЙЛАРНИНГ КУНИ ТУҒСА...

“Алпомиш”. Тошкент, “Шарқ” нашириёти, 2010.



Китобхонлик ҳақида гап кетганда, “Алпомиш”ни сира четлаб ўтолмайман. Бахшини тинглар, достонни ўқир экансиз, Бойчиборни миниб ор талашасиз, қалмоқлар билан ёр талашасиз, баъзан гуноҳу савобдан нақл қилувчи эски китобларни ёдга оласиз, чоҳда ётиб ҳам дунёнинг тубига етмоқ истайсиз. Асарда ултондан султонгача, султондан қирқ чилтонгача бўлган юзлаб образлар борки, уларнинг ҳар бири алоҳида мавзу, ҳар бирининг қисмати бир достон бўлгулик... Бугун негадир Ёртибой ҳақида ёзгим келди.

Бу образ асарнинг атиги икки эпизодида келади, бир қарашда аҳамиятсиздек туюлади. Лекин айнан шу тимсол орқали юрт парокандаликка юз тутиши, миллат ғурури топталишини хотиржам томоша қилувчи орсизлар тўдаси қачон, қандай пайдо бўлиши кўрсатилади.

Ёртибой дастлаб элат иккига ажralиб кетиш хавфи остида турган паллада, Бойсари оғаси Бойбўридан аразлаб, Бойсин-Қўнғиротдан бош олиб кетишни мўлжаллаб турганда ўртага чиқади. Бойсари элнинг гапга

етарларини йигиб, акасининг маҳрамлари закот хабарини келтиргани, бу унга оғир ботганини айтади. “Үз акама үзим закот бергунча, / Қалмоқ бориб жизя бериб юраман”, дейди жаҳл устида. Оқил одам бундай ҳолатда шошмашошарлик құлмайды. Айниқса, ака-уканнинг ўртасига тушиш ҳар доим ҳам яхшилиқка олиб келмаслигини билади. Шу боис “халойиқдан ҳеч бир сазо чиқмайды”. Мажлису йиғинларда түрдан жой тегмай, пиёладан чой тегмай, бұсағанинг олдида кавушга жой бермай, кавуш билан араплашиб, ит үйқилиш бўлиб, пойга бетда ётадиган Ёртибой эса ҳамманинг боши гангид турганидан унумли фойдаланиб қолмоқни кўзлади. “Қайга кўчсанг, бизлар бирга борамиз, / Болаларни жаҳонгашта қиласмиз...” дейди у.

Ёртибойларнинг замони келса, вазият мушкул тус олади, (Алпомишнинг маънавий отаси бўлишига қарамасдан) Қултойнинг кўзи кўр қилинади, оқу қоранинг фарқига борадиганлар (Қоражон) жамиятдан сиқиб чиқарилади. Оқибатда кўриб кўрмасликка оладиган лоқайд тоифа жавлон уради.

Ёрти – ярим дегани. Бутунларнинг олдида унга навбат тегмаслиги тайин. Лекин бутунлар рост сўзни айтмаса, писиб-сукут сақласа, ёртибойларнинг куни туғади – оломон ушалар ортидан эргашади. “Бойсин-Қўнғиротни Бойбўрига бўшатиб берайлик, юртни бир ўзи жойлаб олсин” дея эл-улус аламзода Бойсарининг ортидан эргашиб она Ватанини тарк этади. Ёртибойлар миллатни беватан қиласди!

Бу персонаж яна бир танг вазиятда саҳнага чиқади. Қалмоқ элида Чилбир чўлида ҳамон “келганбой” бўлиб юрган Бойсарининг бошига савдо тушади: Барчинойни ғайридинлар келин қилмоқчи, Кўкалдош бошлиқ тўқсон алп қизингни “Ё биримизга бер, ё баримизга бер”, деб оёқ тираб турибди. Боши қотган Бойсари яна ўн минг уйли кўнғиротнинг оқсоқолларини тўплайди. Вазият қалтис, оқсоқоллар бир сўз дейишга ожиз. Яна ўртага Ёртибой чиқади: “Хон Бойсари, эшит айтган сўзимди, / Бу элларга бошлаб келган ўзингди, / Тортинмай берабер энди қизингди... / Бу алларни кўёв қилиб оламиз, / Мина элга тоза эркин бўламиз, / Болаларни тоға-жиян қиласмиз, / Мина элда бизлар даврон сурамиз...”

Таъкидлаш ортиқча эмас: бахши боболаримиз бизга уқтираётган ҳақиқатлардан бири шуки, оқсоқоллар жим турган жамиятда ёртибойларнинг ошиғи олчи бўлади. Бу тоифани эса на миллатнинг, на мамлакатнинг тақдирни қизикириади.

Талабаликда Алпомиш тилидан янграган “Олтойчалик йўлда бўлса, қалмоқнинг элида бўлса, зўр ёвнинг кўлида бўлса, бир хотин оламиз деб, сандираб ўламизма” жумласини турли хил вазиятларда үзимизга мослаб кўп ишлатардик. Баъзан “Алпомишки шундай деган бўлса...” дея үзимизга таскин-тасалли берардик ҳам. Дарсдаги таҳлилларда эса “бу гапга қаҳрамоннинг биологик тузилиши сабаб бўлиши мумкин” қабилидаги илмий фаразларгача келтирадик. Достондаги биргина шу лавҳани турли ўшда турлича талқин қилиш мумкин экан. Бугун Бахши бобо менга “Аллар ҳам баъзан суст келади. Улар-да далдага эҳтиёж сезади” дегандек бўляпти.

Достонда Алломишнинг биринчи сусткашлиги қалмоқ элида талашда қолган Барчиндан (“Олтойчилик йўлга келдим. Тўқсон алпда тойталашда қолдим. Олти ойга муҳлат олдим. Мендан умиди бўлса, Алломиш келсин, бўлмаса, жавобимни берсинг”) мактуб келган пайтда бўй кўрсатади. Бу хатни топиб олган Қалдирғоч акасига “Чечам қалмоқ элида ёвнинг қўлида қолибди” деса, Алломишнинг алпларга хос бўлмаган жавоби янграйди: “Олтойчилик йўлда бўлса, қалмоқнинг элида бўлса, зўр ёвнинг қўлида бўлса, бир хотин оламиз деб, сандира бўламизма?”

Бу сатрларни ўқиган оддий китобхон “Алломиш ҳам ўзимиз қатори одам экан-ку”, дейиши ҳеч гап эмас. Унутмайликки, баъзан алплар ҳам қўлловга, турткига муҳтоҷ бўлади. Шундай вазиятда оқсоқоллар ўзини четга тортса, яна ёртибойлар ўртага чиқади. Уларнинг кутқуси эса Алломишни муқаррар ҷоҳга етаклайди. Ҳақиқат шул – ЁРТИБОЙЧИЛИК фалсафасининг мағзини алпга ҷоҳ сабоқлари очади...

### КАШКУЛСИЗ ДАРВЕШ

**Сервантес. Дон Кихот саргузаштлари. Тошкент, Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.**



Мутолаага ошуфта отам ва акамнинг шарофати – уйимизда чоғроққина кутубхона бўлгич эди, уни дарсхона деб атардик. Сабоқхонамизда газета-журналлар билан бирга асосан тарихий асарлар жамланган эди. Улар орасида Сотиболди Йўлдошев таржима қилган (болаларга мўлжаллаб қисқартирилган) “Дон Кихот саргузаштлари” китоби ҳам бор эди. У кезларда асарни “бир овсар рицарнинг аҳмоқона саргузаштлари” дея нимтабассум билан ўқиганимиз, жаноб Киханога ақл ўргатганимиз рост.

Норвегиядаги Нобель институти 54 мамлакатдан танлаб олинган 100 нафар ёзувчи иштирокида жаҳон адабиётининг юзта энг яхши асарини аниқлаш бўйича танлов ўтказгани, биринчи ўринни “Дон Кихот” эгаллагани, у Марсель Прустнинг иккинчи ўринни олган “Завол топган вақт изидан” эпопеясидан 50 фоиз кўпроқ овоз тўплагани ҳақидаги маълумот эълон қилингач, асарни қайтадан ўқишига эҳтиёж пайдо бўлди.

Донгдор романнинг тури нашрларига илова қилинган бошсўзу сўнгсўзларнинг аксарида у ўрта асрлардаги рицарларнинг қаҳрамонликлари мадҳ этилган жангномаларга пародия ўлароқ битилгани ургуланди. Аслида эса, асар нафақат рицарлик романларига, балки ўз маёғидан чалғиб бораётган реал ҳаётга ирония ҳамdir.

Алонсо Кихано (Дон Кихот) ёши бир жойга бориб, оқу қоранинг фарқига ета бошлаганда бундай хулосага келади: “Қадимда мавжуд бўлган, бугунги кунларга келиб йўқолиб кетган олижаноб, фидойи рицарлар мактабининг анъаналарини тиклаш керак. Дунёда ҳалиям мазлумлар ва золимлар, камбағаллар ва уларнинг қонини ичиб мол-давлат ортираётган бойлар, тутқунлиқда азоб чекаётган асиralар, мададга муҳтоҷ қўли калта кимсалар бор экан, демак, уларга ёрдам қўлини чўзадиган, бева-бечораларни фаровон ҳаёт сари етаклайдиган, қулларни

кутқарыб, асираларни озод қиласынан жүмард ва олижаноб рицарлар ҳам бўлиши лозим!"

Бош қаҳрамон адолатли жамият, чин инсоний амаллар ҳақида гапирияпти, албатта. Лекин замон шу даражада тескарики, ҳақ сўзни айтадиганлар, адолат истайдиганлар савдоига чиқарилади. Биз ҳамма ўзимиздай бўлишини хоҳлаймиз. Бир оз ортиқроқ бўлса – кўролмаймиз, кам бўлса – назарга илмаймиз. Бошқачароқ яшамоқчи бўлган одамга тоби тоқатимиз йўқ...

Муаллиф Дон Кихотнинг қандай қилиб бу тўхтамга келганини ҳам асослаган: у рицарлар ҳақидаги романлар ва тарихий асарларни кўп ўқигани боис кўнглида замонасининг мавжуд тутумларига қарши исён уйғонади. Натижа эса китобхонга маълум. Эртаклар, эзгу орзу-умидлар руҳида улғайган авлод ҳаётда китобда ўқиганларининг аксига дуч келса, Киханолигича қолмайди, Дон Кихотга эврилади. Алҳол, шиорларимиз, гап-сўзларимиз реал воқелиқдан айрича бўлмаслиги керак. Акс ҳолда, Сервантес айтмоқчи, шамол тегирмонларига қарши муҳораба бошланади.

Дон Кихот дастлаб ёвуз душман деб ўйлаб, шамол тегирмонига қарши жанг қилади. Айрим адабиётшунослар шамол тегирмонини абадийлик рамзи деб талқин қилган. Чархи кажрафтор айланмоқда давом этар экан, шамол тўхтамайди. Шамол бор экан, тегирмон ҳам ҳаракатда. Шамол тегирмонига – нафсга, туганмас ёвузликларга ёлғиз Дон Кихот бас кела олмайди: у бутун жамиятни ортидан эргаштира олмас экан, ғалабадан умид йўқ.

Аргентиналик ёзувчи ва файласуф Хорхе Анхель Ливрага ёзадики, "Хужум қилмоқча журъат топсангиз, гигантлар ҳам оддий шамол тегирмонига айланиб қолади". Адип бу билан ҳамиша олға интилиш лозимлиги, рисоладагидек яшашга халал берадиган қўрқувларни енгиш учун ортга чекинмаслик кераклигини уқтиради. Сервантеснинг ўзи ҳам ҳаётда кўп қийинчиликларга, турли тўсиқ ва адолатсизликларга дуч келади. Улар олдида баъзан ожизлик қилади. Нопокликлардан азият чекади. Ишбошиларнинг бепарволиги сабаб беш йилга яқин қароқчилар қўлида асириликда яшайди. Шунда ҳам иродаси букилмайди. Романдаги "Сехргарлар мени омаддан жудо қилиши мумкин, аммо улар жасорат ва эрқдан маҳрум қила олмайди" деган жумла адабнинг ҳам шиори бўлган чиқар.

Дон Кихот барча яхши нарсалар сеҳрлаб қўйилгани ҳақида гапиради. Бош қаҳрамонни хавотирга соглан "сеҳр" нима, "сехргарлар" ким? Бизнингча, "сехргарлар" мавжуд қонун-қоидаларни ўз манфаатига мувофиқлаштирадиган, нафс йўлида ҳар қандай разиллиқдан қайтмайдиган кимсалардир.

Санчо Пансанинг Баратария "ороли"га губернатор қилиб тайинлаши ҳам диққатга сазовор. Яроқбардор қанчалик содда ва оми бўлиб кўринмасин, ўзига юкланган вазифаларга ақл-фаросат ила ёндашади, адолатли бошқарув қандай бўлишини бошқаларга чин маънода кўрсатиб қўяди. Ҳокимиятни ўн икки кун мобайнида шараф билан бошқарган

Санчо Панса губернаторликка қандай келган бўлса, яна ўшандай – қашшоқ-камбағал ҳолида истеъфога кетади. Оре, адолатни байроқ қилгандарга ҳеч қачон осон бўлмаган.


Ажабки, Дон Кихотнинг на ўзи – қаҳрамонга, на улови ва қуроляроғи қаҳрамонникига ўхшайди. Бир замонлар алпомишлар, ҳеракллар қутқарган дунёни асраб қолмоқ янги даврга келиб занглаган найзаю чўбир отли Дон Кихотга қолгандек. Бизнинг эса негадир унга ишонгимиз келаверади...

Роман қаҳрамонини абгор этган шамол тегирмони ҳамон айланиб турибди. Бугун ҳам биз бу ёвуз маҳлуққа қарши чора тополмаяпмиз. Ҳануз Дон Кихотнинг ғалабасига умид боғлаяпмиз, князь Мишкиннинг (адабиётшунослар Достоевский князь образини Сервантес қаҳрамони таъсирида яратганини таъкидлайди) адолатли сўзини кутяпмиз. Ўзимиз эса яроқбардорликка ҳам ярамаяпмиз! Шу ўринда Достоевскийнинг роман ҳақидаги фикрларини эсламаслик мумкин эмас: “Дунёда бундан теранроқ ва кучлироқ асар йўқ. Бу – инсон тафаккурининг ҳозирча энг сўнгги ва буюк сўзи, одамзодгина ифодалази мумкин бўлган энг аччиқ истеҳзодир... Қиёматга қадар инсон ўзи билан олиб кетиши керак бўлган қайгули китоб...”

Атоқли фольклоршунос Асқар Мусақулов вафотидан бир оз олдин, бетоблигига дўст-биродарлари кўнгил сўраб борса, “Дон Кихот”ни ўқигим келяпти” деган экан. Жаҳонгашта рицаримизнинг адолат йўлидаги курашлари умрини илмга бағишлигаран олимнинг эзгу истаклари билан во-баста бўлган эрса не ажаб...

Ўша давр қаҳрамонлари – рицарлар ҳаёти китоблардагина гўзал, аслида жуда маънисиз эди. Жамият феодализмнинг аҳмокона қоидалари, черковнинг ноинсоний хурофотлари боис издан чиқкан эди.

Назаримда, бугун ҳаётимизда ҳамлетлар етарли, аммо ҳақиқату адолат учун, муқаддас мурод-мақсад учун хонумонини фидо этадиган дон кихотларга эҳтиёж бордек.



### “ШОҲНОМА”НИНГ БАҲОСИ

**Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Тошкент, Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.**

Достон зоҳирлан қараганда, фақаттинга жангни жадаллар ҳиқоясидай бўлиб туюлади. Аслида эса муаллиф учун афсонаю ривоятлар – “либоси мавзун”.

Инсон чинакам комилликка эришмоғи, яхши ном қолдирмоғи учун аввало нималарга эътибор қаратиши лозимлиги, умуман, дунёга келиш ва кетишдан муродини Фирдавсий бундай ифодалайди: “Пок зоту ҳунару насабинг агар / Бирлашса, ажойиб мевалар берар”.

Аммо мукаммал одамийликка эришмоқ учун бу учлик – пок зот, ҳунар, насабнинг ўзи кифоя қилмайди. Уларни ўз ўрнида намоён этмоқ учун ақл ҳам керак (“Бу учликни топсанг сўнг керак ақл, / Уни паст-баландни

ажраттауевчи бил"). Ана шу түртликни фитратида мужассамлаштирган инсон бу дунёда қалб роҳатига эришади, унга ўлимдан ўзга ҳеч қандай хавф дахл қилолмайди. Фирдавсийнинг фикрича, жаҳон шоҳи дея ша-рафланган Кайхусравда мана шу хислатларнинг барчаси мужассам эди.

Зулматга қарши зиёнинг, жаҳолатга қарши маърифатнинг ғалабаси муқаррар эканини таъкидлаган ва барчадан одилликни талаб этган ("Кечмаган аддолатдан, ҳақдан ҳеч қачон") ижодкорнинг ўзи Эрон ва Турон тасвирига келганда бир оз нохолисликка йўл қўйгандай. Эрон ҳукмдори Кайхусрав достонда бундай тасвир этилади:

Жаҳонда адолат, ҳақ барпо этди,  
Ҳақсизлик томирин заминдан юлди.

У тахтга ўтириши билан жаҳонда адолат ўрнатган, бутун оламни эзгулик нурига тўлдирган. Кайхусрав ҳукмронлиги даврида ёвуз нияти кимсаларнинг йўли боғланиб, ер юзидағи барча вайроналар обод қилинган. Шоир Эрон ҳукмдорлари таърифига бисотидаги жамики гўзал ташбехларни сафарбар этади. Турон билан боғлиқ шахслар ҳақида гап кетгандага эса бошқачароқ йўл тутади. Мисол учун, Афросиёб ҳақида шундай фикрларни билдиради:

Эрон шаҳарларин кўрсанг, кўп ҳароб,  
Ҳароб этди барин ул Афросиёб.

Кайхусравни "жаҳонжуй", "жаҳон шоҳи" каби сифатлар билан улуғланган муаллиф Афросиёбнинг на давлат бошқарувида, на насл-насад борасида бирон бир арзирлик хислати йўқ деб ҳисоблайди ва фақат салбий хусусиятларини санайди: *Бил, уким, ёмондан яралган зурёт, / ўзи афсунгари асли нокас зот.*

Бу шунчаки Афросиёбга бир муносабат-да, дея эътиroz билдиришингиз ҳам мумкин. Аммо достонни дикқат билан ўқисангиз, шоирнинг туркийларга қараши ойдинлаша боради. Унга кўра, туркий паҳлавонлар бирон бир жиҳатда – на сувратда ("Зоғ каби қоп-кора туркзода..."), на сийратда ("Гумроҳ турк...") эронийларга тенглаша олади. Достоннинг Суҳроб ҳақидаги бобида "бундайин паҳлавон туркийлар авлодидан бўлиши, ("Ё сен эмасмисан турк авлодидан, / Туғилдингему алллар чўнг аждодидан"), бу каби алпқомат Туронда вояга етиши ("Турон кўрмаганди бундай бўй, савлат") мумкин эмас", дея бир замонлар дунёни сўраган улусга нисбатан адолатсизлик қилгандек, назаримда. Ёки Тахминанинг Рустами достон билан учрашуви тасвирланган ўринларни ўқир эканмиз, унинг шаънига кўпда муносиб бўлмаган ("Бу кун мен сенингмен, истасанг...") сўзлар ва Тўмарис қавмига ёт бўлган хусусиятлар ("Келдим ҳузурингга мен фарзандталаб") малика тилидан бериладики, бу ўринлар китобхонни ўйга толдиради. Албатта, бундай муболағали тасвирлар оғзаки эпик анъана мезонларига кўра ўзини оқлаши мумкин, чунки оғзаки эпик асарларда ўз қаҳрамонини кўкларга кўтариш, рақиб томонга аёвсиз қора бўёқ чаплаш одатий ҳол ҳисобланади. Асарда фольклор анъаналарига боғлиқлик фақат тасвир ва баёнда эмас, бадиий қолипда ҳам кўринади.

“Шоҳнома”шунослар Маҳмуд Ғазнавий ва Абулқосим Фирдавсий муносабати борасида Ғазнавийга нисбатан жиддий танқидларни кўп бора қайд этгандар. Лекин нега шундай улуғ ҳукмдор шоирга келишилган миқдордаги маблағ эмас, атиги ҳаммомга (покланишга) етадиган чақа бергани муҳокамасида Фирдавсийга маҳлиёлик мақомидан нарига ўтилмайди. Маҳмуд Ғазнавийга шоирнинг туркларга нисбатан нохолис баҳоси ёқмаган ва асарни рамзий баҳолаган кўринади.

Адабиёт айрим халқ ёки миллатлар учун эмас, бутун башарият учун хизмат қилади. Юқоридаги каби баъзи нохолис қарашлар “Шоҳнома”нинг қийматини бир оз пасайтиргани бор гап. Ўз халқини бошқа халқнинг камситилиши эвазига улуғлаш ижодкорга обрў олиб келмайди. Бу ҳол бунгунги ижодкорларга ҳам ибрат бўлиши керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам тарихий асар ёзадиган қалам соҳиби мадҳия битувчи мирзодан фарқланниши лозим.



### БАХТИЁР ОДАМ ҲАҚИДА ЭРТАК

Сэмюэл Беккет. Годони кутиш. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2014 йил, 7-сон.

Ҳаёт кутишлардан иборат экани, мудом илҳақликка маҳкум эканимиз ҳақида кўп гапирамиз, лекин Кутаётганимизга дуч келиб қолсак, Унга айтар сўзимиз бор-йўқлигини аниқ билмаймиз. Сэмюэл Беккет қаҳрамонлари ҳам шундай: Годони нега кутаётганию унга рўбарў келса нима дейиши борасида тайинли жавобга эга эмас. Шоир айтмоқчи: “Ҳамма таъна қилар, аммо тақдирга / Савол берай десам саволим ҳам йўқ” (Дадаҳон Муҳаммадий).

“Годони кутиш” драмаси мантиқизлиқдан мантиқ ахтараётган инсонлар қисмати ҳақида дейилади. Лекин асл мантиқ қаерда? Биз мантиқизлиқ деб ўйлаётганимиз – асл мантиқдир балки! Шу боис асар қаҳрамонлари гап-сўзида чалғишилар бўлишига қарамай, уларнинг саргардон йўлларини нотўғри ҳам дея олмаймиз.

Бош қаҳрамонлар Эстрагон ва Владимир ЁЛҒИЗОЁҚ ЙЎЛ четидаги куриган ЯККА ДАРАХТ остида ГОДОни кутаёттир. Асар сюжети содда, Қобил (Абелъ) ва Ҳобил (Кайн) воқеасининг янгича талқини дейиш ҳам мумкин. Орадан асрлар ўтди, одамзод гўё дунёнинг барча илмларини эгаллади, лекин ҳамон қобиллар ҳобилларни мавҳ этмоққа, ўзининг ҳақ эканини кўрсатиб қўймоққа интилади. Қобил наслидан ёруғлик кутиш душвор. Умид фақат Худодан (God – Тангри дегани). Шунинг учун ҳам бир умр унинг жамолига етишни орзу қиласиз...

Эжен Ионесконинг “Курсилар” драмаси ҳам “Годони кутиш” билан бир даврда ёзилган ва кесишибадиган нуқталари талайгина. Драма якуни даҳшатли. Кимсасиз оролда яшаётган кекса эр-хотин зиммаларига улкан вазифа юклангани – бутун инсониятга муҳим хабарни етказиш кераклигига ишониб яшайди. Ҳаёт-мамот аҳамиятига молик хабарни эр-хотинга Нотик етказиши керак. Эр-хотин бир умр уни кутиб яшайди. Ва ниҳоят умр поёнига яқинлашиб қолган пайтда Нотик пайдо бўлади. Бироқ уни бир умр

кутган эр-хотинга умуман эътибор бермайди. Бу ҳол чол ва кампирни мутаассир қиласди. Энг даҳшати эса, эзгу хабар олиб келиши лозим бўлган Хабарчи кар ва соқов бўлади! Бу урушлардан кўнгли зада бўлган, умидсизланган авлоднинг ҳайқириғи эди.

Владимир бир яхши гап айтади: “Одам майдагчуда ишлар билан чалғимаслиги керак”. Ҳаққи рост! Лекин аввал “майдагчуда” билан “улкан ишлар”нинг чегарасини белгилаб олиш лозимда. Беккет айтмоқчи, “айби оёғида бўлатуриб, бошмогидан нолийвериш” оқилнинг иши эмас. Муаллиф ҳукм ўқимайди, умид қолдиради: “В л а д и м и р. “У алалоқибат барибир келади, деб баъзан ўзимни шонтираман. Ўшанда мени ғалати ҳиссиёт чулғаб олади... Ҳалигидай... Хотиржам ва шу билан бирга қўркув аралаш...”

Мен каркидонлашиб бораётган жамиятда инсон бўлиб қолиш нақадар оғир эканини англаш (Э.Ионеско, “Каркидон”) ёки қадам товушидан-да забун инсон умри ҳақидаги ҳикояни тинглаш (С.Беккет, “Қадам товушлари”) орқали ақлни зўриқтиришни хуш кўраман. Тимсоллар ортига яширилган бирор маънони тушунганимда ўзимда йўқ хурсанд бўламан. Лекин бундай асарлар китобхон ҳисларига эмас, тафаккургагина таъсир қиласди. Баъзан жамиятнинг шунча оғриқларини ёзаётган одам даврани бир оз кенгроқ олса бўлмасмиди, дея ўйлаб қоламан. Бундай асарларни янада кўпроқ одамлар ўқиса дейман...

Сарлавҳада келтирилган “баҳтиёр одам” жумласини Лакига (кул) нисбатан ишлатган эдим. Дунё неъматларини фақат хожаси бераётган “сарқитлар”дангина иборат деб биладиган одам учун энг катта баҳт – хўжайнини ташлаётган суюкларни ғажиш имконидан мосуво бўлмаслик. Лаки хожасининг меҳрини қозониб унга хизмат қилиш баҳтига мушарраф бўлади ва бу “мавқे”ни бой бериб қўймаслик учун қаттиқ курашади. Не тонгки, Лакида жилла озод бўлиш иштиёқи йўқ. Унинг озод бўлишига ёрдам бермоқчи бўлганларни эса ёмон кўради.

Мусо алайҳиссалом Фиръавн таъқибидан кутулган халқини қирқ ийл чўлу биёбонларда олиб юради – қулликни кўрмаган янги авлод дунёга келиши, улар кучга тўлиб, ўз сўзини айта олиши керак эди. Қирқ ийллик саргардонлик даврида Мусо алайҳиссаломга “Сен берган озодликдан кўра қуллик давримиз яхши эди, қорнимиз тўқ, устимиз бут эди” дейдиганлар ҳам бўлган. Бундай қорин ғамидагилар ҳамиша топилади. Лаки ана ўшаларнинг тимсоли. Режиссёр Олимжон Салимов айтганидек, “Қулликни истовчилар бўлмаса, қулдорлар ҳам бўлмайди”. Ҳамма гап қулларнинг ўзида. Қулликнинг қандай шакли бўлишидан қатъи назар...

Лаки чаласавод, ақлсиз одам эмас, у ҳамма нарсани англаган ҳолда қулликка рози бўлган. Бир ўринда у даҳрий жамият охир-оқибат сароб билан юзлашиши, инсоният моддий жиҳатдан ютуқларга эришаётган бўлишига қарамай, маънавий буҳронларга қараб бораётгани ҳақида жиддий гапларни айтади. Лекин ўзининг ҳолатини ўйлаб ҳам кўрмайди. Қатағон, зулмдан зада бўлган ақл эгалари фикрламоқдан кўра қулликни маъқул кўра бошлайди...

Аасарни ёлғиз қолган инсоннинг драмаси дейиш мумкин. Бу ёруғ халлар оғушида қолган, тафаккурини тиниқлаштираётган инсоннинг эмас, балки Яратгандан ва жамиятдан ажралиб қолган одамнинг ёлғизлиги. Бундай вазиятда кутишдан ўзга чора йўқ. Умид фақат Гододан, унинг жамолига етишилса, ҳаммаси яхши бўлажак!

“Годони кутиш” ва “Курсилар” аасарларида кутиш мотиви “Мантиқ уттайир” ва “Лисон ут-тайир”ни ёдга солади...



### ФАРБИЙ ФРОНТДА ҲАМОН ЎЗГАРИШ ЙЎҚ

Эрих Мария Ремарк. Фарбий фронтда ўзгариш йўқ. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2016.

Яқинда режиссёр Акбар Бектурдиев суратга олган “Ўзбек қизи” деган бадиий фильмни кўрдим. Томошабоп кино. Янгича образлар, ўзига хос топилмалар бор. Лекин воқеликка ёндашув ҳамон эскича. Ноҳақликлардан тўйган Жамила урушга боради, малъун душманларни аёвсиз қиyrатиб қаҳрамонлик кўrsатади... Нариги томоннинг аҳволи билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Ахир, уруш жаҳон чемпионати ёки олимпиада ўйинлари эмаски, аскар рақибини мағлуб қилгани учун медаль тақиб қайтса! “Уруш қаҳрамони” ўзи сингари одамларни ўлдиргани учун кўксига нишон тақади. Назаримда, бу қаҳрамонлик эмас. Глобал дунёда уруш ва инсон муносабатига бундай қараб бўлмайди!

Бу жиҳатдан олмон адаби Эрих Мария Ремаркнинг “Фарбий фронтда ўзгариш йўқ” романи диққатга сазовор. Бу аасарни дунё адабиётининг дурдоналаридан демайман; аммо у одам ўз ҳамқавмини ўлдириб қаҳрамонлик кўrsатиш учун яралмаганини англашиб, уруш жангга кирган ҳар икки томонга ҳам улкан изтироблар келтириши, ёш йигитларни қотилга айлантиришини кўrsатиши билан қадрли. Инсоният урушга бўлган муносабатини бутунлай испоҳ қиладиган вақт аллақачон етиб келган. Ватанпарварлик, ватанни севиш билан босқинчилик, шовинизмни фарқлаш керак.

Роман рус тилида чоп этилиши билан катта шов-шув уйғотади, юз минглаб нусхада нашр этилганига қарамай, талаб кучаяверди. Кутилмаганда расмий доиралар, коммунистик мафкура ҳимоячилари Ремаркни ғоясизлиқда айблаб, унга тош ота бошлиди.

Хўш, адаб аасарлари нимаси билан хавфли эди?

Ремаркнинг “айби” шундаки, у коммунистик мафкурага ҳам, буржуа мафкурасига ҳам хизмат қилмади, ҳар қандай шовинистик ғояга қарши чиқди. Уруш даҳшатлари, фожиали оқибатларини ғоят реалистик бўёқларда акс эттириди. Шу сабаб ёзувчи аасарлари нафақат Россияда, она ватани бўлмиш Германияда ҳам тақиқа учради. Адольф Ҳитлер ҳокимият тепасига келгач, адаб Германияни тарқ этишга мажбур бўлади. Унинг аасарлари кутубхоналардан йиғиштириб олиниб, шаҳар майдонларида ёқилади.

“Фарбий фронтда үзгариш йўқ” романининг собиқ Иттифоқ даврида тақиқланиши даврнинг ғоявий қарашларига тўғри келмаслиги билангина боғлиқ эмас. Чунки бизда Иккинчи жаҳон уруши шу даражада улуғландик, одамлар урушни “севиб қолиш” даражасига борди. Урушдан кейин вояга етган авлод “уруш тугади, хўш, энди мен қандай қаҳрамон бўламан” деб ўйлаб қолди. Халқини урушга ўргатиб бўлган ҳукумат Афғон уруши ва ундан кейинги муҳорабаларни бошлади. Ремарк эса урушнинг асл қиёфасини очиб ташлаган.

Романда ортиқча пафосни кўрмайсиз, этни жунжиктирадиган тасвирларни учратмайсиз, лекин барибир даҳшатга тушасиз. Юз минглаб жувонмарг кетган ёшлардан ташқари, ажал тегирмонидан омон чиқкан бўлса-да, маънан ўлган, мақсаду маслагидан айрилган қиёфаларни кўриб қалбингиз ўртанади.

Муқаддимада муаллифнинг ўзи бундай изоҳ беради: “Бу китоб айбнома ҳам, афвнома ҳам эмас. Бу уруш дастидан жувонмарг бўлган авлод ҳақидаги, гарчи замбарак ўқидан омон қолса-да, шу урушнинг қурбонига айланганлар тўғрисидаги кўнгил изҳоридир”.

Тинчликка эришилгани билан муҳораба хотима топиб қолмайди, энди у қатнашчилар қалбида давом этади. Таҳпиллар шуни кўрсатадики, уруш ҳеч қачон оддий халқقا фойда келтирмаган, унинг бошига мудом кулфат ёғдирган.

Роман қаҳрамонларидан бири Канторек ҳаётида ҳарб майдонини кўрмаган, лекин урушда қандай жасорат кўрсатиш ҳақида лофт уради, навжуон йигитларни жангнинг қонли ўчогига сафарбар қилишга ваъзлари билан кўмаклашади. Канторекнинг маърузаларини тинглаб урушга отланган Паул Боймер шундай дейди: “Бу авлод бизнинг авлоддек соғдил эмаслигини англаб етдик. Уларнинг устунлиги шунда эдик, чиройли гапиришни билишар, юлдузни бенарвон уришни қотиришар эди. Замбракнинг гумбурлашини илк маротаба эшитганимиздаёқ кўзимиз ярқ этиб очилди, улар бизга сингдирган эътиқод бомбалар остида кунпаякун бўлди. ...бу билан бирортамиз қочоқ, исёнчи ёки қўрқоқ бўлиб қолганимиз йўқ (бундай сўзлар оғизларининг бир чеккасидан чиқиб кетарди уларнинг): ватанни улардан кам севмасдик, жангга кираётib бирор марта тиззамиз қалтирамаган; аммо энди ниманингdir фарқига етамиз, гўё бирдан улғайиб қолгандекмиз. Яна шунга ҳам амин бўлдикки, улар бизга кўз-кўз қилган бежама гулдан ҳеч нарса қолгани йўқ. Биз кўққисдан мудҳиш бир ёлғизлик гирдобига тушиб қолдик, энди бу гирдобдан чиқиб кетиш йўлини фақат ўзимиз топишимиз керак”.

Одамини ўйга толдирадиган жиҳат шуки, Канторекнинг ворислари бугун ҳам кимўзарга маъруза ўқиётir, шовинистик руҳдаги чиқишлари билан ижтиёмий тармоқларни “портлатяпти”, тарихни таҳхир этмоқ қасида мақолалар ёзмоқда. Умум кайфиятини кантореклар белгилар экан, Фарбий фронтда үзгариш бўлишига ишониш қийин.





## Aqlning ikki asosi

Инсон ва унинг борлиқса муносабати барча фалсафий таълимотларнинг асосий баҳс масаласи саналади. Нақшбандияда ҳам инсон Оллоҳ яратган мавжудотларнинг бутун борлик қўринишларини ўзида жамлаган энг шарафлиси сифатида улуғланади.

Одам тана ва руҳ бирлигидан таркиб топган. Тана – Оллоҳнинг ҳалқ оламидан, руҳ эса амр оламидан. Шунинг учун инсон ғайб олами илоҳийлиги ва шаҳодат олами моддийлигини мужассамлаштирган азиз ва мукаррам ҳилқат ҳисобланади. У барча мавжудотлар ичига ўзининг ақли билан ажralиб туради. Ақл тафаккур қилиш, илм олиш ва шу орқали барча маҳлуклардан афзал бўлишга имкон яратади; оқни қорадан, яхшини ёмондан, ҳалолни ҳаромдан, ҳақни ноҳақдан ажратиш, ўзни англаш, муносиб ўрин топиш, бурч ва вазифани бажаришга ёрдам беради. Борлик инсон учун яратилган. Уни мавжудотлар ичига азизу мукаррам ва шарафли қилган – айнан ақли.

Хўш, шундай илоҳий неъмат ҳамиша ҳам эзгуликка хизмат қиласидими? Афсуски, ҳаётда ақлинни ёмонликка – ўғрилик, фирибгарлик, алдоқчилик, фаҳш ва ҳаром ишларга, судхўрлик, порахўрлик, дилозорлик каби иллатларга ишлатадиган кишилар ҳам бор. Бундайлар ҳақида ҳалқимиз “Кўздан сурмани уради” дейди. Аҳборот воситалари, интернет имкониятларини пухта ўрганиб олган айrim “аклирасолар” унинг қудратини банкдаги, фуқаролар пластик картасидаги маблағларни ўмариш, ёшларни бузғунчи ғояларга жалб этиш каби ифлос ишларга сарф этади. Глобаллашув даврида бу хавф янада ортмоқда.

Демак, ақл қуввати инсонни эзгу ишларга ҳам, ёмон ишларга ҳам йўллаши мумкин экан. Ўғри, алдоқчи, фирибгар, мунофиқларнинг ақли уларни таназзулга қараб тортса, ҳалол, пок, меҳнатсевар, илмпарвар инсонларнинг идроки уларни камолот сари етаклади.

Тасаввуфда ақл қувватини эзгулик сари йўналтириш марказий масалалардан биридир. Зоро, бу таълимот инсоннинг камолга етиш йўлларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганади.

Нақшбандияга қўра, ақл қувватини ҳаракатга келтирувчи икки асос бор: нафс ва қалб. Нафс негизида ҳаракатга тушадиган ақл қуввати инсонни таназзулга етакласа, қалб амрига бўйсунган ақл қудрати инсониятни эзгулик ва камолот сари юксалтиради, мўъжизалар яратади. Нафс кўйига кириб, ақлини мол-дунё тўплашга сарфлайдиган, умри ва вақтини завол қилувчилар ҳам топилади. Бундай гафлат ахли жамият тараққиётига ҳам говдир. Қалб амри билан ақл қувватини, ҳар нафаси, нафаслар орасидаги вақтини эзгулик қилиш, Оллоҳ ризолигига эришиш учун сарфлаб, жидду жаҳд қиласидиган инсонлар жамиятнинг бойлиги, хазинаси.

Тарикат асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд таъкидлайдики, ҳою ҳавас ва нафс асоси бўлган барча ишлар залолат ва адашувдан иборатdir. Ақлий қувват нафси аммора – ёмонликка амр этувчи нафс истагига бўйсунса, инсон ҳақ йўлидан адашади. Ақлини нафс ҳоҳиши йўлида ишлатадиган кишилар олим бўлиши, мансабларни эгаллаб, молу дунё тўплаши мумкин. Аммо бунда улар мулк оламидан нари ўта олмайди, бу фоний оламда йўқ бўлиб кетади. Инсон руҳият, маънавият ва моддиятдан таркиб топгани боис ақл қуввати нафсга тобе келиши қалб ҳасталигига етаклади. Бир қанотли күш парвоз қилаолмаганидек, нафс қуллари ҳам абадий ҳаётдан маҳрум бўладилар.

Ақлий фаолиятнинг иккинчи асоси қалбdir. Нақшбандия таълимотининг йирик намояндаси Имом Раббоний номи билан машҳур Аҳмад Сирхиндий ёзадики, инсон ботинида амр оламидан бўлган беш латойиф: қалб, руҳ, сир, хафий ва ахфо бор. Улар илоҳий файзни қабул қилиб, инсоннинг маънавий, руҳий камолотига ёрдам беради. Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди Муҳаммад Порсо “Рисолай

күдсия” асарида қалб инсонни ҳам руҳий, илохий олам билан, ҳам моддий дунё билан боғлайды, дейди. “Мақомоти Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд” асарида айтилишича, ғайб оламидан инсон қалбига ният нозил бўлади. Инсон нафсини тарбиялаб, уни амморалик, лаввома ва мулҳималиқдан мутмаънина, яъни хотиржамлик даражасига етказган бўлса, ақл қуввати қалбдаги илохий амрни англайди ва шунга асосан инсон вужудидаги барча қувватларни эзгу ишга сафарбар этади. Нафс хотиржам, меъерида, ҳаддида бўлгани боис вужуддаги жамики моддий, нафсоний, ақлий, руҳий қувватлар уйғун равишда ҳаракат қиласди ва илохий ирода га бўйсунади. Инсон ўз башарий ихтиёрини илохий ихтиёрга топшириб, ўзида беихтиёрлик сифатини ҳосил қиласди. Ақл қуввати илохий қувват билан бирлашади ва инсон руҳий камолоти мулк оламидан-да юксалади. Демак, ақл қуввати ҳаракатининг асоси қалб бўлганида инсон чинакамига камолга етади.

Ақл, нафс ва барча жисмоний, маънавий қувватлар қалб амри билан ҳаракат қиласа, инсон зоҳирлан мулк олами, шаҳодат оламида бўлса ҳам, ботинан малакут ва жабарут оламларида сайр этади. Инсон сурат, шаклда кичик олам – олами асғар бўлса-да, ботинан, маънан бутун борлиқ билан ўзаро таъсирга эга бўлган катта олам – олами кабирга айланади, унинг қалбидан чиқадиган нуру зиё, ақл қуввати илохий моҳият касб этади. Бундай инсоннинг ақлу шуури, фахму фаросати бутун борлиқ учун эзгулик манбаидир. Сирасини айтганда, ақлу шууруни қалб асосида ҳаракатлантирадиган инсонларнинг кўпайиши жамият тараққиётiga хизмат қиласди.

Янги Ўзбекистонда учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш учун ҳам одамлар ақлий қувватини

эзгу ишларга йўналтириш лозим. Бу улуғ мақсадни амалга ошириш учун:

– сифатли таълимимга эришиш мақсадида нафс тарбиясини таълим-тарбия жараёнига жорий этиш; тасаввуфда “Худшуносий – худошуносий аст” (“Ўзини таниш – Оллоҳни танишдир”) деган тамоили мавжуд, шунингдек, тасаввуф аҳли “Ўз нафсини таниган Оллоҳни танийди” ҳадисига амал қиласди – бу тушунчаларнинг назарий ва амалий томонларини ўрганиш ва ёшларга ўргатиш услубларини топиш;

– нақшбандия таълимотидаги 11 рашҳа – ҳаётбахш ўғитларга амал қилиб, инсоннинг бутун қувватларини бошқариш, ўзини назорат қилиш йўлларини ўрганиш ва ёшларга ўргатиш;

– қалбни англаш, тинглаш, унинг нидосини эшишиб, унга амал қилиш, ботинни тушунишни ўрганиш ва ёшларга ҳам ўргатиш, “Қалбингга қулоқ сол”, “Қалб кўзингни оч”, “Қалб кўзи билан боқ” деган тасаввуфий иборалар моҳиятини англаш йўлларини ўрганиш;

– ихтиёр эркинлиги масаласини тўғри англаш ва илохий ихтиёрга уйғун мукаммал ҳаракат қилишини ўрганиш лозим бўлади.

Инсониятга берилган ақл қувватининг икки асоси нафс ва қалб экан, ҳар бир ақлий жараённи қалб амри билан бошқаришга эришиш энг тўғри йўл ҳисобланади. Нақшбандия таълимоти асосида комил инсонни тарбиялашнинг тамал тоши нафси тарбиялаш ва қалбни поклаш эканини амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

**Гулчехра НАВРЎЗОВА,  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор**

## *Ham o'ziga, ham o'zgaga g'anim*

Баъзи одамлар бирор янгилик яратишга, айримлар эса, аксинча, мавжуд нарса-буюмни йўқ қилишга мойил бўлади. Иккинчи тоифадагилар факат бошқаларгагина эмас, балки ўзларига ҳам зарар етказиши мумкин. Психология фанида бу тушунча деструктив, яъни ҳалокатли ёки вайрон қилувчи хулқ-атвор деб аталади. Лотинча “destruktio” сўзи “бузилиш” деган маънени англатади. У “конструкция” (лотинча “constructio” – тузмоқ, курмок) сўзи нинг антонимидир.

“Деструктив хулқ” атамаси кўпинча болалар ва ўсмирларга нисбатан ишлатилади. Бироқ у, ёшидан

қатъи назар, барча инсонларга хосдир. Деструкция – инсоннинг муайян ҳаракатлар ёрдамида ўзи ва ўзгаларга жисмоний ёки маънавий зарар, шикаст етказиши дегани. Деструктивлик инсонга тузатиб бўлмас зарар келтиради, ўз-ўзини ёмон ҳис қилиш, ижобий фикрлашдан мосуволик, мумомалага лаёқатлизилек, деградация, яъни ички маънавий бузилишга олиб келади.

Бузиш, вайрон қилишга интилиш инсоннинг ўзига, бошқаларга ва бутун дунёга қаратилган бўлиши мумкин. Биринчи ҳолат инсоннинг ўзи учун хавфли. Иккинчи ҳолатда эса атроф-мухит учун шундай ха-

тар туғилади. Одатда деструкцияга мойил шахс ўта ёлғиз бўлади. Барча ҳолатларда ҳам деструктив феъл-автор таҳлили ва профилактикаси психотерапевтдан профессионал ёндашувни талаб қиласди.

Деструктив феъл-автор инсон ҳәётининг туб бурилиши ёхуд кескин бир даврида тажовузкор, салбий вазиятни кўзғовчи шахсдан ҳимоя сифатида, вазиятга акс жавоб, яъни реакция сифатида ёки нафрятнинг очиқ ифодаси тарзида намоён бўлади. Деструктив хатти-харакат атрофдаги инсонларни ажаблантиради, тушунмовчиликларга олиб келади. Бироқ камдан-кам киши бузгунчи фаолиятнинг асл сабаблари ҳақида бош қотиради.

Деструктив хулқ-автор билан боғлиқ илмий муаммолар психология мустақил фан сифатида пайдо бўлгунга қадар ҳам узоқ вақт давомида тадқиқот обьекти бўлиб келган. Антик даврнинг йирик мутафаккирлари Афлотун, Арасту, Гиппократ ва бошқалар инсоният жамияти меъёrlарига зид хатти-харакат ҳақидаги илмий қарашларни ривожлантирган.

Деструкция категорияси ёхуд деструктив хулқ-авторни фалсафий тадқиқ этиш бир қанча ёндашувларни пайдо қилди. Аввало, стоиклар ва эпикурчилар (милоддан аввали IV аср) фалсафий мактаблари ўргангандек деструктив хулқ-авторнинг ахлоқий томонларини ажратиб кўрсатиш зарур. Ушбу мактаб вакиллари деструктив хатти-харакатларни “табиийлик ва ҳиссиятлилик”ни уйғун тарзда бирлаштирган шахс идеалидан оғиш сифатида талқин қилди.

Иккичи йўналиш табиий-илмий билимлар доирасида юзага келди. Гален, Ибн Сино, Ибн Рушд кабиларнинг хулосалари индивидуал онгнинг ижтимоий ҳаёт маданий шаклларига боғлиқлигига оид қарашларни шакллантириди (*Ярошевский М. История психологии. Москва, “Академия”, 1997. Стр. 65 – 66.*)

Ўрта асрларда ҳам психопатология ва руҳий касалликларни ўрганиш давом этди. Соматик ва руҳий касалликларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг намоён бўлиш ҳолати ўша давр олимларининг диққат марказида турар эди. Жумладан, атоқли диншунос олимлар Пьер Абеляр ва Фома Аквинскийнинг асрлари шахснинг девиант, яъни меъёрдан оғувчи хулқ-автори сабабларини аниқлашга бағишлиган. Шунингдек, деструктив хулқ-авторнинг турли кўринишларини Ўйғониш даврининг кўзга кўринган олимларидан Бернардино Телезио, Хуан Хуарте, Маърифатпарварлик даврида эса табиий фанлар вакили сифатида Клод Ҳельвеций, Поль-Анри Гольбах, Жон Локк кабилар тадқиқ қил-

ган. Деструктив хулқ-авторнинг ахлоқий асослари Людвиг Фейербах, Георг Ҳегель, Иммануил Кант каби файласуфлар томонидан шакллантирилган (*Афанасьев В., Гилинский Я. Девиантное поведение и социальный контроль в условиях кризиса российского общества. Санкт-Петербург, 1995. Стр. 79.*). XIX асрнинг иккичи ярмида антропология доирасида бу муаммони Эрих Ротҳакер, Антон Гаен, Макс Шеллерлар ўрганди.

Ҳозирги даврда шахснинг деструктив хулқ-автори билан биологик хусусиятлари ўртасида тўғридан-тўғри обьектив боғлиқликнинг йўқлиги таъкидланади. Шу билан бирга, шахснинг индивидуал-типологик хусусиятлари, яъни темперамент ёхуд характер хусусиятлари расмий динамик шартлар бўлиб хизмат қиласди, деб ҳисобланади.

Демак, деструктив хулқ-автор – инсоннинг вербал ёхуд амалий тарзда ички, яъни ботиний фаялиятининг намоён бўлиши. Унинг натижаси бирор нарсанинг бузилишига олиб келади. Қоидага кўра, деструктив феъл-автор кишилар ўртасидаги коммуникация, ўзаро муносабат, моддий жисмлар, шахснинг ўз жисмоний ёки ҳиссий ҳолатига қаратилган бўлади. Содда қилиб айтганда, қачонки инсоннинг ички оламига бирон хатар таҳдид солса, у атрофидаги барча нарсаларни вайрон қилишга тушади: одамларга ёки жониворларга қўпоплик билан муносабатда бўлади, мулк ёхуд асбоб-жиҳозларни бузади, зўравонлик ҳаракатларини амалга оширади.

Деструктив хулқ-автор қўпинча “девиант хулқ-автор” деб ҳам аталади. Бу – моҳиятан тўғри. Чунки деструктив хулқ-автор регрессив ҳодиса, девиантликнинг негатив шакли ҳисобланади. Тиббий, руҳий ҳамда ижтимоий қоидалар нутқи назаридан ёндашилса, унинг белгиланган муайян чегарадан оғиш экани ойдинлашади. Пировардида бу инсон ҳаёт сифатининг пасайишига, воқеа-жараёнларни идрок этишининг когнитив бузилишига, шунингдек, эмоционал оғишларга, инсон ўз-ўзини баҳолашнинг сусайишига олиб келади. Деструктив хатти-харакатларнинг оқибатлари турлича, яъни шахснинг социумдан ажралиб чиқишидан тортиб то ундан тўлиқ узоклашишигача бўлиши мумкин. Бундай хулқ кўпроқ ўсмирларга хосдир. Чунки улар улғайиш жараёнида кескин ўзгариш даврларини бошдан ўтказади, психикада ўтиш ёшига хос ўзгаришлар кузатилади. Улар жамиядга дастлабки муаммоларга дуч келади, яъни катта авлод томонидан уларни тушунмаслик натижасида шахсада деструктив ўзгаришлар юз берадики, бу ҳолат вайронкор ҳаракат-

ларга доялик қиласы. Деструктив хулқ характер ва мижознинг деструктив ўзгариши, ўз-ўзини нотўғри баҳолашнинг шаклланиши, шахсий мотивлар ва эҳтиёжларнинг бузилиши, ўз хатти-харакатларини назорат қила олмаслиқ, одамлар билан ўзаро муносабатнинг бузилишида намоён бўлади.

Бундай хулқ психологияда рағбатлантириш (стимул) ва унга акс жавоб, яъни реакциянинг ўзаро алоқаси сифатида ўрганилади. Акс жавобнинг ўзи эса ташки ва ички турларга бўлинади. Ташки акс жавоб амалда, хатти-харакатда ва мулоқот жарайнида, яъни жониворларга нисбатан шафқатсиз

муносабат, вандализм, теракт ва ҳоказоларда кўринади. Ички реакция ҳиссий идрок жараённида, мотивация, яъни бирор ҳаракатга чорловчи сабабда, когнитив қайта ишловда намоён бўлади. Шунингдек, деструктив хулқ субъектнинг ички томонига қаратилган бўлиши мумкин. Спиртли ичимлик ва наркотик моддаларга ружу кўйиш, шунингдек, суицид кабилар деструкциянинг намоён бўлишидир.

**Улуғбек ОЧИЛОВ,**  
ТИҚҲММИ Миллий тадқиқот университетининг  
Карши Ирригация ва аэротехнологиялар институтини  
камта ўқитувчisi

## *Mag'lubiyat – urush ustidan g'alaba*

Нега уруш мавзуси фалсафа, адабиёт ва санъатнинг азалий, абадий мавзулари сирасига киради? Бу – зинхор-базинхор одамзод жанг саҳналарини яхши кўриши туфайли эмас. Уруш ҳақидаги асарларда инсоннинг асл қиёфаси очилади, синовларда тобланган қаҳрамонлар тақдирни ва кечинмалари тинчликда яшаётган ўкувчи учун мудом қизиқ ва аҳамиятли. Ҳар қандай куролти тўқнашув инсониятга зарар етказади, тарих ва санъатда қонли из қолдиради. Бу из авлодларнинг ўша даҳшатли воқеаларнинг тақрорланишига йўл кўймаслиги учун ҳам керак.

Урушни ҳарбиёт ва тарих, сиёсатшунослик ва социология, психология ва маданиятшунослик, диншунослик ва ҳуқуқшунослик каби қатор фанлар ўрганади. Уларнинг ҳар бири ушбу ҳодисани маълум нуқтани назардан кўриб чиқади, унинг алоҳида хусусиятларини таҳлил қиласы.

Қадимги Юнонистонда урушнинг тугалланган тасвири Хераклит, Демокрит, Платон, Аристотель асарларида учрайди. Улар турли масалаларга эътибор бердилар, хусусан, уруш назариясини яратишга уриндилар, ҳарбий ҳаракатларга тайёр гарлик кўриш ва уларни ўтказиш усуллари ҳақида ёздилар. Юнон жамияти урушга табиий ҳодиса, ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми, кулларга эга бўлишнинг асосий манбаи сифатида қараган.

Баъзи файласуфлар ҳатто урушни аҳамиятли ҳодиса ўлароқ баҳолаганлар. Ҳегелга кўра, уруш туфайли ҳалқларнинг маънавий саломатлиги ва бирлиги сақланиб қолади. Бошқа бир олмон файласуфи Фридрих Нитше “Уруш ва жасорат кўшни-

га муҳаббатдан кўра кўпроқ буюк ишларни юзага чиқаради”, деб ёзган. Француз файласуфи Прудон фикрича, уруш “илоҳий ҳодиса, адоплати, эзгу, ахлоқий, мұқаддас вахийнинг алоҳида туридир”.

Психологик ёндашув тараффорлари “урушнинг манбаи – инсон руҳиятида” деган фикрда. Зигмунд Фрейд эса инсонда ўз-ўзини йўқ қилиш зарурати бор, деб ҳисоблаган ва уни ўлим инстинкти деб атаган. Бу инстинкт одамни бошқаради, хавфсизлик ҳамда мавжудликни таъминлаш учун унинг тажовузкорлигини ташки объектларга йўналтиришга мажбур қиласи; у тажовузни озод қилишина рағбатлантиради ва урушларни бошлайди. Альберт Эйнштейнга ёзган “Уруш мұқаррарми?” номли мактубида у одамларда табиий равища манфатлар тўқнашуви борлигини қайд этган. Зўравонликнинг пировард мақсади, Фрейднинг фикрича, “ўз талаблари ёки қарама-қаршиликларидан воз кечиш”га мажбурлашдир (<https://freudproject.ru>). Бундай натижага қарама-қаршиликни йўқ қилиш, яъни инсоннинг ўлимiga бўлган инстинктив эҳтиёжини қондирадиган рақибни йўқ қилиш орқали эришмоқ мумкин.

Инглиз файласуфи Томас Гоббс инсон табиатида урушнинг уч асосий сабаби бор деб ҳисоблаган: рақобат, ишончсизлик ва шон-шуҳратга ўчлик. Биринчи сабаб – одамлардан фойда олиш мақсадида, иккинчиси – ўз хавфсизлиги учун, учинчиси – номус учун бир-бирига ҳужум қилишдир. Нидерландиялик Бенедикт Спиноза ҳам Гоббс таълимотини тўлдириб, дунёни кўлда курол билан ҳимоя қилиш кераклигини таъкидлаган эди: “Ахир, тинчлик уруш-

нинг йўқлиги эмас, балки рухнинг мустаҳкамлигидан келиб чиқадиган фазилатдир..." (В.Спиноза. *Избранные сочинения. Москва, Госполитиздат, 1957. Стр. 312.*)

Олмон мутафаккири Иммануил Кант илк марта урушни ахлоқий позицияда таҳлил қилиб, бу ҳодиса мутлақ ёзувлар эмаслигини таъкидлайди. Қайд этилишича, урушнинг ижобий томонлари ҳам бор: халқларнинг кўчишига ҳисса кўшади, айрим ҳолларда ўзини ўзи мудофаа қилиш сифатида намоён бўлади. Агар у давлатнинг умумий ва эзгу мақсадлари йўлида амалга оширилса ҳам, оқланиши керак. Шунга қарамай, Кант фалокати, машақатлари, қурбонлари сабаб урушни рад этиш, тақиқлаш зарур деб ҳисоблайди. У "Абадий тинчлик сари" рисоласида давлатлар ўртасидаги муносабатлар муаммоларини таҳлил қиласди. Ҳар қандай тинчлик шартномаси, агар яширин уруш таҳдидини ўз ичига олган бўлса, ҳақиқий эмаслигини таъкидлайди: "...бу тинчлик эмас, балки фақат сулҳ, ҳарбий ҳаракатларни вақтинча тўхтатишdir". Кант некбинлик билан ишонганки, одамларнинг маънавий юксалиши муқаррар равишда уруш ва кўзғолонларсиз идеал дунё сари етаклайди.

Уруш ҳодисаси ёзувлар (Ф.Достоевский, Л.Толстой), социологлар (П.Сорокин), иқтисодчилар (И.Блиоҳ) ва албатта, файласуфлар (Н.Бердяев, В.Соловьев) асарларида кенг муҳокама қилинган. В.Соловьев урушнинг маъносини эзгулик ва ёвуздик кураши мезонига кўра очишига ҳаракат қилган ва "уруш – ёвуздик" эканини аниқ кўрсатган. Аммо замонавий шароитда уни бутунлай инкор этиб бўлмайди. Жаҳон маданияти ривожида урушнинг салмоқли аҳамияти бор. В.Соловьев фикрича, юонон маданияти, христиан дини, кўплаб илмий ғоялар, таълимотлар уруш ёрдамида тарқалди. Дин урушни бартараф этишининг маънавий пойдеворига айланishi керак. В.Соловьев, хусусан, тинчликни сақлаш ёки тикилаш учун олиб бориладиган урушни окладиди. Уруш кулдорликни юзага келтириди, аммо у иқтисодиётнинг равнақини ҳам рағбатлантиради. Уруш самарасиз ижтимоий институтларни яхшироклари билан алмаштириш воситасидир.

Энг қадими асар – Ҳомернинг "Илиада"си ҳам шу мавзуга бағишлиланган. Қадимги Римнинг машхур шоири Вергилий ҳам уруш ҳақида "Энеида" достонини ёзган. Донишманд Сенеканинг фикрича, "Уруш – бу мақталаидиган ваҳшийликдир". Фукидид эса "уруш – зўравонликнинг устози" деб таъкидлайди. Агар қадимги ва ўрта асрлар

ёзувларни бу мавзуда афсона ва ривоятларга асосланган бўлса, кейингилар далил, ҳужжат ёки ўз ҳаётий тажрибасига таянган. Жумладан, Лев Толстой "Ватан уруши" тугаганидан сўнг "Уруш ва тинчлик" эпопеясини яратди, унда муҳораба иштирокчиларининг хотиралари ва тарихчиларнинг тадқиқотларидан фойдаланган.

Айрим ёзувлар тарихий тафсилотлардан кўра урушнинг моҳиятига эътибор берадилар. Нобелъ мукофоти совриндори Габриэль Гарсия Маркес "Ёлғизликнинг юз йили" романидаги қонли фуқаролар уруши баҳонасида Буэндия оиласининг бир неча авлоди ҳаётини, ўз юрти бўлмиш Колумбияда ҳукумат ва партизанлар ўртасидаги қуролли тўқнанув оқибатида юзага келган фожиаларни кўрсатиб берган. Кўпчилик ёзувлар каби Маркес учун ҳам бу мавзу қаҳрамонларнинг фикри, ҳис-туйғу ва хулқ-авторига таъсир этувчи омил сифатида муҳимдир.

Жаҳон ёзувларининг уруш ҳақидаги фикрлари деярли уйғун. Француз адаби Вольтер "Уруш оға-ини бўлиб яшаш учун туғилган кишиларни ёввойи ҳайвонларга айлантиради" дейди. Толстой уруш ўз ортидан оммавий қашшоқлик ва оммавий бузуқликни етаклаб келишини таъкидлайди. Ёзуви Жорж Оруэллинг фикрича, урушни энг тез якунлашнинг йўли – мағлубиятга учрашдир.

Уруш мавзуси ўзбек адабиётига ҳам бегона эмас. Абдулла Қахҳор бу ҳақида "...уруш фақат мамлакатни форат қилмайди, ундан ҳам ёмонроғи одамларни, ҳалқни руҳан форат қиласди, шундай қиласди, кул ҳаётини кечираётган, инсонга номуносиб ҳаёт кечираётган одамда шу ҳаётга қарши норозилик, исён руҳи буткул сўнади" дейди.

Ўткир Ҳошимов "Эртакларда – уруш. Достонларда – уруш. Китобларда – уруш. Киноларда – уруш" дер экан, унда ғолиб ва баҳтли одам бўлмаслигини таъкидлайди. Негаки, уруш одамни одам ўлдиришга мажбур қиласди. Одам ўлдирган одам эса ҳеч қачон баҳтли бўлмайди. "Уруш деган палакатни кўпинча калтафаҳм сиёсатдонлар ўйлаб топади. Тўнкамижоз генераллар бошлайди. Жабрини эса бегуноҳлар тортади..."

Мақола аввалида қайд этилганидек, уруш санъатининг ҳамиша муҳим мавзуси бўлиб келган. Чунки санъаткорлар бу мавзуни бадиий талқин этиш орқали янги авлод онгига хунрезлилкка нисбатан нафратни сингдирадилар.

**Нодирабегим ИБРОХИМОВА,**  
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти  
таянч докторантни

## ***Har ishoratdan ogoh***

Фотография кашф этилгунга қадар тарихий шахсларнинг қиёфаси асосан ёзма маълумотлар, хотиралар, миниатюралар ва турли расмлар воситасида сақланиб келган. Амир Темурнинг ташки кўрининши ҳам баъзида объектив, баъзан эса сиёсий тузум буйруғига биноан акс эттирилган.

1941 йилда Амир Темур қабри очилгандан сўнг бош суяги асосида Соҳибқирон ҳайкалини яратиш устида тадқиқот олиб борилган. Масалага, ёзма маълумотлар бир четда қолиб, асосан антропологик усулда ёндашилган. Михаил Герасимов яратган Амир Темур бюстси кўп жиҳатдан номувофиқ эканини ўша пайтдаёт кўпчилик олимлар тъекидлган. Жумладан, Б.Пардаев алоҳида қайд этадики, ҳайкалтарошнинг Амир Темурни даҳшатли ва ўта совуқ қиёфада тасвирилашга урингани бежиз эмас ("Соҳибқиронни таниши". "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1994, апрель). "Балки бу биргина Герасимовнинг хатоси эмасдир, у яшаган давр ва жамият ўзи шундай бир жамият эдики, бошқача ёндашишнинг ўзи ҳам амримаҳол бўлган".

Илмий комиссия аъзоси, антрополог олим Лев Ошанин Темур ва темурийлар склетларининг антропологик тадқиқига бағишинган мақолосида диккатга сазовор хулосалар келтиради. М.Герасимов дастлаб Амир Темурни баланд бўйли (170 см) деб ҳисоблаган, Л.Ошанин эса ўрта бўйли (166,5 см) бўлган деб хулоса қиласди (*Антропологические исследования скелетов Тимура и тимуридов. Труды ТашГУ. Вып. 232. Ташкент, 1964. Стр. 81 – 113*).

Ватанпарвар олим, академик Иброҳим Мўминов "Темур тузуклари"ни қайта нашр эттириб, Соҳибқироннинг Марказий Осиё тарихида тутган ижобий ўрни ҳакида дадил тадқиқотларни бошлаб берган. Ф.Саломов ўз эсдаликларида устози И.Мўминовнинг бир армонини эслайди: "Таникли ўрис одамшуноси ва қадимшунос М.Герасимовнинг жаҳонгир қабридан қазиб олинган бош суяига қараб ясалган ҳайкал тасвири устознинг ғашини келтиради. Бу улуғ бобокалонимиз Амир Темур хотирасига тухмат, ўзбек халқига хурматсизлик деб қарар эди. Чунки домланинг айтишича, шавкатли бобомиз Темурбек Герасимов чизгандек даҳшатли, бадбашара бўлмаган. Аксинча, қиёфаси кўркам ва бенихоя файзли зот бўлган. Мен бир неча дафъа устознинг ўз оғизларидан Темур Кўрагоннинг сувратларини янгидан, Ибн Арабшоҳ тасвири асосида чиздириш

нияти борлигини эшитганман. Бунинг учун ҳозирги ўзбек рассомлари орасидан бирор диёнатли кишини сўраб-суринтириб юрганларидан хабардорман" (Ф.Саломов. *Ифтихор ва армон. "Ёш куч" журнали. 1991, 10-сон).*

Муаррих Ибн Арабшоҳ Соҳибқиронни қўйида-гича тасвирилайди: "Темур – баланд бўйли, тик қоматли, гўё у қадимий паҳлавонлар авлодларидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, ранги оку қизил юзли, лекин доғсиз, буғдоиранг эмас, кўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қадди-комати камолга етган, серсоқол, ўнг оёқ-қўли чўлоқ ва шол, икки кўзи бамисоли икки шам бўлса-да, шодлиги билинмас, йўғон овозли эди, у ўлимдан кўркмас, ёши саксонга етган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич (қалин) тош мисоли қаттиқ эди" (Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб, 65-бет). Худди шунга яқин таъриф Амир Темур билан яқин мулоқотда бўлган файласуф тарихи Ибн Халдун эсдаликларида келтирилган.

Амир Темур қабрини очган маҳсус комиссия аъзолари кўз ўнгидаги дастлаб келбати йирик одам суюклари гавдаланган. Дастлабки ўлчамларга кўра, Соҳибқироннинг бўйи 170 см деб эълон қилинган. Кейинги талқинларда эса бу ўлчам негадир камайтирилиб, 165 см деб "илмий" хулоса чиқарилган. Т.Хўжаев замонавий антропология фанида қабул қилинган методика асосида ҳисоблаганида Амир Темурнинг бўйи 172,5 см бўлиб чиқди. Бу салкам 70 яшар мўйсафиднинг бўй-басти. Бақувват, норғул пайтида унинг қадди-комати янада баланд, барваста бўлгани аниқ. Ибн Арабшоҳ таърифлаганидек, унинг кўрининши паҳлавонларни эслатган.

"...кенг пешонали, катта бошли..." – одамшунос олимлар қабрдан олинган калла суягини синчилаб ўрганишди, тўлиқ тафсилотларни илмий ҳисоботларда эълон қилишди – барча далиллар юқоридаги тасвифни тасдиқлади.

"...ранги оку қизил юзли, лекин доғсиз, буғдоиранг эмас... серсоқол..." – Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг рангу руҳсорини хатосиз кўрсатиб беради: у буғдоиранг эмас, балки оқ-қизил бўлган. Аҳамиятлиси шуки, мазкур маълумотлар Амир Темур наса-бида мўғул белгилари ниҳоятда камлигидан дарак беради. Мўғуллар буғдоиранг, баданида тук деярли

йўқ, кўсага мойил. Бунинг акси бўлган Амир Темур наасида туркий белгилари асосий экани сезилади. Онаси Тегина хотуннинг Бухоро фарзанди эканини унутмаслигимиз керак. Рассом Павел Беньков асримизнинг бошида Бухоро шахри алломаларининг характерли портретларини ишлаган, уларнинг юз тузилиши, соч-соқоли, кўзи, умуман, келбати баъзи жиҳатлардан бобокалонимиз Амир Темурни эслатади.

Соҳибқироннинг адолат нафаси уфуриб турган юзи, вазмин, салобатли кўриниши ҳамиша атрофдагиларни сергак тортирган. Айни шу жиҳатлари ва бағрикенглиги учун ҳам унга мусулмонлардан ташқари насронийлар, зардўшийлар, буддавийлар ва бошқа динга мансуб кишилар садоқат ила хизмат қилганини Ибн Арабшоҳ ҳайрат билан ёзиб қолдирган: “Улар Тангридан ташқари ўзларига Темурни сардор ва ҳомий деб қабул қилганлар. Улар унинг билан ўзларича кибраниб, бағоят фахрланардилар. Уларнинг куфурликлари ҳамда унга нисбатан муҳаббатлари шунчалик даражада эдики, башарти Темур пайғамбарлик ёки ипохийликни даъво қилса, унинг даъвоси албатта тасдиқланарди. Улардан ҳар бири Темурга нисбатан меҳрини восита қилиб, ўзларини Тангри таолога яқин тутардилар”.

Амир Темурнинг ўткир нигоҳидан ҳеч нарса қочиб кутулмас экан. Ибн Арабшоҳ ёзганидек, у

ниҳоятда синчков, ҳар бир ишоратдан огоҳ, юз берадиган барча ишни кўриб, билиб турад эди. “Ўз афкори билан сал бўлмаса учар юлдузни тўғри йўлга бошқарар, ўз фаросати мулоҳазалари билан ҳар бир бехато сайёра ўқини ўз орқасидан эргаштирас эди” (Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб, 66-бет).

Темур шахси ва унинг сиймоси ўтган асрда кўпгина манбаларда нотғри талқин қилинди, ноҳолис манбалар тарғиб этилди. Натижада ёш авлод онгиди ҳам унинг сиймосига нисбатан ўринизз мулоҳазалар пайдо бўлди. Ҳатто бугун ҳам айрим таълим муассасаларида (айниқса, рус тилига ихтисослашган) аҳвол ҳамон шундай. Бу борада муйайн назорат тизимини кечиктирмай йўлга кўймоқ даркор.

Соҳибқирон туғилиб ўсган қадим Кешнинг Хўжা Илфор қишлоғига бориб гувоҳ бўлдимки, бу ернинг одамлари ҳали-ҳануз Амир Темурнинг ҳақиқий тадқиқ этилган сиймосига монанд баланд бўйли, оқ юзли, кўркам инсонлар. Шукрки, бугунга келиб Соҳибқирон шахси ва сиймосига нисбатан ҳато талқинларга чек кўйилмоқда. Зоро, ҳақиқат холис илмий тадқиқотлар орқали барибир юзага чиқади.

**Шаҳло НУР,**  
Темурийлар тарихи давлат музейи  
илемий ходими

## Turkistonda sanoat qanday shakllandi?

Ижтимоий ишлаб чиқаришда ресурсларнинг аҳамияти, уларнинг моддий неъматлар яратишдаги бекиёс ўрни сўнгги асрларда файласуфлар ичидан ажralиб чиқсан иқтисодчилар томонидан таъкидлаб келинган. Уларнинг фикрича, тараққиёт асосида айнан иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш даражаси ётар экан. Ресурслардан оқилона фойдаланиш уларнинг чекланганлик хусусиятидан келиб чиқади. Шу билан бирга, жамиятда ишлаб чиқариш соҳасидаги рақобатни ривожлантирувчи мезон ҳам саналади. Чунки ресурсларга бўлган талабнинг юкорилиги улардан тежамкорлик билан фойдаланишини тақозо этади, бу эса ўз навбатида, ресурсларга эгалик қилиш ва улардан самарали фойдаланган ҳолда кўпроқ моддий неъматлар яратиш йўлида рақобатни келтириб чиқаради.

Шарқ мамлакатлари тарихига назар ташлар эканмиз, иқтисодий ресурсларга эгаликнинг ҳозирги замон иқтисодий назарияси таснифидаги хусусиятларга ҳам тўхталиш мақсаддага мувофиқидир.

Шарқда ер ва табиий мухитга Оллоҳнинг неъмати сифатида қаралган, ундан фойдаланиш вақтингачалик имтиёз экани қайд этилган. Ўрта асрлар ва ундан кейинги даврда жаҳоннинг барча мамлакатларида бўлгани каби Шарқда ҳам давлат раҳбарлари (хон, амир, подшоҳ, шоҳ, сulton ва ҳоказо) “худонинг ердаги сояси” сифатида чексиз ваколатга эга бўлган. Ушбу ваколатлар уларга илоҳий неъмат ҳисобланган ер ресурсларига эгалик ҳуқуки бўйича айрим ўзгартиришлар киритиш имконини берган. Эгалик ҳуқуки наслдан наслга ўтиш амалиёти устувор бўлган Шарқ мамлакатларида давлат раҳбари томонидан эгасиз қолган ёки

янги эгалланган ерларни мамлакат тараққиётига хисса қўшган кишиларга бўлиб бериш ҳолатлари ҳам бўлган. Марказий Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олиниши ер мулкчилигини тамоман издан чиқариб, уларни хонлар буткул мулкига айлантирган. Ернинг хонлар хоҳиш-иродасига кўра тақсимланиши тартиби жорий этилган. Хонликлардаги ер ресурслари мулкчилик муносабатлари ўлка чор Русияси мустамлакасига айланган даврга қадар амал қиласган.

Ернинг заминдорлар қўлида бўлиши ундан фойдаланиш муносабатларига ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мамлакат иқтисодиётидаги мутлақ улушни ташкил этган Марказий Осиё хонликларида ер самарадорлиги мамлакат фаровонлигини белгиловчи омил санаалган. Заминдорлар эса ерни ижарага беришнинг шариатга асосланган тизими воситасида бойиб борган. Бундан ташқари, ўша даврда маълум бўлган қазилма бойликлардан фойдаланиш хукуқи ҳам ҳукмдорлар тасарруфида бўлган.

Хонликлар даврида ер самарадорлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва меҳнат қуролларининг ривожланиши даражасига боғлиқ бўлган. Афсуски, минтақа хонликларида ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши даражаси XIII асрдаги мўғул босқинидан кейинги даврда деярли ўзгармай қолган.

Шарқ мамлакатлари қадимдан суғориш инфратузилмасининг тараққий топгани билан машҳур бўлган, инсоннинг табиатдан устунлигини таъминлайдиган дастлабки курилмалар шу ерда яратилган. Чархпалак, сув тегирмони, сунъий суғориш каналлари, кўпприклар, новлар, сув дамбалари ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Бу иншоотлар жамиятнинг энг бебаҳо иқтисодий ресурслари санаалмиш ерни қайта ишлаш ва ундан юқори даражада ҳосил олиш имкониятини яратиш билан бирга, янги тураржой, даҳа ва шаҳарларнинг вужудга келиши, шу орқали жамиятда сунъий равишда яратилувчи, замонавий назариётчилар тили билан айтганда, иқтисодий капиталнинг пайдо бўлишини тезлаштириди.

Қайд этиш керакки, ишлаб чиқариш омили саналувчи капитал ўрта асрлар Шарқида ер ресурслари ҳал қиласувчи аҳамиятга эга эмас, хунармандчilik, курилиш ва савдо соҳаларида қўлланган восита, курилма ва қуролларнинг самарадорлик даражаси ҳам паст эди.

Инсоният ривожланишининг дастлабки давридан бошлаб ўз муҳимлигини йўқотмай келган меҳнатнинг ресурс сифатидаги аҳамияти ўрта аср-

лар Шарқида ҳам тан олинган. Шунинг учун ҳам жамиятда миришкор дехқон, мохир хунарманд, уста курувчи ва диёнатли савдогарлар хурмат-этиборда бўлган. Европадаги қадим маданият ўчғи саналмиш Юнонистон ва Римда бўлгани каби, Шарқда ҳам меҳнат ресурслари ҳисобланган куллар, қарам дехқонлар, мардикорлар жамиятнинг паст табақасини ташкил қиласган. Аммо Шарқда исломнинг тарқалиши билан бу табақанинг жамиятдаги бошқа аъзоларига тенглиги этироф этилиб, уларга мулк сифатида қарашга барҳам берилган.

Ўрта асрларда аждодларимизнинг фан ва маданиятда эришган мисли кўрилмаган муваффақиятлари дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган, аммо иқтисодий ресурслардан фойдаланиш нинг қиёсий таҳлилини чеклади. Аммо чор Русияси мустамлакачилик даврида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш ҳолати хусусидаги маълумотлар бизгача тизимлаштирилган ҳолда этиб келган.

Хонликлар Россия томонидан босиб олингунга қадар минтақада фабрика ва мануфактура ишлаб чиқариши, яъни тадбиркорликнинг бирлашган капиталга асосланган кўринишлари бўлмаган. Уйда ишлайдиган дехқон ва хунармандларнинг марказлашган ва тарқоқ ҳолдаги мануфактураларининг куртаги мавжуд бўлган.

1841 йили Бухорода 6 та чўян қуйиш цехи бўлиб, уларда қишлоқ хўжалик қуроллари, тўплар учун ядро ишлаб чиқарилган. 1870 йилда биргина Тошкент шаҳрида 775 та тўқувчилик устахонаси фаолият кўрсатган. Цех ва устахоналарнинг деярли барчаси хусусий мулкчиликка асосланган, аксари оиласвий капиталнинг бирлашуви асосида шаклланган.

Туркистонни мустамлакага айлантиришдан асосий мақсад, албатта, ўлканинг бой иқтисодий ресурсларидан фойдаланиш бўлган. Мустамлакачилик сиёсати замирида, аввало, босқинчи мамлакат ҳукмрон доираларининг манфаатлари ётгани учун ҳам иқтисодий ресурсларни ўзлаштиришда рус капиталининг оқиб келиши кузатилади.

Рус капитали деганда Русия империясининг бир ҳовуч бадавлат капиталистлари сармоясини тушиуниш тўғри бўлади. Шу капитал эвазига Марказий Осиё халқлари минг йиллардан бери авайлаб-асраб келаётган ер ва еrosti бойликларини империянинг саноатлашган ғарбий худудларига олиб кетиши учун қайта ишлаш жараёни бошланди.

Маҳаллий аҳоли меҳнат кучининг сифатсизлиги рўйач қилиниб, русийзабон дехқон ва ишчилар иммиграцияси уюштирилди. Натижада асрлар мобайнида вужудга келган ишлаб чиқариш маданиятига раҳна солиниб, европача ишлаб чиқариш усуллари устуворлигига эришилди. Бу бир муддат ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига олиб келди. Аммо вужудга келган моддий неъматлар маҳаллий халқ оммаси эмас, балки рус капиталистлари манфаатлари йўлида тақсимланди.

Мустамлакачилар билан ягона иқтисодий ҳудудга эгалик иқтисодий ресурсларнинг талон-торож этилиши, қадриятларнинг камситилиши сингари салбий оқибатлар билан бирга, Туркистонга хориж капиталининг кириб келиши, европача хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига замин ҳам яратди. Ўша даврда Туркистон саноатининг ривожланиши Русияга қараганда анча паст дараҷада эди, албатта. 1908 йилги маълумотга кўра,

ўлкада 378 та саноат корхонаси мавжуд бўлиб, у бутун империядаги саноат корхоналарининг атиги 2 фоизини ташкил этган. Корхоналарнинг 60 фоизи ўлканинг йирик шаҳарларида жойлашган. Бутун Туркистон ялли саноатининг 80 фоизи пахтани дастлабки қайта ишлаш соҳасига тўғри келган. Янги завод ва фабрикалар очилиши билан капиталистик идоралар сони ҳам кўпайган. Маълумотларга кўра, биргина Қўқоннинг ўзида 16 та акциядорлик жамияти ва йирик савдо фирмалари таъсис этилган.

Ишонч билан таъкидлаш мумкинки, ўтган асрнинг иккинчи ўйниллигига келиб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида иқтисодий ресурслар, яъни ер, капитал, меҳнат ва тадбиркорлик чамбарчас боғлиқ рашвида миллат бойлигини яратишида иштирок этган.

**Малик РАВШАНОВ,**  
иқтисод фанлари номзоди, доцент

## *Asriy sirlarga shohid*

Ўқувчиларни ўлкашунослик материаллари асосида эстетик руҳда тарбиялашда тасвирий санъатнинг ўрни бекёс. Яшаб турган ўлкамизнинг гўзал табиити, ундаги топилмаларнинг қайтарилимас, ўзига хос томонларини очиб кўрсатиш, уларни образли талқин қилиш расм дарсларида жуда кўл келади. Бу ўқувчиларда ижодий тасаввурни ривожлантиришга хизмат қиласиди. Бинобарин, “Ҳаётни кузатиш, ундан таассурот олиш натижасида ўқувчиларнинг билим ва тушунчаларини доимо бойитиш, кенгайтириб бориши ижодий тасаввурни ўстиришининг муҳим шартидир. Ҳаётни кузатиш натижасида олган билим ва тушунчалар тасаввурдаги образларни осон ва шу билан бирга аниқ, ҳаққоний тасвирилашни таъминлайди” (Кузин В. Методика преподавания изобразительного искусства в 1 – 3-классах. Москва, “Просвещение”, 1979. Стр. 45).

Ўқувчи ижодий қобилиятининг ўсиши ўзи яшаб турган атроф-муҳит, ундаги ҳодисалар, археологик топилма буюмларини кўра билиши ва идрок қилишига ҳам боғлиқ. Мавзу мазмунига мос тарзда саёҳатлар уюштириш ҳам ўқувчилар билимини мустаҳкамлайди, бадиий фикрлаш доирасини кенгайтиради.

Тасвирий санъат машғулотларида фойдаланиш учун маҳаллий материаллар ғоявий ва бадиий жиҳатдан етук, мазмунан ва шаклан ўлка тарихи, табиити, маданиятига мос бўлиши, ўқувчиларда

қизиқиш ўйғотиши, уларнинг эстетик ҳис-туйғулари ва ижодий қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилиши керак.

Сурхондарё вилоятидан қадимги ва ўрта асрларга оид кўплаб маҳобатли обидалар, ноёб ёдгорликлар, ҳайкаллар, тасвирий ва амалий санъат намуналари топилган. Ушбу қадимий маданий ёдгорликлар ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Археологик тадқиқот ишлари давомида бинолар деворларидан топилган маҳобатли суратлар ғаройиб таассурот уйғотади. Топилмалар ва қўлга киритилган маълумотлар бу ерларда кулолчилик маданияти, хунармандчилик, тасвирий санъат равнақ топганидан далолат беради.

Қадимги аждодларимиз ҳаётида санъат муҳим ўрин тутган. Рассомлик ва ҳайкалтарошлиқ ривожланган. Деворий суратлар, айнан инсон қиёфасини чизиҳ анъанаси Ўрта Осиёда милодгача бўлган даврлардан бошлаб кенг тарқалган. Ўз даврида буддавийлик ва оташпарастлик кенг ёйилгани сабабли ибодатхоналар деворларига турли диний мавзудаги суратлар ишланган. Археологлар томонидан олиб борилган изланишлардан шу нарса маълум бўладики, деворга ишланган суратлар қаҳрамонлари, илоҳий, афсонавий тимсоллар вилюятнинг Қоратепа, Фаёзтепа, Болаликепа, Холчаён ва Далварзинтепа каби будда мажмуаларида сақланиб қолган. Ҳукмдорлар саройлари, қалъя ва

қўрғонлар деворларида эса дунёвий ҳаёт ҳодисалари гавдалантирилган, дабдабали қабул маросимлари, ов манзаралари ва кўпкари ҳам тасвирланган.

ХХ асрнинг 80-йилларида деворга ишланган яна бир неча қадимий сурат топилди. Тоҳаристонлик меъморлар қишлоқ ва кентлардаги маъмурӣ бинолар, меҳмонхоналарнинг ички ва ташки томонини безашда деворий тасвир, маҳобатли ҳайкалтарошлиқ ва ўйма ганчдан моҳирона фойдаланган. Товқа қўргони ана шундай ноёб обидалардан бири ҳисобланади. У милоддан аввалги даврда маъмурӣ қароргоҳ ҳамда божхона идораси бўлган. Қўргоннинг ҳашамдор зали ва 8,2x5,4 ўлчамдаги хоналари деворига санам тимсоллари ишланган. Уларда қадимдан от парваришига уста воҳа аспазодаларининг от чоптириб, ёвойи ҳайвонларни овлаши, зиёфат жараёнлари ниҳоятда жонли акс эттирилган. Ишнинг энг охирги босқичида эса беҳаклар берилган. Сўнгра суратлар устидан табиий маъданлар қоришмасидан тайёрланган маҳсус бўёқ суртилган.

Даврлар ўтиб, деворлар қулаши оқибатида бу суратлар яхши сақланмаган бўлса-да, унинг айрим бўлакларидан ов композицияси тасвирланганни сизлади. Унда тўқ қизил, жигарранг, оқ ва кулранг олтита отнинг ўлжа ортидан шиддат билан чопаётгани гавдалантирилган. Қўргон барчамизга маълум бўлган “Алномиш” достони қаҳрамонларидан бири – қалмоқ хони Тойчихоннинг қизи Товқаойим номи билан аталади. Достоннинг маҳаллий вариантларида бирида “Товқаойим қўргони гўзаллар суратлари билан безатилган” дейилади.

Асрий сирларга шоҳид қўргоннинг марказида бешта иморат бор: иккита ертўла, иккита алоҳида хона ва битта бинони иситиш хонаси. Иккинчи қават деворларига ишланган сурат композицияси сақланмаган. Олиб борилган қазилма ишлари туфайли бу ерда бутун бир портретлар галереясини ҳосил қилишга эришилди. Топилган портретлар жами 22

та бўлакни синчковлик билан бирлаштириш орқали пайдо бўлган. Суратларнинг барчасида оқ юзли, ўткир қўэли, қошлари қора, киприклари, бурни, лаблари тўқ жигаррангдаги кишилар тасвирланган. Кўлоқларига олтин сирға тақилган. Бу суратлар айланга шаклида бўлиб, зийнат берувчи доначалар билан безатилган. Айримларининг бўйинда кокили бўлган. Кокил учига оқ мунҷоқлар тақилган.

Кишиларнинг этник белгиларига қараб, уларни илк асрларда Тоҳаристонда истиқомат қилган одамлар деб ҳисоблаш мумкин.

Англашиладики, Тоҳаристонда тасвирий санъат, хусусан, портрет жанри юксак тараққий этган, уларда дунёвий ғоялар ёрқин намоён бўлган.

Айрим белгиларга кўра суратларда монийлик дини ғоялари ҳам акс этган дейиш мумкин. Ўрта Осиёда рассомлар монийликнинг ilk тарғиботчилари бўлган. Бу хусусда Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида, Беруний асарларида қайдлар бор. Ўрта Осиёда монийлик будда тасвирий санъати анъаналари билан тўқнашиб, уни дунёвий мавзуларни акс эттириш томонга йўналтирган.

Куполчиликка оид топилмаларнинг гувоҳлик беришича, Товқа қўргонида VI – VII асрлар охирида ҳаёт жўшқин кечган. Қўргон деворларидаги суратлар ҳам айни шу даврда яратилган. Топилмаларда акс этган суратлардаги кишиларнинг уст-бошлари, тақинчоқлари ҳам, қўлланган услуби ҳам шуни тасдиклайди. Бешта қадимий иншоотни ўз ичига олган бу мажмуанинг 100 метрдан кўпроқ йўлаги ҳам сақланган.

Мактабда тасвирий санъат ўлқашунослиги ҳақида фикр юритганда шуни ёддан чиқармаслик лозимки, ҳар бир ҳудуд санъати Ватанимиз умумсанъати билан узвийликда ўрганилиши зарур.

**Холбой ҲАСАНОВ,**  
Термиз давлат университети  
доценти

## Zamon va qahramon

Истиқлол даври ўзбек адабиёти яқин ўн йиллар оралиғида янги манзара касб этди. Нурилла Чори, Холиёр Сафаров, Санжар Турсунов, Жасур Кенгбоеев, Жавлон Жовлиев, Нодира Иброҳимова каби ёш ижодкорлар асарларида давр руҳи акс этди.

Нурилла Чори ҳикояларида инсон ички олами, қаҳрамон психологияси тасвири устувор. Ёзувчи ҳикоялари воқеалари асосан маълум макон – Қизғал-

доқзорда кечаётган бўлса-да, бироқ қаҳрамонлар ўй-хаёллари кенгликлар, олис мамлакатлар, баланд орзулар узра кезиб юради.

“Ташвиши йўқ одамлар” ҳикоясида Бозирган чавандоз кампидиридан кейин ёлғиз қолади, болалари кўнглига қарамагани учун аразлаб далага кўчиб кетади. “Ёш ёзувчининг кўпчилик қаҳрамонлари каби “Ташвиши йўқ одамлар” ҳикоясидаги Бозир-

ган чавандоз ҳам кўнгил одами. У тушунилишни, кўнгил истаклари топилишини хоҳлайди. Нурилла буларни айтиб ўтирамай, образни кўрсатиш, унинг феъли ва руҳияти манзарасини чизиш билан кифояланади. Худди қаҳрамони сингари ёзувчи ҳам уни тушунишларини, ниятларини пайқаб етишларини истайди” (Қозоқбой Йўлдош. Умид ёғдуси // Нурилла Чори. Ташибиши ўйқ одамлар. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашириёт-матббаа ижодий ўйи, 2019. 99-бет).

Муаллиф ҳикоя воқеаларига Бозирган чавандозни англамаган ва чавандоз ўзини англата олмаган одамларни олиб киради. Пировардида, чол яна қалби билан ёлғиз қолади. Фикримизча, чавандоз – ўринли танланган образ. Зеро, умр бўйи иззат-эътиборда яшаган қаҳрамон умрининг сўнгигача эътибор ва иззатда бўлишни исташи ниҳоятда табиий.

Нурилла Чорининг услубида яна бир хусусият диккатни тортади: воқеа аниқ-ошкор тафсилотлар билан берилмайди. Тасвирлар, диалоглар, ҳатто пейзаж ҳам ҳодисага фақат ишора қилади. Бундай услуг Габриэль Гарсиа Маркесни эслатади. Инсон руҳиятининг буюк тасвирчиларидан бўлган Маркес ҳодиса ёки фожиани очиқдан-очиқ айтиб қўймаган, унда мавхумлик билан аниқлик, реаллик билан хаёлот ҳамиша қоришиқ келади.

“Лўлитопмаслик чол” ҳикояси қаҳрамони Қулмат чўпон ниҳоятда мураккаб одам. Асар бошида унинг ювощи, беозор қиёфаси гавдаланса, кейинчалик изтиробга, армонга тўла қалби намоён бўла боради. Изтиробу ҳаёллар шу қадар оғирки, чўпон ўзини тирноқсиз, “бойўглидай бехосият” қилиб яратгани учун худони ҳам айблайди. Лекин оний юз берган бу исен тезлик билан чўпонни итоатга қайтаради. “Эй Тангрим, мендан ўтгандир. Мендан бўлмаса аждодимдан ўтгандир. Майли, нима берган бўлсанг барига, қайғунгаям, қувончинггаям шукур! Аммо мен сенинг луқмаси ҳаром, хирсига кул бандаларингдан нафратланаман. Нафратлансанм нима қиласай, ўзинг айт!”?

Ҳикоя сюжети у қадар мураккаб эмас, аммо хулоса китобхоннинг ўзига ҳавола этилади. Чўпон тақдирга тан берса-да, жамиятдаги ноҳақлиқ, одамларнинг адолатсизлигини кўриб қаттиқ хафа бўлади. Айниқса, чақалок билан бўлиб ўтган воқеа унинг шундоқ ҳам рангиз ўтаётган ҳаётини зулматга қоради. Асар охирида Қулмат чўпоннинг “самоварчи чол” бўлиб қолгани, ақлдан озгани ҳақида айрим ишоралар берилган: “Унинг ҳар замонда сакраб, кўлини баланд-баланд чўзиб рақсга тушиш одати

борлигиниям, қишлоқ этагидаги қўл балчигига ағанаб, шалварини байроқ қилиб чопиб юришиниям кўрганлар бор”.

Н.Чори ҳикояларида руҳий кечинма ва изтироблар фожиалар фонида берилади. Зеро, изтироблар юз берган фожиалар маҳсулу ўлароқ юзага чиқади.

Ёш қаламкаш Холиёр Сафаров ҳам замондошларимизнинг ўзига хос оламини тасвирлайди. Унинг ҳикояларида миллий руҳ манаман деб юзага чиқиб туради. “Ҳайдар бобо”, “Тўти момо”, “Жийрон”, “Орият” ҳикоялари бир вақтнинг ўзида миллий ва умуминсоний туйғуларни акс эттиради. Холиёр Сафаров “Ҳайдар бобо”, “Тўти момо” ҳикояларида ота-оналар ва фарзандлар муносабатини тасвирлар экан, гўзал инсоний муносабатлар ўкувчи тўлқинлантиради.

“Жийрон” ҳикоясида бир тарафдан, инсон ҳаётида тулпорнинг катта ўрин туттани, полвоннинг отга муносабати жонли тасвирланган. Отини бошқа чавандоз миниб чопса, қамчилаганда қамчи отга эмас, ўзига келиб тегаётгандек полвоннинг бадани ачишиб кетади. Иккинчидан, ёш адабни одамнинг от ҳаётидаги ўрни қизиқтирган. Ҳикояда от образи бош планда берилади. Ёзувчи жониворнинг руҳий дунёси, хис-тўйғуси, изтиробини тасвирлайди. Эгаси вафот этган тулпор – Жийрон бу айрилиқа кўнига олмайди, инсондек оҳ чекади. Отнинг изтироби дастлаб исён ва тўполон шаклида намоён бўлади. Чунки у юз берган фожиани тан олишина истамайди. Бироқ кейин тақдир ҳукми мүқаррар эканини билган каби “Бир неча бор яқин келиб, майитни ҳидлабди. Ер тепиб қайта-қайта кишинабди. Одамлар ортга қайтганда ҳам қабр атрофини айланиб чопибди. Қулоқларини зинкайтириб, чим босилган қабрни ҳидлабди, зиёратчилик атрофни икки-уч айланибди...”

Ёзувчи Жавлон Жовлиев тенгдошлари орасида биринчилардан бўлиб роман жанрига қўл урди. Унинг “Қўрқма” романи кўп ададда чоп этилди. Адаб ҳикоячилика ҳам муваффақият қозониб, жанр имкониятларини кенг оча олди. “Сталинга мактублар”, “Мустабиднинг ҳашаротлари”, “Аёл” каби ҳикоялари вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган. 2022 йилда эса “Онам ва коинот” тўплами нашр этилди. Жавлон Жовлиев ҳикояларида ҳам қаҳрамон руҳияти, инсоннинг ички дунёси ўзининг теран ифодасини топади. Айниқса, “Элбек”, “Кўк, оқ ва ола кабутарлар” ҳикояларида аёл руҳияти, ўзбек онасининг руҳий қиёфаси ниҳоятда таъсирли берилган. Уларнинг ҳар бирида сюжет ниҳоятда оригинал,

айни чоқда, бу ҳикоялар аёл рухиятининг фожиа-  
вий моҳияти орқали муштараклик касб этади.

“Элбек” ҳикоясида яқин тарихдаги пахта билан  
боғлиқ фожиалар қаламга олинган. Элбекнинг она-  
си пахта фронтида фарзандидан айрилади, кўк-  
сида умброд битмайдиган яра очилади: “Хой, Эл-  
бек... Кўксимда “Қаҳрамон она” ордени бор, менам  
қаҳрамон бўлдимми, болам!.. Пахтани оптин деб,  
минбарни замон деб сени қақшатдимми, болам...  
кўксимдаги бу орденни тўйингда эшакка тақа қилай,  
эшакка тақа бўлмаса, лўлига совға қилай...”.

Онанинг ғам-қайғу, изтироблари хатти-ҳаракат  
ва гап-сўзлар орқали берилади. Бу психологиязм-  
нинг динамик принципига тўғри келади. “Динамик  
принцип – романда ёзувчи учун ички дунёнинг –  
рухнинг кечинмаларини ташки қиёфа, ҳолат ва хат-  
ти-ҳаракатларда кўринишини тасвирлаш. Ҳиссият-  
нинг динамик равишда босқичма-босқич ривожла-

ниб бориши. Ривожланган сайн қаҳрамон қалби  
ўзининг борлигини намоён этади” (Хотам Умуров.  
*Адабиётшунослик назарияси. Тошкент, “Халқ ме-  
роси” нашриёти, 2004. 50 – 52-бетлар). Гап фақат  
психологиязмнинг қандай принцип ёки қонуниятла-  
ридан фойдаланилганида ҳам эмас, балки ёзув-  
чининг истеъоди ва маҳоратидадир. Акс ҳолда,  
рухий тасвирнинг бир неча принципларидан фой-  
даланганда ҳам асар ўқишли бўлмаслиги мумкин.*

Н.Чори, Х.Сафаров, Ж.Жовлиев ҳикояларида  
инсон рухияти теран тасвирланган. Инсонни, воқе-  
лини мустақиллик даври одами нуқтаи назаридан  
тасвирлаганлари боис уларнинг асрлари бугунги  
кун китобхонининг эстетик идеали ва руҳий олами-  
га мос келади.

**Рухсора ТЎЛАБОЕВА,**  
филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори

## Jahongashtha shoir

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатни кўпроқ  
маърифатпарвар шоир ва публицист сифатида би-  
ламиз. Аммо у ўзбек қаламкашлари орасида энг кўп  
саёҳат қилган, Осиё, Европа ва Африканинг қатор  
мамлакатларини кезиб, олган таассуротларини ўз  
ижодида ифода этган тиниб-тинчимас жаҳонгашта  
эканидан ҳамма ҳам хабардор бўлмаса керак. У Ер  
юзининг ўзи борган давлатлари табиати, ижтимо-  
ий ҳаёти ва этнографиясини ўрганган сайёҳ олим  
ҳамдир.

Фурқат дастлаб 21 ёшида (1879) ота касби  
бўлган савдогарчиликни давом эттириш учун Янги  
Марғилон, яъни ҳозирги Фарғона шаҳрига кўчган.  
Бир йилдан сўнг яна Қўқонга қайтган. 1886 йили  
Марғилонга қилган. Аммо ёзганлари ҳукмрон дои-  
раларга ёқмаган. 1889 йили Тошкентга етиб келиб,  
Чорсадаги Кўкалдош мадрасасида қарийб иккى  
йил яшаган, “Туркистон вилояти газети”да бир  
муддат таржимон бўлиб ишлаган. Тошкентда ҳам  
ҳақ сўзи, танқидий асрлари учун таъқибга олина-  
ди ва 1891 йилнинг майида зиёли савдогар Мирзо  
Бухорийнинг таклифи билан Самарқандга жўнаш-  
га мажбур бўлади. У ерда иккى ойча яшаб, Бухо-  
рога йўл олади. Июлнинг охирида поездда Марв,  
Ашхобод шаҳарлари орқали Красноводска, яъни  
ҳозирги Туркманбашига етиб келган. Каспий ден-  
гизини кемада кесиб ўтиб, Бокуга етган. Бир муд-  
дат бу ердаги маданият аҳли билан танишиб, сўнг

поезд билан Тифлис (Тбилиси) орқали Ботум (Бо-  
туми) шаҳрига жўнаган. Ботумидан кемага ўтириб,  
икки ой давомида Туркияning Қора денгиз бўйида  
жойлашган Трабзон, Самсун ва Синоп шаҳарлари-  
да бўлган. 1891 йил сентябрь охирларида Босфор  
бўғози орқали Истанбулга келган. Адабиётшунос  
Нурбой Жабборов Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва  
ижодий меросини маҳсус ўрганган, унинг амалга  
оширган сафар йўналишлари, вақти ва давомий-  
лигига аниқликлар киритган (қаранг: Жабборов Н.  
Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси:  
манбалари, матнний тадқиқи, поэтикаси. Доктор-  
лик диссертацияси автореферати. Тошкент, 2004).

Фурқат 1891 йилнинг кузи ва қишини Истан-  
булда ўтказиб, тошкентлик қадрдонларига мактуб  
тарзида 280 мисрали “Сабоба хитоб” маснавий-  
сини битган. Унда шоирнинг мазкур шаҳар, уму-  
ман, ҳозирги Туркия давлати жойлашган Кичик  
Осиё ярим оролининг табиий шароити ҳақидаги  
таассуротлари акс этган. Шоирнинг ёзишича, Ис-  
танбулнинг ҳавоси Фарғона водийсидан уччалик  
фарқ қилмайди, мижозига мос келгани учун бу  
ерда узокроқ туриб қолган. У Истанбулда турган  
йилларда (1891 – 1892) яқин атрофдаги қатор  
ўлкаларга ҳам сафар қиласди. Асрларидан унинг  
Булғористон (Болгария) ва Юнонистонда (Греция)  
бўлгани мъълум.

Фурқат юони ўлкасига саёҳати ҳакида ҳайрат билан ёзади. Ўртаер денгизи юмшоқ иқлимининг кишига ҳузур баҳш этиши, осмоннинг мусаффолиги шоир наазаридан четда қолмаган. “Румоли қиз ҳикояти” асарида эса бир юони аёли саргузаштларини романтик бўёқларда тасвирлайди. Бу асар Фурқатнинг Европа мамлакатлари географиясидан яхши хабардор эканидан далолат беради.

Шоир Истанбулда Мармар денгизида кемага ўтириб, Дарданелль бўғози орқали Эгей денгизига чиқкан ва Шарққа қараб сузуви кемалар тўхтайдиган манзилларни томоша қилган. Ўртаер денгизига чиқиб, Онадўлиниң Измир, Антalia ва Мерсин шаҳарларига саёҳат қилган, Ливаннинг Байрут портида тўхтаган. Сўнг Мисрнинг Порт-Саид шаҳрига бориб, ундан кейин Исмоилия, Қоҳира, Ал-Мансур, Искандария шаҳарларини зиёрат қилган. Миср саёҳатидан қайтаётганида Сувайш каналидан ўтади, Қизил денгизда жанубга қараб кемада сузади. 1892 йилнинг 24 февралидаги Арабистон яриморолидаги Ҳижоз ўлкасининг Жидда портига тушиб, ўша иили Макка ва Мадинани зиёрат қилган.

Н.Жабборов шоирнинг “Мухаррам ойида Жиддин ҳаракат айлаб, бандари маъмурдаги Бўмбайға келиб, ...бир мактуб ёзиб эрдим” деган сўзлари асосида шоир 1892 йилнинг августидаги Ҳиндистонга жўнаганини айтади. Демак, шоирнинг Арабистон саёҳати олти ойча давом этган. Баъзи манбаларда унинг Ҳиндистонга кетатуриб, Яманда тўхтагани ҳакида маълумотлар учрайди. Август ойининг охирларида Бўмбай (ҳозирги Мумбай) шаҳрига етиб келади. У бу ерда Ҳожи Аҳмад исмли юртдошининг ўйида яшаган, мамлакатнинг турли ҳудудларига саёҳат қилган.

Ҳиндистонда “Бўмбайдан хат” шеъри ёзилган ва у “Фурқат шоир Бомбай шаҳридан Маҳмудхўжага юборган назми ушбудир” сарлавҳаси остида “Туркистон вилоятининг газети”да босилган (30.04.1893). XIX аср охирларида Мумбай шаҳри табиити, аҳолиси, диний эътиоди, бозорлари, фойдали қазилмалари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, этнографияси қаламга олинган бу асарни бадиий-географик дурдона деб аташ мумкин. Куйидаги сатрлар ҳозирда факат Ҳиндистоннингина эмас, балки дунёнинг энг йирик мегаполислари қаторига кирувчи Мумбай XIX асрнинг охирида ҳам катта шахар бўлганини тасдиqlайди: “Ер юзуда кўрмадим Бўмбай каби шаҳри азим, / Гарчи кездим, Миср или Истанбулу Булғорлар...”

Мумбайда ўша кезларда ҳам 6-7 қаватли бинолар бўлгани, нам денгиз муссон иклим минтақасида

жойлашган бу кентнинг яшиллик, гулзор ва дараҳтзорларга бой экани, бозорларининг катталиги, гавжумлиги ҳакида ёзади.

Ҳиндистон – кўптилли давлат. Конституциясида 21 расмий тил қайд этилган. Миллий пул бирлигининг (рупия) ҳар бир банкнотида улар ўз аксими топган. Мамлакатда 1650 дан ортиқ лаҳжа мавжуд. Аҳоли ҳиндүйлик, испом, насронийлик, буддаийлик каби динларга эътиқод қиласи. Фурқат Мумбайдага Ҳиндистонга хос бўлган миллий ва диний хилма-хилликни, турли эътиқод вакиллари ҳамжиҳатлиқда яшаётганининг шоҳиди бўлиб, ҳайратга тушган: “Етмиши икки фирқадин бу шаҳарда мавжуд экан, / Бир-бiri бирла аролаш муслому фўжжорлар...”

Ҳиндистоннинг ўсимлик ва ҳайвонот олами жуда бой, аксари эндемик, яъни шу ҳудудгагина хос бўлган турлар. Бу замин дунёдаги барча сут эмизувчиларнинг 7,6 фоизи, кушларнинг 12,6 фоизи, судралиб юрувчиларнинг 6,2 фоизи, балиқларнинг 11,7 фоизи, барча гулли ўсимликларнинг 6 фоизига ватан ҳисобланади. Ҳайвонот ва наботот оламидаги бундай хилма-хилликни Фурқат ўз шеърида усталик билан ифодалаган:

Мўрдин филу дамону пашшадин анқогача  
Анда бор оламда ўлса ҳар қандайин жондорлар.

Ҳиндистон яриморолининг асосий қисмини эгаллаган Декан ясси тоглиги ўта қадимий платформада жойлашгани боис фойдали қазилмаларга бой. Буюк географик кашфиётлар даврида ҳолландиялик сайёҳ Ваксо да Гама томонидан Африканинг жануби орқали Европадан Ҳиндистонга денгиз ўйли очилгач (1498), Мумбай асосий портлардан бири сифатида табиий бойликлар, жумладан, европаликлар учун қимматли зираворларни экспорт қилишда муҳим роль ўйнаган. Фурқат ҳам Ҳиндистонни “Ер юзидағи фойдали қазилмаларнинг барчasi мавжуд бўлган мамлакат” дея таърифлаб, уларнинг “ҳаммасини баён этиш учун юз варақ ҳам етмаслиги”ни таъкидлайди.

Шоир Мумбайдан сўнг Жамму орқали Чинга (Хитой) ўтиб, Тибет, Хўтсан орқали Ёркентга сафар қилган. Шундай қилиб, жануби-гарбий Осиё, жанубий Европа, шимолий Африка ва жанубий Осиё мамлакатлари бўйлаб қилган икки ярим йиллик сафари 1893 йилнинг сентябрь ойида Ёркентда якунланди. У умрининг охиригача – 16 йил шу ерда яшаб қолди. Нима учун айнан Ёркентда яшаб қолгани сабабини шоир Қўқондаги дўстларига ёзган мактубларидан бирида очиклайди: Ёркентнинг табиити, об-ҳавоси Қўқонникига ўшаш, ёркентликларнинг хушчақақ

ва мемондустлиги ҳам Фуркатни ўзига ром этган. Шоир 51 ёшида вафот этгач (1909), дастлаб Ёркентнинг эски шаҳар қисми Донгдор маҳалласидаги қабристонга дағн этилади. 1957 йили қабри шаҳарнинг шимол тарафидаги “Ўзбеклар мозори”га кўчирилиб, устида гумбазли мақбара барпо этилади, у жой тез орада зиёратгоҳга айланади.

Фуркат замондоши ва Кўқон адабий муҳитининг таникли вакилларидан бўлган Муқимий асос соглан саёҳатнома жанрини янада ривожлантириди. Муқимийдан фарқли ўлароқ, унинг сафар эсдаликлари анча кенг. Фуркат дунё харитасидаги 20 га яқин мамлакатнинг 50 дан ортиқ шаҳрига ташриф

буюриб, у ерлардаги ҳаёт, ижтимоий аҳвол, ахолининг турмуш тарзи ҳақидаги қимматли маълумотларни ўз асарларида баён қилган. Осиё, Европа ва Африка бўйлаб 20 минг километрдан ортиқ масофани босиб ўтган. Пиёда, отда, от-аравада, поездда, кемада саёҳат қилган. XIX аср охиридаги ижтимоий шароит ва сайёхлик инфратузилмалари тараққиёт дараҷасини инобатга олинса, бу Фуркатнинг нақадар жасур ва шижаоткор сайёҳ бўлганини кўрсатади.

**Каромиддин ГАДОЕВ,**  
география фанлари номзоди

## Mazhab va maqsad

Захириддин Муҳаммад Бобур ва Шоҳ Исмоил Сафавий муносабатларининг моҳияти испломдаги икки оқим – суннийлик ва шиалик ўртасидаги ўзига хосликни очиш орқали ойдинлашади.

Сунна – Куръондан кейин асосий мукаддас манба; суннийлик VII асрда шаклланиб, халифаликдаги ижтимоий муносабатлар, зиддиятлар, мағкуравий курашларда акс этган. Шиалик испломдаги иккичи йирик оқим бўлиб, исплом жамиятида ҳокимиyият масаласида келиб чиқсан ихтилоф ҳосиласидир (*Хуснiddинов З., Абдусатторов А. Исломдаги оқимлар: хорижийлик ва шиалик. Тошкент, 2003. 51-бет.*).

Суннийлик қисман Эрон, Жанубий Ироқ, Яман, Марказий Осиё, Кавказ, Волгабўйи, Сибирь, Кичик Осиё, Миср, Шимолий Африка, Хитой, Афғонистоннинг бир қисми, Индонезия, Малайзияда кенг тарқалган бўлса, шиалик Эрон, Озарбайжон, Баҳрайн, Ироқ, Ливан, Яман, Афғонистон, Туркия, Сурия, Кувайт, Покистон, Бирлашган Араб Амрликлари, Тожикистоннинг жануби-гарбий ҳудудида тарқалган.

Икки йўналиш ўртасида ақида ва фикр борасида ихтилофлар бор, аммо ўзаро муштарак жиҳатлар кўпроқ: моҳият масаласида мақсад яқдил, ҳодиса масаласида тафовут мавжуд. Ҳар икки оқим тарафдорлари ҳам ягона Оллоҳа эътиқод қиласидар, Оллоҳ Расулиниң пайғамбарлик миссиясига ишонадилар...

Шоҳ Исмоилнинг фаолияти сўфий-дарвешлик билан тулашиб кетган. Унинг исмига қўшиб айтиладиган “сафавий” сўзи XIII аср охирида Эрон Озарбайжонида зоҳидия тариқатидан ажralиб чиқсан тармоқ номи билан боғлиқ. Зоҳидия тариқати шайхи

Зоҳид Гилоний вафотидан сўнг шайх Сафийуддин Исҳоқ Ардабилий (ваф. 1334 й.) муршидлик қилган. Кейинчалик тариқат “сафавия” номини олган.

Сафавия шайхларининг ҳарбий таянчи қизилбошлар эди. Ушбу тариқатнинг диний оқимдан сафавийлар сулоласига айланиши Шоҳ Исмоил ҳуқмронлиги даврида рўй берган. Исмоил Сафавий 1499 йилда қизилбошларга етакчилик қилиб, ширвоншоҳларга қарши уруш бошлаган ва зафар қозонган. 1501 йилда эса Озарбайжонга юриш қилган. “Шурур” урушида ғолиб келгач, ўзини “сафавия шайхи” деб эълон қилган, танга зарб эттирган. Табриз янги давлатнинг пойтахти бўлган (*История Востока. Т. III. Москва, Восточная литература, 2000. Стр. 100 – 101.*).

Исмоил Сафавий бошчилигидаги қизилбошларнинг тарих саҳнасига чиқиши Яқин Шарқнинг диний манзарасини ўзгартирган. Шиалик XV асрга келиб Сурия, Баҳрайн, Шарқий Арабистоннинг бир қанча кичик жамоалари, шу билан бирга, Эроннинг айрим шаҳарларига тарқалган, давлат дини деб эълон қилинган.

Сафавия шайхлари шиалиқдан мағкуравий курол сифатида фойдаланган. 1499 йил Исмоил I бошчилигига Сафавия тарафдорлари Оқ қўюнли давлати устидан ғалаба қилгандан сўнг сафавийлар давлати (1502 – 1736) ташкил топган. Ушбу давлат Усмонийлар империяси ва ўзбек хонлари билан узлуксиз уруш олиб борган (Эфендиев О. Азербайджансское государство Сефевидов в XVI в. Баку, “Элим”, 1981. Стр. 132).

Шайbonийхоннинг темурийларга қарши 1500 – 1509 йилларда олиб борган шиддатли урушлари оқибатида Мовароуннаҳр, Хоразм, Хурросон каби

худудларни ўз ичига олган Шайбонийлар давлати вужудга келган. Шоҳ Исмоил Шайбонийхонни ҳам шиаликни қабул қилишга даъват этган. Буни ҳақорат деб билган Шайбонийхон нописандлик билан жавоб қайтарган. Марв яқинидаги Махмудобод қишлоғида бўлган жангда (1510) Исмоил Сафавий шайбонийлар армиясини мағлубиятга учратади, Шайбонийхон ҳам шу жангда ўлдирилади. Асрлар орасидаги Хонзодабегимнинг Бобур Мирзонинг опаси экани маълум бўлгач, уни ўғли Хуррамбек билан Кобулга – Бобур Мирzonинг хузурига юборади.

1511 йил январида Бобур Мирзо Самарқандни учинчи марта қўлга киритиш мақсадида Сафавийдан ёрдам сўрайди.

Суннийлик ақидасида мустаҳкам шайбоний сultonни Суюнчхўжакон (1454 – 1524) бир муддат Самарқанд ҳокими бўлган. Суюнчхўжакон – Шайбонийхоннинг жияни, Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбекимнинг ўғлидир. Шайбонийхон вафотидан сўнг қисқа вақт ҳукмронликни қўлга олган. Манбаларга кўра, Бобур Мирзо Самарқандни қўлга киритиш учун шиаликни қабул қилиш, хутба ўқитиш, Шоҳ Исмоил номига танга зарб этиш, сафавийлар бош кийимини кийишга рози бўлган. Буларнинг барчаси унинг Шоҳ Исмоилга бўлган хурмати натижасидир (Хуршид Даеврон. Самарқанд хаёли. Тошкент, 1991). Миниатюраларда Бобур Мирзо бошига ўн икки қаватли қизил салла ўраган ҳолда тасвирланган. Адабиётшунос олим З.Исомиддинов бу сурат шиа рассоми томонидан чизилгани, Бобур Мирzonинг салласи ҳалигача сунннийларга мувофиқ ишланмаганини танқид қилган эди.

Фикримизча, икки ҳукмдорни бирлаштирган ришта ижодкорлик, руҳий яқинлик бўлиши ҳам мумкин. Бобур Мирзо Шоҳ Исмоилнинг Хатой тахаллуси билан ижод қилганини қайд этган. Унинг девони, “Даҳнома”, “Ўгитнома” каби асарлари бор. Иккинчидан, Бобур Мирзо Шайбонийдан қаттиқ жабр кўрган; Шоҳ Исмоил эса унга яқинлари қилмаган яхшиликини қилган, Самарқанд таҳтини қўлга киритишига ёрдам берган. Пойтахтни қўлга киритиш орқали Соҳибқирон бобоси салтанатини тиклаш унинг орзуси эди. У Самарқанд таҳтини биринчи марта 1497 йилда, 1500 йилда иккинчи марта эгаллаган, аммо маҳаллий зодагонларнинг кўпчилиги Бобур Мирzonи кўллаб-қувватламаган. 1501 йилнинг баҳорида Шайбонийхон билан бўлган жангда енгилиб, шаҳарни тарқ этган.

Бобур Мирзо 1511 йил октябрда ҳам сафавий-иттифоқчилар кўмагида Самарқандни қўлга киритган, аммо вассал сифатида ҳукмронлик қилган. “Ислом энциклопедияси”га кўра, Бобур Мирзо сиёсий сабабга кўра вақтнча шиа ролини ўйнаган – бу унинг стратегияси эди.

Шайбоний сultonлар 1512 йилнинг баҳоридан Мовароуннахрни қайтадан қўлга киритишига ҳаракат бошлаган. Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахон 1512 йил 28 апрелда Бухоро воҳасидағи “Қўли Малик” жангидаги Бобур устидан ғалаба қозонган. Бобур Мирзо Бухорога чекиниб, у ердан Самарқандга, омон қолган лашкари ва оиласини олиб, Ҳузор орқали Кобулга йўл олган.

Бобур Мирзо Мовароуннахрни отамерос мулк деб ҳисоблагани учун бу заминда шайбоний сultonларнинг ҳукмронлик қилишига рози бўлмаган. Самарқандни тўртинчи марта эгаллаш мақсадида яна бир бор Исмоил Сафавийдан ёрдам сўраган. Шоҳ Исмоилнинг ўрта Осиёда шиаликни ёйиш, шайбонийларни енгиш ва ўз таъсирини сақлаш каби ҳам маънавий, ҳам сиёсий мақсади бўлган. Шу боис 1512 йили лашкарбошиси Нажми Соний бошлилигига 60 минг жангидан иборат кўшинни Бобур Мирзога ёрдамга юборган.

“Музаккири аҳбоб”да келтирилишича, Бобур сафавийлар ёрдамида Ғузор ва Қаршини эгаллайди. Нажми Соний Қаршининг 15 минг аҳолисини қатлиом қиласи, Бобур Мирzonинг эътирозига кулоқ солмайди. Сафавийлар Ғиждувонни қамал қиласи. 1512 йил 24 ноябрда бўлиб ўтган Ғиждувон жангидаги Жонибек Сulton ва Убайдуллахон бошлилигидаги бирлашган кўшин ғалаба қозонади. Нажми Соний рақиб кучини тўғри баҳолай олмагани, манманлиги, Бобур Мирzonи жангдан деярли четлаттагани, ўжарлиги туфайли мағлубиятга учрайди.

1513 йил бошида Убайдуллахон Хурсонга юриш қилиб, сафавийларга кучли зарба беради ва Марвни эгаллайди. Шоҳ Исмоилнинг вафот этиши билан (1524) минтақада сафавийлар ҳукмронлиги бутунлай тутатилади. Бу воқеалар Бобур Мирzonинг Мовароуннахр ҳукмронлигидан узил-кесил маҳрум бўлгани, қарийб 130 йил ҳукм сурган темурийлар салтанати барҳам топганини англатар эди.

**Замирахон ИСОҚОВА,  
фалсафа фанлари доктори**



## SUMMARY

**“When the Eye of Blindness Opens...” – An Interview with Art Historian Aleksey Ulko. pp. 4-17.**

To what extent are the influences of post-colonial thought preserved in the art of Central Asia, particularly in Uzbekistan? Which side will prevail in the conflict between traditionalism and modernism? How can real art be preserved when there are fewer and fewer connoisseurs of it? These pressing issues were discussed in the interview. “In today’s situation, the state must create a creative environment for various experiments, support the free initiatives of creators, and take appropriate measures to encourage them,” concludes art critic A.Ulko.

**Temur Juraev: Was Huntington Right? pp. 32-37.**

Around thirty years ago, the American political scientist Samuel Huntington proposed the idea that “civilizations will inevitably clash at some point, and this clash will mark the final chapter in human history, culminating in a decisive victory for Western civilization.” The author of this article engages in a dialogue with Huntington’s perspective, delving into the perilous implications of such a clash of civilizations. “In our current context, we believe that the focal point of global politics and economics is shifting from the West to the East,” states Professor T.Juraev.

**Murtazo Karshiboy: Fragmented Essence of My Language. pp. 38-47.**

“The Uzbek language has suffered the loss of numerous distinctive traits as a result of the unscrupulous language policy of the former Soviet Union. The Turkic components inherent to our language, being part of the broader Turkic language group, faced the threat of obliteration. Notably, there were attempts to detach the Uzbek literary language from its inherent characteristic of vowel harmony,” underscores the author. The article delves into the significance of vowel harmony in shaping the evolution of the Uzbek language.

**Viktor Alimasov: Pioneer of the Scientific Revolution. pp. 86-93.**

This year commemorates the 550th anniversary of the renowned Polish astronomer, Nicolaus Copernicus. In light of this milestone, this article delves into the significant contributions of this scientist to global science. “By introducing the doctrine of heliocentrism, Copernicus rejected the geocentric model that had prevailed for 1500 years, establishing itself as both a religious and philosophical doctrine. He was the pioneer to propose that the Earth orbits the Sun and rotates on its own axis. This breakthrough significantly reshaped our understanding of planetary existence,” the article emphasizes.

# Zulmanki yoritar donish chingozi

**Я**қында АҚШ фазовий тадқиқотлар агентлиги “James Webb” телескопи ёрдамида олинған нодир фотосуратни эълон қилди. Инсон закосига тасанноки, Ер сайёрасидан 390 ёруғлик ишига тенг масоғада жойлашган Ро Илонбардор (*Rho Ophiuchi*) түркүмінде мансуб юлдузларнинг “түғилиши” илк бор тасмага муҳрланды!

Импрессионист мусаввир чизған расмни ёдга солуевчи фотолавҳада вазни Қуёш билан баробар эллик өгли навқирон юлдуз акс этганд. Капалак каби ўз тұмбагини ёриб чиққан айрым юлдузлар ёрқын нур сочаётпір, айримлари эса чанға қатламлары ортида, таъбир жоиз бўлса, ҳали ҳомила ҳолида. Ҳайратанғыз тасвирга боқиб, беихтиёр “Осмонлару Ернинг яратилишида акл әгалари учун белги-апломатлар бор” деган илоҳий мұждани эслайсиз.

“James Webb” телескопи – АҚШ, Канада ва Европаниң пешқадам олимуму мұхандислари яратған мұжизақор ускуна, коинот узра парвоз қилаётгандын улкан расадхона! У наинки она Ерни ўз бағрига олған Қуёш тизими, балки ундан хориждаги галактикалар эволюциясы, сайдерлар атмосферасы ҳақида янғы билимларни шакллантиришга хизмат қилаётпір.

“Ақп қўпга етказар, ҳунар – кўкка” деганлари ҳаққи рост. Кечагина “сирли осмон тоқига илк нарвон кўйган” башар фарзанди буғун ҳатто олис юлдузларнинг “умр иўли”ни тадқиқ этаётпір. Илму маърифатни маёқ деб билар экан, инсоният бундан-да оламшумул қашфиётларга қўл ургуси!..